


Аҳматкул ЭРГАШЕВ, Темур ЭРГАШЕВ

ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ



Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2009


Ушбу рисолада инсон тирикликнинг гултожи эканлиги, ҳар бир одам бир олам, бу ўтар дунё, инсоннинг эволюциядаги ўрни, оламда одамнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, ақл-идроки, кўриш, эшитиш, фикрлаш, куч-кудрати, нафас олиши, модда алмашиниши, сабр-тоқати, инсоннинг руҳий дунёси, тириклиги, инсоннинг пайдо бўлишига оид фикрлар, инсонни яшаш муҳитининг палиоэкологияси, ҳозирги муҳит экологияси, диний ва дунёвий ғоялар, инсон экологияси ва озуқаси, демографияси, ирқлари, тарқалиши, инсон муҳитининг ҳозирги экологияси, хавфсизлиги таърифланган.

Рисола расм ва жадваллар билан бойитилган.

Масъул мұхаррір:
биология ғанлари доктори, профессор
А. Шералиев

Тақризчи:
биология ғанлари доктори, профессор
Х. Олимжонова

Мазкур китобнинг чоп этилишига Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиши қўмитаси ҳомийлик қилган.



ISBN 978-9943-09-880-0

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 2009 йил.

Бу диёр ичра халқдан ҳаргиз
Менга бир шафқату иноят йүк.
Ёки бу қавм маърифатсиздир,
Ёки ҳеч манда қобилият йүк.

Фузулий

Биз ўз асарларимизни, қалб қони, юрак закоси, кўз нури, тугма
мехримиз билан яратдик.

* * *

Яшаш муҳитга ҳурмат бўлмаган жойда табиат очкўзлар, ... бефа-
росатларнинг қурбони бўлади.

* * *

Табиатта эътиборли бўлсанг, табиат ҳам сенга эътиборли бўлади.

I БОБ

ИНСОН ТИРИКЛИКНИНГ ГУЛТОЖИ

«Дунёнинг тилаги, самари ҳам биз.
Ақл кўзин қораси – жавҳари ҳам биз.
Тўғарак жаҳонни узук деб билсак,
Шаксиз унинг кўзи-гавҳари ҳам биз».

Умар Хайёи

Ҳеч кимга сир эмаски биз жуда катта сирли оламнинг турли-туман мўъжизалари ичida яшадик, яшаётимиз ва яшаймиз. Олам мўъжизаларини кўриб: эй, худо, бу қандай ажиб дунё, унинг гўзаллигини, хилма-хиллигини қандай яратдинг деб ҳайрон қоламиз, қадимий олам ажойиботларини кўриб хайратланамиз. Дунёни, унда яшаётган миллатларни, катта-кичик сайёralарни ва шулардан бири Ерни ва унда ҳаётни пайдо бўлиши мўъжиза, тириклик, уни хилма-хиллиги ҳам мўъжиза шу хилма-хил тириклик ичida энг содда тузилган амёба, бактериядан тортиб қушлар, қўён, от, одамзоднинг кўпайиши, ҳаракати, ўсимликларнинг ўсиши, гуллаши – ҳосил бериши ва шу тириклик ва ҳ.к. ҳар қандай ташқи таъсирни сезиб, унга жавоб қилиши мўъжизадир. Аммо, ҳар бир мўъжизакор тириклик вакили яшаш учун яратилган бўлса-да, бактериядан одамгача улар ҳаётини интиҳоси бор, яъни бир тирик жон-зодни – лолақизғалдоқдан тортиб то инсонгача умри ўлчовли, ҳаётнинг узлати, муддати бор. Табиатдаги ҳар бир тирик жон-зодни яшаш вақти ва охири бор. Бу ҳам олам борлигининг мўъжизасидир.

Табиатдаги тирик жон, зодлар ичida инсонга тенг келадиган мавжудот йўқ. Инсон – буюк, мафтункор, ўзига хос кўринишга эга бўлган мўъжиза. Инсон ўн саккиз минг оламнинг минг бир мўъжизаларининг энг улуғи, қиёслаб бўлмайдиган, тенги йўқ мўъжизасидир. Шу ўн саккиз минг оламдаги 100 млрд.дан ортиқ галактиканинг қайси бириладир ҳаёт, тириклик бўлса, шуларда Ер сайёрасидаги инсон каби мукаммал яратилган жонзод бормикан?

Ўзга сайёralардан келган сайёralикларнинг боши, кучи, тана ва кўл-оёғи бўлгани билан улар ердаги инсонлардан мутлақ фарқ қила-дилар. Инсон ўзга сайёralиклар, умуртқали ҳайвонлардан сут эми-зувчиларни (қуш, қўён) эмбрионал ривожланишининг бошлангич даврига ўхшайди.

1. I. Ҳар бир одам – бир олам. Ер сайёрасининг инсони мукаммал ва foят мураккаб тузилган, яъни ҳар бир одам – бир оламдир.

Демак, ҳар бир одам – бир олам дейилишининг маъноси, дунёни, унда ҳаётни ва инсонни яратилиши ўзига хос мўъжиза. Табиатда

яратилган тирик жонзотлар ичиде инсон бир томчи суюқликни она-нинг тухум хужайрасига қўшилишидан ҳосил бўлган нутфасидан юзага келади, ривожланади, тугилади, улгаяди, балоғатга етади, умри давомида бетиним ва зоҳирий билимларни эгаллайди. Ҳаёт сир-асрорлари унинг миясига жойланади, тўпланади, уни билишга, ўлчашчамалашга ёки инсон ақдими башорат қилишга ҳеч ким қодир эмас. Масалан, инсоннинг юз-кўзига ҳар қанча тикилган билан, унинг дилида нима борлигини, у нима ҳақида ўйлаётганлигини мутлақ билб бўлмайди. Инсондаги яширин сирлар бу бир олам, инсон дунёга сирли келиб, умрини доимий ҳаракатда ўтказади. Шу жараёнда қандайдир ишларни инкор этади, бажаради ва баъзи ниятларни амалга ошира олмасдан сирли дунёга ғойиб бўлади. Бу ажойиб, мафтункор дунёдан кетган бирорта жонзод, инсон қайтмаган, қайтмайди ҳам, бу табиатнинг қонуни. Умар Ҳайём айтганидек:

“Келдилар-кетдилар,
Келдик-кетамиз”.

Инсон қаердан келяпти-ю, қаерга кетяпти, ҳаётни бошланиши қандай бўлгану, интиҳоси нима билан тугайди, ҳеч ким билмайди.

Доимо ҳаракатдаги оламнинг мантиқ-мақсади тириклик бўлиб, унда ўсиш, улгайиш ва ривожланиш жараёни давом этиб одамлар бир-бирига қадр-қимматли; меҳр-оқибатли бўлиб улгаяди ва инсон камолотга, улуғ чўққиларга кўтарилади. Инсон ҳаётида содир бўладиган буюк воқеа-ҳодисаларнинг сирларини билиш, каромат қилиш учун унга Оллоҳ томонидан, ғойибдан илоҳий куч-кувват ато этилган. Инсонга буюк ақл-идрок берилган бўлиб, шу ақл-идрок яхшилик йўлини ёритиб туради.

Инсон табиатнинг нодир мавжудоти, ундаги фусункорлик, доно ва зукко ақл-идрок, юксак иродади ва сабр-тоқат бирорта тирик жонзотда йўқ, инсон қалбida доимо севинч-кувонч билан бир қаторда зам-қайғу ҳам бўлади.

Инсоннинг Ер сайдерасида нақадар азизлиги, унинг умр қечириши учун ҳамма нарса муҳайё этилганлиги, озуқа-неъматлари етарли қилинганлигининг ўзи бир мўъжизадир. Инсонга берилган буюк неъматларнинг сон-саноги йўқ, улар ўз-ўзидан ҳосил бўлишининг сир-синоатларига етиб бўлмайди.

Инсоннинг тириклик неъматларига бу ёруғ дунёда тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш, соғлом юриш, табиатни ноз-неъматларидан баҳраманд бўлиш, орзу-умидда кеча-кундузни севинч ташвишлари билан ўтказиш фақат инсон зоти учунгина хосдир.

Лекин, биз ношукр банда Оллоҳ ином этган табиат неъматларидан шукроналик билан фойдаланмаймиз, босар-тусарни билмаймиз, исрофгарчиликка йўл қўямиз, яшаб турган муҳитимизни ифлос қилалими, сувни ортиқча сарфлаймиз, ифлослантирамиз, ҳавога чанг-

түзөн, тутун чиқарамиз, тупроққа зағарли моддалар ташлаймиз, дарахтларни синдирамиз, кесамиз, ўт қўямиз, ҳайвонларни ўлдирамиз ва бошқа ишларни қилиб, тиник ва тинч ҳётни булгаймиз, ҳаром-ҳаришга қўл урамиз, бир кун келиб умрни тугашини билсақ ҳам, хаёлнинг тизгинини узун қўйиб самода учеб юрамиз, ҳали узоқ ҳаёт кечирадигандек саъй-ҳаракатларга қўл урамиз, умрни тугашини, қилган ёмон ишларимиз учун, одамларга берган зиён-захматларимиз учун изтироб, афсус-надоматлар ҳам чекамиз. Биз баъзан тирикликнинг азизлигини унутамиш-да билар-бильмасдан беозор чумолига ҳам озор берамиз. Инсонга берилган ақл-идрок, фаросат инсон жисмининг энг азиз бўлали бош мияга жо этиб қўйилган. Инсоннинг ақл-идроқи табиатнинг олий иноми, мўъжизаси. Инсон ўзининг ақл-идроқи орқали табиат қонунларини очди; галактикалар ва улардаги сайдераларни сир-асрорларини ўрганди, Ер сайдерасининг ҳукмдори, гултожи бўлди.

Ақллилик ҳукмрон бўлган пайтда инсонлар ўртасида баҳтли ҳаёт, кут-барака, тарбияли болаларнинг ўсиш-улғайиши кузатилади. Ақл неъмати билан инсонлар ҳаётда лаззат шарбатини ичадилар. Бу ҳақида Мавлоно Жалолиддин Румий: “Кўзни юмгил, кўзга айлансин дилинг” деб бежиз айтмаган. Халқимизда “Ақли йўқ девона, девона эса шўрпешона” мақоли бекорга айтилмаган, чунки ақл ишлатилса ҳаёт равшан бўлади.

Маълумки, табиатдаги бор мавжудотни ҳаммасида озми-кўпми ақл бор, аммо энг олий даражадаги ақл фақат инсондадир. У бутун борлиқни ақл-идрок билан ҳис этади, билади ақл-фаросат билан эса фаҳмлайди, англайди. Инсондаги яна бир мўъжиза ва Оллоҳ берган улуғ неъмат — бу сўзлаш қобилияти бўлиб, бу мўъжиза бирорта бошқа жонзодларда йўқ. Сўзлаш инсонни ақл чироғини ёритади, равшан қиласди. Инсоннинг умид-истагини ифода этади, дил жумбоқларини ечади, инсонлар ўртасида алоқа воситаси бўлиб, сўзлашдаги тил инсон дилини оҳанг ифодасидир. Инсон тили ширин-асалли, раҳм-шафқатли, қаҳр-ғазабли, қотилу-заҳарли ҳамдир. Оғиз ичиди турган тил хавфсизdir, ундан ақлли сўз чиқади. Тинимсиз сўзлаган тиддан маъносиз сўзлар чиқади, фарагзўйлик, ифво, ҳасадгўйлик юзага келади. Инсонлар бекорга айтишмайди: “тил забоннинг сарбони бўл, яхши сўзнинг қурбони бўл”. Мақол бор: Одам борки, ширин сўзнинг гадоси, ширин забон — одамларнинг аълоси.

Табиатдан инсонга берилган бир мўъжиза бу — қўриш қобилиятидир. Дунё ва унинг табиатининг ранг-баранглиги, ўсимлик ва ҳайвонот олами, дарё-кўллар, қорли тоғлар, булутли-булутсиз осмон, ундаги сон-саноқсиз юлдузлар, кометаларнинг учиши, Ой-Қуёшни чиқиши ва ботишидаги рангли нурлар, уларни минг хил тусда товлашиларини қўриш инсон қалбига қанчадан-қанча ҳиссиётлар, завқ-

ланишлар олиб келади. Самодаги ва Ер юзидаги табиий гўзалликлар, гуллар, қушлар, отлар, инсонлар гўзаллиги, чиройини фақат кўз орқалигина ўз ифодасини топади. Борлиқни кўриш, завқланиш, дилга жо қилиш – бунинг ҳаммаси кўзнинг кўриш мўъжизаси орқалидир.

Кўз – инсон қалбининг кўзгуси бўлиб, у бутун дунёни, ёруғ олами намоён этади. Бутун борлиқни бир қадам қиласи, бор гўзалликни одам дилида булоқ сувидек тиниқ кўрсатади. Унда инсон вужудидаги севинч, қайфу ўз аксини топади.

Халқ мақоли бор: “Оллоҳ ёмон кўздан асрасин”, ёмон кўзлар ёвуз ниятли бўлади. Яхши инсонлар ёмон нарсаларни кўрмайди.

Инсондаги яна бир мўъжиза – бу эшитиш қобилияти бўлиб, шу қобилият орқали инсон чархи фалакнинг турли садоларини, қушлар сайрашини, ҳайвонлар товушини, дараҳт шоҳ-баргларини шамолда шитирлашини, самолёт товуши, ёш боланинг йифиси, она алласи, турли мусиқа садо-ю товушларни эшитади, ҳис қиласи: буларнинг ҳаммаси инсонни ҳаяжонгә солади. Инсон туғилибдиши шу садо-тovушлар ичиди яшайди. Оламда, табиатда ва инсонлар жамиятияда бўлиб ўтадиган мулоқат фақат эшитиш орқали юзага келади. Дунёдаги барча ҳаракат оҳанг-овозлар билан гўзалдир. Овоз-товуш, оҳанг инсон руҳига роҳат, дилга-қалбга қувват ато қиласи аммо ортиқча товуш, шовқин, ёқимсиз мусиқа инсонни безовта қиласи, унинг руҳи чарчайди. Бекорга айтмаганлар: “ёқимли овоз – дилга ҳамроҳ”, жаҳл-дўқдан яратилган овоз дилини вайрон қиласи. Эрта саҳарда булбулни сайрашию, эшакни ҳанграши ўртасидаги фарқ ер билан осмончадир.

Парвардигор Олам табиатдаги ҳар бир тирик жонзотга қуч-қудрат ато этган. Бу мўъжизага ақл-идрок қўшилса, одамзот бутун тирик мавжудотдан куч-қудрат борасида устун бўлади. Инсоннинг куч-қудрати меҳнатда, яъни ер чопиш, юқ тортиш, тош кўтариш, девор олиш, оғирини енгил қилиш, паҳлавонлар билан кураш тушиш, бокс тушиш каби ҳолларда куч-қудрат намоён бўлади. Инсонни куч-қудрати фойдали ва савёбли ишларни бажаришга сарф бўлгани яхшидир, акс ҳолда одам ҳаддидан ошиб каттаю-кичикка озор берса, жонзодларни қийнаса, ундан одамга: “у дилозор, ундан худо ҳам безор” дейилади.

Халқ мақолида айтилишича: “Қувватинг борида – жони жаҳонсан, кексайиб кучинг йўқ, нотавон жонсан”.

Инсон куч-қуввати ошганда такаббурлик қиласи, босар-тусарини билмай қолади, кексайган чоғида эса куриб қолган дараҳтдек, шоҳсиз, баргсиз, бир тирик жонзодга соя ҳам бермай қолади, хорузор бўлади. Шунинг учун куч-қудрат, файратни ақл-заковат билан қўшиб ҳамжиҳатликда олиб борган инсон, Оллоҳ берган неъмат орқали юксакларга кўтарилади ва истиқболга эришади.

Инсонда ҳайвоний нафс бўлиб, у икки хилдир, биринчиси ин-

сон хоҳиши, уни вужудининг хоҳиши, истагидан келиб чиқиб, дунёнинг лаззати ва неъматларидан, маънавий, моддий бойликлардан, Оллоҳ ато этган барча ҳалол нарсалардан баҳра олишдан иборат.

Нафсини тийган одам азиз бўлади. Меъёрида, бир кунда икки маҳал овқатланган одам соғлом бўлади. Афсуски инсон нафсининг жилови йўқ. Нафси тўхтатиш учун инсонда жуда катта куч-ирода бўлиши керак. Ирода бўлмаса нафс балоси ғолиб келади, уни тўхтатиб бўлмайди ва инсон ўзини ўтга уради, сувга ташлайди, турли бало-қазоларга гирифтор бўлади. Ҳазрат Фаззолий: “Икки биқиннинг орасидаги кўнгил сенинг ашаддий душманингдир” деб айтган эди. Кўнгил нафс ўғрисидир.

ИНСОНДАГИ ҲАЙВОН НАФСНИНГ ХИЛЛАРИ КЎП. Шулардан энг хавфлиси ва юкумлиси – бу мол-дунё тўплаш ва мансабга эришишdir. Бу хилдаги нафс балосига учраган инсонлар ҳатто жонларидан ҳам, болачақа, оиласдан ва имондан ҳам кечадилар. Шундай инсонлар борки мол-дунё учун уриш-жанжал қиласидилар, ақа-ука, опа-сингиллар бир-бириларини ўлдирадилар, бир-бирини алдайдилар, ор-номусини сотадилар, пул тўплайдилар. Фирибгарлик қилиб, бир-бирини ва бошқаларнинг ҳақига хиёнат қиласидилар, ҳатто қийналган бева-бечораларни ҳам бор-йўғини тортиб оладиган инсонлар бор.

Ҳайвоний нафснинг яна бир тури – бу мансаб балоси бўлиб, инсонлар мансабга эришиш учун ҳалол ишлаётгандарни кўролмай, уларнинг ўринларини олиш учун туҳмат қиласидилар, турли фирибгарликлар уюштирадилар, порахўрлик, чақимчилик, ўйдирма гапсўзлар тўқидилар.

Мол-дунёси кўп одамлар калондимоғлик билан юрадилар, ўзлари нодон, билимсиз бўлсалар ҳам ақлли, доно, илмли-билимлиларга паст назар билан қарайдилар. Мол-дунё инсонни ҳовлиқтириб қўяди, улар ҳаддидан ошиб зино ва гуноҳ ишлар қиласидилар ва охирокибат уларнинг ишлари завол топади, охиривой бўлади.

Ақдли инсонлар ҳайвоний нафси ирода билан жиловлаб, ўзларини қаноат доирасида ушлаб, ҳар бир ишни доимо меъёрида олиб боради, нафс балосига эрк бермайди. Шунинг учун ҳам ҳалқ ҳикматида: “Нафсини тийган – султондир, нафсини тиймаган ултондир” дейилган.

Улуғ алломалар: “Менинг нафсим балодур, ёнар ўтга соладур” дейишган. Илми ҳикмат ва алломалар фикрини инсон ўз бошига азобукубат, бало-қазо ва оғатлар ёғилгандагина тушуниб етади. Худо томонидан инсонларга ином этиладиган яна бир руҳий мўъжиза бу сабр-тоқатдир. Яратган Эгам инсонга берган неъматлар ичидаги энг олийси сабрдир. Инсонлардан кимда-ким сабр-тоқат неъматига эга бўлса, у инсон улуғ, севимли ва комил инсондир. Инсондаги сабр – уни оғир кунда чидамли, куч-кувват ҳамдард, баҳтли кунда ҳамдам,

кулфатли, мусибатли кунда – матонатли қиласи. Буларнинг ҳаммаси сабрнинг чўққисидир. Инсонда сабот, сабр-қаноат ва Оллоҳга шураналик қанча зиёда бўлса, инсон тўғри ва ҳақ йўлга шунча тез киради. “Сабрнинг таги – сариқ олтин” деб бекорга айтилмаган.

Инсонлар ичиди сабрлилар қаторида бесабрлилар ҳам бор, улар фақат ўзларини ўйлаб халқ ғамини емайди, оғир кунларда ҳам ўз манфаатини ўйлайдилар. Эл-юрт, қавму-қариндошлар учун ғам емайдилар, савоб ишларни қилмайдилар, ҳалол меҳнат билан ризқу-рӯз топишга қаноат қилмай ўғирлик, юлгичлик, қаллоблик йўлига ўтадилар: Бир кун келиб шу бесабрлар қилган ишларидан пушаймон бўладилар, халқнинг эътиборидан қоладилар.

Ақл-идрокли инсонлар оғир дамларни сабр-тоқат билан ўтказиб, сабрнинг ширин мевасини ейдилар ва сабрни инсон умрининг зийннати деб, қийинчиликни осонлик билан енгиб ўтадилар.

Халқ хикмати: Сабр қиласанг ғўрадан халво пишар,
Бесабрлар ўз оёғидан кетар.

ёки: Бесабрга сабр - дерлар, солиҳга сабр ёрдир.

Шундай қилиб, “бир майизни қирққа бўлиб еган” инсонлар энг сабр-қаноатли, чидам-бардошли бўлганлар. Шундай одамлар турли дунёвий билимларни сабр билан ўрганиб камолотга етганлар. Ундай инсонларга Мансур Холаж, Жалолиддин Румий, Ат-Термизий, Имом Бухорий, Аҳмад Яссавий каби улуф алломаларни эслаб ўтса бўлади.

Инсонга турли мўъжизалар Оллоҳ томонидан ином этилган, шулардан яна бири ихтиёр хислат бўлиб, бу инсонни эрки, ҳуқуқи ва туйғуларини бир қонун-қоидага солиб, инсонни чегаралаб қўймаслик учун унга ихтиёр хислати ато этилган. Ихтиёр хислати бу одам нимани хоҳласа, истаса амалга ошириши мумкин дейилган, яъни инсон сув ёки чой ичадими, олма ёки ўрик ейдими, ётадими ёки юрадими, буларнинг ҳаммаси инсонни истагида, инсонни ўз ихтиёридадир. Лекин, ихтиёrim ўзимда экан деб инсон ҳаёт ва яшаш қонунларидан чиқмаслиги, тўғри, ҳалол инсонларга хос бўлмаган ноқонунний, куфранишларни қилмаслиги керак. Ихтиёrim ўзимда деб молдунё тўплаш, ҳашаматли уйлар қуриш, кўша-кўша машиналар олиш, ўғиллари чўнтакларини пул билан тўлдириш, уларни наркотик моддалар қабул қилишга, СПИД билан касалланишига сабабчи бўлиш ва охир-оқибат ўғил “хоҳлагандек” яшаш нималарга олиб келишини англаш минг-минг афсус-надоматларга олиб келади. Аммо, ҳаётда, инсонлар орасида порахўрлар, чайқовчилар, текинхўрлар, фоҳишалар, қаллоблар, эл-юртни борини талон-тарож қилаётган, халқни, меҳнаткаш бобо дехқонлар ҳосилини сув текин олувчи муттаҳамлар, ўғрилар бор. Бундай инсонлар ўз ихтиёrlарини ёмонлик қўлига беихтиёр топшириб қўядилар, қаноатни, яхшиликни унутадилар, ноҳақ йўлга юриб, босар-тусарини билмай кўпчиликни алдаб умр охирлаб

қолганини, турли фалокатлар сабабли жони чиқиши арафасида барча яхши-ёмон ишларини сархисоб қилолмай ҳам қоладилар. Шундай одамларга: ўзингга эҳтиёт бўл, тӯғрилик-тозаликка риоя қил, дейилса, улар: Одам ҳаётга бир маротаба келади, яшаб, ўйнаб қолиш кепрек” деб сўз қайтарадилар.


Ҳаммага маълумки бу қайтар дунёда инсонни ҳеч бир ҳаракати жавобсиз қолмайди: “ал қасосу аминал ҳақ”. Бу бекорга айтилмаган чунки яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам инсон ҳаёт даврида ёки унинг бола-чақаларига қайтишини донишмандлар, улуф зотлар яхши била-дилар. Улар табиат ато этган ақл-заковат билан фикрлашда кўз билан кўрган, қулоқ билан эшитган маълумотларга асосланиб, инсонга нафс, сабр-қаноат, куч-кувват каби Оллоҳ томонидан ином этилган мўъжизаларга меъёрида, чегарадан чиқмасдан, фойдаланиб яшашини даъват этадилар. Шундай ақл-идрокли зотлар маслаҳатларига қулоқ солиб яшалса, инсон ҳаётда имон-эътиқодли бўлади, икки дунё садатига эришади.

Ҳеч кимга сир эмаски, табиатдаги ҳамма нарса, унинг бойликлари, Қуёш ва Ой нури, атмосфера ҳавоси, Ернинг тупроғи, суви, ўсимлик-ҳайвонлари ҳаммаси инсон учун яратилган.

Бу ҳақиқатни – борлиқни унутмаслик ва имон-эътиқод билан яшаш ҳар бир инсоннинг улуф бурчидир.

Биз юқорида қайд қилган инсонга хос мўъжизалар – Оллоҳ томонидан ином этилган буюк неъматлардир. Биз инсонлар, ҳар биримиз шу неъматларни ўзимизча талқин қиласиз ва тушунамиз, аммо уларнинг ҳаммаси охир-оқибат ёки ёмонлик билан тугайди.

Ҳар бир инсонда учрайдиган мўъжизалар, табиат ином этган ва биз таърифлаб ўтган неъматлар инсон руҳий дунёсининг бир томонига хос.



II БОБ

МУРАККАБ МУАММОНИ БОШЛАНИШИГА КИРИШ

Маълумки инсон табиатнинг мўъжизаси; табиатдаги тирик жонзотларни энг юқори поғонасида турадиган тириклиқ тожи. Инсон ва унинг аждодларини табиатда келиб чиқиши ва ривожланиши жуда мураккаб жараён. Бу жараённи ҳал этишда жуда кўп илмий фанлар ва диний йўналишларнинг мутахассислари қатнашади. Антрополог ва археолог олимлар Ернинг геологик қатламларидан, бундан миллион-миллион йиллар аввал яшаган жонзодларнинг айрим суюклари асосида, кўл, оёқ, тиш, жағ, бош суюкларини умумлаштириб, қандай тирик жонзод эканлигини аниқлашган. Палеонтологик қазилма ишлар жуда мураккаб бўлиб, топилган материаллар турли услубларда ўрганилган.

Табиатда тирикликнинг ривожланиши – эволюцион жараён вақт, давр, замонда ўтиб, турли маконларда юз бериши мумкин. Шунинг учун ҳам топилган жойни геологик даври ва топилманинг ёшини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Топилган суюклар турли геологик қатламларда – тоғ жинслари, дарёларнинг чуқур жойида тўпланган лой ичиди бўлиши мумкин. Бу жараёнда антрополог олимлар, геологлар, палеонтологлар билан ҳамкорликда иш олиб борадилар ва топилган суюкни қайси жонзодга тааллуқлилигини аниқладилар. Чунки приматлар суюклари топилган жойдан кўплаб ҳайвонлар ва шу даврга оид ўсимликларнинг қолдиқлари топилган.

Маълумки қазилмани геологик ёшини, уни қайси геологик давр (эпоха)дан эканлигини аниқлаш аҳамиятлидир. Приматлар ҳаёт фаолиятларининг изи мезозой даврининг охиirlаридан маълум бўлиб, уларнинг асосий ривожланиши учламчи ва тўртламчи даврларда бўлгани сабабли ана шу икки геологик давр инсон ривожланишида катта рол ўйнаган.

Учламчи давр тахминан бундан 62 млн. йил аввал бўлган. Бу давр палеоген ва неогенга бўлинади. Палеоген учламчи даврнинг бошланиши тахминан 38 млн. йил давом этган бўлиб, у уч босқичга: палеоген, эоцен ва олигоценга бўлинади.

Неоген (учламчи давр охири) 24 млн. йил давом этган бўлиб, у палеоген ва неогенга бўлинади. Бу геологик даврлардан кейин тўртламчи давр бошланиб, бу давр Ер тарихидаги энг қисқа вақт бўлиб, у давр ҳаммаси бўлиб 2 млн. йил давом этган. Учламчи ва тўртламчи даврларни Кайназой эраси ҳам дейилади.

Тўртламчи давр антропозой “инсон даври” деб айтилади.

Тўртламчи давр: плейстоцен (дилювий) ва голоцен (алювий) дав-

лариға бўлинниб, плейстоцен пастки, ўрта ва юқори (уч қисмдан) иборат. Плейстоцен даври совуқ музлик даврларни (глециал) ва анча илик музлик даврлари (интерглииан) билан характерланади. Плейстоцен виллафранк давридан бошланади ва биринчи музлик даврига-ча давом этади. Бу оралиқ вақтни пастки плейстоцен дейилади.

Ўрта плейстоцен даври қатор музликлар ва музликларо даврлар (Эбурон, Вааль, Менапе, Комер, Эльстер, Гольштейн, Саале ва Варте) охирги музлик даври тахминан 125 йил аввал тамом бўлган. Юқориги плейстоцен (ээм-охирги музлик оролига) ва Вюри охирги музлаш 110000 йил давом этган (1-расм).

Время, млн. лет	Эра	Период	Событие
0	Кайнозойская	Четвертичный	Эволюция человека
50		Третичный	Дивергенция млекопитающих
100	Мезозойская	Меловой	Последние динозавры Первые приматы Первые цветковые растения
150		Юрский	Динозавры Первые птицы
200		Триасовый	Первые млекопитающие Господство рептилий
250		Пермский	Великое вымирание морских организмов
300	Палеозойская	Каменноугольный (карбон)	Первые рептилии Семенные папоротник
350		Девонский	Первые амфибии Увеличение разнообразия рыб
400		Силурский	Первые наземные сосудистые растения
450		Ордовикский	Взрыв разнообразия в семействах многоклеточных животных
500		Кембриский	Первые рыбы Первые хордовые
550			Первые элементы скелета
600	Докембрийская	Эдикарский	Первые мягкотельные многоклеточные животные
650			Первые следы животных
700			

1-расм. Геологик даврлар (Рубинский, 1993).

Юқоридаги геологик бўлиннишлар, геологик атамалар асосан Европа ҳудуди учун аниқланган бўлса ҳам, у Ер шарининг тури географик ерлари учун ҳам тўғри келади ва қабул қилинган.

Пастки виллафранк тахминан милоддан 3 млн. йил аввал Ер юзида ва айниқса, Жанубий ярим шарларда ҳароратнинг кескин ўзгариб туриши, юқори даражадаги намлиқ, доимий ёғингарчилик, қурғоқчилик даврлар билан алмашиниб туради.

Тўртгламчи даврдаги ҳароратнинг ўзгариб туриши Ер юзида бутун тирикликтининг, шу жумладан, инсон ривожланишига ҳам кучли таъсир қиласи.

Кейинги вақтларда турли геологик қатламлардан топилган қазил-

малар ёшини аниқлашда турли услублар қўлланилмоқда. Шулардан энг самарали услуб С – 14 услуби бўлиб, бунда тошга айланган то-пилма таркибидаги радиоактив углерод миқдори аниқланади. Сабаби ҳамма тирик жонзодлар танасида углерод бўлади. Организм ўлгандан кейин унинг танасида углерод тўпланиши тўхтайди ва углеродда эр-кин парчаланиш бошланади. Тахминан 5730 йил давомида тўпланган ҳамма изотоп массасини ярим-ярим парчаланиши бўлса, 11460 йил давомида тўпланган углероднинг 25 фоизи қолади. Парчаланиш жараёни давом этади. Шу услуга билан анча аниқлик билан Ер қарида ётган организм қолдигини 40000 йил ичидағи ёши аниқланади. Кей-инги вақтларда радиоизотоп калий K-40 услуги ва бошқа услублар асосида қадимги организмларнинг ёши аниқланмоқда.

Археологлар тўртламчи даврни бошқача бўладилар ва унда ин-соннинг ривожланиши ҳамда маданият инобатга олинади, яъни:

Гўртламчи давр: қадимги тош аспи – Палеолит.

Ўрта тош аспи – Мезолит.

Янги тош аспи – Неолит.

Археологларнинг таснифи геологик бўлинишдан фарқланади. Яъни, палеолит тўлалигича плейстоцен даврига, мезолит ва неолит эса голоцен даврига тўғри келади.

2.1. ИНСОННИНГ БИОЛОГИК РИВОЖЛANIШI ЭВОЛЮЦИЯСИ

Инсоннинг ривожланиш илдизи кўп миллион йилларга боради. Биз палеонтологик далилларга суюнадиган бўлсак мезозой эрасини бўр даврларида жуда содда тузилган сутэмизувчилар ичida приматлар отряди вакилларининг юзага кела бошлаганлиги кузатилади. Бу отряднинг юқори ривожланган сутэмизувчилари иккита кенжада отрядларга: чала маймундар (*Prosimii*) ва маймунларга (*Anthropoidea*) бўлинади.

Чала маймунлар кенжада отряди учта катта оиласаларга, катта оиласалар ўз навбатида тўртта оиласа бўлинади. Бу оиласаларнинг вакиллари табиатдан мутлақ йўқолиб кетган. Кейинги икки оиласа бир қатор йўқолиб кетган ва ҳозирда яшовчи одамсимон маймунлар ва инсоннинг қадимги аждодлари киради.

Отряд ва оиласаларнинг жойланиши:

Отряд: *Primates*.

Кенжада отряд: *Prosimis*, *Anthropoidea*.

Катта оила: *Cebidoidea*, *Cercopithecoidea*, *Hominoidea*.

Оиласалар: *Pliopitneoidae*, *Celopithecidae*, *Pongidae*, *Hominidae*.

Кейинги оиласа – гоминидни табиий ривожланиш-эволюциянинг охирги жараёнида ҳозирги одам *Homo sapiens* пайдо бўлган. Лекин,

гоминид оиласи вакилларининг бошқа тирик жонзодлар билан ҳамкорликда уларга таққослаган ҳолда ривожланишини аниқлаш катта муаммодир. Шунинг учун инсоннинг ривожланиши – эволюциясини аниқлашда катта оила гомидлар вакилларини – аждодларнинг ривожланиши тарихини синчилаб ўрганиш талаб этилади.

Палеонтологик қазилма далилларга кўра *Hominidea* оиласининг эволюцион ривожланишини 4 босқичга бўлиб қаралади, яъни, биринчи босқичи – бу гоминидлар оиласига оид биринчи қазилма гоминидларнинг тўғридан-тўғри аждоди бўлиб, унга *Ramapithecus* номи берилади, унинг қолдиқлари Ҳиндистон, Хитой, Грециядан топилган. Шу тоғилмаларнинг ёши 14 млн. йил деб белгиланган.

Инсон ривожланиши эволюциясининг иккинчи даври *Homo* яшаган вақт бўлиб, уларни Африка ва Жануби-Шарқий Осиё ҳудудларида кўплаб қолдиқлари топилган. Бош миянинг ривожланиши дараҷаси бўйича улар ҳайвонлар ва инсон ўргасидаги жонзодлар бўлган. Улар оддий қуроллардан фойдаланганлар ва бундан 1-5 млн. йиллар аввал яшаганлар.

Инсон эволюциясининг учинчи ҳал қиливчи даври – бу *Homo* авлодининг юзага келиши бўлади. Бу авлод қолдиқларининг ёши тахминан 3 млн. йил атрофида ... авлодлари тош қуроллардан, оловдан фойдаланган, овчилик билан озуқа топган, гуруҳ-гуруҳ бўлиб яшаган. Уларнинг қолдиқлари Осиё, Африка ва Европа ҳудудларида кўплаб топилган. Улар кенг географик зоналарда тарқалган. *Homo* родини бир тури *Homo erectus* – тик юрувчи одам келажакдаги *Homo sapiens* турини тўғридан-тўғри аждоди бўлган дейилади. Унинг қолдиқлари Стари Светнинг турли ҳудудларидан топилган *Homo erectus* тури ўз навбатида бир нечта кенг турларга бўлинади.

Шулардан кенг маълум бўлгани неондертал одамдир. Мутахассислар неондертал одамни мустақил тур сифатида ҳам ўрганганлар, лекин, кейинчалик уни *Homo sapiens* ривожланиши жараёнидаги бир формаси деб қаралди. Ҳозирги одам *Homo sapiens sapiens* тахминан бундай 40-45000 йиллар аввал пайдо бўлган (Елинек. 1985).

2.2. ИНСОН МАДАНИЯТИНИНГ РИВОЖЛANIШИ

Инсон авлодларининг жуда содда маданият белгилари тахминан бундай 2-3 млн. йил аввал пайдо бўла бошлаган. Инсон тошдан курол ясаган, яшаш учун шох-шабалардан чайла, ўтов-жой қурган.

Агар инсоннинг физикавий ривожланиши таъминан 14 млн. йиллар давом этган бўлса, антропология ва археология маълумотларига кўра гоминидларнинг маданий ривожланиши 2-3 млн. йил ичida бўлган. Бу вақт кейинги геологик босқичнинг тўртламчи даврига тўғри келади. Инсонларни маданий ва биологик ривожланиши бир-бiri билан

чамбарчас боғланган. Бу ривожланишни алоҳида-алоҳида ажратиб бўлмайди. Инсонларда маданият белгиларини пайдо бўлиши ва ривожланиши жуда катта ва кучли омил сифатида уларнинг биологик ривожланишига кучли таъсир қиласи ва маданиятнинг ўзи ҳам биологик ривожланиш таъсири асосида янада тезрок ўсади.


Инсон фаолиятининг биринчи излари – бу тош ва суяк қуроллар бўлган. Бу қуроллар аста-секинлик билан такомиллаштирилган. Инсон маданий ривожланишига яшаш мұхитининг экологик омиллари ҳам кучли таъсир қиласи, яъни турли географик ҳудудларда яшаган инсон популяциялари томонидан ҳар хил ишлов берилган иш қуроллари яратилган. Яратилган қуроллар бир-биридан фарқланса ҳам уларни муракаблашиб боргандылық кузатилади. Қадимги одамлар яратган қуролларга ўхшаши австралиялик аборигенлар томонидан фойдаланилганлиги яқинда аниқланди.

Маълумотларга кўра суяк ва турли тошлардан яратилган қуроллар африкалик австролетеклар томонидан ясалган бўлиши керак.

Homo sapiens тур вакиллари эса тош бўлакларидан кичик қуроллар сифатида фойдаланганлар. Бу олдвой маданияти даври бўлган. *Homo sapiens* тур вакиллари даврида икки хил қурол тайёрлаш маданияти бўлган, яъни турли суяклардан тайёрлаш ва ҳар нарсани кесадиган қурол.

Бундай қуроллар тайёрлаш маданияти палеолит даврининг бошлирида кузатилган бўлса, кейинги палеолит даврида турли географик ҳудудлар иқлими таъсирида шу давр одамсимон жонзодларининг маданияти тахминан бундай 30-45000 йиллар аввал жуда тез ривожланади. Шу даврда жамоа ҳәёти муракаблашади. Бир ерда яшайдиган қабила аъзоларининг сони ортиб боради, озуқа учун кўплшиб ов қилишади. Иссиқ-совуқ мұхитдан сақланиш учун яшаш жойларни (тош-қоялар оралиғи, форлар, чайла, ўтов) топадилар ва ўзлари ташкил қиласидилар. Турли тош, суяк қуроллари, улардан найза, кескир юзли қилиб овда ўлдирилған ҳайвонлар терисига ишлов бериш, қояларга турли расмлар чизиш маданияти охирги музлик даври охирларига тўғри келади(тахминан 40-30000 йиллар аввал).

Охирги музлик даврининг иқлими палеолит вақти овчилари ҳәётини ўзгартириб юборади. Мезолит даврида шу давр инсонларининг санъатга бўлган қизиқишилари дам тезлашиб, дам бир пасайиб туради. Улар тошқояларга ов қилиш ҳолатларини, турли ҳайвонлар кўринишлари акс этган чизмалар чизадилар. Турли ҳудудларда яшаган шу давр инсон популяциялари ўзларига хос биологик ҳолатларини акс эттириб, инсон авлодининг, умумий ривожига ҳисса қўшадилар (2-расм).



2-расм. Гоминидларнинг ривожланиши (Рубинский. 1993).

Шундай қилиб, инсон табиатдаги бутун тирик жонзодлар ичida энг такомиллашган тузилишга эга жонзод. Аммо, уни ривожланиши энг қадимий аждодларидан ҳозирга қадар бир текисда ўтмаган, чунки мутахассис олимлар кўлида ўтган аждодларнинг айрим сувак синуклари бор холос. Иккинчи томондан инсоннинг ривожланиш эволюцияси ўзига хос характерга эга бўлиб, одамсимон маймунлардан қўлларнинг ҳаракат қилиши ва энг асосийси бош мия, ақлни, тилсўзни, фикрлаш қобилиятларини борлиги билағ табиатда ўз ўрнини топади. Лекин, шу кунгача инсонни келиб чиқиши илмий ва диний томондан тўлалигича ҳал этилган эмас. Юқорида қисқа-қисқа баён қилинган фикрларни рисоланинг кейинги бобларида алоҳида-алоҳида ва батафсил баён қилиб ўтамиш ва одамни пайдо бўлиши бўйича бир фикрга келамиз.

III БОБ

ИНСОН РУХИЙ ДУНЁСИННИГ ДИНИЙ ТАФСИЛОТЛАРИ

Жалолиддин Румий: “Тананг от, руҳинг унинг сувориси, шуни билки, от емиши суворига озиқ бўлмагай”, деб таъкидлаган эди.

Инсондаги руҳий ҳаёт нима ва бу борада ислом дини руҳий таъминотни инсонга ажойиб услуг билан тақдим қилган. Шайх М. Содиқ Муҳаммад Юсуф (1992) ҳазратлари ўзини “Имон” номли рисоласида исломдаги руҳий таъминотни қўйидагича ифодалайди, яъни: Инсон – руҳ ва моддадан иборатдир. Демак инсон икки нарсадан ташкил топган. Биринчиси, моддий нарса бўлиб ўсади, ҳаракат қилади. Иккинчиси, моддий нарса бўлмай балки, ўзига хос бошқа бир ҳолатлардан иборат бўлиб, унда фикрлаш, билиш, ирода, яхши кўриш, ёмон кўриш, яхши-ёмон ахлоқ каби фазилатлардан иборатдир. Моддий нарса бу тана, жисм бўлиб, унга озиқ-овқат, ичимлик (сув, чой, шарбатлар) керак. Инсон руҳи эса ўзига хос белгилардан иборат. Руҳ билан жисм (тана) бир-бирига қўшилгандан кейин ўзига яраша янги қийинчиликлар юзага келади. Инсонлар шу қийинчиликларни енгадилар ёки енга олмасдан турли гурухларга бўлинадилар, яъни айримлари мол-дунёга ружу қўйса, қаллоблик, ўғирлик, фирибгарлик, талонтарожлик қилса, баъзилари ўз шаҳватларига берилиб, инсонликдан ҳайвонлик даражасига ўтиб қоладилар. Улар ҳаёт-тириклик дегандা фақат озиқ-овқат, ичимлик ва оиласидан фаровонликни тушунадилар.

Шу борада Қуръонда инсоннинг руҳий ҳаётига катта эътибор берилади ва бунинг асосини Оллоҳга ишонч ташкил қилади. Бу ишонч инсонни юқори даражаларга олиб чиқади. Жамиятда ақл-идроқли, руҳий буюқ инсонлар пайдо бўлади. Руҳий кучли инсонлар ўз қадрини биладилар. Ундей инсонлар ўзининг руҳий ва моддий бойлигини доимий иш ва ҳаракатдан топадилар, бошлаган иши юқори самара бермаса, келаси, кейинги ишим яхши натижга беради деб, руҳий тушкунликка тушмайдилар, қайғуни енгадилар. Ҳаётда катта ютуқларга эришганда ҳам ўзини йўқотмайди. Ўзини қадри, инсофи, ақл-идроқи билан ўйлаб “барча борлиғим Оллоҳдан” деб билади ва яхшилик, баҳтсаодатга эришганлигига шукр қилади ва ҳаётда ўз қадр-қийматини сақлаб қолади. Улар эришолмай қолган нарсаларга қайғурмайдилар, эришган ютуқлари учун ортиқча хурсанд ҳам бўлмайдилар.

Куръоннинг “Хадид” сураси (22-23-эяллар) бўйича инсонга бирор бир мусибат етса, бу аввалдан тақдир қилинган нарсадир. Чунки тақдирда бор нарса инсон хоҳласа ҳам, хоҳламаса ҳам содир бўлади. Инсонга келадиган яхшилик ёки ёмонлик унинг хоҳишига қарамай содир бўлиши муқаррардир. Ўз қадрини биладиган, руҳан кучли, шижаотали,

күркмас, саҳий инсонлар, унинг барча ишлари, ризқу-рўзи Оллоҳнинг кўлида эканлигига ишонади, камбағал бўлиб қолишидан кўркмай муҳтожларга хайру-эҳсонлар қиласди. Инсон жамиятининг баркамол ривожланишида руҳий илм ва маданиятнинг етуклиги катта аҳамиятга эга. Юқорида қайд қилганимиздек руҳ ўз ичига моддий ҳамда маданий йўналишларни қамраб олади. Уларсиз руҳ етук бўлмайди. Илмий, ижтимоий ва иқтиносидей етук мамлакатда инсонлар руҳий камолотга эришадилар.

Христианликнинг руҳий низоми бўйича руҳ билан жасад (тана) доимо келиша олмай юради, жасад руҳ учун қамоқдир. Дунё лаззатларидан баҳраманд бўлиш – руҳни кишсанлаб қўядиган ёмон нарсадир. Улар руҳни ривожлантираман деб танани қўйноққа солган, овқат ейишни қисқартирганлар. Шундай қилиб, христиан дини таркидунёчилик дини бўлиб, танани кўйиб, бутун эътиборни руҳга қаратганлар.

Ислом дини эса руҳий ва моддий талабларга ўртacha қарайди. Ислом дини инсонга моддий манфаатлар ва турли ҳаёт лаззатларидан тўғри йўл билан меъёрида фойдаланишни маслаҳат беради ва Куръон оятлари бу манфаатларни бирдек кўришга чақиради. Жумладан “Аъроф” сурасида (31-32-оатлар): “Эй, одам болалари, ҳар бир масжид олдиди ўзингизни зийнатланг, енг, ичинг ва исроф қилманг, чунки у (Оллоҳ) исрофчиларни ёқтирумайди, ... бор нарсалар бу дунёда имон келтирганлар учундир” деб қайд қилинган ва яна бир жойда “Оллоҳ ер юзидаги барча нарсаларни сизлар учун яратган зотдир” дейилади. Бундай фикрлар инсон табиат бойликларини ўз манфаати учун кенг кўламда фойдаланаётган даврда исроф қилмаслик, тежаб ишлатиши бундан 15 аср аввал мұқаддас Куръонда қайд этилгани Оллоҳ мўъжизасидир.

Шундай қилиб исломдаги руҳий ва моддий талабларга тўғри қарашиблик ҳозирги замон инсон ҳаётига мос ва зарурий нарсадир. Оллоҳ таоло инсонни шу руҳий ва моддий томонларни тўғри бошқардиган, камолга етадиган қилиб яратди.

Ислом динида руҳ билан тана орасида ўртacha йўл тутиб, руҳ ва танани тенг даражада қўйилган эмас. Руҳий тараққиёт тананинг ҳожатларини ўртacha қондириш лозимлигини таъкидлайди ва шунда инсон руҳий камолотга эришади. Оллоҳ таоло бандаларига: бу дунёда яхшилик қилгандар яхшиликка эришадилар, деб таъкидлаш билан бирга мўминларни ҳаётда ношудлик ва муваффақиятсизликка учраганда руҳий бардошли бўлишга ундейди.

Биз юқорида тирик инсон – руҳ ва моддадан иборат деб қайд қилдик. Бу исломдаги руҳий таълимотдир, аммо динсизлар дунёни, борлиқни яратувчиси мавжудлигига ишонмайдилар ва табиатдаги барча нарсалар ўз-ӯзидан пайдо бўлган деб даъво қиласдилар. Аммо айрим олимлар, жумладан, доктор Эрфанг Вильям: “Мен Худонинг борлигига ишонаман. Чунки электрон ва протонлар ўз-ӯзидан пайдо бўлиб қолганини тасаввур қила олмайман. Биринчи атом ҳам ўз-ӯзидан пайдо бўлган эмас. Биринчи про-

топлазма, биринчи уруг, биринчи ақл ҳам шундай. Мен Оллоҳнинг борлигига ишонаман, чунки атрофимизда кўриб турган барча нарсаларнинг пайдо бўлишининг ягона мантиқий тавсифи Оллоҳнинг борлигидир” деб айтган. Демак, борликни ўз-ўзидан пайдо бўлган деб айтувчилар ҳамма нарсани биринчи бошланишида ўз-ўзидан юзага келган дейишдан нарига ўта олмайдilar. Аксинча борлиқдаги турли-туман ажойиботларнинг яратувчиси бордир. Борлиқ ўз-ўзидан пала-партиш ҳолда юзага келган эмас.

Проф. Крейси Морисон ҳаётнинг сири тўғрисида фикрлаб: “Ҳаммага маълумки атроф-муҳит ҳам барча (нарсалар) материялар ҳам, кимёвий ва табиий ўзгаришлардан ҳеч нарсага жон кирита олмайди. Шундай бўлса, жон ўз-ўзидан, ихтиёrsиз инсонга ёки ҳайвонга кириб қолган эмас”, дейди.

Ҳаёт-тириклик бу жон, у сезиш, фикрлаш ва жавоб қилишнинг асосидир.

Маълумки ҳаёт тугаганда, инсонлар ҳаётдан кўз юмади, жони узилади. Руҳи учиб кетади. Демак, ҳаёт-тириклик бу тана ва шу танада жон, руҳ сақланади. Инсонда юрак уриши тўхташи билан, унинг танасидан жони-руҳи чиқади. Жонсиз-руҳсиз тана – модда қолади. У ерга кўйилади ва биологик моддалар алмашинишида қатнашади, қоладиган нарса бу инсоннинг руҳидир. Демак, инсон танасидаги жон – бу доим юракда айланиб турадиган қон, юракнинг уриши тўхташи билан инсон танасидаги қон, асаб томирлари ишлашдан тўхтайди, инсоннинг ҳаёти, умри тўхтайди. У ўлади. Инсоннинг руҳи учиб у дунёга, абадиятга кетади, ўтганлар руҳи билан қўшилади, Оллоҳ хузурида бўлади.

Инсон тирик чоғида унинг ақл-идроқи маркази бош мия қон орқали озиқа олади ва ундаги асаб толалари муҳитдан ахборот олади ва керак жойга вақтида ахборот беради. Бу борада ўйлайди, фикр қиласади. Масалан, ҳар бир инсон ўз атрофидаги борлиқ – күёш, ой, юлдузлар, ўт-даражатлар, ҳайвонлар, дарёларни қандай пайдо бўлганлиги сабабини ўйлайди, аниқлашга ҳаракат қиласади. Бутун борлиқни, ундағи хилма-хил гўзалликни ким яратди ёки қандай пайдо бўлган деган фикрлар, унинг руҳини, ақл-идроқини қамраб олади. Шунинг учун ҳам инсон ўзи яратса олмаган борлиқни, ундаги нарсаларни бoshка катта куч яратувчи Оллоҳ яратган деган фикрга келади.

Бизга маълумки, энг катта куч-бу ота-бобо, меҳрибон она, буюк олим шайх ва Оллоҳ эканлигини болаларимиз ҳам билади. Бунинг ҳаммаси динга эътиқод орқали бизни борлигимизга ўтган. Бу нарса қадим-қадимдан авлодларга ўтиб келмоқда, яъни оловга, табиат сирларига сифиниш ёки авлиёлар шахсига сифиниш ва худога сифиниш каби ҳоллар инсон қалбидан жой олган. Ҳамма нарсани яратувчи, қодир эгам, улуғ худо яратганлигига ишониш борлиқдаги маддий далиллар, уларни кўриш, ақл-идрок билан руҳан сезиш билан Оллоҳнинг борлигига тўлиқ ишонч ҳосил қиласади.

IV БОБ

ТИРИКЛИК ВА ИНСОННИ ПАЙДО БҮЛИШИГА ОИД БОШЛАНГИЧ ФОЯЛАР

Тирик табиатни, ундаги жонзодларни пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳақидаги биринчи маълумотлар милоддан бир неча минг йиллар аввал Юнонистон, Миср, Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Ўрта Осиёда пайдо бўлган. Шу мамлакатларда маҳаллий аҳоли орасидан етишиб чиқсан билимдон табиблар юзлаб доривор ўсимликларни билишган ва амалда қўллашган. Қадимги ҳиндистонликлар табиат бешта унсурдан: ҳаво, олов, ер, сув ва эфирдан ташкил топган деганлар. Инсондаги суюқ модда ўт, ҳаво билан аралашиб қон, гўшт, ёғ, суяқ ва мияни ҳосил қиласди, ҳомила эса эркак ва аёлнинг жинсий безлари ажратган суюқликнинг қўшилишидан юзага келишини қайд қилганлар.

Ҳинд халқининг табаррук китоблари “Махобхорот”, “Рамаяна” милоддан аввалиги 6-5 асрларда яратилган. Уларда табиий ҳодисалар, ўсимлик, ҳайвонларга сигиниш, табиатни турли ҳолатлари, сув, оловнинг қадри акс этган. Эрамиздан олдинги икки мингинчи йилларда Хитойда деҳқончилик, тиббиёт ва фалсафий қарашлар ривожланган ва барча нарсалар ўсимлик, ҳайвонлар, ҳатто сув, ҳаво, олов, дараҳт, ер ва бошқа нарсаларнинг қўшилишидан тириклик пайдо бўлади деганлар.

Қадимги Юнонистонда милоддан аввалиги 6-4 асрларда яшаган юонон олимлари тирик жонзодларни табиий равишда вужудга келиши фоясини қайд қилганлар. Жумладан, Фалес барча тириклик сувдан, Анаксимон одамлар ва ҳайвонлар лойдан юзага келган, Анаксимандр эса дастлабки одамлар балиқларга ўхшаган ва улар бошқа ҳайвонлардан пайдо бўлган, дейдилар.

Юонон олимларидан Левкипп ва Демокрит атомистик фояни ўртага ташлайдилар ва барча тирик жонзодлар атомлардан ташкил топган дейишса, милоддан аввалиги 483-423 йилларда яшаган Эмпедокл табиатдаги сув, олов, ҳаво, ер бир-бирига қўшилиб, кейин ажralади ва шулардан жонзодларнинг органлари алоҳида алоҳида бўлиб юзага келади ва уларни бир-бирлари билан қўшилишидан, бутун, мукаммал организм ҳосил бўлган дейди. Гиппократ ва унинг шогирдлари тиббиёт фоярини яратишда биологик билимлардан кенг фойдаланадилар. Гиппократнинг ирсият ҳақидаги фикрича, эркак ва аёлнинг уруғидан организмнинг, унинг танасининг барча қисми ҳосил бўлади. Қувватли-кучли организмдан кучли, кучсиздан эса нимжон, кучсиз организм юзага келади.

Қадимги Юнонистонда табиётшуносликни ривожига Аристотель катта ҳисса қўшади. У ҳайвонлар классификациясини яратди. Аристотель табиатни аста-секин ривожланишини ўрганиб ҳайвонларнинг 500 га

яқин турини билган. Уларни күп белгилариға күра “қонлилар” ва “қонсизлар” гурухыга бўлади. Бу гурухлар ҳозирги “умуртқалилар” ва “умуртқасизлар”га тўғри келади. Олимнинг фикрича қонли ҳайвонларнинг барчасида ички органлар ўзаро ўхшаш ва бир хил жойлашган.

Марказий Осиё ҳалқлари тарихида дәҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, тиббиёт каби йўналишлар, табиий ҳодисаларни баён қилувчи муқаддас китоблар жуда қадимдан маълум. Шундай китоблардан бири “Авесто” бўлиб, у милоддан 6000 йил аввал яратилган (Диотген Лаэртский, 1979. 635 бет).

Бундан кўринадики “Авесто”нинг ёши “Инжил” (Библия) билан тенг бўлиб, бири Эронда, иккинчиси Исройл ҳудудида яратилган.

“Авесто” милоддан аввал уч минг йиллик охири икки минг йилликнинг бошларида яратилган.

“Авесто”да қадимги Турону Эрон ҳалқларининг урф-одатлари, диний маросимлари, тиббиёт, табиий бойликлар, ўсимлик, ҳайвонот дунёси, сув, ҳаво, тупроқ ҳақида маълумотлар тўла баён қилинган.

Марказий Осиёдан чиққан етук олимлар биологик йўналишларнинг ривожига катта ҳисса қўшдилар. Жумладан, Аҳмад ибн Наср Жайҳоний (870-912) Марказий Осиё, Ҳиндистон, Хитой ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси, улардан маҳаллий ҳалқни қандай фойдаланиши ҳақида маълумотлар беради.

Дунёга машхур олим Абу Наср Форобий (873-950) турли табиий фанлар, одам анатомияси ва табиатшуносликнинг турли соҳалари билан шуғуланиб, ҳайвонлар дунёсининг фикрловчи ва фикрламайдиган, биринчи ва иккинчи сигнал системаси борлигини, одам организми яхлит система эканлиги, турли касалликлар овқатланиш билан боғлиқлигини кўрсатади. Инсон бир вақтлар ҳайвонот оламидан ажраблиб чиққан ва инсон танаси тузилиши билан ҳайвонлар тузилиши, баъзи бир ўхшашликлар борлигини қайд қилиш билан бир қаторда табиий ва сунъий танланиш борлигини ҳам баён қилиб ўтган.

Дунё фанларининг ривожига катта ҳисса қўшган буюк олим Абу Райхон Беруний (973-1051) ўсимлик ва ҳайвонларни фасллар бўйича ўзгаришини баён қиласди. Ерда тирик организмларни ўзгариши Ер тарихи билан боғлиқлигини палеонтология таълимоти асосида тушунтириб беради. Қизилкум бир вақтлар денгиз туби бўлганлигини баён этади. Беруний ўзининг “Сайдана” асарида 1116 дори турини келтиради, шулардан 750 таси ўсимлик ва 101 таси ҳайвонлардан тайёрланганлигини баён этади. Беруний инсонларнинг қиёфаси, ранги, хулқи, табиати, руҳи, ахлоқи турлича бўлиши ирсиятга эмас, балки яшаб турган мұхит – тупроқ, ҳаво, сув, куёш кабиларга боғлиқлигини қайд қиласди. Шу билан бирга инсонлар ривожланиш жараёнида ҳайвонлардан анча ва тез ривожланиб кетганини баён қиласди.

Дунёга машхур олим Абу Али ибн Сино (980-1037) тиббиёт фани-

нинг турли соҳаларини ривожланишига ўз ҳиссасини кўшади. У дунёга машхур 5 жилдлик “Тиб қонунлари” китобларида инсон танасининг органлари, уларнинг тузилиши, вазифаси, турли касалликлар, уларни келиб чиқиши, оддий ва мураккаб дорилар, уларни тайёрлаш, кўллаш ва дориларни органларга таъсири баён қылган. Ибн Сино инсондаги айрим касалликлар (вабо, сил, чечак) кўзга кўринмас организмлар орқали юзага келишини айтади. Унинг фикрича, Ер аста-секин ўзгариши, денгиз, дарёлар вақт ўтиши билан суви куриб, уларнинг ўрни қуруқликка айланади. Олимнинг фикрича ўсимлик, ҳайвон ва инсон ўртасидаги боғлиқлик уларнинг тузилишларидаги ўхшашликлардир.

Табиий фанлар – математика, астрономия каби фанларнинг юқори билимдони, шу фанларга оид қашфиётлар қылган олим Умар Хайём материяни йўқолмаслигини, унинг бир шаклдан иккинчи, бошқа кўришишига ўтишини одам мисолида баён этади, яъни одам вафот этгач табиатдаги ўлик ноорганик моддаларга қўшилиб кетиш орқали тирик ва ўлик табиат орасида ўтиб бўлмас тўсик, чегара йўқлигини эътироф қылади ва борлиқни, дунёни инсонлар онгидан ташқари мавжудлигини, уни абадий эканлигини куйидагича таърифлайди:

Бизлар бўлсак ҳам жаҳон бўлғуси,
Бизлардан на жому нишон бўлғуси,
Аввал-ку йўқ эдик етмовди ҳалал
Яна бўлмасак ҳам, ҳамон бўлғуси.

Умар Хайём кулолни кўзаси орқали материяни бир формадан (тупроқ-лойдан) иккинчи кўринишга сопол кўзага ўтишини аниқ ифодалаб беради. Яъни одам ўлганидан кейин тупроққа қўшилиб кетади. Тупроқда ҳар доим ўсимлик, ҳайвон ва инсон танасининг заррачалари бор, шу заррачалар ноорганик модда сифатида сув, намлик ёрдамида ўсимлик илдизларига шимилиб, ўсимлик танасини, мевасини ҳосил қылади, уларни инсон истеъмол қилиши орқали яна одам танасига қайтади. Материя табиатдаги айланади лекин, бу дегани одамни яна қайта тирилгани эмас. Умар Хайём рубойиларидағи кўзагор ку́пол яратувчининг образидир. Шунинг учун ҳам Хайём кўзсан яхши ёки ёмонлигига ким айбор деган саволлар билан тўғридан-тўғри “тангрининг” ўзига мурожаат қылади.

Ўлик-тирик ёшин қузаткувчисан
Тарқоқ коинотни қузаткувчисан.
Мен ёмон бўлсам ҳам сенинг бандангман
Мен нима ҳам қилай? Яратувчи-Сен.

Дунёдаги ҳар бир ҳаракатимиз Худонинг хоҳиши билан Оллоҳнинг амрисиз бир тикан ҳам кирмаслиги бўлса нима учун қиёмат куни сўроқ қилиб, жавоб берилади.

Менсиз қалам сурмиш қазову қадар
Мендан нечун яхши ёмоним сўрар?
Кеча менсиз ўтди, ўтар бугун ҳам,
Тонгла кун нима деб, қилур жавобгар?!

Умар Хайём ўзи кўриб турган дунёдан бошқа ҳаёт йўқлигига, инсонни хоки тупроққа қўшилиб кетишига, ундан кўза, фиштга айланнишини Европа олимларидан 800 йил аввал ифодалаб берган.

Улуф олим Умар Хайёмдан роппа-роса 200 йил кейин Астрободдинг тоғли қишлоғида туғилган Мир Сайид Шариф Журжоний (1339-1413) ўз ҳаёти даврида фалсафий муаммолар-борлиқ ҳақида коинот жумбоқлари, модда ва унинг шакллари, жонсиз ва жонли дунёнинг хусусиятлари, жисмоний ва руҳий муносабатлар билан шугулланиш жараёнида коинот, инсон ва ақлни қамраб олувчи дунёнинг умумий манзарасини босқичма-босқич тартибли баёни унинг “Дунёни акс эттирувчи кўзгу” рисоласида вожиб ул-вужуд — худо, ул-вужуд — моддий олам деб, Худонинг борлигини тан олади. Журжоний фикрича табиатдаги ҳеч бир ҳодиса сабабсиз келиб чиқмайди. Ҳамма мавжуд ашёлардаги бутун ҳаракат ва ўзгаришлар фақат макон ва замондагина рўй беради. Бутун борлиқ бир-бирига қонуний рашишда боғланган бурчаклардан иборат, ягона тана сифатида таърифланади. Олимнинг фикрича моддий дунё асосини тўрт унсур — олов, ҳаво, сув ва тупроқ ташкил этади. Уч унсурдан металлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳосила сифатида келиб чиқсан.

Журжоний бўйича моддийликдан холи бўлган бўш жой йўқ. Самовий гумбаз буюк доира бўлиб, у барча жисмларни қамраб олган. Моддий дунёни чегаралаб туради. Бир-бири билан ўзаро ёпишиб ва айни вақтда бошқа жисм билан ҳам боғланаб турган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар бир атрофдаги дунё, ўзи турган нарсага тегиб туриши зарур ва бир-бирини кетидан жойлашиши, жисмлар, унсурлар, самовий доиралар, бутун сайёralар ва моддий бўлакчаларнинг таркибий мажмусини олган деб атаган.

Европада машхур швед олими, ботаник Карл Линней (1707-1778) ўсимлик ва ҳайвонлар системасини ишлаб чиқади. У ўз фаолиятида 10 минг ўсимлик ва 4200 дан ортиқ ҳайвон турларини аниқлайди. Инсонни Номо туркумига киритади. Ўсимлик, ҳайвонларни системага солишда, уларнинг турли ташқи белгиларини асос қилиб олади.

Инсонни келиб чиқиши тўғрисида ва уни ҳайвонлар оламидан ажралиб чиқсанни ҳақидаги фикрни биринчи бўлиб Абу Наср Форобий (873-9500) ўртага ташлаган. Форобийдан тахминан 700-750 йиллар кейин XIX аср бошларида француз табиатшунос олими Жан Батист Ламарк (1744-1823) ўзининг “Зоология философияси” китобида эволюция концепцияси назариясини такомиллаштириди. Ламарк турларни ўзгарувчанлигини ва организмга атроф-муҳит омилларининг бевосита ва билвосита таъсир қилишини қайд қилган.

XVIII аср охири ва XIX аср бошларида инсонни одамсимон маймунлардан келиб чиққанлиги ҳақидаги гипотезаларга И. Кант, ундан кейин Ж. Б. Ламарклар ўз муносабатларини билдирадилар. XIX асрнинг 50 йилларида чоп этилган Ч. Дарвин ва А. Уоллесни (Wallace A 1864-1869) илмий ишларида турларнинг келиб чиқиши, табиий танланиш каби муаммолар ёритилган бўлиб, инсон эволюцияси кейинроқ очилади.

Инсонни ҳайвонларга ўхшаш маймунлардан келиб чиққан деган таҳминларни ечиш учун 1860 йили табиатшунос олимлар Т. Хаксли ва С. Уилберфорслар ўртасида катта мунозара бўлиб ўтади. Бу назариядни кўллаб-қувватлаган Т. Хаксли, Э. Геккел, К. Фогтларнинг илмий ишлари чоп этилади. Аммо, А. Уоллес (1864) бошқача фикрда эди. Унинг фикрича инсонни пайдо бўлишида табиий танланиш бирдан-бир омил эмас, чунки табиий танланиш юқори ривожланган маймунларга қараганда инсоннинг ақлий қобилиятини бироз юқори бўлишига олиб келган холос. Уоллеснинг фикрича инсоннинг бош мияси, унинг ривожланиш давридаги талабларидан юқори бўлган. Бу ҳолатни “юқори ақл-идрокни моддий дунё омиллари таъсири остида юзага келган” дейди. Демак, А. Уоллес (1869) инсоннинг пайдо бўлишида руҳий омил таъсирини инобатга олган.

Инсоннинг эволюцион ривожланишини Ч. Дарвин 1871 йили чоп эттирган “Одамнинг келиб чиқиши ва жинсий танланиш” китобида баён қилади. Бу китобда одамнинг маймунсимон аждодлардан келиб чиқишига оид жуда кўп материаллар ва далиллар келтирилади. Ч. Дарвин ўзининг шу китобида Одамни Африкада пайдо бўлганига ўхшаш ва яқин шимпланзе ва гориллодан келиб чиққан, деган фикрини ўртага ташлайди. Бу тўғрида А. Уоллес ҳам ўз ишларида айтиб ўтган ва одам бош миясининг ривожланганлигини маймунларда эса бу ҳолат (ақл, фикрлаш)ни йўқлигини қайд қилган бўлса, Ч. Дарвин инсонлар билан ҳайвонлар ўртасида фикрлаш борасида катта фарқ йўқлигини уқтиради ва’ инсон ўзини юксак даражаси ва илоҳий онгги ՚орқали қўёш системаси тузилиши ҳаракатини ўрганишига қарамасдан ўзининг физикавий тузилишида паст табақадан келиб чиққан тамғасини йўқотиб бўлмайди деб қайд қилади. Дарвин (1871) шу билан инсонни юксак ривожланган ҳайвонлардан принципиал фарқ қилишини ҳам инобатга олади. Аммо А. Уоллесни моддий эволюция жараёнига таъсир қилган деган фикри ўз ҳолича қолади.

Инсонни Африкадан келиб чиққанлиги ҳақида А. Уоллес ва Ч. Дарвин фикрлари бир-бирига тўғри келади. Буни палеонтологик қазилмаларни Жанубий ва Шарқий Африкадан топилган австралопитек ва Ява, Хитой ва Африкадан топилган питекинтроп қолдиқлари тасдиқлайди. Лекин австралопитекларни кўп белгилари юқори тузилишга эга бўлган ҳозирғи маймунлардан фарқ қилади.

Маълумотларга кўра австралопитеклар плиоцен даврининг охирларида яшаган бу геологик тўртламчи давр оралиғи, яъни бизни эрамиздан бир неча миллион йилдан бир неча юз минг йиллар оралиғида *Homo erectus* турининг вакиллари яшаган бўлиб, улар австралопитеклар инсон ўртасидаги белгиларга эга бўлган. Бундан тахминан 40 минг йиллар олдин ҳозирги инсон (*Homo sapiens*) неандертал (*Homo neandertalensis*) одамлардан келиб чиқсан деган фикрлар бор. Неандертал одамлар узоқ вақт яшаган.

Юқори палеолит даврда ривожланган ва яшаган одамсимон жонзодларнинг онги ва маданияти натижасида жуда катта ҳудудларда овчилар кўп ҳайвонларни қириб юборадилар. Овчилик ва ўсимликларни териб озиқ-овқат сифатида фойдаланишдан чорвачилик ва деҳқончилик келиб чиқади. Бу ҳолат неолит даврида тахминан бундан 10000 йил аввал юзага келган.

Палеолит даврида ёки тошкўмир даврдаги инсонларнинг онги, фикрлаши табиий танланиш ёки муҳитга мосланиш натижасида юзага келган дейилишига ҳеч ишониб бўлмайди.

Инсон эволюциясига, айниқса, плиоцен ва плейстоцен даврларида маълум даражада иқлим ўзгаришлари таъсири қилган (Герасимов, 1970). Ер шарининг ҳамма континентларида иқлимини турғун эмаслиги, унинг даврий ўзгаришлари инсон ва бошқа тирик жонзодлар эволюциясини тезлашишига олиб келади.

B. Kurten (1965) маълумотига кўра плейстоцен даврида Европа ҳудудида сутэмизувчи ҳайвонлар таъминан 1 млн. йил давомида яшганлар. Бир-бирига яқин тирик жонзодлар ташқи муҳит омиллар таъсирини турлича қабул қиласидилар ва мослашадилар.

Инсоннинг пайдо бўлишига оид тадқиқотларнинг бошлангич даври табиий танланиш назариясига асосланган эди. Табиий танланиш тирик организмларни табиий муҳитда яшаб қолиш учун ҳаётий кураши бўлиб, бу жараён муҳитда тирик қолиши авлод қолдиришдан иборат бўлиб, муҳитга яхши мослашган вакиллари яшаб қоладилар, мослашмаган тур вакиллари қирилиб кетадилар. Юқори палеолит даврида яшаган неандерталлар ўз ҳаёт фаолияти давомида катта ҳайвонлар турларини қириб юборганлар, лекин, шу даврдаги биосфера турғунлиги бузилмаган. Инсон экологияси бошқа ҳайвонлар экологиясига қараганда жуда тез ўзгаради, унинг онгги, фикрлаши ривожланади. Бунга сабаб, кейинги 2 млн. йил давомида инсон авлодларининг бош мияси ҳажми 3 баробар катталашади ва миянинг тузиши мураккаблашади (Kurten, 1971).

Маълумки плиоцен ва плейстоцен даврларида иқлим ўзгаришлари тез-тез содир бўлиб туради. Атмосферадан намлиқни кам тушибидан катта тропик ҳудудда намлиқ шароитини ўзгаришидан тропик ўрмонлар ўрнига доимо ва ярим чўл ҳудудлар пайдо бўлади. Ўрмон


шароитида яшаган инсон авлодлари ўзларининг яшаш шароитлари-ни ўзгарирадилар.

Маълумотларга қараганда австралопитекларнинг аждодлари унча катта ҳажмали бўлмаганлар. Улар тик, лекин секин юрганлар, уларнинг ўзларини муҳофаза қиласиган мугиз ва тирноқлари бўлмаган. Улар асосан озуқабоб ўсимликлар билан озиқланганлар.

Австралопитеклар ичida ўлимнинг кўплиги, кам туғилиш, чақалоқларни тез нобуд бўлиши ёки йиртқичларга ем бўлиши уларнинг популяцияси сонини кўп ўзгариб туришига олиб келган. Лекин, австралопитек аждодларида бош мияни анча ривожланганлиги, тик юриши ва икки қўлни эмаклаб юришдан бўшаши уларни муҳитда яшаб қолишига имкон беради.

Бу даврда популяция сонининг камлиги яшаб қолиш учун кураш жуда кучли бўлганлигини кўрсатади. Австралопитеклар турли ваҳщий ҳайвонлардан сақланиш техникаси – тош, ёғоч қуроллари, катта ҳайвон сүяклари билан ўзларини ҳимоя қилганлар. Лекин, оғир табиий муҳитда яшаб қолиши қуроллар билан эмас, балки уларнинг бош мия ўсиши ақлий қобилиятлари асосий ўрин эгаллаган ва турли ҳайвонлардан сақланиш ҳамда уларни ов қилиш имкониятини оширган. Австралопитеклар ақлий қобилиятининг ўсиши натижасида улар бирликда, жамоа бўлиб ов қилиш, ваҳщий йиртқич ҳайвонлардан сақланиш учун гурухланиш келиб чиқади.

Палеонтологик йилномаларнинг далолати бўйича австралопитеклар ичida айрим линияларда таналарини катталаниши ва бу жараёнда табиий танланиш таъсирида асаб системаси босими кузатилади ҳамда овчиликда қўлланиладиган қуролларидан кам фойдаланадиган бўлишган. Уларнинг марказий асаб системаси тез ривожланади. Унинг устига иқлимининг ўзгариши инсоннинг яшаш шароити ва одам аждодларининг эволюцион ривожланишини тезлатади. Инсонни ривожланишидаги катта давр, вюрл музлик вақтига тўғри келади ва шу даврда *Homo sapiens* тўла шакланиб бўлади. Бу даврда инсонлар озуқаси ўсимлик ва катта ҳайвонлар маҳсулотидан ташкил топган эди.



V БОБ

ИНСОННИНГ ПАЙДО БЎЛИШИГА ОИД ИЛМИЙ ФОЯЛАРНИ РИВОЖЛАНИШИ

Габиатда инсонни тарихий ривожланиш жараёнини антропогенез деб айтилади ва бу жараённи антропология фани ўрганади. Инсон эволюциясини ўрганадиган антропология фани ўзининг ривожланиш жараённида жуда кўп баҳс, мунозараларга ва қизиқишиларга сабаб бўлган.

Қадимги инсонларнинг Африка ва Жанубий Осиёда яшаган катта-кичик қабилалари ичидаги ҳам одамларни маймунлардан (ўрмонга қочган одамлардан) келиб чиққанлиги ҳақида ривоятлар бор. Инсонларга энг яқин туродиган маймунлар – бу шимпанзе, горилла ва орангутандир. Уларни маймунлар эмас, балки “орангутан” – малай гилида “ўрмон одамлари” деб аташган.

Осиё халқлари динларида (индуизм, буддизм) маймунларга катта ҳурмат ўрни берилган бўлса, ислом ва христиан динларида маймунларни иблис, ҳар қандай ёмонликни сабабчиси деб қараганлар. Шунга қарамасдан бунда 1000-1100 йиллар аввал Абу Наср Форобий (873-950) одамни келиб чиқиши ҳақида фикр юритиб, инсон даставвал табиатдан, айнан ҳайвонот дунёсидан ажralиб чиққан, унинг аждодлари ҳайвонлар деб айтади. Форобийдан 600 йил кейин адаб, жамиятшунос ва табиатшунос файласуф олим Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) ўз рубоийларида инсонни барча мавжудотдан юқори қўяди, инсоннинг дунё сирлари тагига етиб бўйласликни, одам энг улуғ зот, уни меҳнат яратган дейди. Олим ўзининг “Чор унсур” асари ва рубоийларида: олам – аввал беғубор, унда илоҳий зотдан ташқари бошқа нарса йўқ, деса бир рубоийда афсонани баён этади:

Одам ҳўқиз эмиш, балиқقا минган,

Балиқ ҳаводамиш... қани ҳақиқат?

Демак, Мирзо Бедил афсонага ишонмайди, ҳақиқатни излашини, дунёдаги нарсаларнинг қандай яратилганлигини фақат одам била олади. Зоро, инсоннинг билими бошқа мавжудотда йўқ: “Поёнсиз билимку сенда мужассам”деса, бошқа бир рубоийда:

Баҳри мутлақ иссиқ мавж урди шундан,

Бўлдик ўзимиздек аълога муҳтож.

Бу ерда Мирзо Бедил “мутлақ баҳр” деб илоҳий кучга асосланган мутлақ борлиқни айтса, одамзод ана шу мутлақ борлиқдан куч ва ирова билан вужудга келади. Дунёда вужудга келгач, инсон ўз-ўзини танишга мажбурдир. Чунки дунёдаги мавжудот ичидаги энг ақыли ва онгли маҳлуқ инсондир ва шу сабабли у борлиқ ва ашёларнинг пайдо бўлиш сабаблари тўғрисида фикр юритишга мажбурдир. Демак, Мирзо Бедил фикрича, одамзод мутлақ борлиқдан вужудга келган.

Европада табиатшунос олим Карл Линней (1707-1778) ўзининг “Табиат систематикаси” асарида ўсимлиқ, ҳайвонлар турларининг систематик ўринин аниқлаш жараёнида одам туркуми *Homo* (инсон), икки турни *Homo sylvestris* (ўрмон одами), *Homo troglodytes* (фор одами) ташкил этиши ҳақида ёзди. Шу турлар шимпанзе ва орангутан маймунлари бўлса керак.

Қадимги греклар ва финикийлар бундан V аср аввал билган шимпанзе – орангутанни 1847 йили анатом Н. Тульп биринчи марта илмий таърифлаб беради. Инсонга яқин бўлган шимпанзенинг карлик бонобо тури 1933 йили аниқланган.

Ўз вақтида К. Линней маймунларни инсон билан ўхшашлиги тўғрисида айтган бўлса, Ж. Б. Ламарк инсон билан орангутан ўртасида қардошлиқ борлиги ва одамни келиб чиқиши шундай кўринишга эга деб қайд қиласди. 1859 йили Ч. Дарвин ўзининг илмий ишида “инсонни келиб чиқиши ва уни тарихига ёруғлик тушади” деб қайд қиласди. Лекин Ч. Дарвиндан 120-130 йиллардан кейин одамзодни келиб чиқиши борасида жуда катта ишлар қилинади. Яъни, тирик маймунларнинг анатомик тузилиши ўрганилади. Инсон авлодларини қазилма қолдиқлари топилади ва ўрганилади.

Кейинги йилларда одамзодни вужудга келганлигига оид ютуқлар:

1. Кейинги вақтларда, айниқса, экваториал Африка ҳудудларида кенг кўламда қазилма ишлари олиб борилиши натижасида қадимда яшаган маймун ва қадимий одамларнинг суяқ қолдиқлари топилади ва ўрганилади (Foley, 1987; Фоули, 1990).

2. Радиактив изотоп методи бўйича тоғ жинсларининг ёши, уларга қараб шу тоғ жинсларида сақланиб қолган суякларнинг ҳам ёшлари аниқланган. Шу тадқиқотлар бўйича олинган маълумотларга қаранганди одам турининг ёши юз минг йиллар, ҳатточи миллион йил қадимий эканлиги аниқланди.

3. Молекуляр генетика услуби ёрдамида одам ва маймунни яқинлик даражаси аниқланди. Бу услуб билан генлар ва ёқсилларни ўхшашлигига миқдорий баҳо берилиши асосида инсон ва маймунни қардошлиқ яқинлиги бошқача баҳоланадиган бўлди.

4. Юқоридаги ушбу далиллар сабабли инсон тарихига оид антропоген қарашларнинг кўп томонлари эскирди, энди уларга янги далиллар асосида ёндашиш керак бўлади.

5.1. ИНСОННИ ВУЖУДГА КЕЛИШ ЖАРАЁНИ

Тушунишишимизча, экология ва экологик принципларга асосланган ҳолда, одамни биологик организм деб қаралса, у бир тирик ҳайвон тури каби ўхшашлиқ ва фарқланадиган белгилари бор. Археологик ва физикавий антропология далиллари асосида инсонни бошқа

хайвонлар билан қандай алоқаси борлигини аниқлаш (Le Gros Clark, 1964) жараёнида инсон билан приматлар ўртасидаги ўзаро боғлиқ-ликни аниқлаш мұхимлиги юзага келади. Кейинчалик приматларни тузилиши ва хулқый ҳолатлари ҳар томонлама таҳдил қилинади (Passingham, 1982) ва натижада, инсон ва маймунлар ўртасидаги фарқ элементар биологик принциплардан иборат, яъни:

1. Гирик организмлардаги миқдорий ўзгаришлар, ўз навбатида, сифат ўзгаришларға олиб келади.

2. Организмдаги радикал реконструкция функционал ўзгаришларға зарурий асос бўла олмайди. Лекин кичик ўзгаришлар фундаментал асос қолдириши мумкин.

3. Атроф-муҳитдан келаётган хабар – информацияни қайта ишлаш бошқа организмларда йўқ ҳисобида, инсонда эса информацияни трансформация қилиш ва янги функция-миядаги онг орқали таҳдил қилиш.

Шундай қилиб, Одам ўз кўриниши, ҳолати, ҳаракати ва функциялари билан ҳайвон турларига солиштиришга лойик.

5.2. ОДАМГА ҚАРДОШ ОРГАНИЗМЛАР – ПРИМАТЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Приматлар бир гуруҳ ҳайвонлар бўлиб, улар ўзларининг биологик тавсифи бўйича ҳозирги инсонлар популяциясидан унча фарқ қилмайди. Приматларни эволюцион ривожланиш йўли инсонлар ривожланиш йўлидан қадимдан фарқланади.

Приматлар сутемизувчилар синфига мансуб бўлиб, ўзларида содда белгиларини сақлаб қолиши билан бир қаторда дараҳтларда яшашга мослашиш каби специфик белгиларга эга бўлади. (Napier, 1971). Улар тана тузилишидаги асосий кўринишни сақлаб қоладилар. Яъни, оёқлар, улардаги панжалар, бosh суюги, унда кўз, қулоқ, оғиз-бурунларнинг жойлашиши.

Ҳозирда яшайдиган приматлар икки гурухга: стрепсирин ва гаплоринларга бўлинади (Sralay, Delson, 1979). Шу икки гурухдан степсириналар энг қадимий бўлиб, уларга маймунсимонлар (Prosimi) – лемурлар, лорлар ва уларга яқинлар киради.

Гаплоринлар гурухига учта таксонамик вакиллар: долгопятлар, кенг ва тор бурунлилар киради. Шулардан долгопятлар реликт организмлар бўлиб, улар Жануби-Шарқий Осиёда тарқалган ва ҳаёти асосан тунда ўтади. Қазилма қолдиқлар жуда кўп сонли. Шу қолдиқларга тиш, жағ суяклари ва бошқа суяклар киради. Улар турли тупроқларда, айниқса, тропик ўрмонлар тупроғида чириб кетган бўлса, вулқонлар кўп бўлган жойларда вулқон қолдиқлари остида қолган.

Яна бир бор қайд қилиб ўтмоқчимиз, яъни энг қадимий қазилма қолдиқлар тор бурунли маймунларга, яна ҳам яқинроқ – содда при-

матлар (лемур) – омомид оиласига мансуб бўлиб, улар Шарқий Жазоирни эоцен қатламларидан топилган бўлиб, ёши 40 млн. йилга тенг. Шу топилган маймунни Бирети (бир тиши асосида) деб атаганлар. Геологик даврларнинг олигацен даврида Миср ва Аравия ярим ороли ҳудудларида жуда кўп сонли тор бурунли маймунлар – егип-топитек ва унга яқин авлодлар вакиллари яшаган. Улар жуда содда тузилган маймунлар бўлиб, Осиёда кенг тарқалган. Шу маймунлар яшаган давридан олдин приматлар турли плотлар ёрдамида Атлантик океани сузуб ўтиб, Янги Светада тарқалган.

Евроосиёнинг намли тропик ўрмонларида инсонсимон маймунларнинг анча юқори тузилишга эга бўлган вакилларини қолдиқлари миоцен даврининг қолдиқларида топилган. Уларнинг қолдиқлари 20-9 млн. йиллар оралиғидаги геологик қолдиқларда топилган. Миоцен давридан одамсимон маймунлар қолдиқлари топилган. Европадан топилганини дриопитек (даражат маймунлари) деб номлашган. Бу турга яқин намуналар Африка ва Ҳиндистондан топилади. Уларни рамапитек ва сивапитек (Рама, Шива маймунлари) деб номлайдилар. Шу одамсимон маймунлардан дриопеклар бундан 9 млн. йиллар аввал қирилиб кетган, лекин улар одамсимон маймунларнинг ривожланишини бошлаб берганлар. Улар шимпанзе ва бонобо маймунларига ўхшаш бўлган.

Кейнинг вақтларгача рамапитек ва сивапитеклар инсонларнинг қадимги аждодлари деб ҳисобланган эди. Аммо Африкада топилган дриопитек (кениапитек) бундан 14 млн. йиллар аввал Кения ҳудудларида яшаган. Уларда марказий нерв системасини ривожлангандиги, рангли бинокуляр кўриш, олдинги қўлларни ушлаб олиш қобилиятлари уларни – австралопитеклар стадиясига олиб келади.

Кенг ва тор бурунли маймунлар одамсимон юқори приматлар ёки аслий маймунлар бўлиб, улар Янги ва Эски Светада тарқалган. Американинг шу иккала қисми Евроосиё 35 млн. йил аввал ажраган. Кенг бурунли маймунлар Марказий ва Жанубий Американинг ёмғирли ўрмонлар дараҳтларида яшашга мослашган.

Тор бурунли маймунлар икки гуруҳга бўлинади: *Cercopithecoider* (итсимонлар ёки тубан тор бурунли маймунлар) ва *Hominider* (гоминоидлар) гуруҳига одамсимон маймунлар ва инсон киради.

Гоминоидлар гуруҳига ҳозирги одамлар ва унинг энг яқин қардодши катта ва кичик одамсимон маймунлар киради. Кичик одамсимон маймунларга гиббонлар (*Hulobatidae*) кириб, улар дараҳтларнинг юқори ярусида яшайдилар.

Катта одамсимон маймунлар ҳам икки гуруҳга бўлинади: а) Осиё формалари, уларга орангутан ва Африка формаси (шимпанзе); б) горилла – приматларнинг энг каттаси. Одамлар шу приматлар ичida Африка одамсимон маймунларига яқин туради (1-жадвал).

Шундай қилиб ҳозир яшаётган инсонлар генетик, морфологик

ва эволюцион ривожланиш жараёнида ўтган қардош жонзодлар билан боғланган. Улар приматлар бўлиб, ўзларидағи бор белгилар ва хислатларни приматлар учун умумий бўлган аждодлардан олган. Масалан, кўл учларини ушлай билиши, ҳид билишнинг камайиши ёки ўсиши, жамоа бўлиб яшаш каби ҳолатлар.

Бу белги ва хислатлардан ташқари гоминидлар ва инсонлар тушунчасини аниқлаш аҳамиятидир.

Бу ерда “гоминид” атамаси *Hominidae* оиласи номидан келиб чиқади ва приматларнинг ҳамма популяциялари ва бошқа приматлар умумий эволюцион тарихини акс этади.

“Одам” (инсонлар) атамаси ҳозир яшаётган бирдан-бир гоминидлар тури (тур вакили) *Homo sapiens* вакилларини аниқлайдиган, одамзод атамаси ҳозир яшаётган одамлар популяциясини аниқлайди, характерлайди.

Қирилиб кетган аждодлар учун гоминид атамасини қўллаш мъкулдир.

I-жадвал

Гоминидлар таксономияси: дунёда яшаётган одам ва гоминидлар

(Le Gros Clark, 1949; Scalay, Delson, 1979)

Таксонлар	Линней бўйича	Оддий номи	Ҳайвонлар гурӯхининг таркиби
Синф	Mammalian	Сутэмизувчилар	Ҳамма иссик қонли, жунли, тирик туғувчи ҳайвонлар
Туркум	Primates	Приматлар	Маймунсимонлар, одамсимон маймунлар, маймунлар ва одам
Кенжा туркум	Haplorhini	Гаплоринлар	Долгопятлар, маймунлар, одамсимон маймунлар ва одам
Чевара туркум	Catarrhini	Тор бурунли маймунлар	Эски дунё маймунлари, инсонсимон маймунлар ва одам
Юқори оила	<i>Hominidea</i>	Гоминидлар	Одамсимон маймунлар ва одам
Оила	<i>Hominidae</i>	Гоминидлар	Одам ва уни аждодлари
Авлод	<i>Homo</i>	Ҳақиқий инсонлар	Одам
Тур	<i>H. sapiens</i>	--//--	Неантроп
Кенжা тур	<i>H.s. sapiens</i>		Ҳозирги замон одамлари

Палеонтропология ва биокимё фанлари тадқиқотлари примат ва гоминидлар эволюцияси жараёнидаги асосий услублар қазилма қолдиқларнинг ҳақиқий ёшини аниқлади ва натижада приматларнинг эволюция тарихини кўриб чиқишга тўғри келди.

Маймун приматлар аввалги ҳашаротхўр приматлардан, тахминан бундан 70 млн. йил аввал ажраган (Sralay, Delson, 1979). Тор бурунли маймунлар эса Янги Светада тарқалган кенг бурунли авлодларидан энг камидა 35 млн. йил аввал ажраган. Одамсимон маймунлар ва содда тор бурунли маймунлар ўзларининг аждодларидан тахминан бундан 23 млн. йил аввал, Африка ва Осиё гоминидларининг бир линияси бундан 12 млн. йил аввал ажраганлар. Гоминидлар Африка одамсимон маймунларидан тахминан 6 млн. йил аввал ажраган. Гоминидлар қазилма қолдиқларининг ёши 5 млн. йилга тенг (Hill, 1985).

Бундан 5 ва 1.2 млн. йиллар оралиғидаги гоминидларни икки катта гурӯҳга: яни, австралопитеклар ва *Homo* авлодининг вакилларига бўлиниши (Howell, 1978) ва шу асосда гоминидларнинг энг аввалги вакиллари Ер юзида 2 млн. йил олдин пайдо бўлади. Шу давр ичida *Homo* авлоди вакиллари жуда катта эволюцион ўзгаришларга учрайди. *Homo sapiens*ning эволюцияси тахминан бундан 200 000 йил аввал бўлса, ҳозирги одам *Homo sapiens sapiens* бундан 100 000 йил аввал пайдо бўлган.

Инсон эволюцияси – бу кўп қиррали биологик жараён, узоқ тарихдир. Бизнинг авлодимиз (*Homo*) 2 млн. йил давомида ривожланган бўлса, одам оиласи жуда қадими, энг камидা 6 млн. йил эволюция давом этган.

Приматлар ичida Африка шимпанзеи, пакана шимпанзе, боно-бо ва горилла каби маймунлар инсонларга анча яқин турса ҳам уларнинг бош мияларини одамга нисбатан 2-3 баробар кичиклиги, маймунларни дарахтда яшаши ва орқа оёқлари билан узоқ юра олмаслиги каби белгилар маймунларни одамлардан фарқлайди.

Homo sapiens нинг ёши эволюцион ривожланиш давридан ёшдир. Масалан, Ернинг ёши тахминан 4600 млн. йил кейин дунё океанида, худонинг олти кунининг учинчи куни, биринчи тирик организмлар пайдо бўлган ва шу вақтдан бошлаб биологик организмларнинг тинимсиз эволюция жараёни бошланади.

Эволюцион жараёнларни билиш учун геологик давр ва оралиқ вақтларни, уларда бўлиб ўтган иқлим ўзгаришларни аниқлаш керак. Масалан, охирги геологик замонни охирги даври плейстоцен тахминан бундан аввал 115 000 йил давом этган, умуман олганда, плейстоцен 2 млн. йил, плиоцен 3 млн., миоцен 20 млн. йил давом этган. Шу узоқ геологик вақт ичida биологик жараёнлар тинимсиз ўзгаришлар билан жуда узоқ давом этган. Ундан ташқари тектоник жараёнлар, континентларни дрейфи, ер орбитасини 40 000 ва 10 0000 йиллик циклик ўзгаришлари, ҳароратни глобал ўзгариши, 10 000 йиллик музликлар оралиғи цикли ва шу даврларда биологик ҳаётни, ердаги ҳамма турларни (бир ҳужайрали микроорганизмлардан бир неча минг йиллик 110-120 метрли Калифорния секвоя дарахтини ривожланиши ҳаётни мураккаблигини кўрсатади.

VI БОБ

ГОМИНИДЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

Биз юқорида қайд қылганимиздек, биринчи гоминидлар миоцен даврининг охирида, тахминан бундан 6 млн. йил аввал пайдо бўлган. Гоминидларнинг генеалогияси бўйича миоцен даври ўргаларида яшаган гоминидлар ҳозирги одамсизмон маймунларнинг энг қадимги аждодлари бўлган деган тахминлар бор.

Палеонтропологик ва биокимёвий далиллар бўйича миоцен даврида Африка худудида гоминидлар турли тармоқларга бўлиниб кетган. Шундай тармоқларга *Kenyapithecus*, *Sivapithecus*, *Orrorin* кабиллар киради. Гоминидларнинг суяк қолдиқлари бундан 5 млн. йил аввалги қолдиқларда топилган энг аввалги топилмалар Кениянинг Табарни еридан топилган бўлиб, унинг ёши 4,9 млн. йил, кейинги топилмаларнинг ёши 3,6 ва 2,9 млн. йилга тенг (Эфиопиянинг Хадар худуди).

1934 йили инглиз анатом олимни Р. Дарта томонидан австралопитек маймунлар топилди. У топган қолдиқларига “Австралия жанубининг маймуни” номини беради. Бу маймунларнинг қолдиқлари кўп миқдорда Жанубий ва Марказий Африка худудларида топилган. Улар шу худудлarda тахминан миллион йил аввал яшаганлар. Австралопитекларни гуруҳ ва тур сифатида такомиллашиши бундан 9-5 млн. йиллар аввал бўлган. Улар қурол сифатида табиий тош, ёғоч ва катта ҳайвонлар суякларидан фойдаланишган, ўзлари қурол ясашмаган, гуруҳ-гуруҳ, пода-пода бўлиб яшашган. Гала аъзолари бирликда ов қилишган ва катта йиртқичлардан ҳам сақланишган. Австралопитеклар ўсимликхўр бўлишиб, уларнинг озиқ тишлари яхши ривожланган.

Олимларнинг (Jonanson, White, 1979) фикрича, топилган қазилма қолдиқлари *Australopithecus afarensis* турига тегишли эканлиги қайд қилинади. Афар австралопитеклар тик юриш имкониятига эга бўлганлар. Австралопитекларни бошқа шоҳобчаси – *Homo* авлоди бўлиб, унинг *H. habilis* тури бош суяк қопқоғини 650 см^3 гача катталлашиши кузатилган.

Африкада австралопитеклар *Homo* авлодининг қадимги аждодлари кенг тарқалган. Плейстоценнинг бошланғич даврида, тахминан бундан 1,6 млн. йил аввал *Homo habilis* тури *Homo ergatus* турига ўтади (Howell, 1978), австралопитеклар ер юзидан йўқолиб кетади. *Homo ergatus* нинг қолдиқлари Кения худудларида топилади, унинг ёши 1,6 млн. йилга тенг.

1962 йили инглиз олимлари М. Лики ва Л. Ликилар Марказий Африканинг Танзания худудидаги Олдувай дарасидан австралопитекларнинг оригинал қолдиқарини топадилар. Улар бош чаноғининг ҳажми 642 см^3 , кейинги топилмаларники $500-200 \text{ см}^3$ бўлган.

Бу содда тузилган маймунларнидан катта бўлган. Улар тошдан четлари ўткір, учлари учли қуроллар ясашган.

Гоминидлардан *Homo ercetus* биринчилардан бўлиб Сахара ҳудудидан чиқиб бошқа жойларга тарқалади. Унинг танаси катта, юз кўриниши, тиши ҳам катта, қош усти қайирмалари бўртиб турган.

Кейинги 1,6 млн. йилдан, тахминан 0,4 млн. йилгача *Homo ercetus* жуда кам ўзгаради. Фақат кейинги 0,4 млн. йил ичida *Homo ercetus* турида катта ўзгаришлар бўлади (Wolpoff, 1984) ва шу турни *Homo sapiens* турига ўтиши кузатилади. Бу турнинг қолдиқлари Европада топилади. Бу ерда шуни ҳам айтиш керакки, *Homo sapiens* ўзини энг юқори ривожланиш босқичига архаик формалари – неандерталлар кўриниш босқичида бўлиб, уларнинг қолдиқлари Европа ва Осиёда топилади. Уларнинг ёши 100 000 дан 50 000 йилга teng.

Неандерталлар катта кўринишга эга бўлиб улар ҳозирги одамлардан ўзларининг анатомик тузилишлари, айниқса тос сугти тузилиши бўйича кескин ажralиб, фарқданиб турган (Trinkans, 1983).

Homo sapiens турини энг қадимий архаик шаклларидан ҳозирги *Homo sapiens* турига анатомик ўхшашлиги ва ўзгаришлар билан ўтганилиги палеонтропология фанида катта жумбоқ бўлиб келмоқда. Бу ўтиш, неандерталларни неандеропам ўтиши тез бўлган ва айрим олимларнинг фикрича (Stringer, 1984) бу жараён гоминидларни икки эволюцион йўл билан ўтади.

Бу ерда бир нарсани қайд қилиш керакки, геологик ва палеонтропологик йилномаларда неандерталлар ва *Homo sapiens* турларини бир вақтда яшаганлклари ҳақида қолдиқлар ва далиллар йўқ. Айрим олимлар фикрича, Африкада топилган қадимги одамзод аждодлари қолдиқлари Африкада аввал яшаган бўлишлари мумкинлигини кўрсатади (Van der, 1984 Rightire, 1984). Бундай ҳолат 100 000 йил аввал кузатилган ва бундан 30 000 йиллар аввал гоминидлар вакиллари Ер шарида кенг тарқалган.

Гоминидлар филогенияси бўйича *Australopithecus afarensis* аввалги ҳамма гоминидларнинг аждоди бўлиши мумкин. Афар австралопитеги ўз навбатида *Australopithecus afarensis* турининг аввалги аждоди бўлган. Бу тур ўз навбатида *Homo* авлодини (Skelton et al, 1986) бошлаб берган.

Шундай қилиб, одамзод авлодлари ривожланишида ва гоминидлар эволюциясига Ерда иқлимининг ўзгариши катта таъсир қилади. Масалан, миоцен ва плиоцен даврларида тропик зонада ёмғирли ўрмонлар йўқолиб, ўрнига қирғоқ тропик биотоплар ҳосил бўлиб, уларда фасллар ўзгариши кузатилади.

Бундан 2 млн. йиллар аввал Ерда иқлим совийди, планетанинг катта қисми музликлар билан қопланади, ҳарорат пасаяди, музликлардан кейин аста-секин иқлимининг исиши бошланади. Шундай

иклим ўзгаришлари гоминидлар эволюциясида катта роль ййнайди. Улар совуқ ҳудудлардан иссик, өзуқали жойларга тарқаладилар.

Гоминидлар ва приматлар яшаш ва озиқа топиш учун турли хилда ов қуроллари ясаганлар. Улар энг аввало тошдан қуроллар ясаган ва улар бундан 2 млн. йил аввали қолдиқларда Кения ва Эфиопияда топилган (Roche, 1980; Harris, 1986). Айрим қолдиқларда топилган қуролларнинг ёши 2,5-2,7 млн. йилга teng. Ҳамма ҳолатда тошнинг учи, четлари ўткир, иккала томонлари ҳам кесадиган пичоқсимон охирги топилмаларнинг ёши 40 000 йилга teng.



VII БОБ

ОДАМ ҚОЛДИҚЛАРИНИ ИЗЛАШ ТАРИХИ

Ер юзининг турли ҳудудларида тош-тупроқларга аралашиб ётган жуда катта сүякларни ердан чиқиб турган ҳолда кўриш, уларни 2-2,5 минг йил давомида ўрганиш, тушунтириш ва аниқлашга ҳаракат қилинган. Қадимги греклар бу табиий ҳолатни ўзларининг афсоналари ёрдамида тушунтирганлар. Улар катта баҳайбат жонзодлар олимпия худоси ва қаҳрамонлар Орест ёки Аякслар билан курашиш учун келишган деб ҳисоблайдилар. Милодий II асрда қаҳрамон Орестнинг қабрини кўришган.

Қабрни 7 тирсак узунликдаги аниқланган. Бир ерда катта сүяк топилади. Унинг узунлиги 11 тирсакга етган. Бу сүякни қаҳрамон Аякснинг суюги деб ҳисоблашган.

Император Август раҳнамолигида Кап оролида биринчи палеонтология музейи ташкил қилинади. Унда топилган катта сүяклар тўпланди. Греклар ва риммиклар шундай сүякларни афсонавий қаҳрамон Роланд сүяклари деб ўйладилар. Аммо Леонардо да Винчи (1452-1519) ва француз Бернар Палліс (1510-1583) кабиларнинг фикрича, катта сүяклар ҳайвонларга оид бўлиб, бутун дунёни сув босиши даврида ёки катта сув босишлари даврида ҳайвонлар лойқа тагида қолиб кетган.

Милоддан олти аср аввал яшаган қадимги грек файласуфи Анаксимандр фикрича, қўёш нурларининг иссиқлиги таъсирида Ерда одам пайдо бўлади. Аристотель эса табиатни аста-секин ривожланиши ва мураккаблашиб боришидан одам вужудга келган деб ҳисоблайди.

Христиан дини ва унинг ашаддий қўриқчиси инквизиторлар 1,5 минг йиллар давомида Инжил тушунчалари, ҳикояларини талқин қилинишига йўл қўймаган. Масалан, Худо аввал Одам Отони, кейин унинг қобиргасидан Момо Ҳавони яратади. Уларнинг яшаш жойи қилиб номаълум тўрт дарё водийси белгиланган.

Инжил тушунчаларига аралашган инсонлар турли йўл билан ўлим жазосига маҳкум этилган. Масалан, 1450 йили Одамзоднинг тарихи Инжилдан анча олдин деганлиги учун Самуил Сарс оловда кўйдирлган. 1655 йили Парижда Исаак де ла Перенра ўз асарларида Одам Отога қадар инсонлар табиатда яшаган деганлиги учун жазоланган. XVII асрда диндорлар жуда хавфли динсиз Ванинини тилини суғуриб олганлар, чунки Ванини айрим халқлар маймунлардан тарқалган, улар аввал тўрт оёқлаб юрган, кейинчалик тик юришга ўрганган деганлиги учун оловда кўйдирлади. 1654 йили епископ Ушер Ирланский (Жон Лайтерут) Кембридж масжиди монастирида яратгувчи Исо пайғамбарни туғилишидан аввал 23 октябрда эрталаб соат 9 да лойдан инсонни яратган деб айтади.

Инсоннинг қадимийлиги, улар қолдирган турли тош қуроллар ҳақида XVII ва XVIII асрлардаги маълумотларда тош болталар, найза учлари бўйича топилмаларни Худонинг қуороли деб атаганлар. 1717 йили Ватикан ботаника боғи мудири Михаил Меркати ўз ёзмаларида тош қуролларни инсон қўли маҳсулни, силлиқланган қуролларни қадимий бирламчи давр одамлар қуороли деб атайди. Бундай очиқ ёзган олим Ватикан ичida ишлаб таъқиб ва жазога учрамаганлигининг сабаби у ўз китобини чоп этилишидан 27 йил аввал ўлган эди.

1700 йили Каншате худудидан инсон бош суюгини топадилар. Лекин уни қачонлардир Европада яшаган Фил ва фор айиқлари даврига қўшадилар. 1723 йили де Жюссье Париж Академиясида Канада ерли аҳолисини тош қуроллари ҳақида маъруза қиласди. Бундай қуролларни Европада яшаган қадимий одамлар ҳам фойдаланганлар деган фикри учун уни устидан куладилар. Аммо 1731 йили Augsбург шаҳрида швецариялик Якоб Шейхцернинг китобида Энинген худудида топилган инсон скелети таърифланади. Муаллифнинг фикрича, бу инсон дунё тўфони даврида ўлган, уни *Homo diluvii tristis testis* тўфонидан қолган ачинарли гувоҳ деб атайди.

1740 йили француз Магадел турли тош қуроллар ҳақида асар ёзади.

1750 йили брауншвейглик Эккардни фикрича, бир даврда инсонлар фақат тошдан кейинчалик бронза ва темирдан қурол ясаганлар.

Тош қуроллар ва қазилма сукк қолдиқларини таърифлашда швед табиатшуноси К. Линней 1735 йили чоп этилган “Табиат системаси” китобида инсонни маймунлар билан бир гурухга қўшади ва “шунча турлар бор, улар бошланишда худо қанча яратган бўлса шунча” деб қайд қиласди. Ҳаттоти орангутанни инсон номи билан: *Homo silvetris* “ўрмон одами”, Одамни эса *Homo sapiens nosle te ipsum* – “ақлли одам, ўз-ўзингни англа” деб инсонга келажак учун чақириқ айтади.

Француз табиатшуноси, эволюционист Жан Батист Пьер Ламарк 1809 йили “Зоология философияси” китобида инсон фақат табиий муҳит таъсирида юқори такомиллашган маймунлар, масалан, шимпанзедан келиб чиқиши мумкин деган фикрни ўртага ташлайди. Олимнинг фикрича, организмдаги ўзгаришлар доимий машқ қилишдан келиб чиқиши мумкинligини айтиб, оёқни доимий юришини машқ туфайли эканлигини қайд қиласди.

1818 йили Беленштедт чоп этилган ишида тинимсиз эволюцион жараёнда инсон ва ундан олдин яшаган ҳайвонлар ўртасида қандай боғловчи оралиқ шакллар бўлганлигини қайд қиласди. Шундан бошлаб “етишмайдиган ҳалқа” атамаси пайдо бўлади. Одамнинг аждоди маймун эканлиги ва оралиқ ҳалқаларга оид фикрлар немис файласуфлари Гольбах ва Кант ишларидаги ҳам қайд қилинади. Жумбоқларни ечишга Франция Академияси аъзоси Жорж Кюве ҳам аралашади. У ўзининг катастрофа – тўфон назарияси билан машхур бўлган. Шу

вақтда Бельгия ва Франциядан топилган қазилма қолдиқлар филинг бosh суюги ва тошбақаннинг чанофи, саламандра, мамонт, насорт суюклари бўлиб чиқади.

1830-1836 йиллари Кюве тарафдорлари бўлмиш Казимир Перье содда болта ва садоқ учини топади. Улар силлиқланган. 1836 йили Буше де Перье ва К. Перье иккевон Сомма дарёси воҳасидан суюклар ва ишлов берилган тошлар топадилар. Англиялик археолог ва этнограф Жон Леббок 1882 йил бошлангич тош даврини палеолит-қадимий тош асри, силлиқланган тош ва лойдан идишлар ясалган даврни неолит деб атайди. Энг аввали маданият 0,5 млн. йилдан ортиқ вақт давом этган. Чарлз Лейелнинг фикрича, музлик даври 800000 йил чўзилган. Немис биологи Эрнст Геккел ўзининг “Оламни табиий тарихи” китобида инсонлар шажарасини тушиб, қадимда одамсимон маймунлар ва инсон ўртасида боғловчи формалар яшаган, уларни питекантроп форма деб атайди ва шундай етишмайдиган форма ҳали топилмаганлигини қайд қиласди.

Ч. Дарвинни ҳамкасби Томас Гексли ўзининг китобида одамни келиб чиқишини одамсимон маймунларга боғлади. Шу сабабли Вильберфорак епископи олим Гекслига қараб: “Мистер Гексли сиз ҳақиқатан ҳам аждодларингиз маймун бўлган деб ҳисоблайсизми?” деган кулгили саволига Гексли: “Одамни уялишига сабаби йўқ, лекин сизга ўхшаган ҳовлиқиб қолган ва эзма, ўз фаолиятига ҳам гумон билан қарайдиган, ҳеч қандай билимга эга бўлмасдан илмий мунозарапарга аралашаётган одамдан келиб чиқсан, шунда уялган бўлар эдим”, деб жавоб берган.

Айрим пасторлар Инжил қаравшларига мутахассис олимларни яқинлаштиришга уринганлар. Масалан, пастор Анри Вальроте: “Одам Отони яратилганига қадар ерда одамдан олдинги одамлар ёки одамгача одамлар бўлган бўлиши мумкин дейди”. Шу одамсимон маймунлар одамга анча ўхаша бўлган, биз аждодларимиз пайдо бўлганга қадар улар йўқолиб кетган.

Теология профессори де Анвье фикрича, “Одам Отодан олдинги одамлар ҳақиқий инсонлар бўлганлар. Инжил инсонларни музлик, пилоцен ва ҳаттоқи эоцен даврларига киришга эркинлик беради. Илм уларни бизларни бобокалонларимиз қаторида туришини аниқлаши керак” деб қайд қиласди.

Фидокор олимларни кўп йиллик меҳнатлари ердан қолдиқларни қидиришлари, топган қазилмани таққослаш, таҳдил қилишларида Буше де Пера, Жон Леббок, Дарвин, Лайел, Гексли, Гекел кабиларнинг ишлари доимо нодон билимсизлар қаршилигига учраб келган.

1993 йилги маълумотларга кўра Фаргона водийси “Сел унфур” горидан бола суюги топилган. Унинг ёши 7-8000 йилга tengлиги аниқланган.

1856 йил ўрталарида мутахассис неандертал водийси ва унинг бир дарасидан Карл Фульро яхши сақланган бosh суюгини топади, унинг мияси ҳажми 1300 см³ атрофида. Шу дарадан Буше де Верд

қадимги одамларнинг тошдан ясалган турли асбобларини топади.

1860 йили Лайел неандертал водийси, унинг дара ва форларини ўрганади. Лайелнинг ёрдамчиси ирландиялик антрополог Вильям Кинг фикрича, неандерталдан топилган жонзод одам типида бўлиб, қачонлардир Европада кенг тарқалган. Уни *Homo neandertalensis* (неандертал одам) деб атайдилар.

1864 йили геолог Георг Баск Гибралтардан бош суюгини топади ва уни маълум бўлмаган инсон ирқига яқинлигини қайд қиласди. Бош мия ҳажми 1200-1296 см³ га тенг бўлган.

Шундай қилиб, *Homo sapiens* ни иккита аждоди неандертал ва гидрамттар вакиллари аниқланади. 1856 йили бельгиялик геолог Е. Дюпон Бельгиянинг Лайзи дарёси чап қирғоғидаги Троц де ла Но-лэйт форидан лойлар тагидан тош қуроллар, қирилиб кетган ҳайвонлар суюклари қаторида одам билак суюги, пастки жаф ва бир нечта тишларни топади. Жаф суюгига энгак йўқ эди. Е. Дюпон Бельгия форидан ва Пруссия гротидан (қоясидан) топилган суяк қолдиқлари биринчи давр одамларга оид эканлигини аниқлади. Улар музлик даврида Европа форларида яшаган.

1863 йили Эрнст Геккел табиатшунослик тарихи жамиятида қилган ахборотида маймун ва одамни боғловчи ҳалқани топиш керак деса, 1868 йили ўзини “Табиатшунослик тарихи” китобида ҳамма антропод маймунлардан Жануби-Шарқий Осиёда учрайдиган гибонлар одамга анча яқин ва шу худуд керакли маълумотларга бой бўлиши мумкин дейди.

1892 йили Эжен Диуба Малай архипалагидан на маймунга ва одамга ўхшамайдиган суяк топади. У жонзодни маймундан одамга ўтувчи оралиқ, боғловчи ҳалқа деб ҳисоблайди ва унга *Pithecanthropus* (маймунодам) ёки *palabus*, кейинчалик *Proectes* (тик юрувчи) номи берилади. Питекандроп ҳозирги одамнинг энг паст табақали вакили деб ҳисобланади.

1895 йили 15 сентябрда Лейден шаҳрида зоологларнинг ҳалқаро конгрессида питекантроп умумий эътиборда бўлади. Конгрессда қатнашган 240 профессордан топилган бош чаноқ (суяқ) одамники – 6 овоз, маймунники – 6, оралиқ жонзодни бош суюги – 8 овоз берадилар. Тос суюги бўйича эса 13 овоз одамники, 1 та овоз маймунники ва 6 овоз оралиқ жонзодга – питекантропга тегишли деб овоз берадилар, турли тафтишлардан чарчаган Э. Диуба питекантроп қолдиқларини темир сейфга солиб 1897 йили Лейден музейига сақлаш учун топширади.

Ўтган асрнинг 30-йиллари Д. Блек, Пей Венъ-Чжун, Изя Лаць по ва Ф. Вейденрейх каби олимлар Хитойнинг Пекин шаҳри атрофида хитой маймунодамининг бош суюкларини топадилар ва унга синантроп деб ном қўядилар. Уни питекантроп замондоши деб ҳисоблайдилар.

1935-1941 йиллари нидерландиялик Густав Кениссвалва Ява оролидан бир қанча бош суюклар топиб, питекантропнинг ёшини аниқлайди.

Аммо топилган питекантрол ва синантроплар қадимги одамлар туркумининг вакиллари эмаслиги аниқланади.

Археолог Лики 1931-1932 йиллари Кениянинг Олдовей дарасида 100 м чукурликдан маданий қатлам топади, у палеолит типида бўлиб, лекин уни Олдовейский деб атайди. Шу қатламдан турли иш куроллари топилади. 1948 йили Луис Лики ва Мери Виктория кўли атрофларидан пастки ва устки жағли бош суюгини топадилар. Шу топилган бош суюкнинг ёши 25 млн. Йилга тенг бўлган. Кейинги тиш, елка суякларига оид топилмаларни зинджантроп бойси деб номлайдилар. Бу жонзодни одам ривожланишидаги етишмайдиган ҳалқа деб ҳисоблайдилар. Ўртacha ҳисобларга кўра зинджантроп тахминан 600 минг йиллар аввал яшаган.

Кейинги топилмаларга презинтжантроп деб ном берадилар. Луис Ликининг фикрича, Олдовей ҳудудида гоминидларнинг икки таромоги – зинджантроп ва презинтжантроп вакиллари ривожланган. Пре-зинджантропни *Homo habilis* (қобилиятли одам) деб номлайдилар.

Олдовей қазилмаларининг ўртacha ёши 1750 000 йилга тенг деб аниқланади. Зинджантроп ва презинджантроплар топилган қатламларининг ёши 2 млн. Йилдан ортган. Қадимги одамлар ва маймунларнинг аждодлари антропоидлар тайёрлаган тош қуроллар ва кейинги бош суюкларнинг ёши 25 млн. Йил бўлса, Виктория кўли атрофида топилган маймунсимон жонзод суюк қолдиқларининг ёши 12 млн. Йилга тенг бўлган.

Кениядан топилган “кениапитеқ викери”нинг ёши 10 млн. Йилга тенг. Эфиопиянинг жануби-ғарбий ҳудудидан топилган иккита бош суюги *Homo sapiens* га тааллуқли бўлиб, унинг ёши тахминан 100 минг йилга тенг бўлган. Улар топилган қатламларнинг ёши 1 млн. 850 минг йилдан 2 млн. Йилга тенг. Қатламларда топилган турли иш қуролларининг ёши 2 млн. 600000 йилга тенг.

1969 йили Ричард Лики одамсимон жонзод бош суюгини топади. Лекин бош суюк австралопитекка оид бўлмайди. Рудольф кўли атрофида топилган бош суюкнинг ёши ҳозирги одам бошсуюгини эслатар эди. Бош, бел суюклари ва тизза суюклари асосий питекантропдан 2 млн. Йиллар аввал анча тик юришган.

1972 йили Ричард Лики ўз ютуқларига асосланган ҳолда: биз ҳозир айта оламизки, бундан 2500 000 йил аввал Шарқий Африкада австралопитеклар билан бир қаторда *Homo* туркумини икки оёқда тик юрувчи вакиллари яшаганлар. Топилган бош суюк ҳозирги одамлар бош суюгидан ва қадимий одамлар бошсуюкларидан ҳам фарқ қиласди.

Юқорида келтирилган тарихий далиллар антропогенезни бошлангич даврларида одамсимон жонзодларни ривожланиш эволюцияси бир текисда бўлмаганини кўрсатади. Ундан ташқари “маймунлар оламидан ажраб чиқиб “ақдли одам”га айланган жонзод йўқ. У топилгани йўқ, етишмайдиган боғловчи ҳалқа ҳам йўқ, топилмади. Келажакдаги илмий изланишлар керакли натижалар берар ва етишмайдиган ҳалқа топилар.

VIII БОБ

ИНСОННИНГ ЭВОЛЮЦИЯДАГИ ЎРНИ, УНИ КЕЛИВ ЧИҚИШИДАГИ КАТТА ЖАРЛИК

Инсон ўзининг физикавий тузилиши ва ақлий муносабатлари билан сутэмизувчи ҳайвонларнинг умумий белгиларига тўғри кела-ди. Лекин, инсон оддий ҳайвон эмас. Инсон – бу жуда ноёб тирик жонзод. Инсон кўп хислатлари билан, яъни сўзлаш, фикрлаш, ҳаётий удумлар, маданият ва ота-она бағрида узоқ давр ўсиш-ривожланиши билан бутун ҳайвонлардан фарқ қиласди.

Ер юзидағи бутун тирик жонзодлардан инсоннинг бош мияси кескин фарқланади. Инсон миясидаги 100 млрд. дан ортиқ нейронларда сақланаётган ахборотлар 20 млн. томдан иборат китобни тўлдиради. Инсондаги фикрлаш ва сўзлаш қобилияти уни бутун ҳайвонлар оламидан кескин ажратиб туради. Тўпланган ҳаётий билимларни бош мияда ёзиб бориш ва сақлаш инсоннинг яна бир характеристи белгиси ҳисобланади. Шу тўпланган билимларни ҳаётда кўллаш инсонни Ер юзидағи бутун тирик жонзодлардан буюк эканлигини кўрсатади ва бу буюклиқ инсонни космосга ва ойга парвоз қилиларди. Ҳақиқатан ҳам инсон миясини ҳеч бир нарса билан таққослаб бўлмайди. Чунки у чексиз мураккаб бўлиб, коинотда маълум бўлган нарсалар ичидаги энг мураккабидир (Pastak 1979).

Инсон билан ҳайвонлар ўртасидаги жуда катта фарқ – жарлик бу инсонни ақлий, руҳий бойликлари бўлиб, улар ҳурмат, муҳаббат, тўғрилик, тозалик, меҳр-оқибат, донолик, куч ва меҳрибонлик каби хислатларга асосланган. Инсон ва ҳайвонлар ўртасидаги жарлик туббиз жарликларнинг энг буюгидир (Битее, 1:26).

Шундай қилиб тирик организмлар ўртасида жуда катта фарқ бор. Уларни бир-бирларидан тузилишлари, инстинктлари ва хислатлари ажратиб туради. Бу белгилар тасодифий ҳолатлардан юзага келган деб фикрлаш ақлга сифмайди. Турли қазилма қолдиқлар ҳам инсоннинг аниқ белгиларини тасодифий йўл билан вужудга келганлигини тасдиқламайди. Айрим олимларнинг фикрича (Fred Hej, Ch. Biktemasinhe., 1981) палеонтологик йилномаларда оралиқ формалар йўқ. Бу дегани оралиқ формалар ҳеч қачон бўлмаган, қазилмалар: “Ўйлаб яратилган” деб овоз берадилар.

8.1.МАЙМУНСИМОН ОДАМЛАР

Кўп йиллар давомида олиб борилган илмий изланишлар натижасида кўплаб қазилмалар топилган. Илмий адабиётлар ўз саҳифалари-

да қазилмаларнинг турли хилларини акс эттирган. Улар ҳайвонларни эволюция йўли билан одамга айланганини ва одамсимон маймунлар бизни қадимги аждодларимиз деб қайд қиласидилар. Лекин, айрим эволюцион олимлар инсонларни аждоди маймунсимон одамлар ёки маймунлар деб ҳисоблайдилар (S. Tould, 1981).


Аммо палеонтологик йилномадаги материаллар бирор-бир тирик жонзодларнинг қолдиқлари ва ривожланиш жараёнлари инсонни аждоди маймунсимонлар эканлигини тасдиқламайди. Ундан ташқари инсонлар бутун ҳайвонлардан ва шу жумладан, маймунлар оиласидан ҳам жуда катта жарлик орқали ажралиб туради. Чунки, Ер юзидағи тириклик инсон ва маймун ўртасида боғловчи ҳалқа борлиги тўғрисида ҳеч қандай далил бермайди.

Эволюция назарияси бўйича инсон ва маймун ўртасидаги жарлик фалати кўринади. Эволюция бўйича ҳайвон ривожланиш жараёнида муҳитда яшаб қолиш учун такомиллашиб борган бўлса, нима учун маймунларни “садда” (паст) оила вакиллари сақланиб қолиб, бирор бир инсон билан маймунлар ўртасидаги оралиқ формалари сақланиб қолмаган деган саволга эволюция жавоб бера олмайди. Ҳозирги кунда турли ўрмонларда, зоопаркларда шимпанзе, горилла, орангутан каби маймунларни кўрамиз, аммо, “одам-маймун”, “маймун-одамни” (маймунсимон одамни) кўрмаймиз. Бу дегани содда туғилган одамсимон маймунлар муҳитда сақланиб қолиб, маймунсимон, маймун ва инсонлар билан боғловчи жонзодлар йўқолиб кетган. Нима учун уларнинг қолдиқлари ҳам йўқ. Бу дегани маймун билан тирик одам жонзодлар умуман муҳитда бўлмаган деган фикр туфилади.

Илмий адабиётларда, музей экспонатлари ва телевидениеларда инсонни маймунсимон жонзодлардан ривожланганлиги ҳақида кўплаб далиллар бор. Лекин Дарвинни қўлида қандай қазилма далиллар бўлган, улар инсоннинг келиб чиқиши ҳақидаги назариянинг юзага келишига етарли бўлганми? Бундай саволлар жавобсизdir (3-4-расмлар).



3-расм. Қадимги одамлар ҳаёти.



4-расм. Оданни маймундан техникага етишиши .

“The Bulleten of the Atomic scientists” (1982) бюллетенини хабар берисича инсон эволюциясига оид назария ҳақиқатдан анча йирок, ғалати назария, “қазилмаларсиз қазилмалардан айрилиб қолган назария” деб атайды. Инсон эволюциясига оид назария: ўзини ҳәётчанлиги учун қазилма қолдиқтарни озми-күпми бўлиши керак эди. Аммо қазилма далиллар жуда оз ёки бўлмаган. Шунинг учун инсон эволюцияси назарияси гумонли бўлган. Сабаби инсонга яқин жонзодларни қадимий қазилмалари кўп олимларнинг фантазияси бўлган. Чунки одамлар эволюцияга, инсон эволюциясига ишонишни хоҳлардилар ва бу хоҳиш олимларнинг ишларида ўз аксини топади.

Бундан 100-130 йиллар олдин “маймун-одам”ни яшаганлиги ҳақида жуда кўп (қазилма қолдиқлар) маълумотлар бўлган. Лекин қазилмаларда топилган далиллар оз бўлиб, ҳар сафар топилмалар тўғрисидаги хулосалар ўзгариб турган. Ундан ташқари қадимги одам қолдиқлари жуда ҳам кам бўлиб, улар инсон эволюциясини тиклай олмайди. Чунки топилган ҳамма қазилмаларни бир столга жойлаштириш мумкин бўлган. Нью-Йорк таймс (The New York Times, 1982) ёзишича, инсон авлодларининг қазилма қолдиқлари бир бильярд столига жойлашади ва ўтган бир неча милион қоронфилик йиллардан бўён етиб келган далиллар жуда ҳам оз, кучсиз бўлиб топилган қазилмаларни бир тобутга солса, унда бўш жой қоларди, деб хабар беради.

Одам эволюциясини таҳлил қилас эканмиз, ҳозирги маймунлар қаердан ва қачон пайдо бўлганлиги ноаниқлигича қолади. Уларнинг ўтмиши йўқ, улар ҳақида палеонтологик йилномаларнинг бирор-бир бетида маълумот тополмайсиз. Ўтмиши йўқ маймундан қандай қилиб инсон юзага келади. Бу жумбоқдир.

Ҳозирги замон инсонларининг катта бош мияси, тик юриши, сўзлаш, терининг жунсизлиги, меҳнат қуролларини яратилиши – бу жуда ҳам катта сир, эволюциянинг сиридир.

Ҳозирги кўринишдаги палеонтологик йилномада фикрлайдиган, режалар тузиш қобилиятига эга, янгилик яратиб, ундан фойдаланадиган мураккаб тилда сўзлашадиган инсон бирдан пайдо бўлади.

Д. Гоулднинг (1981) фикрича бундан 50000 йил аввал палеонтологик йилномада пайдо бўлган *Хомо сапиенс* миясининг ҳажми ва тузилишида биологик ўзгаришлар бўлиб ўтганлигини инкор қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам “The Universe Within” (1982) китобида: “Эволюцияни нима мажбур қилдики, у бир кечада ҳозирги одамни – уни маҳсус ва юқори ривожланган бош мия билан вужудга келтирди?” каби саволга эволюцион назария жавоб бера олмайди. Унда жуда мураккаб тузилишда ва ҳаддан зиёд ҳаракатчан жонзод ҳақиқатан ҳам яратилганмикан, яратилган бўлса, қандай деган савол келиб чиқади.

Боғловчи ҳалқа. Олимларнинг кўп йиллик изланишлари маймунсимон ҳайвонлар ва инсон ўртасида боғловчи ҳалқани тополмади. Ҳозирги замон одамини бирдан пайдо бўлишини тушунтириб беришда етишмайдиган ҳалқанинг йўқлигидир. Айrim олимларнинг (Adler, Keri., 1980) фикрича, одам билан маймун ўртасида етишмайдиган ҳалқа – бу жуда қадимий ўйлаб топилган жонзодлардир. Етишмайдиган, боғловчи ҳалқа палеонтологик йилномада изсиз жойдир. Шунинг учун ҳам боғловчи ҳалқанинг йўқлиги ва жуда оздалиллар асосида “фиктив жонзодларни” ўйлаб топилиши ва улар борлиқ, ҳақиқат деб қабул қилганлар ва натижада инсонлар ўзларининг маймунсимон аждодларидан аста-секин ажralганлар. Фақат бир формадан иккинчи формага бирдан сакраб ўтмаган деб даъво қилувчиilar ҳам бор. (Science 81, 1981, P, 7). Лекин антропология материалилари ва далиллари мутлақ қарама-қарши хulosаларни беради. Масалан, Соли Цуккерманни (1966) фикрича инсон эволюцияда етишмайдиган боғловчи ҳалқани қолдириш бу гуллаб бораётган савдогарлик ва афсонадир. Чунки ҳақиқатлар жуда тез инкор қилинган, аксинча юзаки тарғиботлар ҳимоя этилган.

8.2. ИНСОННИНГ ШАЖАРА ДАРАХТИ

Инсоннинг шажара дарахтини тузиш натижасида содда ҳайвонлардан инсонга ўтиш эволюцияси ўзгариб борган, яъни ҳар бир янги топилган қазилма қолдиқлар, аввал топилган қазилмалар асосида яратилган эволюцион тушунчаларни парчалаб юборади (R. Liki., 1973) ва антропологияга оид китобларни, инсон эволюциясига тааллуқли ва унинг шажарасини акс эттирувчи мақолаларни хатолик натижаси сифатида ташлаб юборилади.

Шундай қилиб, инсон эволюциясининг шажара дарахти тарихи жуда ортиқча боғловчи ҳалқа чиқиндилар билан тўлиб кетган ва эволюция фанида инсонни келиб чиқишига оид назарий асослар учун кўп бўш бетлар бўлиб, айrim ҳолларда шундай жойлар илмий далиллар билан эмас, балки муаллиф тўғрисида бўлади. Айrim ҳолларда бош суюги топилиб, шу асосида инсон шажара дарахти тузилади

ва инсон эволюциясига оид нотүгри талонни марказий йұналишга жойлаشتырлади.

Эволюционист олимлар (N, Elgrigy, I, Tatrsali 1983) ўзларининг «Мифа эволюция чөлөвека (The Myths of Human Evolution)» китобида инсон эволюциясидаги шажара дараҳтидаги боғловчи ҳалқа түғрисида фақат ўйлаш мүмкін, холос, сабаби күп йиллар давомида топилған гоминидларга оид қазилмаларнинг түпланиши инсоннинг ривожланиши ва унинг ривожланиши тарихини очиб беради, аммо, қазилмалар ривожланишни йүқ қылди дейилади. Discover журналининг (1983, 1, pp 83-84) маълумотига кўра, «инсон тури ва бошқа турлар ўзларига хос етим бўлиб қолишган, сабаби уларнинг аждодлари эволюция бўйича ўтмишда йўқолиб кетган».

Палеонтологик йилнома бўйича инсонлар ва маймунлар алоҳида-алоҳида ҳолда юзага келган, шунинг учун ҳам қазилма қолдикларда одамни маймунлар билан боғловчи ҳалқалар ҳеч қачон бўлмаган. Бу ерда савол туғилади, агар инсоннинг аждодлари маймунга ўхшамаган бўлса, нима учун илмий асарлар ва музейлар “маймун-одамлар” модели ва кўргазмаси билан тўлиб кетган. Д. Кинг (1971) фикрчча, тирик организм танасидаги гўшт ва жунини тиклаш учун фантазия қилишга тўғри келади. Қадимги инсонлар терисининг ранги, соч, жунининг сифати, ранги, юзининг умумий кўриниши, боқиши каби характерли белгилар түғрисида биз ҳеч нарса билмаймиз.

“Science Digest” (1981, 41 р) журнали хабарича санъат кўпчилик ўринларда аниқ далилларга эга эмас, балки фантазияга асосланган бўлиб, рассомлар сурат чизишда маймун билан одам ўртасини моделлаштирганлар, шунинг учун ҳам қадимги гоминид қандай кўринишга эга бўлганини ҳеч ким аниқ айтольмайди (Д. Ч. Ногансон., 1981). Ҳаттоқи эволюционист олимлар ҳам “маймун-одамлар” кўринишини ҳар томонлама тоза уйдирма, ўйлаб топилған ҳолат дейдилар. Масалан, И. Лисснер (1961) ўзининг “Одам, Худо ва магия” китобида ёзишича қадимги биринчи “ёввой” одам ҳам бўлмаган ҳаттоқи, музлик давридаги одамлар ҳам, кўпол, ваҳший жонзорлар, чала маймунлар ва кретинлар ҳам бўлмаган. Шунинг учун неандертални ёки пекин одамини реконструкция қилишга уриниш аҳмоқлик деб қайд қилган.

Вақтнинг ўтиши билан маймун одамларни яшаганлиги ҳақидаги маълумотларга аниқлик кириб боради. Масалан, 1912 йили топилған пилтдаун одамини 40 йилдан ортиқ вақт давомида ҳақиқий одам қолдиги деб ишониб келишган. Лекин, 1953 йили янги услублар билан текшириш натижасида топилма қалбаки эканлиги аниқланади ва шу қалбаки-топилма фақат битта тишдан иборат бўлиб, у ҳам бўлса қадимда йўқолиб кетган чўчқа тиши бўлиб чиқади.

Қадимги сүяқ қолдиклари. Энг қадимги бундан 70 млн. йил яшаган кичгина сичқончасимон сутэмизувчилар инсонларнинг тарихий ривожланиш линиясига алоқадор деб даъво қилувчилар ҳам бўлган.

Аммо, бошқа маълумотларга кўра (*Lucy the Beginnings of Human Kind.*, 1981.315 б.) шу кичкина сичқончасимонлар – тўрт оёқли ҳашаротхўрлар бўлиб, улар формаси бўйича олмахонларга ўхшаган бўлиб, уларни бошқа ҳайвонлар билан боғловчи ўткинчи формалари бўлмаган.

Тахминан бундан 40 млн. йиллар ўртасидаги давр қазилмалари қидирилади ва натижада, Мисрда египет маймунининг қолдиги топилади. Шу жонзод таҳминан бундан 30 млн. йил аввал яшаган деб таҳмин этилади. Китоб, журнал, газеталарда шу жонзодни қўриниши “бизнинг аждодимиз деб” тарғибот қилинади. Маймунга ўхшаш Африка примати инсон ва одамсимон маймунларнинг умумий аждоди (*Uevster*, 1984) дейилса, бошқа бир маълумотда египтопитеқ ҳозирги маймунларнинг аждоди деб қайд қилинади ва сичқонлар, кемириувчилар билан маймунлар ўртасида ѡч қандай боғловчи ҳалқанинг йўқлиги ҳам баён этилади.

Палеонтологик йилномада катта бўшлиқни тўлдирадиган одамсимон маймун қолдиги топилади. У тахминан 14 млн. йил аввал яшаган бўлиб, унга рамапитеқ (Рама маймуни) деб ном берилади. Унинг қолдиқлари бундан 70 йиллар аввал Ҳиндистонда топилган ва, бу қолдиқлар асосида маймунсимон икки оёқли, тик юрувчи жонзод қўринишга эга бўлган ва инсон туркумини биринчи вакили ҳисобланади. Унинг қўринишини рассомлар бир неча тицлар, устки ва остки энгаклар айрим қисмлари асосида ёритадилар (*Jiki, Levin*, 1977); кейинги топилмалар бўйича рамапитеқлар ҳозирги одамсимон маймунлар оиласининг вакилларига жуда ўхшашлиги туфайли рамапитеқ инсонлар шажарасига аъзо бўлолмайди деб қайд қилинади (*New Scientist*, VI, 1982, 873 б.); сабаби тос, қўл-оёқ ва бош чаногисиз, фақат тиш ва энгак суяклари бўйича инсоннинг ривожланиш жараёнини тиклаб бўлмайди, жуда оз қолдиқлар билан ҳам инсон ривожланиш жараёнини тиклаб бўлмаслиги аён бўлади. Шундай қилиб рамапитеқ инсон шажарасидан жой олмайди.

Кейинги маймунодам қолдиги жанубий маймун – австралопитеқ номи билан палеонтологик йилномага кириб келади. Унинг қазилма қолдиқлари биринчи марта 1920 йили Жанубий Африкадан топилади. Кичкина маймунча бош чаноги ва кучли энгакли бўлиб, уни икки оёқда олдинга эгилиб юрадиган, усти жунли, қўринишидан маймунга ўхшаган бўлиб, тахминан 3-4 млн. йил аввал яшаган ва эволюционистлар уни инсон аждоди деб қабул қиладилар.

Бир китобда (“*The Social Contract*, 1970 р 299) ёзишича, ҳозирги кўпчилик тадқиқотчилар бир оғиздан австралопитеқлар ҳақиқатдан ҳам одам аждодидир деб қайд қилган олим Роберт Рейнольд (1971) охир-оқибат австралопитеқ *Хомо Сапиенсга* эволюция қилди деса, Рут Мур (1961) кейинги топилмалар асосида инсон ўзининг узоқ аждодлари билан учрашибди ва бу топилма етишмайдиган ҳалқадир деб таъкидлайди. Шундай қилиб австралопитеқнинг бош миясини инсон аждодларининг бош суги деб ҳисоблайди. Уни “етишмайдиган ҳалқа”

ўрнида кўрганлар (5-расм), лекин айрим олимлар (С. Стенли, 198) австралопитекнинг бош суяги ва ундаги мияси жуда кичик деса, С. Цуккерман (1970) австралопитек бош чанофини одам ва маймунлар бош суяги билан солиштирганда топилма маймун бош суягига ўхшашлиги аниқланди. Бу қорани оқ дейиш билан тенг бўлиб чиқади. Шундай қилиб, австралопитек ҳозирги маймунларга ўхшаган ва у ҳеч қаёнин одамларга инсон аждодларига тааллуқли эмас. Агар тирик австралопитеклар топилса уларни бошқа маймунлар билан зоопаркка жойлаштирилса ҳеч ким уларни “маймунодам” деб атамас эди.

Сабаби унинг бош мияси инсон бош миясининг 3/1 ни ташкил қилиб, шимпанзе бош суягига жуда ўхшаш бўлган.

Қазилмалардан яна бири Хомо Эрантус (тик юрувчи одам) бўлиб, унинг бош мияси, формаси, ҳажми ҳозирги инсонларнидан фарқ қилмайди. Унинг кўл-оёқ қолдиқлари ҳам Хомо Сапиенс оёқ-қўллари кабидир. Лекин, улар одам бўлганни ёки инсон туркумининг йўқолиб кетган шоҳбасими, аниқ эмас.



5-расм. Бош суякларининг кўрининши: а) австралопитек; б) шимпанзе; в) одам ва уларнинг фарқи.

8.3. ИНСОН ТУРКУМИНИНГ ВАКИЛЛАРИ

Германиянинг неандертал водийисидан топилган қазилмага “неандертал” номи берилади ва инсон туркумига тааллуқли деб ҳисобланади. Муаллифлар уни ярим эгилиб юрадиган, сержун маймунга ўхшаш қилиб чизишса, кейинги кўп неандертал топилмаларнинг кўрсатишича улар ҳозирги инсонлардан кам фарқ қилган. Фред Хайл (1981) ўзининг “Ice – муз” номли китобида: ҳеч қандай гумон йўқки неандерталлар биздан паст турган, деб қайд қиласди.

Кейинги инсонлар гуруҳига оид топилма илмий адабиётларда “кро-маньонец” номи билан маълум бўлиб, у Франциянинг жанубий худудларидан топилган. Топилма ҳозирги одамларга шунчалик ўхшаш ва фарқ қилмаганидан, уни оддий одам деб қабул қилинади (Lucy, 1981).

Шундай қилиб, “маймунодам”дан одамни келиб чиқиши асосиз ҳисобланади. Аксинча, инсонларни фарқли белгилари ҳамма ҳайвонлардан фарқли ўлароқ инсон яратилган, у ўз уруғи туркумидан кўпаяди. Шундай бўлган ва шундай бўлмоқда. Аввал яшаган ҳамма маймунсимон жонзодлар маймунлар бўлган ва ҳеч қачон одам бўлмаганлар. Қадимги қазилмалардаги одамлар, ҳозирги одамлардан жуда кам фарқ қилганлар ва бу инсон туркуми ичидаги ҳар хилликга киради. Масалан, 2-2,5 метрли одамлар пакана пигмелардан бўйи, склетининг тузилиши билан фарқ қилса ҳам, улар инсон туркумига оид бўлиб бирор-бир ҳайвонлар туркумига кирмайди.

Библия хронологияси бўйича инсон яратилишига тахминан 6000 йил керак бўлган. Лекин, инсонга оид қазилмалар, уларнинг умрини анча қадимий эканлигини билдиради. Баъзи бир олимлар радиометрик услуг асосида Библияни инсонни яратилишига оид (6000 йил) вақтга ишончсизлик билан қарайдилар. Лекин, бу вақт нисбий бўлиб бир неча йилга, ҳаттоқи математик тенгламаларга фарқ қилиши мумкин. Масалан, Роберт Геннон (1979) фикрича, инсон ер юзида 3,6 млн. йил эмас, балки бир неча минг йиллар аввал бўлган.

Радиоуглерод услуби қадимги инсонлар тарихига анча аниқликлар киритади. 1979 йили Шведциянинг Упсала шаҳрида радиохимиклар, археологлар ва геологларнинг конференцияси бўлиб ўтади. Ундағи асосий масала радиоуглеводород услубини гумонли, аниқ эмаслигини топиш бўлган. Шу асосида ерда инсон фаолияти миллион йиллар билан эмас, балки минг йиллар билан ўлчаниши аниқланди. “Ернинг тақдери” китобида (The Fave of the Earth) ҳаммаси бўлиб 6-7 минг йил аввал цивилизация юзага келган ва шундан кейин инсоният дунёси тикланади деб қайд қилинса, “Кейинги икки миллион йил” номли китобда эса эски деҳқончиликни дунёда ривожланиши ва унинг революцияси тахминан милоддан аввалги 10000-5000 йиллар оралиғида бўлган дейилади.

Палеонтологик йилнома бўйича ҳозирги замон одамини Ерда бирдан пайдо бўлганлиги тарихий ёзилмалар билан ҳам тасдиқланади ва инсонни яқин орада пайдо бўлганлиги Инжил хронологиясига ҳам тўғри келади.

Ядро физика бўйича мутахассис Нобел мукофотининг лауреати И. Ф. Либбининг (1961) фикрича радиоуглерод услуг икки босқичдан иборат бўлиши керак, яъни намуналар тарихий ва милоддан аввалги бўлиши керак. Шундан кейин аввалги 20000 йил деб белгиланган қазилмаларнинг ёши ҳаммаси бўлиб 5000 йилга teng бўлиб чиқади.

Инглиз эволюционист олими Малкем Маггеридж (1974) фикрича, кўп йиллик хабарларга қараганда “Библия” китобининг хабари етарлича онгли ва ҳақиқатдан ҳам, одамларга ва уларнинг хулқларига оид бўлиб, инсон эволюциясида бир бош суюқдан иккинчи бош суюқка сакраб юриш тоза афсона ва эволюционистларнинг ўйдирмаси деб қайд қиласи.

IX БОБ

ЭВОЛЮЦИЯ ТАЪЛИМОТИГА ИШОНИШ САБАЛЛАРИ

Юқорида қылган таҳлилларимиздан кўриниб турибдики, борлиқ яратилганлигига оид далиллар кўп. Аммо кўпинча борлиқни яратилганлигини инкор қилиб, эволюция назарияси қайд қилинади. Бунинг асосий сабаби доимо мактабларда “Умумий биология” дарслигида (10-11 синфларда) “Эволюцион таълимот” (203-252 бетлар), “Эволюцион далиллари” (257-264 бетлар), “Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши” (272-288), “Одамнинг пайдо бўлиши” (292-306 бетлар; проф. А. Т. Фофуров, 1995) каби мавзуларда эволюция таълимотини тарғибот қилиш бошланади. Кейинчалик олий ўқув юртларининг дарслекларидаги биологик-фалсафий илмий асарларда ҳам эволюцион қарашлар кўллаб-куватланади. Дарс давомида ўқувчи ва талабаларга эволюцияга қарши далиллар келтириб ўтилмаган. Мактаб ўқувчиларига эволюция назария сифатида эмас, балки борлиқ (реальность) қилиб етказилади, агар бу назарияга қарши қилиб дарс ўтилса, унда турли мулоҳазалар, саволлар келиб чиқиб эволюция концепциясига путур етган бўлар эди. Шунинг учун ҳам ўқувчи-талабалар эволюцияни ишонч билан, тўғри таълимот деб қабул қиласидилар. Чунки уларга шахсий мулоҳаза қилиш ва эволюцияга оид ўз фикрини айтишга имкон йўқ. Сабаби кўп китоб-журналларда, телевизионларда: “Инсон содда ҳайвонлардан ривожланган”, “Бундан миллион йиллар аввал ҳаёт океанда юзага келган” каби тарғиботларда эволюция назарияси қувватланади. Аммо унга қарама-қарши далиллар эътиборга олинмайди.

Ундан ташқари ўқитувчилар ва олимлар ҳам эволюция бу факт, бор ва бўлган нарса, воқелик деб турганда мутахассис эмаслар додини кимга ҳам айтарди. Шундай қилиб, олимлар эволюцияни ёқлаб чиқадилар. Шундайлардан бири Ричард Докинс (1982) ҳозирги кунда Дарвин назарияси ҳамма томондан етарли далиллар асосида қувватланмоқда ва ҳозирги биолог назарияни ҳақиқат эканлигига гумон қилмайди, деб қайд қилса, кўпчилик олимлар, шу жумладан, ҳозирги етук биологлар эволюция назариясига ишонмайдилар. Улар эътиқоди ва ишончи бўйича борлиқни яратилганлигига анча ишонч билан қарайдилар. Шу сабабли Докинслар каби куруқ сафсабабозларнинг фикрлари хато ва ҳақиқатни чалфитишдир, холос.

Р. Докинснинг (1982, 15.04) чиқишига қарши New Scientist (1982, 13. 05. р. 150) журнали маълумки Р. Докинс “ўз ишончсизлигини асосиз умумлаштиришлар билан оқламоқчи бўлган” деб ёзади. Бир китобда (“A View of Life”, 1981, р. 584) ёзишича, эволюция бу ҳақиқат, у Ерни Кёш атрофида айланиши, водород ва кислород сувни ҳосил қилиши

каби ҳақиқат дейишади. Аммо Ерни тортиш кучини, уни Қуёш атрофида айланиши ва водород + кислороддан сув ҳосил бўлишини тажриба йўли билан аниқлаб, исботлаб бўлмади ва бўлмайди ҳам. Шу асосида эволюцияни факт деб туриб олиш ақлга сифмайдиган ҳолатdir.

Джон Ридернинг “Missing Links” (1981, “Етишмайдиган ҳалқа”) китобига сўзбоши ёзган Дейвид Пильбимни қайд қилишича, олимлар кўпчилик ҳолларда етарли далилларсиз фикр юритадилар. Сабаби улар ҳам одам, уларга ҳам шон-шуҳрат, машхурлик, катта мукофотлар керак. Эволюция – бу фан бўлиб, шахсий манфаатларни кўзлаған ҳолда, олдиндан тўқилган тахминлар асосида илдамлайди. Ҳозирги эволюционистлар нотўғри, хато далиллар асосида, тахминлар билан фикрлайдилар, тўғри, ҳаққоний далилларни инкор қиласидилар ва эволюция томонини олиб ўзлари мансаб эгаллайдилар. Борлиқни, ҳақиқатни тан олиш уларга катта зиён келтиради, деб ёзган эди.

Илмга дахлсизлик фикрларини У. Р. Томпсон (1956) ўзининг “Турларнинг келиб чиқиши” китобини 100 йиллигига бағишиланган сўзбoshiда жуда катта афсуслар билан “Дарвин қўлидаги далиллар ва уларнинг мuloҳазаси бугун кўпчиликни ишонтира олмаётir. Кўп йиллар давомида ирсият белгиларини ўзгарувчанлигини кузатишлар Дарвинни позициясига путур етказди. Аргументлар тўғри таҳлил қилишга ярамайди”, деган.

Етарли далилларсиз кўпчиликни ишонтиришга ҳаракат қилиш энг ачинарли ҳолатdir деган “Турларнинг келиб чиқиши” назариясини узоқ вақт ачиниш билан ютуғи текшириб бўлмайдиган хуласаларга асосланган биологларнинг мuloҳазалари сабаб бўлган. Ва натижада дарвенизмнинг ютуғи илмий тўғрилик даражасини пасайиши билан кузатилади. Бу ҳолат илм аҳли назарияни ёқласа ҳам уни аниқ илмий таърифлаб бера олмайдилар ва илмий далиллар келтирмайдилар ҳам, аммо ёлғонини яшира олмайдилар, далилларсиз аҳоли ўргасида асосиз назария нуфузини оширишга ҳаракат қиласидилар. Бу илм олдила ноxуш ҳолатdir, деб айтилган.

Антраполог профессор Энтони Острик ўз ҳамкасларини танқид қилиб, инсонни маймунсимон жонзодлардан келиб чиққани “факт” эмас, балки гипотеза бўлиб, у ҳам жуда ёмон асосланган ва ундан ташқари, инсон ерда пайдо бўлгандан бўён унда қандай ўзгаришлар содир бўлганилгига аниқлик йўқ. Маълумки, илм ҳамма вақт ўзини объективлиги билан фаҳрланиб келган, лекин айрим олимлар тахминларга асосланиб фикр юритиб катта хатоликларга йўл кўйган, дейди.

Эволюция назариясини кенг тарбибот қилишдаги яна бир катта камчилик бу мачит, черковларда ва диний таълим марказларида Библия ва Қуръони каримда борлиқни яратилишини талabalарга тўғри етказиб бермаслиқдир. Муқаддас китобларда борлиқ эволюция йўли билан эмас, балки улуғ Оллоҳ томонидан яратилганлиги

аниқ баён қилинганды. Диний таълим берувчи педагоглар шу таълиматни ўқувчиларга аниқ-тиниқ қилиб етказиб беришлари керак. Мұқаддас китоблардаги даиллар бутун борлық, ундаги ҳаво, сүв, ер ва тирик жонзодлар яратылғанлығы билан асосlidir. Шу борлықни яратилишида эволюцияны ҳеч қандай алоқаси йүқлигини тарғибот қилинса, нур устига нур бұлар эди. Борлық түғрисида ҳақиқатни билгандан сүңг, улуғ ижодкор Оллохға, яраттуvчига бұлған ишонч анча ошган бұлар эди. Диний мадраса ва олий ўқув жортларыда таълим ола-ётган талабалар ўзлари яшаб турған атроф-мұхитта, шу мұхитдаги жонзодларга мәхрли бұлишлари, мұхитни тоза қўкаламзор қилиб, яашашлари тарғиб этилади.



Х БОБ

ИНСОН – ТАБИАТНИНГ НОЁБ ЖОНЗОДИ


Табиатдаги бутун тирик жонзодлар ичида энг ноёби, ташқи қиёфаси, тана тузилиши, күриш, сұзлаш, фикрлаш каби хислатлари билан табиатдаги энг гүзіл жонзод бу инсондир. У табиат мұъжизасидір. Бутун борлықдаги мұъжизаларнинг мұъжизаси бу – инсоннинг бош мияси ва унинг фаолиятидір. Сабаби инсоннинг сезги органлары орқалы бош мияга ҳар сонияда таҳминан 100 млн. атрофида ахборотлар келади. Шу оқиб келаётган ахборотларнинг ҳаммаси фикрланағы ва жавоб олади. Шу миллионлаб хабарларга ақпудалаб жавоб беради. Демек ақпудалаб келаётган ахборотларни қабул қилиб олади, шу ахборотларга чидайды ва енгиллик билан уларни бошқаради.

Инсон миясینинг күт мұъжизаларни амалға оширишида 2 та омил катта рол ўйнайды. 1) яньни, мия үртасида құлнинг жимжилоги катталигіда асаблар түрі жойлашған. Бу асаб тұрларини ретекуляр формация деб айтилади ва у үзиге хос ҳаракатни бошқариш маркази бұлып келаётган миллионлаб ахборотларни бирма-бир әлакадан үтказади, кераксизларни тушириб қолдириб, кераклиларини бош мияга юборади. Шу кичкина асаблар түрі ҳар бир сонияда бир неча юзлаб ахборотларни үтказиб туради. 2) иккінчи омил, бу турли тұлқынлар бұлып, улар ҳар 8-12 сонияда ахборотларни үтказиб туради. Шу тұлқынлар юқори сезгирилкі даврларини көлтириб чиқаради ва бош мия кучли сигналларни қабул қиласы да үларға жавоб қиласы. Демек, шу тұлқынлар таъсирида үзидегі бор ахборотларни жуда синчиковлик билан таҳлил қиласы да энг кераклы ахборотта жавоб қиласы. Шундай қилиб, бизнинг бош миямизда ҳар дақықада мисли күрілмаган фаолият содир бўлади.

Кейинги йилларда олимлар инсон мияси фаолиятини ўрганиш бўйича катта ютуқларга эришадилар, лекин бу соҳада аниқланғандан кўра аниқланмаган сирлар күпроқ эканлиги маълум бўлади. Бир тадқиқотчи олим (Рестак, 1979) фикрича, бизнинг миямиз коинот каби сирлигича қолмоқда. Инсон танасидаги мияси энг сирли мұъжиза қисм, ҳайрон қолдирадиган мұъжизадир.

Куръони каримда көлтирилишича, “Биз инсонни тупроқдан яратдик. Кейин эса бир мустаҳкам жойда турадиган нутфа (уруглик) қилдик. Нутфани эса бир парча қонга айлантиридик. Жойни эса музғача (қон билан гүшт үртасидаги бир нарса)га айлантиридик. Музғани сүяқ қилдик, сүяқка гүшт кийгиздик. Ундан сұнг бошқача қилиб яратганимиз” (Мұмынун сураси, 12-14-оятлар) (6-расм).

Куръони каримнинг шу оятларидаги маълумотлар илмий далиллар бўлиб, инсонни тупроқдан яратилғанligига ишора қиласы (М.




6-расм.

Нутфанинг она қорнида жойлашиши. Содиқ М. Юсуф, 1992). Маълумки, эркак уруғи ва аёл тухумини қўшилишидан ҳомила пайдо бўлади. Уруғлик ва тухум ейилган овқатлардан, озуқа эса тупроқдан вужудга келади. Эркакнинг уруғлиги қўшилиш жараёнida аёлга ўтади. Улар тирик ҳужайралар бўлиб, эркак ҳужайралари урғочи тухум ҳужайраларини ёриб киради. Унга қўшилади, аралашади ва она қорнида ҳомила пайдо бўлади.

Куръонда қайд қилинган хабар – эмбрионни ривожланиши илмий кашфиётларда ҳам тасдиқланди.

Проф. Кейс Моор-ни айтишича, Куръони карим оятларида келтирилган далиллар олдидаги “The Gazette” ва “The Globale and Mail” кундадлик нашрлари ўқувчилари 1984 йилнинг 22-23-ноябр сонларида бо силган хабарни ўқиб, ҳайратларини яшира олмадилар. Унда мусулмонларнинг муқаддас китоби бўлмиш Куръони карим ўзидан XIV аср кейин кашф этилажак ҳоди-



7-расм.

Нутфанинг ривожланиши даврлари.

саларни бутун икир-чикиригача ифода этгани таъкидланган эди.

Олимлар, айниқса, ҳомилашунослар она бачадонида ҳомиланинг ривожланиши билан боғлиқ хабарларга аввалига сира ишонгилари келмади. Буни хато бир хулоса, деб ҳисоблардилар. Аммо “The Globale and Mail” газетасидаги расм Канаданинг энг таниқли ҳомилашуносларидан бири, профессор Кейс Моорга тегишли эди. Доктор Моорнинг каттагина қофозга ёзилган Куръон оятларини ушлаб турган сурати эса катта шов-шувга сабаб бўлди. Доктор Моор Торонто дорил-фундинг анатомия бўлими бошлифи эди. У берган маълумотлар машхур мутахассис Роберд Эдварс томонидан худди шу матбуот нашрларида тасдиқланган.

“The Globale and Mail” газетаси 1984 йил 22 декабрда чоп этган мақоласида “Мусулмон олимлари ҳайратга тушдилар. Ҳомила ривожи мутахассиси Куръон сирларини изоҳлади”, деб сарлавҳа қўйди. Бу билан фақатгина ислом олимларининг мазкур хабардан таъсири-ланганига ургу бермоқчи бўлди. Бироқ шов-шув қаҳрамони доктор Моор мазкур хабарнинг тўртинчи қисмida ҳамда эртасига чиққан “The Gazette”да 1940 йилга келибгина аниқланган ушбу ҳақиқатнинг VII асрда ёқ Куръонда эътироф этилганини ва у “инсон зурриёдининг кусурсиз бир таърифи” эканини, оятлар қаршисида ўзининг лол қолганини очиқ-ойдин эътироф этган эди.

Кейс Моор ўз тадқиқотларини “Куръон ва ҳадисда инсон зурриёди борасидаги мўъжизалар” сарлавҳаси остида тўплаб нашр қилди. Унда Кейс Моор, жумладан, шундай ёзди: “маълумки, милоддан аввалги IV асрда ҳомилашунослик соҳасида ўтказилган биринчи тадқиқот ва тажрибаларда жўжа эмбриони текширилган. Бу орқали муҳим бир натижага эришмоқчи бўлган эдилар. Шундан кейинги икки минг йил давомида ҳомилашуносликда дикқатга сазовор бирор ўсиш сезилмади. Фақатгина XVII асрга келиб, микроскоп кашф этилиши билан инсон ҳужайрасидаги ҳомила босқичлари аниқлана бошланди. Бир неча йил давомида Куръон ва ҳадислар устида изланишлар олиб бориб, инсон ҳомиласининг ривожланишини текширдим ва VII асрда инсониятга туширилган бу илоҳий китобда илмий ҳаракатларга тамоман мос келадиган маълумотларни кўриб, лол қолдим. Энди Куръондан мен танлаб олган оятларни ҳомилашунослик соҳасидаги охирги исботлар ва маълумотларга суюниб тадқиқ этаман. Инсон зурриёдининг она бачадонида даврий тарзда ривожланиши бир фикр сифатида 1942 йили ўртага чиқди. Бугунги кунга келиб тан олинаётган охирги исботлар фақат 1974 йилдагина кўпчилик томонидан қабул қилинган. Куръон ва ҳадислар ҳомила уч қоронғи бўлимда ривожланишини очиқ баён этади. Бу ҳомилашуносликнинг охирги маълумотларига тамоман мос келади. Яъни, биринчи бўлим – бачадон девори, иккинчиси – она-нинг қорин зари, учинчиси ҳомила ва кроёнлар вужудга келтирган

амниокорионик мембранадир. Бу уч анатомик бўлим ҳомилани ташқи таъсир ва зарарлардан сақлайди. Куръон оятлари дастлабки ҳафталардаги ривожланиш ҳақида бир таъриф беради ва унинг “ёпишган зулук” каби шаклдан “бир тишлам гўшт”га айланишини таъкидлайди. Бу оятларни тушунишимизга қарамай, йигирма тўрт қунлик ҳомила ни араб зулуклари билан солиширганимизда ҳайратга тушдик. Расмда кўрганимиздек, ҳомиланинг бу шакли зулукка ниҳоятда ўшшар эди. Ва бу давр ҳомиланинг бачадон деворига ёпишиш давридир (“ёпишган зулук” иборасига мос равишда) (8-расм).



8-расм.

Инсон ҳомиласи ривожланишининг бошланғич даври (A,B).

чи ҳафта охирида, яъни, нутфа тушганидан 42 кун кейин яхшигина ривожланади.

Тадқиқот ҳайъатимиз билан бирга ҳақиқатларни тилга олган пайғамбар сўзини (ҳадисни) ўқиганимизда яна ҳайратга тушдик. Имом Муслим тақдир баҳсида тилга олган мазкур ҳадиснинг маъноси айнан шундай эди: “Нутфа майдонга келгач, 42 кундан кейин Оллоҳ таоло унга бир фаришта жўнатади, нутфага феъли-хўй беради, туйгуларини (кўз ва қулоқ сингари) жойлаштиради, этини, суягини яратади ва фаришта: “Оллоҳим, бу эркакми, урғочими?” деб сўрайди”. 1400 йил кейингина фарқига борилган мазкур ҳодисанинг бутун икир-чикиригача, куни, соатигача зикр этилиши мўъжизадан бошқа яна нима бўлиши мумкин?!“

Бу ҳадисда яна бир нозик масала бор. Малак Роббидан нега гўдакнинг жинсиятини сўрамоқда? Мазкур саволнинг жавоби ҳам ҳайратга солувчиидир. Чунки бу вақт зарфида гўдакнинг эти, суяги, табиати ва сезги аъзолари пайдо бўлишига қармай, жинси номаълум бўлади ва ҳадисда бу нарса ажойиб тарзда билдирилмоқда”.

Доктор Моор ўзини лол қолдирган бошқа далилларни шундай таъкидлайди: “Куръон оятлари ҳомиланинг тўрт ҳафталик даврини нега “бир тишлам эт” деб атамоқда ва бу этнинг “тишланган”лик маъноси қаердан келяпти? Мавзуга сабаб бўлган оятларнинг нима

Доктор Моор мўъжиза деб атаган бошқа исботларини шундай ифодалайди: “Тадқиқотларга кўра, ҳомила уруғланганидан ўн кун кейин бачадонга тушади. Саккизинчи ҳафтада инсонга ўхшаш шаклга киради. Бачадонга тушгач, 50-55 кундан кейин у бутун шакл-шамойтили билан инсондир. Фақатгина қулоқлар, кўзлар тўртинчи ҳафтадан шакллана бошлайди ва олтин-

демоқчи бўлганини бу даврдаги ҳомилани текширган пайтимиизда тушундик. Чунки ҳомила 28 кунлик бўлганида устида тасбехсизмон бир шакл майдонга келиб, улар ўз шаклига кўра, айнан тиш изларига ўхшар экан. Бу даврдаги ҳомиланинг юмшоқ моддадан бир шаклини ясадик ва “В” расмдагидек унда тиш изларини қолдирдик. Бу манзара “А” расмдаги шаклга, яъни тўрт ҳафталик ҳомилага фавқуладда ўхшар эди ва Куръоннинг инсон зурриёдини нега “бир тишлам эт” дей тилга олгани ажойиб тарзда ўз изоҳини топди”.

Фикримизни яна Кейс Морнинг эътирофлари билан тугатамиз: “Оят ва ҳадисларнинг илмий тараққиётлар соҳасидаги изоҳларини билимимиз билан тадқиқ қилишимизни сезиб турибман. Дин ва илм орасида йиллар давомида вужудга келган тўсиқнинг Куръон ва ҳадислар нури остида йиқилишига ишонаман”.

Илоҳий мўъжизалар кейинги йилларда геология ва биология соҳаларида танилган тадқиқотчилар “инсоннинг тупроқдан яратилиши” масаласини ўрганишга зўр бердилар. Massachusetts Tecnologu институтидан Хайман Хартман, Калифорния штати университети олими Лейл М. Койн, Бельгиянинг Liege университетидан Пиер Лазио, Glasgow университетидан Грахам К. Смит кабилар ана шу тадқиқотчилар жумласига киради. Балчиқ нима?. “У (Аллоҳ) инсонни (яъни, одамни) даставвал лойдан яратди” (Сажда, 7). “У зот инсонни сопол каби қуриган қора лойдан яратди” (Раҳмон, 14). Балчиқ деганда, кўз ўнгимизга чивин босган, юқумли касалликлар уяси бўлмиш ботқоқликлар келади. “Балчиқдан энг гўзал сопол ашёлар қилинади”, дегувчилар ҳам бор.

Ҳолбуки, балчиқ бўлмаганида на электроника илми дунёга келар, на қитъалароро ва сунъий йўлдошлароро алоқа бўларди. Ҳатто, XX асрнинг улкан қашфиёти бўлмиш компьютер ҳам ишлаб чиқарилмасди. Электрон унсурларнинг (диод, транзистор, резистор ва ҳоказо) асоси бўлган ярим ўтказгичлар балчиқдан бошқа нарса эмас. Ўзаро сим алоқаларда янги йўл очган “супер ўтказгичлар” ҳам балчиқнинг бир мевасидир.

Балчиқка хос хусусиятлар шу билан тугамайди. У яхшигина катализатор ҳам. Нефтни қайта ишлашда тезлаштирувчи вазифасини баҳаради. Заҳарни эмади. Заҳарли моддаларнинг заҳрини ютиб, уларни заарарсизлантиради. Яна бир муҳим хусусияти балчиқ кучли радиоактив сўрувчи. Радиоактив унсурларнинг нурини сўриб, атроф-муҳитга зарарини кесади. Унда ҳаёт бор. “Зотан, биз (инсонларнинг асли аввали бўлмиш Одам алайҳиссаломни) ёпишқоқ бир лойдан яратгандирмиз” (Ва-с-соффат, 11).

Доктор Лейл М. Койн шундай дейди: “Сокин ва турғун бўлиб кўринган балчиқ аслида ичи ҳаракатга тўла сирли бир дунёдир. Унинг бир бўлагига болға билан урдим. Амалиёт бир ой давомида ултрaviол

қувват вужудга келтирганини кашф қилдим. Балчиқнинг юксак бир қувват манбай эканини кўриб, ҳайратга тушдим”.

Балчиқ кристалл унсурлардан ташкил топган. Кристалл молекулалари лавҳа ёхуд япроқ шаклида тизмалар ҳосил қилган. Уларда ион тизмаси кўрилади. “Кимёвий реакцияни бошловчи” деган ном берилган ушбу ионлар балчиқнинг ҳар бир жинсида ўзига хос дастурга кўра ҳаракат қилади. Бу вазифаси билан балчиқ ҳужайралардаги унсурларни эсга солади. Чунки ўнсурлар ҳам ҳужайраларда кучайтирувчи вазифасини бажаради.

10.1. ЎЗИНИ ЯНГИЛАЙДИ

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, ташки таъсирдан балчиқнинг тизмалари бузилса, сал муддат кейин кристалл лавҳалар яна қайтадан ион тизмаларини тиклар экан. Жейм Глейкнинг фикрича, “балчиқнинг кристалл лавҳалари устидаги ион тизмаларининг ҳаракати шахмат таҳтасидаги тошларнинг мантиқли бир ҳаракати кабидир”.

Лейл М. Койн эса шундай деб таъкидлайди: “балчиқнинг кристалл тузилиши сабит эмас. Молекула тизмаси сабит бўлган кристаллар оппоқ қофоз сингари бўлади. Атрофдан таъсирланиш фақат ион занжирларининг ҳаракатига, яъни электр оқимига боғлиқ бир ҳолатдир. Ҳаётнинг энг оддий фаолияти ҳам атрофдан қувват олиш ва ундан фойдаланишдан иборатлигини биламиз. Кейинги босқич эса ўзини янгилашдир. Бу ҳар икки фаолиятнинг балчиқда борлиги ҳаётнинг балчиқдан бошлангани ҳақидаги назарияни янада кучайтиради”.

Доктор Хартман: “Агар қўлимиздаги жиҳозлар қодир бўлганида эди, биз балчиқни молекула ҳолатида эмас, атомларга бўлиб текшириб, янада кўпроқ маълумотни кўлга киритардик. Бироқ ишончим комилки, шундай қилган тақдиримизда ҳам ҳаётнинг юзага келиши ҳақида исботли бир жавобни топа олмасдик. Менимча, “ҳаёт ва жонлилик” атом ҳамда ҳужайранинг моддий тузилишидан фарқли тушунчалардир. Балчиқ хусусидаги тадқиқотларимиз ҳаёт бериш бизнинг миямиз доирасидан ташқаридаги илмий савиядир. Унинг ақл бовар қўлмайдиган грифт формуласи Яратганинг қўлида. Биз фақат фикрлашга турткি бера оламиз, холос. Аммо ҳаётни лабораторияда яратса олмаймиз.

Доктор X. Хартман назарда тутган “ҳаётга ҳаёт бағишловчи у нарса” оят ва ҳадислар билдирган руҳдир. Руҳ ҳаракатининг моҳиятини эса инсон зоти ҳеч қачон тушунолмаймиз. Зотан, “Исро” сурасининг 85-оятида айтилганидек:“(Эй Мұҳаммад), сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: “руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир”. Сизларга жуда оз илм берилгандир”.

10.2. ИНСОН ВУЖУДИНИ ТАСДИҚЛАГАН МҮЖКИЗА

Флориданинг Панама шаҳридаги Акбар шифохонасида Қуръоннинг инсонларга раҳмат ва шифо сифатида туширилган оятларига суяниб тажриба ўтказилди. Америкада яшётган ва тадқиқот олиб бораётган мусулмон олими Аҳмад ал-Қадрий бошқарган мазкур тажрибада Қуръоннинг инсон вужудига физик таъсири (шифобаҳш хусусияти) бор-йўқлиги аниқланиши ва бу таъсир компьютерларда энг замонавий текширив жиҳозлари билан ҳисоб-китоб қилиниши керак эди.

Тажриба учун танланган кўнгиллилар мусулмон эмас, арабчани ҳам билмайдиган турли ёшдаги аёл ва эркаклар эди. Яъни, тажриба Қуръонни сира танимаган ва билмаган инсонларда ўтказилиши мақсад қилинди. Кўнгиллиларга Қуръоннинг асл арабча матни билан бирга инглизча таржимаси ҳам эшиттирилди. Бу орада Қуръон турли овозларда ўқилган, бу билан товушларнинг хусусияти ва таъсирини аниқлаш ҳам кўзда тутилган эди.

Тажриба бир йил давом этди. Натижা: Қуръонни тинглаган кишиларнинг 97 фоизидаги руҳий таранглик (стресс) юмшаган ва бу ижобий таъсир физиологик акс таъсиirlарнинг муҳтор асаб силсиласида акс этиши билан юзага келган. Тажрибанинг яна бир ўзига хос ютуғи шундаки, унда руҳий тарангликни юмшатувчи Қуръон таъсирининг микдори ўлчанди.

Бундан кўринидики, Қуръон вужуд муҳофаза кучини ҳаракатга келирувчи таъсирга ҳам эга экан. Айниқса, бир қанча касалликларни, жумладан, юрак хуружини даволашда Қуръонга мурожаат қилиш зарурлиги ҳам ойдинлашди.

Шундай қилиб, Қуръон Оллоҳнинг каломи эканлигини кўнгиллиларнинг вужудидаги зарралар тасдиқлади. Бошқа нарсалар ўқиб эшиттирилганида юзага келмаган таъсиirlар Қуръон эшиттирилиши билан юзага чиқишининг ўзи улкан мўжиза эди. Ва бу: “Биз Қуръонни мўминларга шифо ва раҳмат сифатида туширидик” (“Ал-Исрө” сураси, 82) оятининг вужуддаги зарралар томонидан тасдиқланишидан бошқа нарса эмас!

Инсондаги мўжиза ўзини бошланишини она бачадонида бошлиди. Уруғ ва тухумни қўшилганидан уч ҳафтадан кейин бош мия хужайралари ривожлана бошлар экан, улар сакраб, силжиб, ўсиб, бир дақиқада 250000 хужайра ҳосил бўлиб, мияни тўла юзага келиши билан танада ҳамма алоқалар пайдо бўлади.

Инсоннинг бош мияси бир китобда қайд қилинишича (The Universe Within, 1982) инсон боласининг мияси, биринчи ривожланиш йили ҳар қандай ҳайвон миясига қараганда уч марта катта бўлар экан (Haut, 1982). Инсон мияси танадаги хужайралардан ташқари тахминан 100


млрд. асаб ҳужайраларини олиб юради, уларни нейронлар деб аталади, улар тана оғирлигининг 2 фоизини ташкил қилади.

Миянинг асосий ҳужайралари бу нейронлар бўлиб, улар бир-бирларидан ажраган ҳолда жойлашган. Уларни жуда майдо ми ни лигинидан бир бўлаги кенглигидаги оралиқни синапсалар ажратиб туради, оралиқ ёриклиари медиатор номли кимёвий ўтказгичлар билан тўлган. Ҳозирда мияда 30 дан ортиқ медиаторлар аниқланган. Нейронни бир учидан шу кимёвий сигналларни қабул қиласиган, шохланган тукчалар – дендритлар бўлади. Сигналлар нейронни иккинчи томонига асаб иплари орқали – аксонларга ўтади. Нейронларда сигналлар ўзига хос электр йўли билан, толалар орасидаги ёриклар орқали кимёвий йўл билан ўтади. Шундай қилиб асаб сигналлари электрокимёвий характерга эга. Ҳамма импулслар бир хил кучда, лекин уларни тезлиги ҳар хил, масалан, бир дақиқада минг импулс бўлиши мумкин (9-расм).

Инсонни ёшлик давридаги ўқиш вақтида мияда алоқалар яхши ривожланади ва кўп микдорда кимёвий моддалар ажралиб, улар толалар оралигидаги ёрикларни тўлдиради, натижада асаб толалари ўртасидаги алоқа кучаяди ва ўқиш қобилияти ошади, лекин теран фикрлар кексалик даврига тўғри келади. Иккинчи томондан ақлий қобилият ишлатилмаса, астасекинлик билан уз қобилиятини ўйқотиб боради. Миядаги толалар жуда мўракқаб ҳолда жойлашган, уларни жойланиши энг катта жумбоқидир.

Айрим олимларнинг айтишича, инсон мијаси коинотдаги энг катта мўъжиза ва энг сирли обьектидир (Д.К. Хусель, 1979). Бизни фаол эсимиз – хотирамизда бир неча миллиард ахборотлар бўлиб, улар ҳозирги энг катта компьютерахборотидан бир неча бор кўпдир (М. Хант, 1982). Шундай қилиб, инсон миясини коинотдаги бирор-бир нарса билан солишишириб бўлмас экан, демак биз ўзимизни эски тушунчаларимизни ўзгартиришимиз керак.

Ўз вақтида эволюция назарияси асосчиларидан бири Алфред Р. Уоллес ҳайвонлар билан инсонлар ўртасидаги жарликни, фарқни



9-расм.

Инсон боши миясининг нерв-асаб толалари-ning тузилиши.

инобатга олиб Ч. Дарвинга ёзган хатида: “Табиий танланиш қандай қилиб маймун миясидан бироз ортиқ мияни ёввойи жонзодга ато қилди ва уни мияси бизни олимлар жамиятидагиларнинг миясидан кам эмас. Бу саволдан хавфсираб қолган Ч. Дарвин: “Мен ишонаманки, сиз бизнинг умумий боламизни мутлақ ўлдириб қўймадингиз”, деб жавоб берган экан. Бу ерда Дарвингнинг хавфсираганинг сабаби уни одамни келиб чиқиш назарияси такомиллашмаган, жуда саёз назария эди, шунинг учун ҳам инсон мияси бирор-бир ҳайвон мияси асосида ривожланган дейиш мумкин – бу аниқ далилларни инкор қилиш билан тенг эди. Бу борада нейрохирург Роберт Дж. Уайт (1978) ёзишича “мен олий интеллектни (яратгувчини) борлигига шубҳа қилмайман, қайсики, у маълум мақсадли тузилиши ва ақл етмайдиган мия билан фикр-ақл ўртасидаги алоқаларни ривожланишининг муаллифиdir. Мен изланишга мажбурман, ҳамма нарса ақлий манба асосида бўлган ва ҳаракатга келтирилган. Мулоҳаза қилишининг асосий муаммоси – бу миянинг ривожланиши бўлиб, унда нейронлар қандай қилиб ўзига хос тузилиши – алоқаларни ҳосил қиласди. Кўпчилик алоқалар мия ривожланишининг бошланғич даврларида юзага келади. Ва улар мияни маълум қисмларидаги асаб тизимининг ҳаммасида учрайди ва бу ҳолат ечилмаган жумбоқдир».

Маълумки, ҳар бир нейрон минглаб бошқа нейронлар билан алоқа қиласди. Ундан ташқари микросхемалар бўлиб, улар тўғридан-тўғри дендритлар билан алоқа қиласди (9-расмга қаралсин). Инсон миясидаги миллиардлаб нерв ҳужайраларида бир квадриллион алоқалар бўлиши мумкин; мияга тахминан 20 млн. томли китобларга жойлашдиган информация сифиши мумкин.

Инсоннинг бошқа ҳайвонлардан фарқ қилиши сабаби унинг бош мия қобигидир. Уни қалинлиги тахминан 3 мм бўлиб, қават-қават қатлам орқали бош сүякка тегиб туради. Агар шу қатламларни ёйилса 3400 см^2 майдонни эгаллайди. Ҳар бир cm^2 мияда тахминан минг км боғловчи толалар бор. Инсоннинг бош мия қобиги ҳар қандай ҳайвон миясидан каттадир ва инсон бош миясида бўш жойлар бўлиб, улар юқори ақл жараёнларида фойдаланилади ва бизни ақл чегарамиз Ердаги ҳамма тирик жонзодлардан фарқланади.

Бу ерда бош мияга оид бир маълумотни келтириб ўтмоқчимиз. Яъни эркак кишининг бош миясининг ўртача оғирлиги 1375 граммга тенг, аёлларда тахминан шу кўрсаткичдан 10 фоиз кам. Эркакларда бош миянинг энг катта бўлиши 25 ёшга тўғри келса, аёлларда 20 ёшда кузатилади.

Бош мия оғирлиги ва ақл даражасини ривожланиши ўртасида ҳеч қандай боғлиқлик йўқ. Лекин айрим ҳолатлар ақли буюк инсонларнинг бош мияси оғирлиги ўртача оғирликдан юқори бўлганлиги мавжум. Масалан, Тургеневнинг бош мияси оғирлиги 2012 г, Бетховен-

да 1720 г, Павловда 1853 г, Менделеевда 1571 г, Гауссда 1492 г, аммо ўртача оғирликдан паст бош миялларга Гамбедди – 1160 г, Франсда эса 1017 г бош мия бўлган. Лекин бир аҳмоқнинг бош мияси оғирлиги 1850 г га тенг бўлган.

Айрим маълумотларга кўра, эркакларда бош мия оғирлиги 1000 г дан, аёлларда 900 г дан кам бўлса, уларнинг ақлий даражаси пасайиб кетар экан.

Балоғатга етган инсонни мия оғирлигининг 80 фоизи бошнинг катта ярим шарида жойлашган, бош мия қобигининг умумий майдони 220000 mm^2 тенг бўлиб, шундан $1/3$ қисми эркин майдон, $2/3$ қисми қобиқ, ўйма чуқурликлар. Бош мия тўқималарини озиқланishi учун танадаги $1/5$ қон сарфланади. Инсон миясининг 1 см^3 ида 225 млн. хужайра бор.

Шундай қилиб, инсон мияси ўзининг ҳар хил ва маҳсус ҳаракатлари билан фарқланади ва инсон миясига кўп нарсаларни ўрганиш, билиш қобилияти жойлашган. Ҳайвонлар эса инстинкт “аппарати” орқали муҳит билан алоқа қиласи ва уларнинг муҳитдан ниманидир ўрганиш қобилияти чегараланган.

Ҳайвонларда инсонлардаги ақл, фаҳм-идрок йўқ. Шулар қаторида биздаги бор нарсалар ҳайвонларда йўқ, масалан, бизни бошимиздаги ҳамма нарсани режалаштирадиган асаблар аппарати, кўрган-билганларимизни жамлаб, улар тўғрисида тущунчалар ҳосил қилиб ва ифодалаб берадиган тилимиз ҳайвонларда йўқ. Инсон мияси бизни қобилиятларимизни ҳар томонлама ва ҳар хил йўналишда ривожланишига имкон беради.

10.3. ТИЛ – ИНСОННИНГ АЛОҲИДА ХУСУСИЯТИ

Мутахассисларнинг фикрича, тилнинг ривожланиши инсон миясида генетик жиҳатдан режалаштирилган бўлиб, бизнинг миямизда тил таҳлил қилиниб кейин сўзлаш қобилияти юзага келади. Бу ҳолатлар ҳайвонларда инстинкт хулқлари орқали бўлиб, инсонлар тил орқали енгиллик билан сўзлашга интилади.

Инсонлар миясида маълум бир тил жой олган эмас, лекин тил ўрганиш ўзига хос режалаштирилган.

Агар оиласда икки тилда сўзлашилса, оиласдаги бола шу иккала тилни ўрганади. Оиласда 5,6,8 тилда сўзлашилса оиласдаги 5-6 ёшли бола ҳамма тилларда сўзлаша олади. Лекин маймунларда бундай қобилият йўқ, уларда имо-ишора орқали фикр амалга ошади. Ҳайвонларнинг ириллашлари ёки хўр-хўрлашларидан сўзлаш қобилияти келиб чиқмаган. Бундай ҳолатни қадимий тилларда ҳам бўлмаганлигини тил эволюцияси ҳам тасдиқлайди ва ҳеч вақт содда тиллар бўлмаган.

Тилнинг механизми ва унинг ривожланиш жараёни сирлилигича

қолмоқда. Тил ва сўзнинг қобилияти одамларни ва халқларни ҳаракатта келтиради. Бундай куч ҳайвонларда йўқ. Иккинчи томондан тилни бошланиши бош миянинг энг сирли, аниқлаб бўлмайдиган жумбоқ бўлиб, уни тил ва сўзлаш қобилиятини бош мияга яратгувчи томонидан, унинг қўли билан жойлаштирилганига шубҳа йўқ.

“Британия энциклопедияси”да (1976) ёзилишича, инсон мияси жуда катта потенциалга эга бўлиб, уни бир инсон ҳётида фойдаланиш камлик қиласди. Инсон мияси ўқиш жараёнида хотирада сақлашни миллиард марта ортиқроқ бажариши мумкин.

Мия эволюцияси ҳақиқатан ҳам танадаги алоҳида орган бўлиб, у ҳозиргача тўла ишлашга ўрганмаган, мия эволюциянинг фундаменгал тезислари бўйича табиий танланиш жараёнида жуда майдо қадамлар билан ривожланган. Лекин инсон мияси ривожланиш жараёни тушунтириб бўлмайдиган эволюцион аспект бўлиб қолмоқда. Ҳаётий белгиларни ҳосил бўлиши ва уларни наслдан-наслга ўтиши ҳамда тўплланган миқдорсиз фикр, ақл-идрокни эволюция жараёни тушунтириб бера олмайди, ҳаттоқи, инсонни тинимсиз ўқиш, ўрганиш қобилиятини чексизлиги ҳам мияни кимдир томонидан конструкция қилингандигини кўрсатади.

Инсон ўзининг ақлий қобилияти билан ҳар қандай тирик жонзод қобилияти ва, шу жумладан, одамсимон маймунлардан ҳам тубдан фарқ қиласди. Бу фарққа эволюцион назария жавоб бера олмайди. Аммо инсонни интеллект сифатида олий онг эгасини интеллектуал сифатлари эмасмикан деган савол туғилади ва бу саволга диний китобларда қайд қилингандек: “Худо одамни ўзини қиёфасига ўхшатиб яратди” деган далил бор. Ҳайвонларни ўзини қиёфасидек кўринишда яратмади. Шунинг учун ҳам ҳайвонларда инсонлардаги қобилият-хусусиятлар йўқ. Аммо ҳайвонлардаги доимий инстинкт орқали сезиш, кўриш, кўшилиш, кўпайиш қобилияtlари бўлишларига қарамасдан, ҳайвонларда инсонлар каби фикрлаш, сўзлашиш, олган билимларни кўпайтириш, ривожлантириш каби қобилияtlардан улар маҳрумдирлар (Dokins, 1976).

Яна бир ҳолат – бу инсонлардаги бир одам иккинчи одамни ғамини ейиши, бошқа одам тўғрисида ўйлаши, чин юракдан, ҳеч бир нарса таъма қиласдан яхшилик қилиши – бу инсонни ақл-идроқи – миясидан жой олган. Бундай хислатлар ҳам бошқа жонзодларга ётдир.

Маълумки, биз хаёлий ўйлаймиз, иш режаларини тузамиз, олдимизга катта-кичик мақсадлар қўямиз, кейин эса уларни амалга ошириш учун ишга киришамиз. Режалар амалга ошганда эса хурсанд бўламиз, роҳатланамиз. Инсон ҳаётда турли мураккаб муаммоларни ечишда ўзини ақлий-ҳаётий қобилияtlарини ишга солади. Яхшилик билан ёмонликни фарқлади, имон-эътиқод билан иш қиласди, ин-

сонларни хурмат қиласи ва ўзи ҳам хурматга сазовор бўлади. Буларни ҳаммаси ҳаётни севиш ва ундан баҳра олиб келади.

Инсон атрофидаги ўсимлик ва ҳайвонларни кузатади, чўл ва тоғларни кўз олдига келтиради, хаёлан дунё океанида сузуб юради. Инсонда вақтни сезиш, ўз ҳаётида вақтни ўтиши каби ҳолатлар бирор-бир ҳайвонда бўлмайди.

Шундай қилиб, инсон ажаб мия билан ҳурматланган ва у доим ўзи билан уни яратганни қиёфасини олиб юради. Ўтган авлиёлардан бўлмиш Довуд пайғамбар ноёб инсонни ва унинг миясини яратганга ҳамду санолар айтар экан у шундай лейди: Сени улуғлайман, чунки мен ажаб тузилишдаман, сени ишларинг ажойиб, уларни мен қалбим билан сезаман. Мени суюкларим сендан, мен яратилаётганимда қорин ичида эдим, мени зародишин-эмбрионда сенинг жамолингни кўрдим. Буларни ҳаммаси – куни ва қисмлари сени китобингда ёзилган (Псалом 138, 14-16).

Куръони каримни “Зумар” сурасининг 6-оятида “Оллоҳ сизларни оналарингизнинг қорнида бир шаклдан иккинчи шаклга ўткашиб, уч зулмат ичида яратди” дейилган. Бу оят Куръонни илмий мўъжизасидир. Шу оятдан таҳминан 800 йиллардан кейин илмий кашфиётлар она қорнидаги болани уч қават юмшоқ парда ўраб туришини аниқлади.

Шундай қилиб, оталик уруғи оналик тухуми билан қўшилишидан ҳосил бўлган эмбрионда инсон организмининг ҳамма қисмлари шаклланиб боради. Она қорнидаги уруғ ва тухумда генетик код бўлиб, унда келажакда дунёга келадиган инсонни ҳамма белгилари қайд этилган. Бу ҳолатларни ҳаммаси “Библия” ва Куръони каримда Оллоҳ сўзи билан қайд этилган.

Демак, инсонни тузилиши, унинг бош мияси, тили, сўзлаш, фикрлаш каби қобилиятлар авлоддан-авлодга ўтадиган энг олий мўъжиза бўлиб, бу жараёлар Улуғ яратувчининг кучи, кудрати асосидадир. Бу жараёнларда сўзсиз, тилсиз, фикрсиз, қўл-оёқсиз эволюциянинг ҳеч дахли йўқ.



XI БОБ

ОДАМНИНГ ЯРАТИЛИШИДА ДИНИЙ ВА ДУНЁВИЙ ФИКРЛАР

Тангри таоло оламни қандай йўл билан яратганлиги ҳақида турили мулоҳазалар бор. Диний ва дунёвий маълумотларга кўра инсоният цивилизацияси Одам Отага қадар бир неча бор қайтаришган. Шунинг учун ҳам Одам Ота табиатда пайдо бўлган биринчи одам эмас. Қадимги юон олимларининг қайд қилишича Ер юзида кўхна цивилизациялар бўлиб ўтган ва қадим замонларда илм-фан, техника жуда ривожланган. Инсонлар юқори камолот чўққисига чиққан даврлар бўлган. Бу жараён сон-саноқсиз қайтарилади. Ҳар гал инсон қайта яратилиб, уларнинг камолоти маълум даражага етганда қиёмат қойим бўлиб, инсоният интиҳога юз тутади. Тараққиёт доиравий ҳамда спиралсимон йўналишга эга бўлади. Лекин, такрорланиш ҳар гал юқори даражада бўлади.

- Оlam – бу қуйидаги оламлардан иборат, яъни (Абдураҳмонов, 2004)
1. Olами Акбар – энг буюк олам коинот.
 2. Оллоҳ 18 минг оламни яратган (Имом Бухорий. Ҳадис. З-жилд, 558-бет)
 3. Olами Асфор – энг кичик олам, яъни инсон.
 4. Olами Шуҳуд – Шукуҳ кўзга кўринадиган, бу дунё.
 5. Olами Мулк – ҳис этиб, англаб бўладиган, инсон ақли етадиган жисмоний ва моддий макон, замон олами.
 6. Olам Асбоб – сабаблар олами, бу дунё.
 7. Olами Носуд – инсоннинг ақли етадиган моддий олам, махлуқлар (тирик жонзодлар) олами.
 8. Olами Лоҳид – руҳият олами, илоҳий маконлар олами.
 9. Olами Барзах – икки (у ва бу) дунё оралиғи, кўзга кўринмайдиган олам.
 10. Olами Амр – Оллоҳнинг амри билан ҳар нарсанинг мавжудлигини таъминлайдиган олам.
 11. Olами Малакут – Оллоҳнинг олий илоҳий ҳукмронлиги, олий фоялар ва амрлар олами. Оллоҳнинг илоҳий иродаси ва сир-асрорлардан иборат бўлган. “Илоҳий амрлар олами. Малакут бирламчи, дастлабки онг “ақли-ал-аввал” олами мақомида.
 12. Olами Жабарут - малакут ва мулк (жисмоний олам) оралиғидаги ҳолат, мухит, макон бўлиб, у Малакут олами “Илоҳий қудрат олами” фояларига хизмат қиласди.
 13. Olами Fайб – кўзга кўринмас олам.
 14. Olами Арвоҳ – руҳлар олами.
 15. Olами Зуҳур – ашёларнинг зуҳурланиш (кўриниш) олами.

16. Олами Карвон фасод — бузуклик олами.

Оламни яратилишида турли ривоятлар мавжуд бўлиб, улардан бирида Оллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга айтади: "Ё Мусо, аввал мен Мұхаммад алайҳиссаломнинг руҳини яратдим, сўнг бир оқ дур яратдим, уни бўйи ва эни беш юз йиллик йўлдир, сўнг ҳаво ичиди етмиш минг, улар ичиди етмиш минг маҳлуқ яратдим. Яна ҳаво ичини ҳар хил уруғ билан тўлдирдим, кейин бир киши яратдим, у саксон минг йил умр кўриб ўлди.

Ундан сўнг қаламни яратдим, кейин лавҳни яратдим, кейин Аршини яратдим, кейин Курсини, етмиш минг фариштани, етмиш минг йилдан кейин Жаннатни, яна етмиш йилдан кейин Дўзахни яратдим.

Ундан сўнг бир кишини яратдим номини Одам қўйдим. Ё Мусо, у Одам сенинг отанг ҳазрати Одам эмас. У Одам 10 минг йил умр кўриб ўлди. Яна бир Одам у ҳам 10000 йилдан кейин ўлди. Кейин 10000 одам яратдим ҳар бир 10000 йил умр кўриб ўлдилар, ундан сўнг аниқ-отанг бобокалоннинг ҳазрати Одам алайҳиссаломни яратдим" (Манбас ул маориф. Т: Камалақ, 1995. 7 фасл)

Бу кептирилган ривоят Оллоҳнинг Мусо пайғамбарга айтган сўзиидир.

Шайх Азизиддин Нафасийнинг (1226-1306) ёзишича Оллоҳ таоло илк дафъа бир жавҳар (абстанция) яратади, у қайнаб эрийди, қўпиради. Унинг қаймоги шакар қиёми сингари ажralиб чиқади ва қуйқаси пастга чўқади. Шу қаймогидан Малакут, руҳлар олами, қуйқасидан Мулк, жисмлар олами вужудга келади.

Катта Оламнинг яратилишининг боши битта жавҳар уруғдан иборат бўлганидек, кичик олам ҳам битта жавҳар уруғдан пайдо бўлган, ҳар икки олам ҳам дастлабки (уруғ-жавҳардан) пайдо бўлган. Уларнинг асосини бирламчи модда жабарут (материя) олами ташкил қиласиди. Яъни мулк олами орқали жабрут олами аниқланади.

Азизиддин Нафасийнинг (1995) фикрича борлиқнинг асл асоси соғ ваҳдат, унинг моҳияти жабарутдир.

Жабарут бу мусаффо ваҳдат, жисм ва руҳнинг манбаи, Китоб ва каломнинг боши, мулк ва малакутнинг асоси, борлиқ ва оламнинг манбаи. Нарсалар жабарутда мавжуд. Мулк ва малакутда Ер осмон, Аршу Курси ҳам бор. Улуғ олам уруғи, тухуми бўлган бирламчи жавҳар, бирламчи модда (хаюло) – бу жабарут (материя) олами бўлиб, у мулк ва малакут оламларининг манбаидир. Бирламчи модда (хаюло) ҳар икки олами: олами ғайб ва олами шуҳудининг ҳақиқати бўлиб, унинг боши ҳам, охири ҳам, чегараси ҳам йўқ. Бутун борлиқни асоси – ақл, уни билиб бўлмайди.

Юқорида номи қайд қилинган олимдан 100 йиллар аввал шайх Фариддиддин Аттор (1119-1229) оламнинг яратилиши борасида фикрлаб Оллоҳ таоло даставвал якка ўзи бўлган, на борлиқ, замон, мақон ҳам бўлмаган. Даставвал Мұхаммад пайғамбарнинг нури, руҳи-

ни яратган. Сүнгра “Жавҳар” деб аталмиш “ақли аввал”ни яратди. Жавҳар қайнади, сувга айланди ва Худо шу сув буғидан осмон жисмлари ва Ерни яратади.

Бир ривоятга кўра Оллоҳ таоло Одамни яратишдан аввал қаломни яратган, сүнгра “Лавҳ ул-махфуз” китобини яратиб, унга келажак воқеликлари, ҳодисалар, инсонлар ва тирик жонзодлар тақдирини битиб қўйган, кейин арши аълони, сўнг курси (илоҳий тахтни) яратган, кейин эса Таврот, Куръон, ҳадислар ва бошқа нарсларни навбатма-навбат яратди.

Бу ерда жоизлиги учун Носиридин Рабгузийнинг (1310) “Қисаси рабгузий” китобидаги хабарни қисқача келтирамиз, яъни Худо ўз қудрати илоҳийси билан бир жавҳар яратди. Жавҳар эриб сув бўлди. Кейин ел-шамолни яратди. Сув шамол таъсирида ҳаракатланиб кўпикланди. Шу кўпикдан тутун (газ) чиқди. Шу тутундан осмонни яратди.

Сув қайнаб қуюқлашди, кўпикдан каъба жойлашган майдонча ер, у эса шарқу-ғарбга қараб катталашиб, Ер ва бир қават осмон ҳосил бўлди. Худо ўз илоҳий қудрати билан осмонни Ердан айиради ва кўк осмон етти қават бўлади. Сувда Ерни мувозанатини ушлаб гуриши учун, унда тоғларни қозиқ қилиб яратди деб ёзган.

Геолог ва палеонтолог олимларнинг таъкидлашларича, бундан 20 миллиард йил муқаддам рўй берган “буюк портлашдан” аввал, коинот бир нуқтада жойлашган моддалардан иборат бўлган. Шу моддани ривожланиш жараёни ҳақидаги назария Эмайёр, Диккерсон, Ю. И. Шмид каби олимларнинг самони, фазодаги сайёраларни ва Ер сайёрасини ҳосил бўлиши ҳақидаги илмий фикрлари парвардигор дастлаб бир жавҳар яратди деган шайх Фаридиддин Аттор, Шайх Азизиддин Нафасий, Носиридин Рабгузийларнинг ривоятларини тўла гасдиқлайди. Бу эса диний ва дунёвий изланишлар ва фикрларни бир-бирига мувофиқлигини кўрсатади.

Оlamни олти кунда яратилиши бўйича Рабгузийни (1310) ёзишича: Биринчи – якшанба кун осмонни яратди. Иккинчи – душанба куни ойни, қуёш ва юлдузларни яратди, фалак ичига жойлаштириди.

Учинчи – сесанба куни кушларни, курт-қумурсқалар ва фаришталарни яратди.

Тўртингчи – чоршанба 1-уни сувни яратди, елларни, булутларни чиқардӣ, дараҳтлар, ўт ўланларни яратди уларга уруғ бойлаб кўпай-иш хусусиятларини ато этди, ҳаммага ризқ-рӯз улашди.

Бешинчи – пайшанба куни жаннат ва дўзаҳни, раҳмат ва азоб фаришталарини ҳамда хурларни яратди.

Олтинчи – жума куни ҳазрати Одам Отони яратди.

Еттинчи – шанба куни ҳеч нарса яратмади (Қиссаси Рабгузий, 1-китоб 12-бет).

Рабгузий келтирган олти кун ичидаги оламда содир бўлган воқе-

ликлар Оллоҳ таолони Мусо пайғамбарга айтганлари етмиш-саксон минг йиллар ичидага юзага келса, Тавротда ҳам олам воқеликлари олти кунда содир бўлади. Яъни:

Худованд дастлаб фаришталарни, сўнгра осмон билан Ерни яратди. Ер ҳали шаклсиз, кўримсиз, бўм-бўш бўлиб, бепоён фазо узра қоронгулик ҳукм сурар, Худованднинг руҳи эса сув юзида парвоз этарди.

Биринчи кун ёруғликни яратиб, ёруғликни – “кундуз”, қоронгуликни – “кеча” деб атади. Ёруғлик билан қоронгуликни бир-биридан ажратди.

Иккинчи кун – бепоён осмонни яратди.

Учинчи кун – куруқлик, ер билан сувни, ўсимликларни, ўт-ўлан ва дараҳтларни яратди.

Гўртинчи кун – кунни бошқариш учун қўёшни, тунни бошқариш учун ой ва юлдузларни жойлаштириди.

Бешинчи куни – Худованд сувда яшовчи турли-туман жониворларни ҳамда күш-паррандаларни яратди.

Олтинчи куни – Худо ерда яшайдиган жонзотларни, ёввойи ҳайвонларни, курт-кумурсқаларни яратди. Шундан кейин Худо ўз қиёфасига ўхшатиб Одам Отони ва унинг жуфти Момо Ҳавони яратди.

Еттинчи куни – Худо бу кунни муборак ва муқаддас қилди. У ўзини бутун яратиш фаолиятини тутатди, ўзи тинди (Библия, “ибтидо” бўлими, 1:1-28).

Юқорида келтирилган ривоятларда оламни олти кунда яратилганлиги аниқ. Аммо кунларда содир бўлган табиий воқеликларни жой алмашганлиги кузатилади. Умуман олганда олам, ундаги борлиқ – ҳаво, сув, Қўёш, Ой, Ер, юлдузлар, ер ва сувдаги тириклик шу олти кунда Худо томонидан яратилган. Аммо олти куни ҳар бир куни “24” соат эмас, ҳар бир кун миллиард йилларга тенг бўлса, ажаб эмас. Масалан, ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши жараёни ва геологик қолдиқларда сақланиб қолган бактерия ва кўк-яшил сувўтларнинг ёши 3,6-4 млрд. йилга тенг деб қарасак, ҳаёт пайдо бўлгунйга қадар осмон, қўёш, ой, юлдузлар, Ер сайдерасининг пайдо бўлишига қанча вақт кетгани маълум эмас. Шунинг учун ҳам коинотда 16-20 миллиард йил давомида ерда ҳаёт ўн марта тугаб, янгидан бошланган, қайта туғилган, уларнинг ҳар бирида геокимёвий, геологик, биологик ва палеонтеологик жараёнлар бўлиб ўтган. Олимларнинг фикрича Қўёш системасининг ёши 5 миллиард йил деб белгиланган.

Демак, олимлар ерда ҳаёт 10 марта тугаб, ҳар сафар янгидан бошланган десалар, биз қайд қилиб ўтган Худони Мусо пайғамбарга сўзи ва келтирилган ривоятлар бўйича ерда ҳаёт юз, минг марта такрорланиб ерда беҳисоб Одам Отолар яшаб ўтган бўлишлари мумкин.

Шундай қилиб, одам жисм+руҳ, яъни инсон лойдан яратилган, Оллоҳ таоло уни оғзига пулфаб, инсон жисмига руҳ-жон киритади.

Бу Одам Ото эди, у юришни, сўзлашни, муҳит ва ундаги ўлик ва тирик жонзодлар билан муносабатда бўлишни ўрганади. Қуёш, ой, юлдузларни кўрди, иссиқ-совуқни, ҳўл-куруқни, оч-тўқликни фарқлашга боради. Бу биологик ривожланиш – биологик эволюция эди.

Маълумки, материяни, борлиқни тангри таоло яратган. Борлиқни ундаги мавжудотларни ҳаммаси яратувчининг қонунларига бўйсунади. Бу ўз навбатида борлиқни яратувчининг иродасига бўйсунишдир. Бу қонунлар Худонинг борлиги, уни бирлиги ва буюклигига далиллар. Шу буюклик асосида Одам лойдан, кимёвий элементлардан яратилган, ривожланган кўп тараққиёт босқичларини босиб ўтган, қуи табақа жонзодлар қиёфасини босиб ўтиб биологик ривожланиб, Одам Ото даражасига етган.

Маълумки, Библияни Мусо пайғамбарга, Куръони каримни Мұхаммад пайғамбарга Оллоҳдан фаришталар орқали ваҳий бўлганига ишонамиз. Одамзодни, дунёда биринчи одам Одам Отони Худо яратганилигига гумон қиласиз.



XII БОБ

ОДАМНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИНИ ҲАҚИҚАТГА ЯҚИНЛИГИ

Оламни, унда Ерни, Ерда эса ҳаётни пайдо бўлиши каби мураккаб масалаларни ечишга дин ва илм аҳли бир фикрда эмаслар. Бу мураккаб муаммолар ичиди “Ерда одамни пайдо бўлиши” муаммоси бўлиб, уни ҳал қилишда Абдулла Аъзамнинг “Тафаккур” журналида (2002 йил 20-39-бетлар) босилган “Одамзоднинг пайдо бўлиши” мақоласидаги чуқур фалсафий маълумотлардан фойдаландик.

Одамнинг пайдо бўлиши бўйича фан: Одам биологик эволюция натижасида одамсимон маймундан келиб чиққанини “далиллар” билан исботлаган. Диний тушунча бўйича инсон маймундан келиб чиқмаган антропология ва эволюция далиллари етарли эмас, далиллар сунъий ва зўраки, муқаддас китоблар: Библия ва Куръони каримда қайд қилишича Одам Оллоҳ томонидан яратилгандир.

Энди одам тушунчасига келсак у табиатдаги барча тирик жонзодлар каби табиатнинг бир тирик элементи, у биологик тирик тур, жонли мавжудот, ўзига хос тузилишга эга сутэмизувчиларнинг шажараси бўйича энг юқори поғонада турадиган ақлли одам – *Хомо sapiens* турига мансуб бўлиб, одамсимон маймунларга оид гомонидлардан *Homo erectus* ёки австралопитеқ каби жонзодларга яқинлиги кўп ҳолларда қайд қилинади. Лекин шу гоминидлар билан *Homo sapiens* ни боғловчи ҳалқалар йўқлигини палеонтология фани аниқлаган. Турли қазилмаларнинг уларни таҳлили бўйича ҳам боғловчи ҳалқалар йўқлиги маълум. Бу ҳақда биз юқоридаги бўлимда батафсил тўхталиб ўтганимиз.

Диний таълимот бўйича “одам” – бу ер юзида биринчи пайдо бўлган одам, одамзоднинг энг биринчи аждоди, жаннатдан чиқарилган Одам алайҳиссалом ва Момо Ҳаводирлар. Демак, Одамни худо жаннатда яратган ва жаннатдан ер юзига чиқарган. Одам эволюция маҳсули эмас, чунки борлиқни, унда Ерни, ерда эса турли тирик жонзодларни юзага келганидан кейин уларни аста-секин ривожланишдан “эволюция” – ривожланиш бўлган. Бошсиз, оёқ-қўлсиз, тилсиз, фикрлаш, кўриш қобилиятига эга бўлмаган ривожланиш-эволюция қандай қилиб бутун борлиқни ерда ҳаётни, турли-туман жонзодларни ва қолаверса, ерда одамни пайдо бўлиш жараёнини юзага келтириши мумкин? Бу энг катта жумбоқ ечимсиздир.

Диний маълумотда яшаб ўтган Одам Ото, Момо Ҳаволарни ҳам ва ҳозир яшаётган инсонларни ҳам Худо яратган, тугилажак одамлар ҳам Худо иродаси билан ўғил ёки қиз бўлиб дунёга келадилар, бу ҳақиқатдир. Ерда биринчи Одам – Одам Отони яратилиши қанча вақт давом этганлиги аниқ эмас. Куръони каримда ҳам аниқ оят

келтирилмаган, фақат “Мұғын” сурасининг 12-14-оятларида: “Биз инсонни тупроқдан яратдик” дейилган, холос.

Библияда дүнёнинг яратилишини олтинчى куни: Худо айтди: бизни қиёфамизда одамни яратамиз, бىзга ўшашни ва Худо одамни ўзига ўшашини, Худо қиёфасида эркак ва аёлни яратди (Битне 1:26, 27) Одам, тирик жонли, уни яшаш жойи борги Эрам, уни хотини Ева – Момо Ҳаво “аәл” яратилиш жарасёни күп минг йилларни ўз ичига олган.

Тирикликтини, шу жумладан, одамни ҳам яратилиши Оллохнинг сири, тилсимиدير. Одамнинг моддий мавжудот сифатида пайдо бўлиши – бу илм-фан обьекти бўлиб, шу обьектини одам бошқа тирик организмлар каби оддий бир жонзод эмас, балки унда танадан ташқари жонни – руҳни борлиги, фикрлаш, сўзлаш қобилиятлари одамни дунёвий ва диний илмлар обьектига айлантиради.

Абдулла Аъзамнинг (2002) “Ҳар бир индивиднинг (жонзод) ўз ҳаёти давомида ўсиши, улғайиши, ўзгариши ҳам эволюция назариясининг обьекти эмас, бу кўриниб турган ҳодиса ва мунозара предмети бўла олмайди” дейиши нотўғри, чунки ҳар бир тирик жонзотни ривожланиши – бу эволюция назариясининг асосидир. Тирик организм, унинг ривожланиши – эволюция бўлмайди. Бу ҳолатни А. Аъзам “Эволюция назарияси одамнинг биологик тур сифатида пайдо бўлиши ва ривожланиши билан шуғулланади” деб ёзади. Бу билан у аввалги ўзининг фикрига қарши чиқади.

Тирик мавжудот оламнинг ривожланиши ҳақида Ўрта Осиёдан чиқсан кўп олимлар ҳам фикр юритишган. Улардан Абу Наср Форобий ва унинг издошлари Абу Райхон Беруний, Ибн Сино ва, айниқса, Мирзо Абдулқодир Бедил (1644-1721) одамни энг олий вужуд “ҳазрати инсон” деб улуғлаш билан бир қаторда Дарвиндан 200 йил аввал эволюция таълимотини илгари суради.

Шарқшунос олим Е. Э. Бертельс (1988) ўзининг “Бедил ва унинг эволюция ҳақидаги таълимоти” номли мақоласида Форобий асарларига суюнган ҳолда “Шу тариқа кўрамизки, сиртдан дарвинизмга жуда яқин концепция X асрдаётк тўлиқ ривожлантирилган”, деб ёзган.

Яна Мирзо Абдулқодир Бедилга қайтадиган бўлсак, у инсонни барча мавжудотлардан юкори қўяди. Олам аввал бегубор эди, унда илоҳий зотдан ташқари бошқа нарса йўқ эди. Ҳамма нарса шу бегуборликдан – ҳеч нарсадан туғилди деб қайд қиласди. Дунёда – ҳамиша ҳаракат ва изтироб бор, ҳеч нарса тинч ва сокин турмайди.

Бедил бир фалсафий сатрларида: “Одам ҳўқиз эмиш, балиққа минган, балиқ ҳаводамиш... қани ҳақиқат” афсонадагидек дунё ҳўқиз шаклида бўлиб, балиқ ҳавода муаллақ эмиш, деб бундай афсоналарга қулоқ солмасликка чақиради. Унинг фикрича, дунёдаги нарсаларнинг қандай яратилишини фақат одам била олади, чунки инсоннинг билими бошқа мавжудотда йўқ.

Бедил илохий күчгө ассо сланган мутлақ борлиқ ва шу мутлақ борлиқдан одамзод күч ва ирода билан вужудга келади ва инсон ўз-ўзини танишга мажбур бўлади, деб қайд қиласи.

Баъзи афсоналарга кўра Ерни тўртга фил кўтириб турармиш. Филлар эса жуда катта денгиз тошбақаси устида турар экан (10-расм). Лекин Библияда айтилишича: “Худо кенг, лекин бўшлиқ устига ёйиб юборган, Ерни ҳеч нарсасиз осиб кўйди” деб қайд қилиб, Ер ҳеч кандай устунсиз эканлигини билдиради.




10-расм.

лади ва шундай белгилар авлоддан авлодга ўтиши мумкин. Энди Дарвин таълимотига қайтадиган бўлсак унинг “Одамзод – эволюция маҳсали, у ўзидан аввал мавжуд бўлган, ривожланишда кўйироқ погонадаги шаклдан келиб чиқкан” деб қайд қилган. Бу фикрда одам маймундан келиб чиқкан деган мазмун йўқ.

Яна бир ҳолатда Дарвин “Худо тирик организмларнинг барча хилларини, турларини бир йўла яратган ва турлар ҳеч қаочон ўзгармайди” деган фикрга қарши бўлса-да, унинг бу тълимоти Худога, Худони борлигига уни яратувчи эканлигига қарши эмас, чунки Дарвинг мураккаб тузилишга эга бўлган кўзни эволюция йўли билан пайдо бўлишига ишонмайди. Шу сабабли бўлса керак Дарвин: “Мен аслу атеист эмасман. Худо борлигини инкор кilmайман” деган.

Куръони кариму Одамни Худо яратгани қайд қилинади. Уни Одамни лой-тупроқдан, балчиқдан яратган. Аммо қандай яратилған айтылмаган. Куръонни “Аъроф” сурасининг 11-оятида Оллоҳ “Аниқки, биз сизларни яратдик. Сўнг сизларга сурат бердик” дейилган. Бундан кўринадики. Худо Одамни – жисмни, суратни – шаклни.

Энди ривожланишнинг (эволюциянинг) асосий маъносини биологик нуқтати назардан таҳлил қиласак, ривожланиш бу: 1) ҳар бир тирик тур, унинг вакили ўзидан авлод қолдиради; 2) авлодлар ўз аждодлари га ўхшаш ирсий белгиларни олиб юради; 3) ҳар бир тирик тур, у ўзидан авлод қолдириш учун курашади; 4) тирик организмларга муҳит омиллари таъсирида ўзгарувчанлик қобилияти бўлиб, уларни муҳитга мослашиши натижасида турлар ичилаги ҳар хилдлик кузати-



11-расм.

Австралопитекларни кўриниши.

гор маънодаги тушунчадир. Замон ва макон категориялардан юқори зот бўлиб, вақт ҳам, фазо ҳам Оллоҳга тобе бўлиб, миллиард йил Оллоҳ учун бир сониялик бўлиши мумкин. Оятдаги “олти кун”ни ҳар бир куни 2-3 миллиард йилга тенг бўлиши мумкин. Шу узоқ 10-16 миллиард йил давомида бутун олам, Күёш, Ой, юлдузлар, сайёralар ва Ер пайдо бўлган, унда дарёлар, денгиз, океанлар ва уларда тириклик ҳаёт пайдо бўлган. Улардан кейин, жаранглаган лойдан ва турли кимёвий элементларнинг шакли пайдо бўлади: “Одамнинг жисмини лойдан яратган” ва “Одам – эволюция маҳсули” бир мазмунга эга. Одам-ривожланиш жараённида – Одам Ота ва одамзоднинг, жамиятнинг ҳар бир одамнинг яратилиши юзага

ни яратган, кейин эса унга руҳ берган. Руҳ – жон одам танасига сингиб кетган. Бу жараён қанча вақт давом этганлиги маълум эмас. Чунки вақт Оллоҳ қудратига бўйсунувчидир. Юқоридаги “Аъроф” сурасининг 54-оятида “Албатта парвардӣ-горингиз – Оллоҳ шундай зотдирки, аслоҳлар ва ерни олти кунда яратиб, сўнгра ўзи аршга ўрнашади. Бу оят бўйича “Оlam, 10-16 миллиард йилдан буён мавжуд бўлса Одам бир неча миллион йилдан бери мавжуд. Бу ерда зиддият йўқ, фақат Оллоҳнинг ҳар бир кунини 24 соатлик сутка эмас, бу




12-расм.

Куролланган ва озуқа терувчи австралопитеклар.

келади. Күп йиллар ривожланиш жараёнида турли одамсимон маймунлар-австралопитеклар, бундан 9-5 млн. йиллар аввал архантроплар, 1,5-0,5 млн. йиллар аввал неандерталлар – палеонтроллар, питекантроплар (11,12,13-расмлар).

Кроманьонлар ҳозирги замон инсонларига яқын турган гигантопитек ва мегантроплар ҳозирги 3 метрдан ортиқ бўйли гориллалардан ҳам катта бўлганлар. Юқорида номлари қайд қилинган одамсимон маймунлар ўзларига хос ривожланиши жараёнида биридан бирини келиб чиққанини кўрсатувчи бир-бирини боғловчи ҳалқалар қолдирмаган. Уларни бир-биридан ҳаттоқи одамсимон кроманьонлардан (14-расм) ҳам ҳозирги замон одам аждодларини боғловчи ҳалқалар топилмаган.



13-расм.
Питекантроплар кўриниши.



14-расм.
Кроманьонлар ҳаётӣ.

Одам зоти ўзига хос биологик йўналишда, ўтмишдаги бирор-бир аждодларга боғланмаган ҳолда ривожланиди ва бу жараёнда табиий ганланиш омилига кўра муҳитга мосланиш ва бошقا гирик жонзодлар ичда яшаб қолиш катта рол ўйнаган бўлса керак. Инсон яратилгандан буён уни биологик ривожланиши-эволюцияси тўхтайди. Одам ўзидан ўзи кўпая бошлайди ва ўзини ўраб турган муҳит ва муҳит омиллари билангина доимий алоқада бўлади.

Геологик йилномалар.
Геологик йилномалар кўrsa-

тишича геологик учламчи даврдаги ҳайвон турлари түртламчы даврда ҳам ривожланадилар, аммо муз даври ўсимлик ва ҳайвонлар ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Музлик даврларининг оралиқ даврларида иссиқ-совуқ форма организмлар шимолдан жанубга совуқча мослашган турлар жанубдан шимолга тарқаладилар. Бир нечта музликлар даврида асосий ҳайвонлардан Момонт (*Elerhas primigenitus*) ва унинг ҳамкори жунли носорог (*Celenta antrigutatis*) бўлиб, улар кейинчалик йўқолиб кетган.

Геологик түртламчы даврдаги органик дунёдаги энг катта воқелик – бу табиатда биринчи одамнинг пайдо бўлишидир. Шунинг учун ҳам түртламчы даврни антропозой даври деб аталади. Табиатнинг хўжайини пайдо бўлади.

И.Августа ва З. Бурианларнинг (1959) фикрича, ривожланишинг умумий қонуни инсонлар учун ҳам таалуклидир. Биологик нуқтаи назардан қаралганда, инсон ўзининг келиб чиқиши бўйича жуда узоқ ва давомли аждодлар йўлига боғланган. Шу олимларнинг фикрича инсон қандайдир маймун ёки ҳозиргача яшаб келаётган одамсимон маймунлардан келиб чиқмаган, балки учламчи давр охирларида яшаган умумий аждодлардан келиб чиққан бўлса керак.

12.1. ОДАМ ОТОНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ДАВРИ МУҲИТИ

Ернинг эволюцион ривожланиш жараёнида муҳитни (намлик, тупроқ, қуёш нури) яхшилиги ер усти ўсимликларини микроорганизмлар, сувўтлар, лишайниклар замбурууглар, ўт ўсимликлар, буталар ва даражатларни фаол ривожланишини кўпайиши ва улар билан бир қаторда катта-кичик ҳайвонларнинг тез ривожланиши учламчи давр бошларидан бошланади. Даشتларда ўргача йиллик намлик 900-1500 мм ни ташкил қиласди, ўт ўсимликлар яхши ўсади. Туёқли ҳайвонларга озуқа етарли бўлади. Даشتли ҳудудларни 1 км устида 12-25000 кг биомасса ҳосил бўлади.

Тахминан бундан 100 млн. йиллар аввал пастки бўр даврининг охирларида ёпиқ уруғли ўсимликларнинг сони 250000 атрофида бўлса, ер юзида 4500 бошоқли ўсимлик турлари бўлган.

Мезозой даври охирларида ёпиқ уруғли ўсимликлар кўп бўлиб ҳайвонлар озуқаси етарли ва ўсимликлар олигоцен охири ва миоцен даври бошларида кўп ривожланадилар.

Евроосиёда жуда кўп ҳайвон турлари: ёввойи от, тuya, як, кўлан йиртқичлардан леопард, гепард йўқолиб кетади. Ўтхўрлардан – оққуйруқ, антилоп ва кийик турлари, йиртқичлардан-қашқир, қизил бўри, бургут турлари сақланиб қолади. Шимолий Америка ўтлоқзорларида бизон вилорог подалари, муз даври охирларида қирилиб кетган от ва гуялар кўп учраган. Кўплаб туёқли ўтхўр ҳайвонларни табиатдан йўқо-

либ кетишида қадимда яшаган одамларнинг роли катта бўлганни деган савол пайдо бўлади.

Баъзи олимларнинг фикрича эрта палеолит даврида яшаган одамлар турли қўл қуролларидан (Ашел маданияти) фойдаланганлар. Улар Шимолий Америка ҳудудларига бундан 40000 йил аввал музлик даврининг охирларида “Беринг кўприги” орқали ўтишган ва шу музлик даврининг охирларида ер юзидан 26 та Африка ҳайвонлар туркуми ва 35 та Шимолий Америка катта сутэмизувчи ҳайвон туркум вакиллари йўқолиб кетади.

Бу жараёнда айрим олимлар қадимги одамлар, оддий такомиллашмаган қуроллар билан музлик даври охирларида йўқолиб кетган ҳайвон турлари учун гуноҳкор эмас, балки заминнинг глобал иқлим ўзгариши сабаб бўлган деб қайд қиласди.

Кейинчалик эса яхши қуролланган одамлар Мадагаскар ва Янги Зеландия ҳайвонлар оламига қирғин келтирадилар. Жуда қисқа вақт ичida Мадагаскар ҳудудида 14 та катта Лемур турлари, 4 та баланд бўйли Страус турлари, Янги Зеландияда эса 19 та мос ва бошқа кушлар турлари табиатдан мутлақ йўқолиб кетади.

Ҳозирги кунда ҳам инсонлар ўрмонзорларни кесмоқдалар. Текислик даштларни ўзлаштириб сунъий ландшафлар яратмоқда. Муҳитни ўзгаришига мослашган ўсимлик-ҳайвонлар сақланиб қолади, холос.

12.3. ОДАМ ОТОНИНГ ПАЙДО БЎЛГАН ЖОЙИ

Одам Отони Худо жаннат лойи тупроғидан ўзига ўхшатиб ясаган. Бу ҳақида Қуръони каримда ҳам сизларни лойдан яратдик дейилган. Лойдан ясалган лой танага руҳ жон ато қилинади ва тирилган жонзод одам қиёфасида жаннатдаги “Боги Эрамда” яшай бошлайди. Энди шу ерда савол туғилади. Жаннат ва ундаги “Боги Эрам” қаерда? Етти қават осмонни қайси қаватида? Ёки Ер сайёрасидан ташқарида бошқа сайёрадами? Ундей бўлса Одам Ота Ер сайёрасига қандай тушиб қолди? Ёки жаннат Ер сайёрасининг бирор-бир ҳудудида бўлганми? каби саноқсиз саволлар жавобсизиди.

Ҳозирги замон юзлаб ва минглаб космик аппаратлари самони бирор-бир қисмидан жаннатни ёки Худо жойлашган “Арши-аълони” топғанлари йўқ. Само-бўшлиқ, унда ҳаводан бошқа нарса йўқ. Шундай экан, демак жаннат Ер сайёрасида, уни доимий, ўзгармайдиган ҳароратли намлиги етарли, ҳавоси яхши, озуқа бўлиб хизмат қиладиган ўсимлик, ҳайвон, ичимлик сув етарли, мевали, бутазор дараҳтли ўрмонли ҳудуд Ер сайёрасининг жаннати бўлса ажаб эрмас. Шу ҳудуд лой тупроғидан парвардигори олам ўзига ўхшаган Одамзотни яратади. Худо фаришталардан ҳазрат Азоилга тупроқ келтиришни буюрди. У Макка ва Яман еридан бир ҳовуч тупроқ олиб

келди. Худо шу тупроқقا 39 йил қайғы ёмғирини, бир йил севинч ёмғирини ёғдирди ва шу қизил тупроқдан одамзотнинг отаси қизилтанли Одам Отони яратди. Унга барча нарсаларни билишни ўргатди.

Ер сайдерасининг шундай жаннат макон ҳудуди, тупроқ олинган шу зонани табиий шароити афсонавий жаннатга ўхшайди. Бу зона деб номланиб, унда тропика ўртача ойлик ҳарорат $+24\text{--}26$ °C, энг юқори ҳарорат $+33\text{--}36$ °C, энг паст ҳарорат $18\text{--}20$ °C кун давомида ҳароратни ўртача ўзгариши $5\text{--}8$ °C бўлиб, ҳароратни йил давомидаги ўртача ўзгариши 2 °C дан ошмайди. Ҳавонинг камлиги 75 фоиз бўлиб, йил давомида $1800\text{--}2000$ мм намлик тушади. Тропик зоналар Африка, Осиё ва Америка ҳудудларида жойлашган. Тропика қалин бута ўрмонларга бой, масалан битта Калимантана оролининг ўзида 10000 дан ортиқ ўсимлик турлари, Амазонка ҳудудида 3000 дан ортиқ дарахт турлари бор. Шу дарахтларни бўйлари $30\text{--}45$ метрга етса, Осиёнинг тоғли нам ўрмон дарахтларининг бўйи $60\text{--}70$ метрга етади, улар $20\text{--}30$ м ёки $30\text{--}45$ метрли кўп этажли яруслар ҳосил қиласди (15 -расм). Шу бута-дарахтлар ичиди мевали ёввойи олма-узумлар мўл бўлган. Улар қаторида ёввойи кўй-эчкилар, отлар ва бошқа ҳайвонлар ҳам кўп бўлган. Шундай шароитда яратилган Одам Ото оч қолмаган, совуқдан қўйналмаган, иқлим яхши бўлган.



15-расм.

Тропик зона ўрмонзорлари.

Француз рассоми Жан Эффель-Клер (1962) "Роман Адам и Ева" китобида Худо томонидан Одам Отонинг яратилиши, уни атроф-муҳит борлиқ билан танишиши, унинг атрофида фаришталарни, ҳайвонларни, олма-нок, узумларни бўлиши, Одам Ото ўзи яшаб турган муҳит, уни элементлари ўлик-тирик жонзотлари билан танишади, аста-секин уларни нима эканлигини билиб олади. Кейинчалик эса у муҳитда якка-ёлғиз эканлигини сезади. Шу кезда Худо Одамнинг ёлғиз бўлмаслигини иnobatga олиб унга мададкор яратади. Уни узоқ ухлатиб, чап бикинидаги қовурғалардан бирини олади, ўрнини эт билан қоплайди. Олинган қовурғадан аёлни — инсон зотини онаси Момо Ҳавони яратади. Яратилган аёл суратига фаришталар гувоҳлигига руҳ жон ато қиласди. Шундан сўнг Худо

ўз ақл-идроқи билан Одам Отони Момо Ҳаво билан бирга қиласы. Улар жаннат боғларыда яшаш жараёнида уларнинг ҳаётига шайтон аралашади ва натижада Одам Ото ва Момо Ҳаво жаннатдан ҳайдаладилар ва улар она табиат бағрида яшай бошлайдилар.

Одам Отонинг бүйи 50 зироъ (1 зироъ=75 см), ҳозирги ўлчов бүйича 45 метр, бу 15 этажли уйга тенг, тропик ўрмоннинг 30-45 метрли дараҳтлари билан тенг бўлган.

Франция Фанлар академиясининг бир аъзосининг математик ҳисоблари бўйича Одам Отонинг бўйи 37,73 метрга, Момо Ҳавонинг бўйи эса 36,19 метрга тенг бўлган. Одам Отони бўйи борасида диний ва дунёвий далиллар бир-бирига яқин келади.

Америкаликлар кўрсатган “Кинг Конг” киносидағи ўрмон ичидаги яшаган 5 қаватли уйдек одамсимон маймун-гориллани қўз олдимизга келтирасак, 37-45 метрли одамзод 40-45, ҳаттоқи 70 метрли бутадараҳтлар орасида ҳам яшаган бўлсалар керак, улар кўл билан дараҳтлардан меваларни, қурт-қумурсқаларни, учраган озуқабоп нарсалардан фойдалангандар. Тропик иқлим эса уларни совуқдан сақлаган, турли ҳайвонларни тутиб, хомлай ёки ўтда пишириб еган бўлса керак.

Ҳозирги замонда қалин ўрмонларда яшайдиган гориллаларнинг бўйи 3 м атрофида, улар жуда эпчил ва тез ҳаракат қиласидар.

Бўйи тахминан 60 зироъ келадиган Одам Ото шу атрофдаги одамсимон маймунлар – шимпанзе, гориллалардан ҳаёт тарзини ўрганган бўлсалар ажаб эмас.

12.4 ОДАМ ОТО ШАЖАРАСИ

Одам Ото 960 йил яшаган дейилади, Тавротда ёзилишича 930 йил яшаб вафот этган. У 130 ёшида ўзига ўхшаган ўғил кўрган, унинг исми Шис (Сиф), у кўп ўғил-қизлар кўрган. Одам Ото Макка яқинидаги Абу Кубайс тоғининг горига дағи этилган.

Носирилдин Рабгузийнинг (1310) ёзишича, Момо Ҳаво етмиш марта бир ўғил, бир қиз – эгизак, фақат Шис алайҳиссаломни ёлғиз туғсан экан.

Одам Ото ва Момо Ҳаводан эгизак: бир ўғил – Қобил (кайн) ва бир қиз – Иқлимо (ақлима) деган фарзандлар, икки йилдан кейин эса яна эгизак: бир ўғил – Ҳобил (Авел) ва бир қиз Абудо (Лабуда) туғилади.

Учинчи ўғил Шис (Сиф) алайҳиссалом Таврот ва Инжилда ёзилишича, 912 йил яшаган. Шис авлодларидан учинчиси Идрис (Енох) дунёга келади ва 365 ёшида тириклайн осмонга кўтарилиган.

Идрис пайғамбарнинг кавараси-панневараси Нуҳ алайҳиссалом дунёга келади. У Одам Отонинг 16-авлоди бўлади. Милоддан аввалги

4000 йилликдан олдин бўлиб ўтган Буюк Тўфон даврида, унинг уч ўғли – Сом, Хом ва Ёфасдан Ер юзи аҳолиси пайдо бўлган. Нуҳ (Ной) 950 йил умр кўрган.

Нуҳ пайғамбар катта ўғли Сомдан – қадимги сомийлар, Арабистон, Эрон каби давлатларда яшовчи араблар, сурёнилар, ибронийлар (яхудийлар), шумерлар, халдейлар, форсийлар (эронийлар), афғонийлар, юнонлар ва бошқа халқлар юзага келади.

1. Нуҳнинг катта ўғли Сомдан – қадимги сомийлар, Арабистон, Эрон каби давлатларда яшовчи араблар, сурёнилар, ибронийлар (яхудийлар), шумерлар, халдейлар, форсийлар (эронийлар), афғонийлар, юнонлар ва бошқа халқлар юзага келади.
2. Нуҳнинг ўртганча ўғли Хомдан – Африка, Ҳиндистон, Покистон давлатларида ва Америка, Австралия ҳудудларида яшайдиган халқлар – қоратанлилар, ҳабашлар, занжилар пайдо бўладилар.

3. Нуҳнинг кенжа ўғли Ёфасдан – туркий халқлар, мўғуллар, японлар, татар ва Европа халқлари юзага келади. Ёфас авлодлари янги янги ҳудудларни эгаллашиб, улар Ўтра ва Марказий Осиё, Шарқ ва Европа томонларда яшаб, кўпайишиб, турли тилларда сўзлашувчи элатлар ва халқларни юзага келтирадилар.

Ёфас авлодлари икки ирққа – оқ танлилар, яъни – славянлар, немислар, французлар, инглизларга, сариқ танлилар эса – турқийлар, мўғуллар, татарлар, японлар, хитойлар, корейслар, индонезияликлар каби халқларга ажралиб, тарқаб кетадилар. Бу ҳолатлар Фарииддин Аттор (1119-1229), Азизиддин Нафасий (1994), Рабғузий (1310), Мирзо Улуғбек (Тўрт улус тарихи, 1994), Ҳакан ата Абуший (туркий қавмлар тарихи, 1995), Абулғозий Баҳодирхон (Шажараи Турқ, 1992) китобларида кенг ёритилган.

Нуҳ пайғамбар ўлимидан олдин ўғилларига васият қилиб жаҳоннинг ўртасини Сомга, Мағрибни Хомга, Машриқни Ёфасга беради.

Таврот, Куръони карим, Ҳадиси шариф ва имми далиллар бўйича Буюк Тўфон бутун ер юзида бўлмаган, у фақат Нуҳ қавми яшайдиган ҳудудлардагина бўлган. Шу вақтда одамзод ер юзининг ҳамма жойида яшамаган, балки одамлар фақат Нуҳ қавмлари яшаган ерларнигина тўфон босган. Манбаларга кўра тўфон милоддан 4000 йил аввал Месопатамияда – Дажла ва Фурот водийсида бўлган. Тўфоннинг баландлиги, Таврот бўйича 26 метрга (қадамга) кўтарилган. Тўфон дунёнинг ҳамма ерини қопламаган, қаттиқ сел келиб Дажла ва Фурот дарёлари тошиб, водий ва тоғу саҳроларни босган.

Нуҳ пайғамбарнинг катта ўғли Сом 5 ўғилли (Элам, Ассур, Ар-паҳшод, Луд ва Арам), ўртганча ўғли Хомдан 4 ўғил (Куш, Миср, Пут, Кањон), кенжа ўғли Ёфасдан эса 7 ўғил (Гумер, Маъжуж, Модай, Ёвон, Тувол, Машак, Тирос) туғилади.

Нуҳ пайғамбарнинг шу ўғиллари ва невараларидан бир қанча халқлар пайдо бўлади ва улар ер юзи бўйлаб тарқаладилар. Бу воқеалар

Мирзо Улугбекнинг “Тўрт улус тарихи”да (1994) батафсил баён қилинган. Ёфас-Туркхон авлодларининг тарқалиш тарихи китобнинг 33–40-бетларидан жой олган.



XIII БОБ

ҚАДИМГИ ОВЧИ, ТЕРУВЧИ, ДЕҲҚОН-ЧОРВАДОР ИНСОНЛАР

Геологик даврларнинг бошланғич палеолит даврида қадимги одамлар тошдан 30-40 дан ортиқ турли қуроллар ясаган. Тош қуроллари Пекин атрофидаги Чжоукоудян форида бундан тахминан 400-500 минг йиллар аввал ясалган ва синантроплар яшаган жойлардан топилган, тош қуроллари билан неандертал одамлар – тик юрувчи одамлар бундан 1,4 млн йиллар аввал кенг фойдаланганлар. Ундан ташкәри қадимги одамлар овчиликда оловдан бундан 1 млн. йил аввал фойдаланганлар.

Үрта палеолит даврида табиятда неандертал одамлар ҳукмрон бўлиб, улар анча, ақлли, меҳрли, ўйлаб иш қиласиган жонзодлар бўлган. Палеонтропология фанининг маълумотларига кўра неандертал одамлар гавдали, кўллари бақувват, тана мушаклари ривожланган, катта кучга эга бўлган. Үрта бўйли, бош миянинг ҳажми 1350-1700 см³, ўртача 1400-1500 см³, бўйлари 150-160 см.ча бўлган.

Неандертал одамлар охирги музлик даврининг бошларида бундан 80-35 минг йиллар аввал яшаганлар ва шу вақтларда Евроосиё, Шимолий Америка ҳудудларидаги ерларда ҳукмронлик қилганлар. Улар муҳитни экологик ўзгаришларига тенг мослашганлар. Улар оддий тураржойларда яшашиб, ҳайвон териларига ишлов бериб ўзларига кийим қилганлар. Табиий муҳит яхши вақтда улар Африка, Евроосиё ҳудудларига тарқалганлар. Табиий муҳитнинг экологик ҳолати ўзгариши билан янги музлик даврининг Валдай, Калинин, Бюром, Вискон музликлари бошланиши билан одамларнинг географик тарқалиш чегара-



16-расм.
Плейстоцен музлик даври.
Гоминидларнинг тарқалиши (A).

си кентгаяди. Оғир иқлим шароитларини ҳам бошдан кечириб, янги ҳудудларни (Америка, Австралия) этгалийдилар (16 ва 17-расмлар).

Табиятда музликлар кўпайиб ёки камайиб турган даврда неандертал одамлар табиятдан мутлақ йўқолиб кетадилар.


Улар ўрнини кроманьон одамлар эгаллайдилар. Улар яшаган вақтда табиий экологик икlim яхши бўлганлиги учун жуда катта Евросиё, Африка ерларини, кейинчалик Шимолий ва Жанубий Американи, Австралия, ҳаттоқи субарктика ҳудудларига етиб борадилар.

Шу вақтларда Британия, Япония, Зонд каби ороллар континентнинг қисми бўлган. Шимоли-Шарқий Осиё ва Шимоли-Ғарбий Америка бўғоз-қўлтиқлар билан боғланиб катта бир континетни ташкил этган. Бу ҳолат кромоньонларни тез ва кенг тарқалишига олиб келади. Улар Америка, Жануби-Шарқий Осиё, Австралия, ҳаттоқи турли қайиқ, плотлар ёрдамида Тинч ва Ҳинд океанлар оролларини ҳам эгаллайдилар.

Кромоньонлар ҳайвонлар териси ва суюкларидан ўзларига туаржой қурғанлар. Ҳар бир чайла-үйда 50 га яқин одам яшаган. Палеолит давридаги одамлар кўмилган жойнинг ёши 22500-22000 йилга teng. Айрим одамлар 55-60 ёшга етган, бўйлари 180 см га teng бўлган. Улар ўйлаш, фикрлаш, сўзлаш қобилиятига эга бўлган. Табиий ҳодисалар сабабларини аниқлашга интилган, қоя тошларига ҳайвонларни ов қилиш ҳолатларини, турли ўйинлар расмлари чизилган.

Асосий ов ва озуқа ҳайвонлари мамонт, от, айиқ, зубр, чўчқа, кийик каби катта ҳайвонлар бўлган. 1866 йили Франциянинг Бургундия провинциясининг Солютри қишлоғи ерларида жуда катта ер майдонида (1 га) 5 м қалинликда отлар, учли найзалар қолдигини топадилар. Шу майдонга 100000 дан ортиқ от кўмилган экан. Бу кўмилманинг ёши 20-18000 йил деб кўрсатилади. Шу вақт одамлари томонидан жуда катта миқдорда зурблар ўлдирилган. Улар одамлар озуқаси учун ишлатиладиган қабила гўшт маҳсулотидан бир неча баравар ортиқ бўлган. Зурблар ва отлар бекорга ўлдирилган. Бу ҳолат қадимий одамларни табиатга, унинг бойликларига салбий таъсирининг бошланиши бўлган.

Палеонтологларнинг маълумотига кўра, АҚШ нинг Жануби-Шарқий ҳудудларида бундай 8,5 минг йиллар аввал овчи-палеонидлар



17-расм.
Гоминидларнинг Африкадан бошқа ҳудудларга тарқалиши (Б).


маданияти ўрнига мезонитидлар маданияти келади. Одамлар овчиликдан ўт-мева-уруг теришга ўтадилар. Бу жараён ҳам бундан 1-2 минг йиллар аввал тұхтайди. Одамлар бир жойда ўтроқ яшашға ўрганадилар. Бундан 7-7,5 минг йиллар аввал одамлар озуқасини үсимлик массаси ташкил қиласы. Шу вактларда сув ҳавзаларидан балиқ, дengiz-okean қирғоқларига яқын жойлардан устрица, краб, балиқ гүтиб, озуқада ишлатадилар.

Континент ерларыда одамлар терувчиликдан деңқончилликка, чорвачиликка ўтадилар. Кайнозойни бир неча миллион йиллари давомида ва айникса, музылк даврининг бошланишларида жуда күп сутәмизуучи ҳайвонлар ҳаракати даврида Евроосиёдан одамлар қаторида катта сутәмизуучи ҳайвонларнинг бир нечта түркүм вакиллари Беринг күрфазлари орқали Америка ҳудудига ўтадилар. Бундай жараёнлар, бундан 2000 йиллар аввал содир бўлган (17-расм).

Плейстоцен даврида кўпчилик ҳайвон турлари 1100-8000 йиллар оралиғида йўқолиб кетадилар. Уларга түялар, отлар, ленивцлар, буқалар, антилоплар, бизонлар, мамонтларнинг 2 тури кириб, улар Аляскадан Мексикагача тарқалишган. Ҳайвонларни йўқолиб кетишида қадимги одамларни тинимсиз ов қилиши бўлса, плейстоцен даврининг охирларида иқлимининг кескин ўзгариб туриши ҳам сабаб бўлган (Баландин, Бандарев, 1988).

Палеолит даврининг охирларида тахминан бундан 6-10 минг йиллар олдин Сумнагин маданияти Хиндистан, Таймир, Камчатка, Чукотка, Аляска ҳудудларида кенг тарқалади. Улар оловдан кенг фойдаланишади. Голоцен даврининг бошларида табиятда илиқ иқлим тахминан бундан 30000 йиллар аввал бўлиб одамлар Австралия континентида тарқала бошлиганлар. Археологик қазилмаларни кўрсатишича бундан 8-9 минг йиллар олдин Тасмания ҳудудларида ҳам одамлар тарқалади ва уларни тинимсиз ўт кўйишлари натижасида Тасманиянинг ўрмонзорлари ўрнига буталар ва очиқ саванналар юзага келади.

Австралия, Тасмания, Ёкутистан-Камчатка-Аляска-Америкага тарқалган одамлар ким бўлган? Улар неандерталлардан кейин табиятда пайдо



18-расм.

Қадимги овчи ва озуқа терувчи инсонларни кўчиш йўллари.

бұлған кроманьонлар ва уларнинг авлодларими? Ким улар? Улар Одам Отодан кейинги Нұх пайғамбарнинг ўғиллари Сом, Хом ва Ёғас авлодларими? Шу уч ўғлоннинг авлодлари Ер юзига тарқалган. Кроманьонлар ҳам худди шу Сом, Хом, Ёғас авлодлари каби тарқалган. Шулардан тарқалган одамзодларни археолог, палеонтологлар тили билан кроманьонлар деб атап юритилған бўлса, ажаб эмас. Келажак бу илмий ва диний муаммога ойдинлик киритади, деган умиддамиз.


Ўрта денгиз, Яқын Шарқ ва Шимолий Африка ҳудудларида тарқалган овчилар ва мева-уруг терувчилар шу ерларда кроманьонларни юзага келишига асос соладилар. Шу неолит давридаги одам-овчидан кейинчалик чорвадорлар ва деҳқон хўжаликлари юзага келади. Лекин мезолит даврида Ўртаденгиз атрофида яшаган овчилар доим яшил катта ўрмонзорларни күйдириб юборганлар. Илгари Сахара ва Калахара гуллаб-яшнаган бўлиб, шу ҳудудларни чўлланиши I асрдан бошлиниб, III мингинчи йиллар атрофида ҳозирги чўл ҳосил бўлади. Шундай қилиб тошкўмир асрининг охирларида овчилар ва терувчи одамлар Сахарани экологик ландшафтини мутлақ ўзгартириб юборадилар.

Африка қадимда пайдо бўлған одамзоднинг биринчи ватани бўлишига қарамасдан, шу ҳудудда кроманьонларни пайдо бўлиши билан Африкада тоза экологик ниша қолмайди. Улар ҳамма ерни пайхон қилали, ҳайвонларни ўлдирадилар. Шундай қилиб кроманьонлар яшаган даврдан бошлаб Ер юзининг экологик жуда катта ҳудудлар ландшафтларининг кўриниши ўзгаради. Оловдан фойдаланиш ер юзининг турли зоналарида қатор оғир экологик из қолдиради, яъни ўрмонларда дараҳтлар, буталар йўқ бўлади. Қалин ўтлоқэзлар чўлга айланди. Уларга мослашган ҳайвонлар, қушлар йўқолади. Шундай ҳудудларда яшаган одамлар оғир аҳволда қолади; неолит даврига келиб деҳқончилик ва чорвачилик юзага келади. Бу жарайён одамларни доимий озуқа билан таъминланишини пайдо қиласди. Лекин одамларни янги хўжаликка тўла ўтиши аста-секин ва узоқ давом этган; деҳқонлар жамоасида инсонлар сони, туғилиш овчилар жамоаларига қараганда анча юқори бўлған.

Қадимги Мексика ҳудудида яшаган овчи-терувчилар озуқасининг 30 фоизини ўсимлик массаси ташкил қилған бўлса, деҳқончиликини бошланиши билан инсонлар озуқасининг 40 %, кейинчалик эса 75-80 фоизини ўсимлик массаси ташкил этиади.

Милоддан аввалги 5-3-мингинчи йилларда деҳқончилик ер юзининг турли ҳудудларида кент ривожланади. Ўсимликларнинг ҳар хил турлари маданийлаштирилиб Африка, Миср, Марказий Осиё, Хитой каби ҳудудларда арпа, буғдой, тариқ каби ўсимликлар ўстирилади. Одамлар бир жойда тургун яшашга ўрганадилар. Чорвадорларда эса кўчигб юриш кузатилади (18-расм).

Европа, Америка, Миср ерларида яшаган инсонлар милоддан аввалги 5-2 минг йилликларда балиқ тутиб сув ҳавзалари бойликлари-



19-расм. Дөхқончилик ва чорвачиликнинг келиб чиқиш марказлари.

дан ҳам фойдаланганлар.

Милоддан аввалги 3000-2500 йилларда Шимоли-Фарбий Европадаги кенг майдонларда турғун инсонлар дөхқончилик асосида яратған сұнъий ландшафтлар юзага келади. Бу даврда табиий иқлим ҳар томонлама яхши бұлған. Жанубий Тоғикистон Вахш тоғларининг 1200 м баландлығыда карат горларидан бир метр қалинликта тошбақаларнинг чаноқлары, тоғ әчкиси, от, кийик сүяклары топилған. Демек, қадимті одамлар ўzlары яшаган жойдаги табиий бойлікларни озуқа сифатида ишлатғанлар, яғни бир жойда балиқ, тоғли худудларда эса тошбақа, әчки билан озиқланған (19-расм).

Дөхқончилик тұғрисидеги бошланғич маълумоттар бўйича Ироқнинг шимоли-шарқий худудларида ерни ўзлаштириш, үсимликларни ўстириш милоддан аввалги 7000 йилларга оидdir. 3-4 минг йиллікларда Эрон, Турция, Хитой, Мексика, Яқин Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё, Марказий Америка ерларида иқлимининг яхшилиги туфайли дөхқончиликни аста-секин ривожланиши кузатилиди. Масалан, милоддан аввалги 6000 мингинчи йилларда Туркманистаннинг жанубидаги Копет-даг тоғ олди ерларида ҳамда Артек ўзанларида, беш мингинчи йиллар Молдованинг бугунғи Днестр худудларида дөхқончилик ривожланған. Шу худудларда яшаган аҳоли та-


бийи бойлеклардан бўлмиш тупроқ-тош қатида ёпишиб ўсадиган лишайникларни териб, шундайлигича ёки буғдой, арпа талқонига аралаштириб, тўйимли озуқа сифатида фойдаланган. Неолит давридаги табиий бойлекларни бошқариш муаммоларига ҳам аҳамият берадилар. Яъни:

1. Инсонлар озуқага бой ҳудудларнинг иқлими, тупроғи яхши, суви бор, ов қилиш ҳайвонлари кўп жойларни эгаллаганлар.
 2. Хўжалик учун зарур бўлган ўсимлик ва ҳайвон турларига бой ҳудудларда инсонлар яшаган.
 3. Табият бойликларини аста-секин камайиб бориши натижасида қадимги одамлар бир хўжалик шаклидан бошқа хўжалик шаклига ўтадилар.


Масалан, овчилик-терувчилик-дәхқончилик-чорвачилик. Лекин бұхжаликлар аралаш бўлди. Яъни дәхқонлар овчилик билан ҳам, ўсимликларни уруғ, мева ва илдизларини териш, балиқ овлаш билан шуғулланганлар. Шу замон овчилари ёш ҳайвонларни, болали ва ургочи ҳайвонларни ўлдирмаганлар, келажак учун асраганлар.

Тахминан милюдан 13000 йиллар аввал ҳайвонлардан ит, 10000 йиллар аввал қүй-әчки күлгө ўргатилган бўлса (20-расм) эрамиздан аввалигъ 9000 йилгача ўсимликлардан қовоқ, буғдой, арпа, қалампир кабилар маданийлаштирилган ва дехқончиликнинг асосини ташкил этган (21-расм).

Кадимги одамлар 3300 йиллар аввал дараҳтларни күйдириб күмір олғанлар. Ер остини кавлаб темир, кремний тошларини олиб эритиб, ўзларига қурол ясаган. Бундай ҳолатлар шахталарни күпайишига сабаб бўлган. Миср Нил дарёсининг чап қирғокларида, ҳаттоқи



20-расм.



21-расм.
Турли ўсимвилкларни маданийлаштириши хронологияси.

Нидерландия ерларида 5000 дан ортиқ шахталар топилган. Шахталар чукурлиги 15 м гача ҳар бир шахтадан 10 т гача кремний олинган. Бу шахталардан 15000 дан ортиқ кирка ва болгалар топилган. Кремний олингандан кейинги чиқиндиларнинг ҳажми 1250 м³га тенг. Бу шахталар эрамиздан аввалги 3150-3050-йилларга мансуб бўлиб бу темир даврининг бошланишига тўғри келади. Дехқончилик ва чорвачиликнинг ривожланиши тарихчилар томонидан уч даврга бўлиб ўрганилади.

Биринчи даврда қадимги инсонлар ҳәётидаги ишлаб чиқариш фазоси ва табиий муҳит омиллари ва табиий бойликлар ўртасидаги мутаносибликтининг йўқлигидан келиб чиқади; шу даврнинг одамлари ўз хўжаликларини янги ерларни ўзлаштириш орқали ривожлантириб, табиий муҳитга катта зарар келтирадилар.

Иккинчи даврда дехқончилик ва чорвачилик иқтисодини ривожланиши асосида инсонлар жамияти ва маданияти ҳар томонлама ўсади, кенгаяди, гуллайди ва ривожланади. Дехқончиликда сугориш ўрмон-бутазорларга ўт қўйиб ер очиш, қўрик (партов) ерларни ҳам ташкил қилиш кузатилади. Чорвачиликда кўчиб юриш, чорва молларини янги яйловларда боқиши ва қўлда ушлаш кузатилади. Турли ҳунармандчилик қавмлари ўртасида савдо, мол-пул алмашишлари ривожланади.

Учинчи давр инсонлар ҳәёт фаолиятининг иқтисодий ва экологик юқори ривожланган даври бўлиб, унда ишлаб чиқариш куроллари такомиллашади. Иш қобилияти юқори бўлиб, қадимий инсонларнинг моддий-маънавий қудрати ўсади.

Қадимги инсонларни ривожланиши уч даврдан: пайдо бўлиш, шаклланиш, гуллаш ва турғунлик даврларидан иборат бўлган. Бу даврларни эволюцион-ривожланиш нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак: овчи-терувчилар даври — тахминан бошланғич палеолит даврига,

дехқончилик ва чорвачилик даври – палеолитни ўрта ва охиригача, учинчи юқори ривожланиш эса мезолит даврига тұғыр келади.

Неолит давридан бошлаб инсон катта биологик күч сифатида юзага чиқади, Катта тошлардан (300 тонна) құрғонлар, узун сугориш каналлари қуришади. Ландшафтларнинг акс эттирувчи тирик жонзорлар композициялари чизилган катта сунъий ландшафтлар ташкил этилади, ҳаёт давом этади.

Юқорида қайд қылганимиздек, ерда ҳаёт бундан 3,5-3,7 млрд. йиллар аввал пайдо бўлган. Тириклик океанда юзага келиб, тинимсиз ривожланишлар жараённан табиатда бир ҳужайрали, кўп ҳужайрали ва мураккаб ҳужайра инсон пайдо бўлган.

Геологик плейстоцен даврда бундан таҳминан 12000 йиллар аввал кўчиб юрувчи овчилар қабиласида 100 одам бўлган бўлса, 300 йилдан кейин улар сони 100000 га етган. XX асрнинг 70-йилларида ёмғири тропик зоналарда бирламчи туб ерли энг содда аҳоли қабилалари борлиги ҳақида Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилотининг берган маълумотига кўра (1986 йил) Пигмеё қабиласи Африканинг Заир, Камерин, МАР, Габон, Конго ҳудудларида учраган бўлса, Осиёнинг Малайзия, Таиланд ҳудудларида, Филиппин ва Шри-Ланка ерларида Негритос қабиласи учраса, Ченҷџ, Кадар, Варли, Каткари қабилалари бўлса, Жанубий Американинг Парагвай ерларида Гуайяки, Моро қабилалари, Боливияда Сирикно, Бразилия ва Венесуэлда – Яномама, Аче ва Куива қабилалари яшайди. Улар энг қадимги одамларнинг тирик қолган авлодлари дирлар. Қадимги одамларнинг ҳаёт йўллари, тажрибалари шу қабила аъзоларида сақланиб қолган.

1900 йили Амазонка воҳасининг Бразилия қисмидаги 230 қабила аъзолари яшаган бўлса, XX асрнинг 60-70 йилларида 143 та гурӯҳ қолган бўлиб, уларнинг сони 50000 атрофида бўлган. Туб ерли қабила аъзолари сонини камайиб кетишига оқ танлиларнинг карател отрядлари томонидан ҳудудларни бомбардимон қилиши, озуқа ва шакарга марғумуш кўшиб берни инсонларни заҳарлаши қабила аъзолари сонини камайиб кетишига олиб келган. Масалан, Бразилиядаги ҳинд асурин қабиласидан жами 53 нафар одам қолган (Ньюмен, 1980).

Индонезия ҳудудида яшаган қадимги жамоалар озуқа, дори-дармон сифатида 4000 га яқин ўсимликлардан фойдаланганлар. Тропик зонада ўсуви 1650 та ўсимлик япроқлари озуқа моддаларга бой ҳисобланади. Шулардан 10 фоизи ҳозирги цивилизацияга маълум.


Ҳозирги замон одамлари намли тропик ўрмонлардан самарали фойдаланиш йўлларини изламадилар. Аммо туб ерли аҳоли табиат билан ўзлари ўртасидаги экологик муносабатларни яхши ўзлаштириб, натижада табиий бойликлардан доимо фойдаланса ҳам муҳитга зиён келтирмаганлар. Масалан, Таиланднинг шимолий ҳудудларидағи ўш овчи аҳоли озуқаси таркибига 235 та ўсимлик киради. Яна 119

та ўсимлик дори-дармонли ҳисобланади. Шулар ичиде ухлатувчи зарсизлари ҳам бор.

Жануби-Шарқий Осиё ўрмонларида яшовчи аҳоли “Қанотли дуккак ловия”, ҳамда улкан қовоқлардан озуқа сифатида фойдаланган. Жанубий Хитойда хитой акацияси ўстирилади. Унинг шарбати апельсин шарбатидаги витамин С дан 15-18 баробар бой. Уни “киви” шарбати дейишади. Янги Гвинея сирли ўрмонларида 251 та дараҳт турини меваси озуқабодири. Шулардан 43 та дараҳт маданийлаштирилган.

Ҳозирги замон инсон озуқаси ҳаммаси бўлиб 20 та ўсимлик тури ҳосилидан юзага келади. Лекин Ер юзи текислик, адир, тоғ минтақалари ва тропик ўрмонзорлар чексиз, ҳисоблаб бўлмайдиган ўсимлик бойликларига эга. Мутахассислар маълумотига кўра Планетада маълум бўлган ўсимликларнинг 80000 тури озуқабоб ҳисобланади. Жуда кўп ўсимликларни фойдали эканлиги қадимдан қадимги одамларга маълум бўлган. Улар қайси ўсимликни қайси қисми емишлиқ, қайси ўсимлик илон-чаён, пашша чаққанга даво бўлишини яхши билгандар. Масалан, Бразилия ҳиндулари 30-35 метрли Копефи Ланесдорфа дараҳти шарбати, тилласимон суюқдигидан атирга яраларни даволайдиган малҳам дори олишган. Ундан ташқари шу дараҳтнинг суюқлиги дизел ёқилғиси таркиби билан тенг экан. Дараҳт ҳар икки соатда 20 литр углеводород ёқилғи беради.

Гропик зона ўрмонларининг, шунчак бойликларига қарамай ҳозирги вақтда ҳар дақиқада 23 гектар ерда намли ўрмон дараҳтлари кесилмоқда, йилига эса 120000 км² майдон ўрмондан ажрамоқда. Ҳар куни ўсимлик ёки ҳайвоннинг 3 та тури табиатдан йўқолмоқда. Бу даҳшат, табиий оғатdir.



XIV БОБ

ИНСОН ПАЙДО БҮЛИШ ДАВРИДАГИ ИҚЛІМНИНГ ПАЛЕОЭКОЛОГИЯСЫ

Маълум бўлишича, кембрайгача бўлган давр шароити – иқлими ҳақида илмий далиллар йўқ. Аммо палеозойни (570-235 млн. йил аввал) иқлим шароити тўғрисида маълумотлар бор. Палеозой даврининг анча вақтида Ер шаридаги иқлим аниқ бўлган. Континентларда эса шароит нам ва илиқ бўлган. Палеозойнинг охири тошкўмир – перм даврларида музлик юзага келади ва ҳозирги тропик кенгликларида қуруқликнинг анча қисмини эгаллади. Шу вақтда континентлар ва Ер шарига қутбларни жойидан силжиб туриши кузатилади. Ер шаридаги перм-карбон давридаги музлика ҳам иқлим шароити илиқ бўлган. Перм даврида термик зоналик юзага келиб, континентларда қуруқ иқлим шароити ҳосил бўлади.

Мезозойнинг (235-66 млн. йил аввал) иқлими бир хил бўлган. Ер шарининг катта қисмida иқлим шароити ҳозирги тропик табиятга ўхшаш бўлса, кутб кенгликларида иқлим анча совиган ва ҳароратни фасллар бўйича ўзгариши кузатилади. Ер шарининг айрим зоналаридаги қуруқлик ва базъи жойларида ортиқча намлиқ кузатилади ва оргиқча намлиқ күёш радиациясининг ўзгариши ер юзидағи ҳаво ҳараратни ўзгаришига қор қопламлари ва музликлар ҳам таъсир қилган (Будыко, 1961, 1977; Manbe, Netherala, 1967).

Бўр даврининг охирларида иссиқ иқлимли зона қисқаради ва қуруқ иқлимли ҳудудлар кенгаяди. Учламчи даврнинг ўрталарида (олигоценни ўртаси) Ер шарига мўътадил ва юқори кенгликларида иқлимининг совиши кузатилади. Бу зоналарда қиш фаслида ҳарорат 0° дан ҳам пастга тушади ва фасллар бўйича қор қопламини ҳосил қилади.

Ер юзасида иқлимининг совуши нотекис бўлиб, айрим ҳудудларда иқлимининг исиши кузатилса, юқори кенгликларда ҳароратнинг пасайиши, айниқса, плиоценда тезлашади. Бунга ологоцен даврида ҳосил бўлган Антарктидаги континентал музлик сабаб бўлган.

Учламчи даврнинг охирларида бошланган иқлимининг совиши, айниқса, мўътадил ва юқори кенгликларда катта континентал музликларни плейстоценда (1,5-2 млн. йил аввал) ривожланади. Шу даврдаги музликлар, уларнинг аниқ вақти тахминан аниқланган. Шимолий Евроосиё ва Шимолий Американинг кенг ҳудудларида жуда катта музликлар ўз навбатида, ер юзасида катта иқлим ўзгаришларига олиб келади.

14.1. МУЗЛИКЛАР

Биз тубанда Алп тоғлари худудида ўтган даврда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Европадаги түртта асосий: Тюнц, Миндель, Висс ва Вюрм музликларни санаб ўтамиз. Р.К. Баландин ва Л. Г. Бондаревларнинг (1988) маълумотларига кўра Шарқий Европада бундан 70 минг йил олдин бўлиб ўтган тубандаги иқлим хронологияси келтирилади, яъни:

1. Бундан 70-50 минг йил аввал юзага келган бошланғич Валдай музлиги.
2. Бундан 50-40 минг йил аввалги ўрга Валдай (карукюласс) музликлари.
3. Бундан 40 минг йиллар аввал охирги Валдай иқлим совиши.
4. Тахминан бундан 23 минг йил аввал иқлимнинг вақтинча исиши – Брянск интервали оралиги.
5. Бундан 24 минг йил аввал музликни қайтадан тикланиши ва тезлашишидан музлик текислик ҳудудларни қамраб олади, муз қатлами чегараси Берлин-Варшава-Вильнос-Калинин йўналиши бўйича ўтиб шимоли-шарққа қараб бурилади.
6. Бундан 17-16 минг йил аввал музлик энг юқори чўққига чиқади. Кейинчалик музликни аста-секин қисқариши бошланади. Тахминан 11-12 минг йил аввал музлик қатламини эриши бошланади. Лекин бундан 9 минг йиллар аввал қаттиқ совуқ даври бўлиб, бу давр 8-5 мингингача оралиғигача, атлантик иссиқлик бошланишига давом этади. Иссиқликка мослашган ўсимликлар ривожланади. Бундан 2,5 минг йиллар аввал иқлимин исиши кузатилади.

Музликнинг ривожланиши ва унинг чекиниши плейстоцен даврида бўлиб узоқ давом этади. Лекин музликлар даври оралиғида, музлик тоғ ва юқори кенгликларда сақланиб қолган вақтларда иқлимининг исиши даврлари ҳам бўлган. Шу даврларда юқоридаги ҳолат Европа, Осиё ва Шимолий Америка ҳудудларида кузатилади.

Кучли континентал музланиш шимолий ярим шарларнинг 40-57° шимолий кенгликларини эгаллайди. Континентал муз қоплами-нинг қалинлиги 100 метрдан 1000 м га етган. Шу даврда денгиз кутб музликлари ҳудуди кенгайиб сайёранинг анча қисмини эгаллайди. Тоғли районларда музликлар таъсирида қор қопламлари пастликларга силжиганлиги таъсирида доимий музлаган ерлар чегараси ҳам жанубий кенгликларга қараб кенгайди. Континентал музликлар қалинлигининг ортиши билан дунё океанининг сув сатҳи 100-150 м га пасаяди. Фақат музлик вақтида денгиз сувининг сатҳи кўтарилади. Музликлар даврида ер юзида ҳаво ҳарорати бир неча градусга кескин пасаяди. Аммо музликлар даври оралиғида иқлим иссиқ, ҳаво ҳарорати анча юқори бўлади.

Иқлиминг ўзгариши тарихида голоцен даври қисқа бўлиб, у тўртламчи музликинг охирги вақтларига тўғри келади ва иқлиминг сезиларли ўзгаришлари кузатилади. Охирги Вюрм музлигининг юқори ривожланиши тахминан бундан 20000 йиллар аввал кузатилган бўлиб, кейинги бир неча минг йилликлар ичida шу катта музликлар парчаланади. Тахминан бундан 5-7 минг йиллар аввал Европа ва Шимолий Америка ҳудудларидаги иқлиминг исиши натижасида катта музликлар йўқолади. Ҳаво ҳарорати анча кўтарилади. Европа, Осиё ва Шимолий Америкада қурғоқчил ҳудудлар юзага келади. Шу даврда ҳозирги Сахара ҳудуди нам иқлими (Будико, 1977) ва ўсимлик, ҳайвонларга бой бўлган.

Бундан аввал икки минг йиллик боши ва бир минг йиллик охирларида иқлиминг анча исиши кузатилади ва музликлар кутбларга қараб чекинади. XVII асрнинг бошларидаги иқлиминг совиши тоғ ва юқори тоғ музликларини кенгайишига олиб келади.

14.2. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИ

Геологик йилномаларнинг кўрсатишича Голарктик область ерларида ҳайвонларнинг янги шакллари юзага келади. Улар шу ҳудуддан тропик зона ва континентларнинг жанубий яримшарларга тарқалади. Тирик организмлар эволюциясига иқлим ўзгаришининг таъсири Д. G. Axelrod (1967), Axelrod, H. P. Baily (1968) каби олимларнинг ишларидаги ўз аксини топган. Уларнинг фикрича бўр даврининг охирларида динозаврларни қирилиб кетишиб сабаблари баён қилинган. Динозаврларни қирилиб кетишининг асосий сабабларидан бири – муҳит иқлимида ҳаво ҳароратини доимий ўзгариб туриши ва бу ўзгаришга динозаврларнинг мослаша олмаганилигидир.

Плейстоцен даврида мўътадил ва юқори кенгликларда музлик ва қишининг совуқ келиши натижасида қўпчилик сутэмизувчи ҳайвонлар ва уларнинг ўш болалари қирилиб кетишига сабаб бўлади. Тирик организмлар эволюциясига, уларнинг ривожланишига ва йўқолиб кетишига иқлим ўзгаришлар билан бир қаторда яна бир гипотеза – яъни космик нурлар, юқори ҳарорат билан биргаликда сутэмизувчи ҳайвонлар ва динозаврлар тухумларини нобуд бўлишига олиб келади. Катта сутэмизувчи ҳайвонларни қирилиб кетишига юқори палеолит даврида овчилик ҳам сабаб бўлиши айтилади (Будико, 1967). Аммо энг асосий сабаб иқлим ўзгаришлари экологик системаларнинг тузилиши, таркиби ва маҳсулдорлигини ўзгаришига олиб келади. Мълумки, биологик жараёнлар термик шароит ва радиацион баланс билан боғлиқдир.

Кўёшдан келадиган тўғри радиацион нурлар Ер шарининг турли ҳудудларида турлича таъсир қиласи. Масалан, Аляскадан жуда катта узок-

ликда жойлашган Павловсда (Санкт-Петербург) ярим йил давомида қүёш радиацияси 35 фоизга кам бўлган. Қүёш радиациясини улкан отилишидан кейин ҳам аста-секин камайиши кузатилади. Масалан, 1962 йили Индонезиянинг Бали оролида Агунч вулқони портлагди. Натижада ер юзининг турли жойларида қүёш радиациясини ерга ўтиши камайган (Burdecki, 1964; Flowers, Vebrok, 1965; Dyer, Hicks, 1965). Вулқонлар портлаган даврда Ер нинг ўртача ҳарорати ҳам бир неча градусга камайган ва бундай ҳолат ойлар ва йиллар давомида кузатилган.

Шундай экологик воқеиликлар Ер тарихида аввал ҳам кўп бўлган ва улар жуда кўплаб ҳайвонлар ва ўсимликларни йўқолиб кетишига олиб келади. Масалан, бўр даврининг охирларида (бундан 100 млн. йил аввал) сурдариб юрувчилардан динозаврлар, учиб юрувчи птерозаврлар, сув ҳавзаларида яшовчи ихтизавр ва плезмозаврлар каби ҳайвонларнинг жуда кўп турлари йўқолиб кетган. Бунга табиий муҳитнинг ўзгаришлари сабаб бўлган. Кўпчилик ҳайвонларнинг вакиллари геологик тарихнинг Перм, Триас ва Бўр давларида йўқолиб кетган. Улар ўзларининг экологик жойини кейинроқ пайдо бўлган, фитозаврлардан келиб чиқсан крокодилларга қолдирадилар.

Иқлимининг ўзгариши ва, айниқса, ҳароратнинг бирдан пасайиб кетишини бир неча йиллар давом этиши кўпчилик ўсимлик ва ҳайвон турларини йўқолиб кетишига олиб келади: а) турли организмларни ҳаёт фаолиятига ҳароратни бирдан пасайиб кетиши уларни тўғридан-тўғри қирилиб кетишига олиб келади; б) тирик жонзодларни яшааш учун кураш жараёнидаги биологик-экологик фаоллигини камайтиради; в) тирик организмларни турли юқумли касалликларга чидамлилигини пасайиши; г) организмларни кўпайиши жараёнларини бузилиши каби ҳолатлар сабаб бўлиши мумкин.

Кейинги тадқиқотлар кўрсатишича, бундан 65 млн. йил аввал космик фазодан тушган катта асдероид ер қарига таҳминан 50 м чуқурликка кириб кейин портлаган. Портлаш натижасида ер силкинади, бир неча футбол майдонига тенг ҳовуз пайдо бўлади. Ундан 1000 м баландликка чанг-тўзон кўтарилади, атрофга тарқалади. Шу портлашда ҳосил бўлган чанг-тўзон ва радиациялар таъсири натижасида катта ҳудудлардаги ўсимлик ва ҳайвонлар қирилиб кетади.

Тирик жонзодларни ривожланишида ер юзида доимий бўлиб турдиган катта-кичик тоғларнинг ҳосил бўлиш жараёни ҳам сурдариб юрувчи ва сутэмизувчи ҳайвонлар, қушларнинг кўпайиши ва тарқалишига ҳам орогенез жараёнлар ўз таъсирини кўрсатган.

Ўтмишга – Ер тарихига ва палеонтологик йилномаларни варақлар эканмиз, фанерозей даврида тирик организмлар учун асосий энергия манбаи бўлиб, автотроф-фотосинтез қиласидаги ўсимликлар бўлиб, улар палеозойни биринчи ярмида сув ҳавзаларида ривожланган. Кейинчалик континентларга тарқалган ўсимликлар атмосфера ва гидро-

сферанинг физикавий-кимёвий таркибини ўзгартириб юборади. Атмосфера таркибида O_2 ва CO_2 нинг миқдори ўзгаради. Шу вақтда вулканлардан ажралган ис гази (CO_2) атмосферага ва сувга қўшилиб турган. Ўсимликлар ўз табиатида CO_2 қабул қилиб, O_2 ни ҳавога ажратган.

Кайнозой даврининг геологик қолдиқларида кейинги миллион йилда сақланиб қолган CO_2 қолдиги $0,05 \cdot 10^{21}$ га тенг. Фанерозойда O_2 нинг миқдори ўзариши унча сезиларли бўлмаган. Юқори девон, карбон ҳамда юқори юра ва бўр даврларида атмосферада O_2 бўлган. Мезозойнинг иккинчи ярмида жуда кўп судралиб юрувчи ҳайвон турлари яшаган. Триас даврида атмосферада O_2 миқдори камаяди ва шу даврда кўп амфибий ва рептиларнинг йўқолиб кетиши кузатилади.

14.3. ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИННИНГ САБАБЛАРИ

Фанерозойда атмосфера эволюциясининг тубандаги хусусиятлари бўлади:

- 1) максимал вулканлар фаоллиги даврида CO_2 массаси ортади. Вулканлар фаоллигини пасайиши кузатилади.
- 2) фанерозойнинг асосий вақтида атмосферада CO_2 ни концентрацияси 0,1-0,4 фоиз атрофида бўялган. Шу даврда кўпчиллик автотроф ўсимликлар энг юқори даражада ривожланган ва муҳитга мослашган.
- 3) мезозой вақти охирларида CO_2 концентрациясини камайиши кузатилади. Айниқса, олигоцен ва плиоценда бу ҳолат тезлашади ва CO_2 энг паст даражада бўллади. CO_2 миқдорининг камайиши муҳит совишига ва охир-оқибат тўртламчи даврдаги музликнинг ҳосил бўлишига олиб келади.
- 4) фанерозой вақти давомида O_2 нинг миқдори бир хил бўлмаган, айниқса, вулканлар фаоллиги даврида кислороднинг массаси анча камайган.

Гирик организмларнинг ҳаёт жараёнлари муҳитдаги CO_2 ва O_2 ни миқдорига боғлиқ. Геологик даврларда атмосфера ҳавосида CO_2 ни миқдори анча бўлган. Бу ҳолат ер усти ўсимликлари ва океанда ҳам сув ўсимликларнинг яхши ривожланишига олиб келган. Лекин бўр даврида CO_2 массасининг камайиши автотроф организмларни ва улар билан боғлиқ бошқа тирик жонзотларни ҳам камайишига олиб келган.

Муҳитда иқлим ўзгаришларини асосий сабаблари тубандагилар, яъни:

1. Астрономик омиллар: Куёшга нисбатан Ер юзи ҳолати иқлимининг ўзгариши, ҳаттоқи, бир неча ўн минг йиллар давомида ўзгариши юзага келишига олиб келади.
2. Атмосфера ҳавосининг таркиби. Учламчи ва тўртламчи даврларда иқлимини ўзгаришта атмосфера ҳавосидаги CO_2 ни аста-секин камайиши сабаб бўлган. Табиий ҳолатда CO_2 миқдорини иқлимини ўзгаришига олиб келиши 100000 йиллар оралиғида кузатилган.

3. Ер юзасининг тузилиши. Ер рельефини ўзгариши денгиз ва океанлар қирғоқларини ўзгаришларига сабаб бўлади, бундай катта ҳудудлар иқлимининг ўзгариши юз минг-миллион йиллар ичидаги кузатилади.

4. Куёш ҳолатини доимийлиги. Иқлимга етарлича таъсир қиласидаги қисқа даврли қуёш ҳолатини ўзгариши билан бир қаторда куёш радиациясини ҳам ўзгариши куёш эволюциясида юзага келади. Куёшдаги бундай ўзгаришлар даврий бўлиб 100 миллион ва миллиард йилларда кузатилади.

5. Иқлимининг ўзгаришларига таъсир қиласидаги ташқи омилларга вулқонлар фаоллигини ҳам киритиш мумкин. Бу табиий омил иқлимини бир неча йилда ёки узоқ даврларда қайтариб туриши мумкин.

Шундай қилиб, иқлимини ўзгариши турли ташқи табиий муҳит омилларига боғлиқ бўлган ва тубандаги тартибда атмосфера-океан-ер-кўтуб музликлари таъсирида ҳар 10 йилларда, даврий 100, ҳаттоқи минг йилларда кузатилган ва қайтарилиб турган.

Учламчи даврда (10 млн. йил) ва унинг охирида (міоцен-плиоцен) даврларида (1 млн. йил) CO_2 ўзгаришлари кузатилган. CO_2 ни атмосфера ҳавосида камайиши музликларни ривожланишига, музликлар қоплами даврма-давр катталашиб, кўпайиб боришига олиб келган. Бундай жараён ер юзаси ҳолатини куёшга нисбатан ўзгаришидан ҳам келиб чиққан бўлади.

Юхорида қайд қилинган ҳолатлардан палеонтологик ва геологик йилномалардан маълум бўладики, ер тарихини бошлангич давридаги биосферани табиати нозик, ташқи муҳит омиллари таъсирида тез ўзгаридаги, турғунсиз бўлган, шунинг учун ҳам ердаги тириклиқ тез қирилиб кетган, биосфера таркиби парчаланиб турган. Турғун биосфера 2-3 млрд. йиллар аввал юзага келган (Будико, 1971, 1974). Биосфера жуда қадимийдир. Ерда биринчи ҳаёт шакллари бундан 3,4-3,6 млрд. йиллар аввал пайдо бўлган. Аста-секинлик билан даврма-давр содда ва мураккаб тирик жонзодлар юзага келган (А.Эргашев, Т.Эргашев. Т., 2008). Бу ҳолатни палеоэкологик йилномалар маълумотлари тасдиқлайди.

14.4. ҲАЙВОНЛАРНИ ЙЎҚОЛИБ КЕТИШ САБАБЛАРИ

Охирги вюром музлик даврида шимолий ярим шарни мўътадил зонасида катта ҳайвонлар ер юзасидан йўқолиб кетади. Бундай ўсимликсўр ҳайвонларга мамонт, жунли насорог, даشت зубри, катта буғу, улар билан бир қаторда фор арслони, фор айиги кабилар Европа ҳудудларидан йўқолади. Ҳайвонларнинг Фарбий ва Марказий Европа ҳудудларида яшайдиган кўп турларини (масалан, шимолий буғу) тарқалиши чегаралари ҳам ўзгаради. Бундай ҳолат Осиё ва Шимолий Америка ҳудудларида ҳам кузатилади.

Айрим олимларнинг фикрича қадимги одамлар ўзларининг ҳаёт эҳтиёжлари – озуқа учун мамонт каби катта ҳайвонларни ов қилиб, қириб юборганлар. Инсонлар иш фаолияти билан боғлиқ ҳолда ҳайвонларнинг айрим турлари мұйтадил ва тропик худудларда йўқолиб кетади (Пидопличко, 1963; Martin, 1967).

Плейтоцен даврида Европа ва тропик худудларда ўсимликлар билан озиқланувчи туёқли ҳайвонлар подалари сақланиб қолган. Лекин қадимги одамлар катта ҳайвонларни овлаб қириб юборганлариги сабабли уларнинг қолдиқлар сақланиб қолган. E. N. Colbert (1958) фикрича, бундан бир неча минг йиллар аввал мамонтларни йўқолиб кетиши сабабларини аниқ билиб бўлмайди. Инсон ўз даврида мамонтларни табиатдан йўқолиб кетишига қисман сабабчидир. Лекин табиатлаги содда одам кўп сонли, ҳайбатли, катта мамонтни қирилиб кетишига сабаб бўлиши қийин. Шу даврларда Европа худудларида катта туёқли ҳайвонлар подаси бўлган, уларни ҳаммаси ўсимликхўр бўлиб, уларни ов қилиш билан шу катта ҳайвонларнинг сони камайган эмас. Ов қилинган ҳайвонларни қолдиқлари юқори палеолит даврида яшаган инсонларнинг турган жойларидан топилган.

Шу юқори палеолит даврида ўтхўр ҳайвонлар билан бир қаторда йирик йиртқич ҳайвонларни ҳам йўқолиб кетиш сабаблари бу озуқа ҳалқасининг бузилишидан, яъни йиртқич ҳайвонлар озуқаси ўтхўрлар сонини овчилар томонидан камайтиришидан келиб чиқсан. Лекин мамонтларни қирилиб кетиши қандайдир табиий офат билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Масалан, космосдан тушган астероидлар, турли эпидемиялар сабаб бўлиши мумкин. Аммо охирги вюрма музлиги кўп ҳайвонларни ва, шу жумладан, мамонтларни қирилиб кетишига музлик даври сабаб бўлган. Чунки Сибирда доимий музликлар қатламида топилган мамонт танаси жуда яхши сақланган.

Гахминларга кўра бундан 30-40 минг йил аввал Европада одам пайдо бўлади. Улар ўзларидан олдин яшаган неандертал одамлар ўрнини эгалладилар, тош ва суюқдан яхши ов қуролларини ясайдилар. Юқори палеолит даврида Европада инсонлар сони кўпаяди. Шу юқори палеолит даври бундан 10-13000 йиллар аввал тамом бўлади (Будико, 1977).

Ўрта тошкўмир мезолит даврларида инсонлар тош қояларга турли ҳайвонлар расмларини чизадилар. Ов қилиш ҳолатлари, ов ҳайвонлари чизилади. Шу даврда 100 км² жойда 5 дан 50 нафаргача одам яшаган. Айрим жойларда 100 км² ерга 1 киши тўғри келган. Юқори палеолит даври тахминан 25000 йил давом этган ($0,64 \times 10^{-4}$ дан $1,56 \times 10^{-4}$ йил⁻¹) даврда бир кишига йилига 500-100 кг биомасса тўғри келган (Бибиков, 1969) бўлса, бу вақтда, яъни бундан 10-25000 йиллар аввал табиатда мамонтлар сони кўп бўлишига қарамай, кейинчалик улар ва бошқа йирик ҳайвонлар қирилиб кетадилар. Шу вақтда 100 км² жойга тахминан мамонтни 4000 кг массаси тўғри келган. Бу масса шу ерда яшаган бир нечта одамга етарли бўлган.

Тропик мұльтадил ёки тундра ҳудудларида инсон озуқаси учун үтхұр катта ҳайвонлар күп бўлган. Ҳаттоқи фақат филларга ов қилинганда ҳам уларнинг сони бир неча ўн йилларга етадиган бўлган.

Шунга қарамасдан катта сутэмизувчи үтхұр ҳайвонларнинг қирилиб кетиши, табиий шароит, иқлим ўзгаришлари, ҳайвонларнинг кам туғилиши, уларнинг болаларини нобуд бўлиши (касаллик, йиртқичлар, сув, ўт, совуқлик), йиртқич ҳайвонларни кўплиги, инсонларни тез ривожланиши ва кўпайиши, ҳайвонлар танасининг катталиги (мамонт, носорог, фил) табиатга яхши мослаша олмаганлиги, уларни овда тез ўлжа бўлиши каби ҳолатлар плейтоцен даврида кўп кузатилади.

Плейтоцен даврининг охирларида катта ҳайвонларнинг кўп турлари йўқолиб кетади. Шу даврда музликлар даврининг охирларида Шимолий ва Жанубий Америка қитъаларида инсонлар яшайдилар. Улар музликлар билан қопланган Беринг кўрпази орқали Шимолий Американинг шимоли-гарбий ҳудудларига кириб борадилар. Бу ерда инсонлар ҳаддан кўп йирик ҳайвонларни учратадилар, ов қилиш ўнгай, озуқа етарли бўлади. Бундан кейинги минг йиллар ичida айниқса, плейтоцен даври охирларида асосий ов ҳайвонлари мамонт, матодант, мегатерий, от, тuya каби ҳайвонлар бўлган. Кейинчалик шу ҳайвонлардан 30 дан ортиқ тури мутлақ табиатдан йўқолиб кетади. Юқори палеолит даврида ер юзининг жуда катта қисмida ўсимликлар оловдан, ҳайвонлар эса тинимсиз овланишдан, йиртқичларга ём бўлиши сабабли табиатдан йўқолиб кетадилар. Кўп континентларда экологик танқислик бошланади, ўтлоқ майдонлар чўл-даштга айланади, катта-кичик тирик жонзодлар сони, тури камаяди.

Инсонлар ҳәтидаги бошланғич даврдаги ривожланиш ўзини, ўз болаларини озуқа билан таъминлашни ўйлаш даври, ўрмон, ўтлоқзорларни ҳайвонларсиз дашту биёбонларга айлантиради. Ўзи ўт қўйган ўтлоқлар, эртага қандай бўлишига ақли етмаган қадимий инсонлар ўзларидан кейин чўл қолдирганлар. Бу инсонларни онгиз ривожланган даври эди. Шундай бўлса ҳам одамлар ва улар билан бир қаторда бутун тирик жонзотлар табиат қўйнида, унинг муҳит, омиллар таъсирида ўсиб, кўпайиб ривожланадилар. Улар турли табиий элементлар – компонентларни ҳосил қиласидилар, тириклик-тирик моддалар гарқалган биосферани юзага келтирадилар.



XV БОБ

ОДАМЗОДНИНГ ЕРДА ПАЙДО БЎЛИШИДАГИ ЭКОЛОГИК МУҲИТНИНГ ҲОЛАТИ

Маълумки, инсон ҳаёти табиат билан узвий боғланган. Табиатда инсон яратилди, унга озуқа, жой, кийим, курол, олов, сув берилди. Табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларни ривожланиши табиат ва унинг турли йўналишдаги фанларнинг келиб чиқишига олиб келди. Табиат қонунларини ўрганиш, умумлаштириш ва табиат ҳақидағи фанларга айлантириш буюк олимларга, юксак ақл-заковатли кишиларгагина насиб қилди. Инсоният тарихида шундай инсонлар нур сочувчи машъал бўлиб табиатни ўрганувчи бошқа инсонларнинг йўлларини ёритиб турдилар ва ҳозирга қадар ёритмоқдалар. Табиат ва унинг борлигини ўрганиш борасида Аристотель, ал-Хоразмий, Форобий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Умар Хайём, Леонорда да Винчи, Галилей, Коперник, Мирзо Улугбек, Бобур Мирзо, М. В. Ломоносов, Ж. Л. Бюффен, Ж.Б. Ламарк, А. Гумбольд, Ч. Дарвин, В.В. Деку чаев, В.И. Вернадский, замонамиз олимлари Х.М. Абдуллаев, Т. З. Заҳидов, А.М. Музafferов, К.З. Зокиров, И.И. Гранитов, Ж.А. Мусаев каби инсоният фарзандлари бордир.

Тирик жонзодлар яшаётган ва улар тарқалган ҳудуд, жой – коиноттир.

Биринчи бора “Коинот” атамасини Абу Носир Форобий жамият тузилишида қўллайди. Иккинчи бора Умар Хайём ўзининг “Коинот” ва унинг вазифалари” рисоласида (1961, 152-159-бетлар) “Коинот” жамиятни тузилишида, ундаги ҳар бир шахснинг вазифаларини баён қилишда ишлатади.

Абу Райхон Беруний (973-1048) сайдерадаги қитъаларни жойлашиш харитасини чизади, табитдаги ҳамма нарса тупроқдан яратилган, Ер эса қўёш атрофида ҳаракат қилишини изоҳлади. Бу илмий далилларни бобокалонимиз Беруний оврўпалик олимлар Коперник ва Галилейлардан 500 йил аввал исботлайди.

Берунийнинг фикрича, ўсимлик ва ҳайвонлар ўртасида кураш, кўпайиш ва авлод қолдириш учун интилиш тирик мавжудотлар ҳаёти-нинг асосини ташкил қиласди. Табиатдаги ҳамма нарса табиий қонунларга бўйсунган ҳолда яшайди ва ўзгариб туради. “Барча ҳаракатлар материяга тегишилдири. Материянинг ўзи жисмлар шаклини вужудга келтиради ва ўзгартиради. Бинобарин, материя яратувчилир”. Ҳазрат Берунийнинг “материя” атамаси 950-1000 йилдан кейин XIX асрнинг охири – XX аср бошида яшаган рус олими В. И. Вернадский томонидан “Тирик моддалар” деб қабул қилиниб, табиатдаги ҳамма ҳаракат ва ўзгариш шу тирик моддалар ҳаракати билан боғланади.

Берунийнинг замондоши Абу Али ибн Сино (980-1037) ўзининг “Тиб қонунлари” номли машҳур энциклопедик асарида одамнинг тузилиши, унда модда (қон) алмашиниши, инсонда келиб чиқадиган касалликлар, унинг атрофидаги тирик жонивор фаолияти таъсирида

юзага келишини, табиат объектив борлық, унинг ўзгариб туриши, тоғлар зилзила, сув эса ернинг күтарилиши натижасида пайдо бўлганлиги, Ернинг кўп майдонлари қачонлардир денгиз туби бўлганлигини сақланиб қолган ҳайвонлар қолдиқлари асосида таърифлаб беради. Ибн Сино – ер юзи узоқ даврлар бўйича ўзгариб турган, барча тирик жоноворлар ва, шу жумладан, ўсимлик, ҳайвон ва инсонлар озуқланади, кўпаяди ва ўсади. Ер юзида тириклик ривожланишининг қуий бошлангич босқичида ўсимликлар, ўрга босқичида ҳайвонлар ва энг юқори босқичида инсонлар туришини қайд қилиб, ўз даврида ривожланиш эволюцияси назариясини келиб чиқишига асос солади.

15.1. БИОСФЕРА ТУШУНЧАСИ ВА ТУЗИЛИШИ

Оврупа катта табиатшунос олим Ж.Б. Ламарк (1744-1829) Абу Наср Форобий ва Умар Хайёмлардан 300 йил кейин “Биосфера” атамасини фанга киритиб, уни асл маъноси ҳаётни тарқалган жойи ва ер юзасида бўлаётган жараёнларга тирик организмлар таъсирини билишдан иборатидир, деб таърифлайди. Австриялик геолог олим Э. Зюсс 1875 йили Ламаркдан кейин “биосфера” терминини иккинчи бора фанга киритади ва ернинг тириклик тарқалган маҳсус қобиги деб изоҳ беради.

Маълумки, ер юзида тирик организмлар кўп, улар хилма-хил бўлиб турли зоналарда тарқалгандир. Ер юзасини ҳаёт тарқалган қисми биосфера бўлиб, унга тирик организмлар таъсири қиласидар. Биосферани сайёранинг энг катта экосистемаси сифатида ҳам қаралади.

Биосфера одатда уч қатламдан, яъни устки қатлам атмосфера, пастки қатлам литосфера ва гидросферадан иборат. Шундай қиласидар, биосферада Ер шарининг (атмосфера, литосфера, гидросфера) организмлар тарқалган қисми бўлиб, уларнинг таркиби тузилиш ва ўзгариб туриш хусусиятларга эгадир.

Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши билан биосфера ҳосил бўлган ва планетада тирикликнинг умумий ривожланиш эволюцияси бошланган. Ерда ҳаётни пайдо бўлиши бундан 3-4 млрд. йил аввал, деб таърифланади.

Биосферанинг қурғоқлик ва сув қисмларида тирик организмлар тарқалган. Атмосфера ҳавосида эса фақат циета, спораларгина узоқ вақтгача туриши мумкин. Лекин улар ҳам бирор бир субстрат устида, озуқа бор жойдагина ривожланадилар (тупроқ ёки сув мұхити). Биосферанинг устки қатлами – атмосфера 10-15 км баландликни эгаллайди. Шу қатламда бактриялар, споралар, замбуруғ, содда тузилган ва бошқа организмлар, уларнинг қисмлари бўлиши мумкин. Биосферанинг бу қатлами озон қатлами билан туташади. Озон қатлами ўзига хос экран бўлиб, тирик организмларни қўёшнинг ультрабинафша ва бошқа кучли космик нурларидан сақловчи ролини ўйнайди. Бу қатламлар дентиз сатҳидан 20-50 км юқоридадир.

Ер усти мұхитида учрайдиган организмларни кўпчилиги ҳавога ер устидан 50-100 м баландликка кўтарилиши мумкин. Айрим қушлар 1000-3000 м баландликка учса, планетанинг юқори тоғ, тоғ ёнбағирларида кўпчилик ўсимлик ва ҳайвонлар 4-6,5 км баландликда яшашга мослашганлар. Улар шундай баландликда паст босим, кам

кислородли ва ҳавода намликтининг камлиги, суюқ сувнинг йўқлигига адаптация қилганлар. Тоғ қўйлари ва күёнларнинг айрим турлари 5-5,5 км баландликда, юқори тоғ алп зоғчалари, ҳаттоқи, 8,2 км баландликдаги қояларда учрайдилар.

Биосферанинг пастки чегараси литосфера бўлиб, унда тириклик 2-3 км чукурликкача тарқалган: нефть топилган шундай чукурликларда турили микроорганизмлар борлиги аниқланган. Дараҳтлар илдизлари 8-10 м, янтоқ ўсимлиги илдизи 15-18 м чукурликка, айрим ўсимлик илдизлари 52,3 метрга етиб боради. Ер кавловчи ҳайвонлар ини (сугурлар, бурсуклар) 6-7 м, ҳашаротлардан термитлар 6 м чукурликкача етадилар.

Литосфера устидаги организмлар асоси массаси тупроқнинг 1 м қалинлигига жойлашган. Гидросферада организмлар максимал тарқалган. Айрим микроорганизмлар, содда тузилган умуртқасизлар ва кўр балиқлар 10-11 км пастликда ҳам учрайди (Тинч океани Тусқарор чукурлигига). Денгиз ўсимликлари ва ўсимликхўр ҳайвонлар 300-500 м чукурликкача тарқалган.

Биосферада учрайдиган сув ҳавзаларидан айримлари ҳаддан ортиқ шўр бўлганинги туфайли уларда ҳайвонлар учрамайди. Бундай сув муҳитларига Ўлик дengiz сувининг шўрлиги 23%, Арманистондаги туз кўлнинг шўрлиги 32%, Окенларнинг 10-11 км чуқур тублари ёки Туркистон ҳудудидаги айрим туз ва шўр, намакоб кўлларда (сувнинг шўрлиги 230-280 г/л) ҳозирги Орол дengизи сувининг шўрлиги 96-100 г/л, уларда ҳаёт жуда кам, умуртқали ҳайвонлар мутлақ учрамайди. Хлор концентрациясининг кўплиги туфайли мутлақ тириклик йўқ сув ҳавзалари планетада 1-2 тани ташкил қиласди, холос.

Сув муҳитининг катта чукурликларида гетеротроф организмлар учраб, улар органик моддалар билан озиқланади. Масалан, 6000 м ва ундан чукурда погонофоралар ва баъзичувалчанглар, полиплар, айрим балиқлар учрайди.

Шундай қилиб, биосфера атмосферанинг пастки қисми, литосферанинг устки қисми ва тўла гидросферадан иборатdir (22-расм).

100 км	Термосфера	ҳаётсиз
	Стратосфера	катлам
50 км	Атмосфера	1 км да тирик организмлар кенг тарқалган
10 км	Биосфера	ҳаёт 11 км
	Гидросфера	чукурликкача
10-11 км	Литосфера -ҳаётга бой қисм	ҳаёт 0-3 м гача
	Тупрок, чўкиндилар, гранит ва базальт	катлам

22-расм. Биосферанинг тузилиши (Эргашев, 2003)

XVI БОБ

ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ

Маълумки, Ер сайёраси бундан 4 млрд. йиллар аввал пайдо бўлган, ундаги тириклик – ҳаёт тахминан 3,3-3,6 млрд.йиллар аввал юзага келган бўлса, одамсизон маймунлар 5-1 млн. Йиллар аввал яшаган. Одамларнинг ер юзида пайдо бўлиши ҳақида 1 млн. Йил 200 минг, 40 минг йил каби турли далиллар келтирилади.

Одамлар гуруҳларининг доимиyllиги, бирлиги ва тарқалиши атроф-муҳит ва унинг омиллари билан доимий алоқаси орқали ва тирик организмлар ҳамда муҳит ўртасидаги модда алмашиши орқали юзага келади. Инсонларни ва бошқа тирик организмларнинг муҳитга мослашишлари ҳам бир тирик жонзодда бутун бир гуруҳ организмларга ҳам хос бўлиб, бу жараён муҳит ва организмлар ўртасидаги доимий алоқалар орасида юзага келади. Яъни экологик алоқалар: 1) бир гуруҳ организмларни ўсиш-ривожланишдаги ҳаёт фаолиятига таъсир қиласидан биологик жараёнлардан келиб чиқади; 2) нобиологик жараёнларни гуруҳ организмларни руҳий ва ижтимоий ҳолатга таъсир қилишидан келиб чиқади. 3) муҳитни абиотик ва биотик омилларни организмга ўзгартириб туриб таъсир қилишидан келиб чиқади.

Экологик муҳит – бу турли омиллар – рельеф, иқлим, ер, сув, тупроқ, ўсимлик-ҳайвонлар олами, улар ўртасидаги икки томонлама алоқалар йигиндисидан иборат. Шу муҳитда қадимий содда инсонларнинг кичик-кичик жамоалари ўзлари яшаган бир табиий муҳитдан бошқасига кўчишган ва шу жараёнда янги муҳит омиллари билан, муҳитдаги тирик жонзотлар ва шу ҳудудда яшаётган одамлар гуруҳлари билан алоқада бўлганлар.

Ўтган даврдаги инсон гуруҳлари ўзларининг экологик популяциялари, сони ва популяцияни ташкил бўлиши жиҳатидан бир-биридан фарқланган. Табиатдаги тирик организмлар жамоалари энг содда тузилган бактериялар, сув ўтлар, замбуруглар, ҳаттоқи, содда ҳайвонларни катта-кичик ҳайвонларгача ва инсонларнинг ирқий бирликлари ҳам ўзларига хос бир-бирларидан фарқланадиган белгилар билан чегараланган. Ҳар бир гуруҳ ҳайвон-ўсимлик ва муҳит билан экологик комплексни, катта-кичик экологик системаларни ташкил қиласидан.

16.1. ИНСОНЛАРНИ МУҲИТГА ЭКОЛОГИК МОСЛАНИШЛАРИ

Маълумки, тирик организм ва муҳит омилларини бир-бирига ўзаро таъсири икки йўналишида, яъни 1) муҳит талабларига кўра тирик

организм ва шу жумладан, инсон танасида бўлиб ўтадиган биологик ўзгаришлар, улар муҳит омиллари таъсири натижасида юзага келади; 2) тирик организм танаси ва муҳитда юзага келадиган ўзгаришлар инсонни муҳитга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Бу ерда инсон фаолияти ва ҳар бир индивидуал – эркак, аёл ва болани ёки бир гурух одамларни муҳитнинг ўзгаришига, омиллар таъсирига жавоб қилиши катта рол ўйнайди. Ҳар бир организмни индивидуал муҳит омиллари иссиқ, совуқ, шамол таъсирига жавоби организмни – одами физиологик хислати бўлиб, шу хислат билан организм муҳитга мослашади. Муҳитнинг тури омилларини йил, фасл, ойлар давомида ўзгаришларига мослашади ва шу жараёнда (иссиқ, совуқ ёки тури касалликларга қарши) танада биологик иммунитетлар яратади.

Организмнинг яшаш муҳитига, унинг экологик омилларининг таъсирига мослашуви тирик турга хос хислатdir. *Homo sapiens* турининг ҳамма вакиллари ташки муҳит омиллари таъсирига жавоб бериш қобилиятига эга. Одам тури ва унинг ҳар бир вакилининг физиологик-экологик мутаносиблиги уларни муҳитда ривожланиш жараёнда юзага келган биоэкологик маҳсулдир.

Одам тури ва унинг вакилларини муҳит омиллари таъсирига биологик жавоб қилиши ҳар бир тур вакилини ёки гуруҳларни экологик популяцияларини муҳитга мослашиш, муҳит омиллари таъсирига жавоб қилиш белгилари бўлиб, шу белгилар гоминидларни ривожланиш жараёнда катта рол ўйнаган.

Организмни муҳитга мослашиши – бу биологик гомеостазни ўзгарувчанликни сақлаш ва тур ичида барқарор ривожланишни таъминлашдан иборат.

Тур, тур вакиллари ва улар ҳосил қиласиган экологик популяция ичида барқарор ривожланиш ўз-ўзидани бошқаларни (туғилиш-ўлим) натижасида юзага келади.

Инсон экологик популяцияси “гомеостатик” хусусиятга эга бўлиб, бу ҳолат популяцияни генетик таркиби билан таъминланади. Аммо бу жараёнда тури белгиларни ўзгариши кўпчилик адаптив генларнинг таъсири билан боғлиқ. Организмда юзага келадиган оптимум белгилар ва уларни атроф-муҳит омиллари натижасида юзага келиши, генетик гомеостаз билан боғлиқ ва бу ҳолат генотипик силжиши организмда таъминлайди. Организмни экологик популяцияси генотипик мосланиш қобилиятига эга.

16.2. ИНСОНЛАРНИНГ ТУРЛИ ЭКОЦЕНОЗЛАРИ ВА ЯШАШ МУҲИТЛАРИ

Инсон табиатда пайдо бўлганида якка, кейин жуфт, уларнинг авлодларидан катта-кичик қавмлар, гуруҳлар, хомоценозлар юзага

келган, улар турли табиий мұхитларда ҳар хил жамоалар ҳосил қилиб яшаган ва ўзларини ташкилий, иқтисодий, руҳий томонларини табиат қўйнида таъминлаб турган. Бундай ҳолат табиат бойликлари ўт-ўсимликлар, мевали дараҳтлар, катта-кичик ҳайвонлар яшаган тўла иқдимли жой бўлган.

Қадимий одамсизмон жонзотлар австролопетеклар, неандерталлар, кроманонлар ёки Одам Ото, уни ўғиллари Сом, Хом, Ёфас, уларнинг авлодларидан юзага келган инсонлар ирқлари тарқалган эколого-географик зоналар 10 та қилиб белгиланган.

Инсон ҳәёт мұхитининг хиллари ва яшайдиган ирқлар.

1. Чўл ва қуроқчил ҳудудлар. Ўсимлик олами сон ва сифат жиҳатдан бой эмас: а) серсув, ўзида кўпроқ сув захираси сақловчи суккилентлар (қактуслар, алоэ, терновник) ёки тиканли (янтоқ) ўсимликлар; б) бир йиллик (эфемер ва эфемероидлар) тинчлик даврини ўтувчи ўсимликлар; в) кўп йиллик, узун илдизли ўсимликлар. Ер усти сувлари оз, кам, кейинчалик ўзлаштирилган ерларда ва дарёга ёки жойларда иқлим шароити анча яхши.

Бу ҳудудга Африканинг Сахара, Калаҳара, Намибия ва Ливия чўллари киради. Осиёнинг Арабия, Ҳиндистон (Тар), Эрон ва Ўрта Осиёнинг Қизилкум, Қоракум, Муйкум, Устюрт ҳамда Гоби чўллари, Американинг Калифорния атакалласи ва Марказий Австралия чўллари. Шу ҳудудларда одамзод ирқларидан: негроидлар (бушменлар), монголоидлар (монголлар ва туркий халқлар), австралоид-веддоидлар (австралияликлар) яшайдилар.

2. Тропик ўрмон ҳудуди.

Бу ҳудуд: а) ёмғирли қалин ўрмон, доимий яшил, баланд дараҳтзор, бир-бирига туташиб кетган дараҳтлар зич жойлашган. Ўрмон нам, ёнмайди, дараҳт ораларини очиш қийин; б) унча қалин бўлмаган, кам япроқли ўрмон, бу ўрмонни дараҳт илдизларидан тозаласа бўлади. Нам ўрмонларни ҳайвонот дунёси унча бой эмас, асосан илонлар, күшлар ва ҳашаротлар учрайди.

Бу катта ҳудудга Африканинг Конго водийси, Мозамбик, Осиёдан – Ҳиндистон, Бирма, Жанубий Хитой, Малайзия, Индонезия, Америкадан – Бразилия (Амазонка воҳаси), Австралиядан – Янги Гвинея, Малайзия ва Полинезия ерлари киради. Шу кўрсатилган табиий ҳудудларда негроидлардан – пигменлар, кавказоидлардан – индо-дравидлар; моголоидлардан – жанубий монголоидлар, малайшлар, америка ҳиндулари; австралоидлардан эса – муррианцлар ва веддоидлар каби ирқий халқлар яшайдилар.

3. Тропик бутазор ўрмонлар.

Бу типдаги ўрмонларда дараҳтлар унча катта эмас, аммо қалин буталар ўт-ўсимликлар билан аралашиб ўсади. Улар ичида тиканли мимозалар (Жанубий Америкада) ва акациялар (Африкада) учрай-

ди. Бутазор ўрмонлар бир томондан тропик ўрмонларга құшилиб кетса, иккінчи томони даштта айланади.

Бутазор ўрмонлар Африканың Годезия ва Ангола ҳудудларида, Осиёнинг Ҳиндистон ерларидан, Американиң Юкатан-Гранчако ҳудудларида учрайди. Күрсатилған мінтақалардаги бутазор ўрмонларда негроидлар ирқидан Анчолали Банту ва бемба халқлари, кавказоидлардан – индо-даравидлар, монголидлардан Жанубий Америка ҳиндулари, австрало-веддоидлардан эса ҳидия веддоид халқлари яшайди.

4. Тропик дашт-саванналар.

Кенг дашт майдонлари, якка-якка дараҳтлар, айрим-айрим түп кичик ўрмонлар, ҳайвонот дунёси бой.

Тропик даштлар – саванналар Африканың Судан, Танзания ҳудудлари ҳамда Осиёнинг Ўрта Осиёдаги Устюрг даштлари, Жанубий Америка ва Шимолий Австралия даштлари киради.

Номлари тилга олинган даштли ҳудудларда негроид ирқига мансуб Нил дарёси атрофида яшайдиган Хауса халқлари, монголоид ирқидан Жанубий американлик ҳиндулар, Устюрг даштларида эса туркій халқлардан қорақалпоқлар ва қозоқлар яшайди. Австралоидлардан эса карпентарианц ирқига оид халқлар яшайдилар.

5. Мұйтадил мінтақа ўрмонлари.

Кенг барғли ўрмонлар, дараҳтлар қищда барғ тұқади. Улар нина барғли ўрмонлар билан чегараланади. Бүш ерлар Фарбий Европада учрайди, у ердаги дараҳтлар күплаб кесилған. Ҳайвонот олами бой.

Мұйтадил мінтақа ўрмонларига Осиёда Жанубий Хитой ўрмон зонасынинг шимолида, Европаниң ўрта оралиғидаги Гольфстрим иқліми сезилиб турадиган қырғоқлар киради; Америкада бу мінтақага Миссисипининг шарқий районлари, Лаврентия дарё водийсі, Шимолий Американиң шимоли-фарбий қырғоқлари, Чили ерлари кирса, Австралия қытъасидан Австралия, Тасмания, Янги Зеландия ҳудудлари киради.

Ушбу мінтақа ҳудудларида кавказоид ирққа мансуб шимолий ва марказий Европа халқлари, монголоид ирқига оид Шимолий Америка ҳиндулари, монголлар, хитой монголлари кирса, авсралоид ирқий халқларға полинезийцлер, карпентарианц халқлар киради.

6. Ўрта ер денгизи типидаги ўрмон ва бутазорлар.

Бу типта доимий яшил, қысман барғ тұқувчи дараҳтлар (чинор, каштан) ва буталар характерли. Үсимликлар чуқур илдизли, ксерофитлар ва даштли кичик жойлар учрайди. Ҳайвонот олами унча бой әмас.

Бу типта Африкадан Ўрта Ер денгизининг жанубий қырғоқлари, Осиёдан Истроил, Ливан, Қора денгиз жанубий қырғоқлари (Турция); Европадан – Қрим, Ўрта Ер денгизининг шимолий қырғоқлари; Америкадан – Калифорниядан то Ванкувергача, Чилини ўрта

районлари; Австралиядан – Перт ва Аделаида шаҳарларига яқин ҳудудлар киради.

Келтирилган географик ҳудудларда негроид ирқларидан – готентотлар, кавказоидлардан – Ўрта Ер денгиз гуруҳ ҳалқлари, монголоид ирқларидан Шимолий Америка ҳиндулари, австралоидлардан эса карпентарианц ирқига оид ҳалқлар яшайдилар.

7. Мұйытадил минтақа даشتлари.

Мұйытадил минтақа даشتлари паст бүйли ўтлар билан қопланған, айрим прериялар баланд ўтли кенг чүллар ҳам учрайди. Қора тупроқлы, наамли.

Бу минтақага Африкада Трансвал ерлари, Атлас тогининг жанубий кенглиги, Осиёда – Қозогистон, Манжуря ва Мұғилистон даشتлари; Европада – Волга бүйлари, Урал олды даشتлари, Қора денгиз зонаси, Америкада эса прериялар, пампслар, патагония ҳудудлари киради.

Күрсатылған ҳудудларда негроид ирқидан банту, кавказоидлардан европа гурухига оид ҳалқлар, монголоид ирқларидан шимолий индейцлар ва Маньжурия монголлари яшайдилар.

8. Шимолий Тайга ўрмонлари.

Бу игна баргли ўрмонлар асосан қора қарағай, оқ қарағай, қисман қора қайин ва терак дараҳтларидан иборат. Күл ва ботқоқлар күп. Ҳайвонот олами бой.

Тайга минтақасига Осиёдан Сибир, Европадан – Лапландия, Америкадан – Шимолий Канада, Аляска, Жанубий Американинг энг жанубий қисми, Австралиянинг Янги Зеландия тоғлари киради.

Шу келтирилған ҳудудларнинг баъзиларида кавказоид ирқларидан лапландияликлар, монголоид ирқидан vogуллар, ненци ҳалқлари яшайдилар.

9. Қутуб районлари ва тундра зонаси.

Бу зона Тайганинг четларидан бошланади. Паст бүйли ўрмонлар тол, шумтол, ольха каби үнча катта бўлмаган дараҳтлардан ташкил топган. Ер бети кўм-кўк яшил гиламли бўлиб, уни аск, моҳ ва лишайниклар ҳосил қиласди. Шундай жойлардан кейин тундра чўллари бошланади. У ерларда кичик-кичик ўт билан қопланған майдонлар учрайди. Улар баҳорда гул билан қопланади, ҳайвонлар олами ўзига ҳос бой: балиқлар, денгиз сутэмизувчилари, тулки, қуён, айиқ билар учрайди.

Тундра зонасига Шимолий Сибир Лапландия, Гренландия ва Антарктида қирғоқ бўйлари киради. Тундрада кавказоид ирқдан лапландияликлар, монголоидлардан эса эскимослар ва чукчалар ҳаёт кечирадилар.

10. Тоғ ва юқори тоғ минтақалари.

Тоғли минтақаларда ўсимликларни ривожланиши жойга, балан-

длик ва қүёш нурини тушиши каби географик омилларга боғлиқ. Масалан, тоғнинг шимолий ва жанубий қияликлари бир-биридан кескин фарқланади. Ўрта Осиё тоғларида шимолий қияликларда тупроқ намлиги кўп, ўсимлик турлари бой, арчазорлар бор. Жанубий қияликлар қүёш нури ортиқча қиздирганлиги туфайли тупроқ курғоқ, намлик кам, ўсимлик турлари оз, дараҳт-буталар учрамайди.

Баландликнинг ортиши билан арча-бутазорлар, игнабаргли даражатзорлар камайиб сийраклашиб, аста-секин баланд тоғ ўтлоқзор-яйловларга айланади. Бундай яшил гиламли яйловларни Олой тоғ системасида, Тяншан тоғларида учратиш мумкин. Аммо оғир табиатли юқори тоғли Помирда тоғ чўли жуда катта ҳудудни эгаллади. Ўсимлик-ҳайвонларнинг турлари оз. Бута-даражатлар йўқ.

Бу минтақага Африкада, Эфиопияни Басутоленд ҳудуди, Осиёда Тибет, Ҳиндкуш, Олой, Помир, Тяньшан, Европада – Швейцария, Австрия Алп тоғлари, Америкада – Мексика, Перу, Чили тоғлари ва Янги Зеландия тоғлари киради.

Шу тоғли ва юқори тоғли ҳудудларда негроидлар ирқидан банту ҳалқлари, кавказоидлардан – армен – грузинидлар ва альпик гуруҳ ҳалқлар, монголоидлардан – тибет, неанол, эрон ва боливея монголоид ҳалқлар яшайдилар. Помирнинг 4000-4500 м баландликларида қирғизлар ва малла сочили чала форс-тожик ирқ, вакиллари учрайди.

Эрамиздан аввалги 5000 йилда инсон жамоаларида ирқий бўлинишлар бўлмаган. Масалан, Месопатамия, Осиё ерларида шумер қабилалари, Месопатамиянинг шимолий ҳудудларида субарей ва хуррит қабилалари яшаганлар. Милоддан аввалги 3 мингинчи йиллар бошлирида Месопатамияга кўчманчи асирияликларнинг семит қабилалари кириб келадилар. Улар шумерлар билан қўшилиб аккад ҳалқини ҳосил қиласдилар. Кўчманчи семит қабилалари шумерларнинг моддий ва маданий ривожланиш белгиларини қабул қиласдилар. Бунинг натижасида шумер, шумер-асирия, шумер-аввилон маданиятлари юзага келади. Деҳқончилик, темирчилик, илм-фан ва ҳарбий соҳалар ривожланиди. Бундай ривожланиш Миср, Паластин, Осиё, Ҳиндистон, Хитой ерларида яшовчи ҳалқларда ҳам кузатилади. Турли ҳалқлар ўргасида подшолар, ўзини Худо дегувчилар (Мисрда фараонлар) пайдо бўлади. Подшоҳлар ўз ерларини кенгайтириш учун урушлар қиласдилар. Масалан, Эрон шоҳи Доро I юнонлар ерига тинимсиз ҳужум қилиб туради. Унга қарши Александр Македонский кўшин тортади, ғалаба қиласди. Кейинчалик Доро II Ўрта Осиё ҳалқлари массагет қабилалари яшайдиган ерларга ҳужум қиласди. Бу босқинчиликни массагетлар ҳалқининг ўғлони Спитамен бартараф этади.

Милоддан аввалги VIII-IV асрларда сак-массагетлар қироличаси Тумарис Ассурия, Мидия каби кўшни мамлакатлар билан дўстона алоқа ўрнатади. Аммо Эрон шоҳи Кир II сак-массагетлар ҳудудига

қүшин тортади. Лекин сак-массагетлар қүшинидан енгилади. Шох ҳалок бўлади, боши кесилади ва тўрвага солиб дарёга ташланади. Кейинги босқинчилклар милоддан аввали IV-III асрларда турли халқлар, асосан кўчманчи қабилалар бир жойдан иккинчи жойга кўчиб юриб, бир қабила аъзолари бошқа қабила аъзолари билан қўшилиб кетиши натижасида катта-катта элатлар юзага келади.

Қадимти даврларда эл-элатлар, қабилалар, халқлар ўргасидаги фарқни ажратиб бўлмас эди. Эрон шоҳларининг доимий урушлари натижасида қирқдан ортиқ турк уруғлари ўзларининг урф-одатига, қариндош-уруғчилигига қараб, тўққиз элатга бўлиниси кетади. Сакларнинг ўн икки уруғи алоҳида ажралиб чиқади. Мундзук ўғли Одил ботир-Аттила Каспий денгизи шимолида хунлар давлатини ташкил этади. Унинг армиясида турли элат вакиллари бўлган, 448-455 йиллари Аттила бутун Европани забт этиб, Римда империя ташкил этади. Шу ерда заҳарланниб ўлади. Унинг етти ўғлидан (Эллак, Денгизак, Ернак, Емназар, Ота, Ёшқолма, Узунтура) Эллак Эдил, Ёйик дарёлари соҳилларида туркларнинг қирқ уруғидан Турк хоқонлигини барпо этади.

Хунларнинг ҳукмдори Аттила бўлган. Европа ҳудудларида қолган хунлар ерли дин-дин халқи билан аралашиб кетадилар. Кейинчалик туркий халқларнинг 92 уруғ-аймоғи юзага келади.



XVII БОБ

ИНСОНЛАР ҲАЁТ ФАОЛИЯТИДАГИ ХЎЖАЛИК ШАКЛЛАРИ

Юқорида келтирилган инсонларнинг яшаш мұхитларини географик жойланишлари бүйича, инсонларга энг маңызды минтақалар – тропик ўрмоналар ва мұйытадыл минтақадаги аралашма ўрмоналар бўлган.

Илмий маълумотларга кўра қадимий ва биринчи гоминидлар – одамсизмон жонзорлар тропик даштлар ва ўрмонали даштларда пайдо бўлган ва улар аста-секин ўзларининг яшаш жойларини ва яшаш услубларини кенгайтириб борадилар. Инсонлар Ўрга ер денгизи бўйларидаги унча қалин ва катта бўлмаган ўрмоналarda кўпроқ яшаганлар.

Қадимий одамлар гуруҳлар: хўжалик овчилар, терувчи-йифувчилар, подачи ва мол бокувчилар, содда ер ўзлаштирувчи ва юқори малакали деҳқонлар бўлган. Бу хўжаликларнинг таснифи тубандаги-ча:

1) Терувчилар – бу гуруҳни ташкил қилувчи инсонлар емолик ўсимлик поялари, мева, илдиз, асал, ҳашаротлар ва майдада ҳайвонларни териб озуқа қилган. Улар яланғоч, ярим яланғоч ҳолда очик жойларда турли шохлардан қилинган чайла, тош-дараҳтлар ораси, горларда, қоялар тагида ғарибона яшаганлар.

Қадимий терувчи одамларга негроидлардан бушменлар, кавказоидлардан мезолит даврининг жамоалари, монголоидлардан оловли Ер ва Калифорния ҳиндулари ҳамда австрияликлар киради.

2) Овчилар жамоаси асосан ҳайвонларни овлаш – содак, найза, тош куроллари, чукурлар қазиш, қопқон кўйиш йўллари билан катта-кичик ҳайвонларни ов қилган. Овчилар ўзларига яхшироқ яшаш жойлари куришган. Улар сопол идишлар ва жунни тўқишини йўлга қўядилар. Овчи одамлар палеолит ва мезолит даврида яшаганлар. Уй ҳайвони ит бўлган.

Овчилар жамоасига негроидлардан пигменлар, хадзалар, Фарбий ва Шарқий Африка ҳалқлари; кавказоидларга қадимги инсон қолдиқлари; монголоидларга – ненцлар, эскимослар ва Америка ҳиндулари, австралийларга – меланезийцлар, Тасмания ва ведда ирқлари киради.

3) Подачи ва чорвачилар. Бу жамоа вакиллари шохли ҳайвонлар, кўй ва эчки боқишишган. Яхши уй-жой қуришган. Овчилик ва деҳқончилик ёрдамчи хўжалик даражасига етган.

Подачи ва чорвачилар жамоасига негроид ирқларидан – банту, масан, готтентотлар, bemba, Нил бўйи вакиллари кирган, кавказоидларга – лапландцлар, темир аср Европа ҳалқлари, балқон ирқлари кирган. Монголоидларни – жанубий манжурияликлар, монголлар

ташкыл этган.

4) Күчманчи халқтар асосан чорвадорлар бўлиб, йил давомидан бир ўтлоқзордан бошқа янги ўтлоқзорга кўчиб юришган.

Бу гурӯҳга негроидлардан Сахара ва Нил бўйи халқлари, кавказиодлардан – тауреги, бедциндан – туркий халқлар, монголлар, буряплар, лапландцларни киритиш мумкин.

5) Содда дехқончилик билан банд бўлган жамоа аъзолари кичик ерларни ўзлаштириб боғ ва экинлар ташкыл қилишган. Шулар қаторида мева, уруғлар теришган, овчилик билан ҳам шуғулланишган. Ўй ҳайвонларига чўчқа ва қўлга ўргатилган қушлар қўшилган.

Бу жамоага негроидлардан – банту, Янги Гвинея халқлари, Амазонка қавмлари; кавказиодлардан – индо-дравидлар, Жанубий Америка гурӯҳлари, монголоидлардан туркий халқлар, малайцлар, хитойликлар, неолит даври халқлари, темир аср ирқлари, маорилар, австралийларга – меланезийцлар киради.

6) Дехқончилик – инсонлар жамоасининг ривожланган босқичи бўлиб, бу ерда қишлоқ ҳўжалик яшашининг асосий йўли бўлиб қолади.

Дехқончилик билан шуғулланадиган жамоалар, ирқлар – халқлар Африкада, Ўрта Єр денгиз, Марказий Осиё, Европа, Америка, Хинду-Хитой, Осиё, Австралия ерларида, катта-катта экин майдонларини ташкыл этади.

17.1. ДЕҲҚОНЧИЛИК ТАРИХИГА ОИД ЛАВҲА

Дехқончиликнинг энг юқори ривожланган даври ҳозирги замондир. Аммо дехқончиликнинг ilk қадамлари таҳминан бундан 5000 йиллар аввал Миср, Пластин, Эрон-Турон, Ҳиндистон ерларида дехқончиликлар қатори Тигр ва Ефрат дарёлари оралиғларида ёки Месопатамия ерларида ҳам қадимги дехқончилик маданияти аста-секин ривожланган. Месопатамия ерларида шумер халқлари яшаган бўлиб, улар Ўрта Єр денгиз ва балкан-кавказиод ирқларга мансуб бўлган.

Милоддан аввалги 4000 йиллар атрофида Месопатамиянинг шимолида субарей ва хуррит қабилалари яшаган. Улар антропологик жиҳатдан қадимги арман халқларидан цратларга яқин бўлган. Милоддан 3 минг йиллар аввал Месопатамия ерларига кўчманчи семит қабилаларидан аккадецлар ва ассириялик халқлар кўчиб кириши тезлашади ва улар милоддан аввалги 2 мингинчи йилларнинг биринчи яримрида Месопатамия ерларида тўла ҳукмронлик қиласидилар.

Шумерлар, хурритлар ва субарялар Месопатамия ерларини туб аҳолиси бўлмаса-да, уларни ҳўжалик фаолияти билан иккى дарё оралиғидаги ерлар ўзлаштирилади ва дехқончилик цивилизацияси бошланади. Месопатамиянинг жанубий районларида шумерлар сугориш системаларини яратади, ҳосилдор ерларни ўзлаштиради, дехқончи-

лик қуроллари, идишлар ясаш билан бир қаторда ғилдиракли транспорт воситаларини юзага келтиради. Биринчи шаҳарлар қурилади.

Милоддан 3 минг йиллар аввал шумерлар пона, понасимон ёзуви кашф қиласидар. Уларнинг афсоналари, фольклорлари кўп халқлар эртакларига, шу жумладан, Библия матнига асос бўлади. Шумерларнинг математикага оид кашфиётлари Вавилон-ассирия математикасига фундаментал асос бўлади.

Кўчманчи семит қабилалари Месопатамия ерларига кирган даврларида моддий ва руҳан паст даражада бўлганлар. Кейинчалик улар шумерлар, хурритлар ва субареялар маданиятини ўзлаштириб оладилар.

Икки дарё оралиғидаги ерларда яшаган халқларнинг маданияти жуда юқори бўлган. Милоддан аввалги уч мингинчи йилларнинг бошлирида тош қуроллар хўжаликда ишлатилмайди. Шу асрнинг ўрталарида келиб металл қуиши, тақа, қилич ясаш йўлга қўйилади. Курилишда хом ва пишган фиштлар ишлатилади. Ҳарбий техника такомиллашади от қўшилган икки ғилдиракли аравалар, мисдан қалқонлар, қамал қилишда қўлланиладиган қурол-асбоблар, олмосдан бурғилар ясалади. Шу даврда сугориши ишларидаги сувни баландликка кўтариб бериш, теридан сув ташиш учун мешлар тайёрланади.

Милоддан аввалги уч мингинчи йилларнинг охирларида шумер ва вавилон математикаси такомиллашади. Шумерлар 6 ни ўн марталик ҳисоблаш системасини яратган бўлиб, шу система асосида турли ҳисоблаш жадваллари асосида (квадрат, куб илдизлари) чиқарилади. Вавилонликлар, Пифагор теоремасини билганлар ва фазо жисмлари ҳажмини аниқлашган, масофа, оғирлик ўлчамлари Осиё халқларида кенг қўлланилган.

Шумер-вавилон математикаси қадимги грекларда қабул қилинган, яъни олтини ўн марталик: 1соат 60¹, бир дақиқани 60¹¹, айлана 360⁰ га teng бўлган. Вавилонликлар маятник қонунини очадилар. Астрономияга ҳам оид катта ютуқларга эришилади. Шумерлар фазодағи юлдузлар ва сайёralарни кузатадилар. Уларнинг ҳаракатини ўрганиш жараённада милоддан аввалги 17-16 асрларда вавилон ой календари ишлаб чиқилади. Бу календар биринчи бор шумерлар томонидан яратилган эди. Вавилонда 7 кунли ҳафта қабул қилинади.

Ниппурша шаҳар ҳаробалари қазилмаларидан сополдан ясалган жадвалларда поғонасимон матин топилади. Бу матин ўзига хос, справочник бўлиб, турилор рўйхати, қандай тайёрлаш ва қўллашга оид маътумотлар бўлиб, бу “фармакомия” шумер тилида, милоддан аввалги 3 мингинчи йилнинг иккинчи яримларидаги ёзилган. Шу Месопатамия “касалликлар номенклатурасида” касалликларнинг келиб чиқиши, хиллари, даволаш йўллари келтирилган.

Ниппурадан топилган сопол жадваллар Мари қўрғони архивидан топилган бўлиб, милоддан аввалги 2000 йилларга оид. Топилган жад-

валлар организмни ҳаёт фаолияти, ташқи томони ва организм ички суюқликлари, уларнинг бир-бирига мутаносиблиги, қон “кундузги қон” (артериал) ва “тунги қон” (вена)ларга бўлинган. Даволашда магия ва мистик ҳаракатлар ҳам қўлланилган. Доридан ташқари касални жарроҳлик йўли билан даволашга катта аҳамият берилган. Бундай ҳолатлар Месопатамия шаҳарлари, Ассерия, Вавилон, айниқса Халдейда кенг тарқалган.

Шумер, вавилон-ассерия табобатида дори-дармонлар кўп хил бўлган, уларни ўсимликлардан, ёф ва нефт маҳсулотларидан тайёрлаганлар. Доривор маҳсулотлар Миср, Эрон, Турон ва Ҳиндистондан кетирилган. Касалларни терига ёф, доривор суртма дорили ванна, хуқна, банка қўйиш, қон олиш, массаж қилиш йўллари билан даволаганлар. Асосий доривор омил сув ва ёф бўлган. Дорилар эрталаб – наҳорга ёки овқат ейиш вақтида берилган.

Месопатамия табобатида моҳир табиблар биринчи ўринда турган. Табобатда жарроҳлар табобат пичоқлари улуғланган. Улар диний коҳинлар (жре) бўлиб, жарроҳликка паст табақа вакиллари, қуллар яқин келтирилмаган. Ҳаммурапининг табобат кодекси бўйича даволашда хатога йўл қўйган табибга, айниқса жарроҳнинг кўзини ўйиб олиб, панжа бармоқларини кесиб ташлаш кўзда тутилган. Жарроҳлар чукур яраларни ёриш, қўл-оёқларни кесиш, бош мияни очиши ва х.к. мумкин бўлган. Жарроҳларга паст табақадаги “азз”лар, кичик жарроҳлик билан шуғулланадиган кишилар ёрдамчи бўлган.

Икки дарё оралиги ва бошқа шумерлар ҳукмронлик қилган жойларда асосий Худо Энлил ҳисобланган. Вавилон юксалган даврида – Мордук, ассирияликлар ҳукмронлик вақтида – Амшура Худо деб аталади. Кейинчалик худди Мисрдагидек подшоҳлар ҳудолик дараҷасига кўтарилган.

Биз юқорида келтирилган тарихий маълумотлар асосида инсониятни қадимги аждодларини ҳаётни турли ривожланиш поғоналарида деҳқончилик асосида ўтрок қабилаларни келиб чиқиши, уларни бир-бирига қўшилишидан катта тарихий ҳалқларни, уларнинг давлатларни, ёзуви, табобати ҳақида озгина бўлса-да билим олдик (История цивилизации, медицина и фармация Месопатами. Тайны медицины, 1 феврал, 2006 г., 18-19-бетлар).

Ҳайвонларни қўлга ўргатиш инсонларни кўпгина юмушларини енгилластирган. Ҳозирги Ироқ ҳудудида яшаган қадимги месопатамияликлар таҳминан 3600 йил бурун ер ҳайдаш ишларида қорамоллар кучидан фойдаланган бўлсалар, ҳозирги Украина ерларида яшаган қадимги чорвадор ҳалқлар милоддан аввалги 4570 йилларда от минищни бошлаб берганлар.

Кўхна Месопатамияда милоддан олдинги 3550-3400 йилларда фиддирак ихтиро қилинган. Жанубий Ироқда Урук шаҳри қолдиқлари-

дан топилган қадимий битикда түрт фидиракли арава сурати чизилган. От күшилган икки фидиракли арава тахминан милоддан олдинги 2000 йилда кашф этилган. Аввалги фидирак бир бутун яхлит диск шаклида бўлган, кейинги фидирак эса милоддан аввалги 1900 йилтарда Анатолия ҳозирги Туркияда ихтиро қилинган.

Магриб билан Машриқни бирлаштирган, узунлиги 12000 чақирикли Буюк Ипак йўли милоддан олдинги 130 йилда ташкил топлан. У Сарик дengiz соҳилларидан бошланиб, Шарқий Туркистон, Ўрта Осиё, Эрон ва Ироқ орқали Ўрта дengиз соҳилларигача борган, мато буюмлар, ипак савдоси бўлган. “Ипак йўли” атамасини 1877 йили немис тарихчиси К. Рихгофен кўллаган. Ипак йўлидан ташқари тарихда “Лаъл йўли”, “Шоҳ йўли”, “Кумуш йўли” ҳам бўлган.



XVIII БОБ

ИНСОНЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ОЗУҚАСИ

Инсонлар қайси геологик даврда яшамасин улар табиат күйнида, катта-кичик экологик системалар ичида яшашган ва шу система ичида одамлар ва мұхит омиллари ўртасида энергия ва модда алмашиши бўлиб турган.

Инсоннинг ҳаёт фаолияти учун, маълум миқдорда энергия керак бўлади. Энергия эса одам қабул қилган турли озуқалардан ҳосил бўлади. Инсон танасида маълум миқдорда энергия-калория бўлиб, у тана оғирлигининг ўзгариши билан калориянинг умумий ҳажми ўзгариб туради. Масалан, озуқадан олинадиган энергия инсон танасини тинчлик ҳолатини сақлашга, қон айланиши, нафас олиш, мускуллар ҳаракати, ўсиш, кўлайиш, тана ҳароратини бир маромда ушлаб туриш каби ҳолатларга сарфланади. Инсоннинг шу биологик талабларига сарфланадиган энергия (калория) турличадир.

Маълумки, катта ёшдаги одам организмни уйкуда ёки тинч ҳолатида тахминан 70 ккал/соат сарф қиласди. Бу ҳам одам танасининг ўлчамига боғлиқ. Аёл ҳомиладор даврида ёки ёш боласини эмизиш даврида 100 ккал/соат, турли ёшдаги болалар эса 40-60 ккал сарф қиласди.

Турли иш фаолиятида озуқа топиш ва организмни керакли энергия билан таъминлаш – бу ҳаёт қонуни, энергия топиш одамнинг қилинадиган ҳаракатига боғлиқ, масалан, кўчада-боғда сайр қилиб юриш ёки бое ҳовлисига сув сепишида 110 ккал энергия сарф қилинади. Бир неча соат давомида оғир меҳнат қилинганда эса 400-500 ккал энергия сарфланади.

Баъзи меҳнат фаолиятларига сарфланадиган энергия миқдори қўйидагича:

Иш турлари:	энергия сарфи ккал/с:
1. Катта ғўлалар ташиш	200
2. Кўчат ўтқазиш	220
3. Ерни мотига билан чопишиш	250 300
4. Экинзорни ўтоқ қилмоқ	320
5. Буталарни қазиш	400
6. Ўрмонда дарахт кесиш	480

Саноат корхоналаридаги оғир меҳнатда 8 соатлик иш кунида эркаклар 2400 ккал/с, аёллар эса 1600 ккал/с энергия сарфлайди. Бу ҳолатни ўртача энергия сарфи бир иш куни учун 2000 ва 1200 ккал/с га teng. Фақат инсон тана ҳароратининг жуда пасайиши, тана соvuқдан қалтираганда организм одатдагидан кўра 30% кўп энергия сарфлайди.

Бир кунда ҳар бир одамга ўртача 2000 дан 3000 гача ккал керак бўлади. Бу кўрсаткич табиий муҳит, географик зона ва минтақаларни ўзгариши билан ўзгариб туради.

Озуқ-овқат манбалари ва улар ҳосил қиласиган энергия ҳар хил. Бу турли хўжалик ва ҳаёт муҳитининг хилма-хиллиги билан боғлиқ. Инсон организмими физиологик мутаносиблиги турли манбалардан ҳосил бўлган озуқа маҳсулотларидан фойдаланади. Одам танаси қабул қиласиган озуқани ҳазм қилиш ва қайта ишлаш жараёни энергиянинг уч манбаи – ёғлар, углеводлар ва оқсиллар билан боғлиқ ҳолда ўтади ва организм шу моддаларни жуда кўп озуқа маҳсулотларидан олади.

Бу ерда ёғлар 9 ккал/г озуқа маҳсулотида, углеводлар 4 ккал/г, оқсиллар 4 ккал/г миқдорда қабул қилинган. Шу озуқа моддалардаги энергия турли худудлардаги экологик муҳитга ва озуқа маҳсулотларини тайёрлашга ҳам боғлиқ.

Углеводларнинг асосий манбаи – бу бошоқли, илдизмевали ўсимликлар, мевалар ва шакар, ёғларнинг манбаи – ўсимлик ва ҳайвон ёғлари ва мой оқсиллар асосан ҳайвонлар маҳсулотида (гўшт, балиқ, сут) ёнғоқ ва дукқакли ўсимликларда бўлади.

Инсон қабул қиласиган умумий категория қатор омилларга боғлиқ, яъни ёшга, жинсга, тана ўлчовига ва генетик омилларга ҳам боғлиқ. Маълум ёшдаги организмда модда алмасиш тананинг умумий катталигига боғлиқ.

Яъни: $A=W^{0.425} H^{0.725}$ 0, 007184 калл/г.

бу ерда: $A=$ инсоннинг тана юзаси M^2 да $W=$ օғирлик килограммда. $H=$ узунлик см да.

Ёғ, углевод ва оқсиллар – энергия манбаи бўлишларидан ташқари, улар танада моддалар алмасинишида ҳам маҳсус вазифаларни бажарадилар. Масалан, ёғлар танада энергия тўплаш ва танада иссиқлик сарфлаш каби вазифаларни ўтайди. Ҳайвон ёғларида стеларин, пальмитин ва ёғ кислоталари бўлади. Ўсимлик ёғларида: олеин-линолев каби кислоталар бор. Ёғлар танада эластиклигини ва қон томирларини бир маромда ушлайди.

1 г ёғдан 3,3 ккал иссиқлик ажралади.

Углеводлар – танада энергия ҳосил бўлишнинг ҳамма жараёнларида қатнашади. Қонда шакар миқдорининг доимийлиги углеводга боғлиқ.

Углеводлар, органик бирикма ($H_2 O_3 CO_2$) бўлиб, водород, углевод ва кислороддан иборат бўлиб, ноорганик бирикмалардан фотосинтез ҳосил бўлади. Озуқанинг калорияялигини 50 фоиз углеводлар таъминлайди.

1 г углевод 4,2 ккал иссиқ беради.

Оқсиллар таркибига кирадиган аминокислоталар организмдаги тўқималарнинг ўсиши ва тикланиши учун зарур. Оқсилни синтез бўлишида 20 дан ортиқ аминокислоталар қатнашади. Улар ичida 8 таси

алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталар бўлиб, улар озуқа моддалар билан организм танасига ўтади. Уларнинг инсон танаси учун кунлик эҳтиёжи 3 г атрофида, танани тирик ҳужайраси массасининг 10-20 фоизини оқсил ташкил этади.

Инсон организмининг нормал физиологик ривожланиши учун турли минерал моддалардан кунига фосфор (1,6 г), натрий (6г), калий (3 г), хлоридлар (6 г гача) ва турли микроэлементлар ва витаминлар (А, В₁, В₂, В₆, В₁₂, В₁₃, С ва Р_р) зарурдир. Улар организмда ферментлар, гормон ҳосил бўлиши ва турли биокимёвий жараёнлар учун жуда зарурдир. Ҳаттоқи озуқада баъзи витаминларни етишмаслигидан турли касалликлар (цинга, бери-бери, пеллагра) келиб чиқади. Энг зарур витамин “С” бўлиб, уни кунлик эҳтиёжи 70 мг атрофида.

Озуқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўллари:

- 1) қишлоқ ҳўжалик экинларини етишириш асосида;
- 2) озуқавий моддаларни физик-кимёвий услублари билан синтез қилиш;
- 3) монобирикмалардан аминокислоталар, ёф кислоталари, глюкозалар кимёвий йўл билан синтез қилиш.

Тажрибаларни кўрсатишича кимёвий озуқа тананинг умумий ҳолатини таъминлайди. Оқсил моддалар захираси етарли бўлса жигар, буйраклар, ошқозон яхши ишлайди. Лекин, ошқозон, ичак фаолиятида керакли микробларнинг яхшиланиши камаяди.

Инсонларни турли табиий экосистемаларда тарқалиши асосан озуқа манбаларига боғлиқ бўлган, жумладан, қадимий одамлар овчилик йўли билан озуқа топган.

Инсонлар ҳайвонлар кўп тарқалган ҳудудларда яшаганлар. Шундай ҳудудлarda ов қилиш, балиқ овлаш ва қисман мол боқиш мумкин бўлган. Кейинчалик қадимий одамлар ерларни ўзлаштириб дехкончилик ҳамда чорвачилик билан шуғулланганлар.

Овчиликдан кўлга киритилган ҳайвонлар маҳсулоти озуқада оқсил моддаларга бўлган эҳтиёжни қондирган бўлса, дехқончилик маҳсулотлари инсонлар озуқасини углеводлар билан бойитган. Пиширилган 100 г гўштда 200-300 ккал бўлади. Ҳар куни бир организм учун 800 г гача гўшт керак.

Палеолит даврдаги (палеолит, мезолит) қадимги одамлар-питекантроплар, неандерталлар овчилик қилиб жуда калорияли озуқа топганлар.

Синантроплар ҳолатини улардан қолган ҳайвонлар суюкларини (бизон, от, каркидон, буйвол, қўғир айик, қўй, мамонт, атрайс, антилопалар, ёввойи чўчқа ва бошқалар) таҳтил қилиш асосида аниқланган. Қадимги синантроп каби одамлар ҳар хил ҳайвонларни ов қилганлар ва улардан озуқа сифатида фойдаланганлар. Шу билан бир қаторда синантронлар турли дуккакли ўсимликлар уруғларидан ҳам озуқаланганлар.

Неандерталлар оловдан фойдаланган, ҳайвонлар бош сүягини очиб, ичидаги мияни олғанлар. Лекин уларда каннибализм (одам гүштини ҳам ейиш) ҳолати ҳам бўлган. Гибралтар форларида қуш, молюска ва турли ҳайвонлар суюклари топилган. Шундай қилиб неандертал одамлар озуқа ресурсларини ҳамма хилларидан фойдаланганлар. Уларда садоқ, наиза каби ов куроллари бўлган.

Неолит даврида қишлоқ ҳўжалигидан олинган маҳсулот таркиби ва миқдори билан етарли бўлган. Энг қадимий Осиё, Африка ва Ўрта Европада милоддан аввалги 4000 йилда дехқончилик ривожланган. Ерга арпа, буғдой, нўхот, ловия каби ўсимликлар экилган. Балқон ярим ороли, Миср, ҳозирги Греция ерларига неолитнинг бошланғич даврида дехқончиликда арпа, буғдой экилган. Богларда анжир ўстирилган, уй ҳайвонлари қорамол, от, қўй боқилган, балиқ овланган.



XIX БОБ

ИНСОНЛАРНИ ҲОЗИРГИ ОЗУҚА МОДДАЛАРИ

Инсоният пайдо бўлибдики, у ҳам биосферадаги бошқа тирик организмлар каби озуқага муҳтоҷ бўлади. Агар ўтган минг йилликларда инсон оғир меҳнат билан ўзига озуқа топган бўлса, унинг кейинги ривожланиш тарихида ҳам қаттиқ қиш, сув тошқинлари, ёнгин, курғоқчилик каби табиий оғатлар унга очлик ва ўлим олиб келган. Масалан, озуқа маҳсулотларини етишмаслигидан жаҳонни кўп мамлакатларида очарчилик бўлган ва бўлмоқда: ўтган асрда очликдан 100 млн. хитойликлар ва 50 млн. ҳиндлар ўлган. 1991-1993 йиллар Африкани фақат Сомоли давлатида 2 млн. ортиқ аҳоли очлик азобини тортди. 1980 йилдан бошлаб, жаҳоннинг ривожланаётган мамлакатларида 1,4 млрд. одам очликда яшаган, шундан 420 млн. киши очарчиликда, 850 млн. нафари тўйиб овқат емаган, ундан ташқари 780 млн. аҳоли жуда камбағал бўлиб, озуқа, тураржой, кийим-бош олишга имконсиз бўлган. Инсонларни тўйдириш учун 30-50 млн. т. ғалла керак бўлган.

Ҳозирги кунда ер юзи аҳолисининг 2/3 қисми сифатли озуқага эга эмас. 50% аҳоли тўйиб овқатланмай, 15% аҳоли доимий очликда бўлса, ҳар йили 10-30 млн. одам очликдан ўлади. Шу сабабли ўсиб бораётган аҳоли сонини озуқа маҳсулотлари билан таъминлаб бўладими ёки йўқми каби мухим муаммо ҳаётнинг кун тартибида турмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги Халқаро бирлашган кординацион гурӯхнинг маълумотига кўра, ер юзида етиштирилган, денгизлардан олинган озуқа маҳсулотлари асосида ер сайдрасида 31,5 млрд. аҳолини боқиб бўлар экан. Рус иқтисодчisi К. Малининнинг ҳисобларига кўра, куруқликда фақат маданий ўсимликлар экилса, уларнинг ҳосили билан 50 млрд. аҳолини боқиши мумкин. Бунда денгиз маҳсулотлари ва бир ҳужайрати сувўтларни кўпайтириб, улардан кенг фойдаланилса, сайдранинг 290 млрд. аҳолисини озуқа билан таъминласа бўлар экан.

Келаётган 2010 йилларда ер юзидағи инсонлар озуқаси асосини нималар ташкил қилишини олдиндан айтиш қийин. Балки, енгил ва тез ҳазм бўладиган ва балиқлардан олинадиган оқсил маҳсулотлар, денгиз сувўтлари озуқанинг кўп қисмини ташкил қилас. Ундан ташқари турли микроорганизмлар ҳам юқори сифатли оқсил моддаларни ҳосил қиласдилар. Шу сабабли улар ҳам озуқа манбаида маълум ўрин эгаллайдилар. Агар 250 кг вазндаги ситир ҳаммаси бўлиб 250 г оқсил моддани берса, 250 кг оғирликдаги ачитқи замбуруғлари 650 кг оқсил ҳосил қиласдилар.

Келажакда дуккакли ўсимликлардан олинадиган оқсиллар аҳолини озуқа билан таъминлашда катта роль ўйнайди. Ундан ташқари қишлоқ ҳўжалигига турли кимёвий моддаларни, шу жумладан, азот ўғитларини ишлатиш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга кўйилади.

Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, айрим иқтисодчиларнинг фикри ноўрин ва асоссиздир. Чунки ер юзини ҳаммасини экинзорга, дengiz ва океанларни эса балиқ кўпайтирадиган ҳовузга айлантириб бўлмайди, албатта. Лекин, янги технологиялар кўллаш асосидаги биосинтез услуги натижасида оқсил моддалари олиниб, улар инсон озуқасининг асосини ташкил қилиши мумкин.

Сўзиз, қишлоқ хўжалигига янги-янги агротехника усусларини кўллаш, янги ҳосилдор ўсимлик навларини яратиш, маҳсулдор ҳайвонлар зотлари билан фермаларни тўлдириш, турли сув ҳавзалари ва дengiz кўрфазларида сунъий усуслар билан балиқ ва бошқа фойдалари сув ҳайвонларини кўпайтириш, дengiz сувўтларидан кенг кўламда фойдаланиш озуқа манбани оширишининг асосий йўллари ҳисобланади. Бундан ўн йиллар олдин дунё бўйича фалла етиштириш: буғдои 443 млн. т., гуруч 379,5 млн. т., жўхори 394,2 млн. т., картошка 227,3 млн. т., гўшт маҳсулотларидан: мол гўшти 46,6 млн. т., чўчқа гўшти. 55,3 млн. т., кўй гўшти 7 млн. т. тайёрланган.

Инсон ҳар ойда ўз оғирлигига тенг озуқа истеъмол қиласди. Ҳисобларга кўра инсонга бир кунда 630-750 г буғдои (2410 ккал), бир йилда эса 200-274 кг буғдои керак бўлади. Бу маҳсулотни етиштириш учун деҳқон ҳар бир гектар ердан 5 т. атрофида ҳосил олиб, Йилига 17 кишини боқиши лозим.

Бу муаммони ечса бўлади, масалан: Ўзбекистон мустақил Республика бўлгандан бўён буғдои ҳосил етиштириш йўлга қўйилди. 2000 йили 6,2 млн. т. буғдои ҳосили етиштирилиб, ўртача ҳосил гектарига 50 ц дан ошди. Айрим деҳқонлар гектаридан 80-85 ц ҳосил олдилар.

Ҳозирги кунда технологияни яхши кўллаш ва қуруқликни керакли жойларидан яхши фойдаланилса, 10 млрд. аҳолини озуқа билан таъминлаш мумкин.

Планета катта, унда фойдалари ерлар майдони 13,5 млрд. гектарга (етади) тенг. Шундан 1,4 млрд. га маданий ерлар (екинзорлар, боғлар), 1,1 млрд. га ер бузилган, ўсимликлар ўтириш учун кераксиз бўлиб қолган, тежамкорликсиз ишлатилган майдонлар 4,4 млрд. га чўл, ярим чўл, Арктика, Антартика, юқори тоғли чўллар майдони 3,3 млрд. га, инсоннинг салбий фаолияти натижасида фойдалари ерларнинг 1 млрд. гектари чўлларга қўшилган. Ер шариди 2,6 млрд. га ўтлоқзорлар бор, шундан 300 млн. га бузилган, шўрланган, фойдасиз ҳолга келган. Фойдалари маданий ерларнинг 50 фоизи ҳосилдорлик қатламини йўқотган. 600-700 млн. га ер эрозияга учраб, маҳсулдорлиги паст бўлиб қолган. Ер юзи бўйича ўзлаштирилмаган 0,4-0,9 млрд. га ер қолган, холос.

Фойдалари ерларни ишдан чиқишига: табиат қонунини билмаслик, ердан очкўзлик, кўр-кўrona, хўжасизлик билан, келажакни кўра олмасдан фойдаланишлар сабаб бўлган.

Дengиз ва океанлар маҳсулоти ҳам инсонлар озуқа манбасини асоси ҳисобланади. Агар 1960-1970 йиллар дengизлардан 40,2 млн. дан

70,5 млн. т маҳсулот йигиб олинган бўлса, ўртача йигилган маҳсулот йилига 5,8 фоизга ортиб борган. Кейинги 10 йилликда маҳсулот олиш ҳаммаси бўлиб 0,5 га кўпайган холос. 1980 йил бошида 75 млн. т.; шундан 58, 75 млн. т. балиқ маҳсулоти, бу кўрсаткич 2000 йили 92,5 млн. т. га кўтарилган. Йигиладиган балиқ маҳсулотини асосан 21 балиқ тури ташкил қиласди, сув ҳавзаларида эса 22 минг. т. га камайган. Фақат Атлантика океанида кейинги 10-15 йил ичидаги 1,2 млн. т. га камайган.

Умуман олганда дунё океанида йилига 100 млн. т. балиқ маҳсулоти йигиб олинса ҳам экологик турғунлиги бузилмайди. Денгиз ва океанларда балиқ тутиш учун янги-янги техника ва электр нурларини кўллаш бир йўла балиқ тутишга ёрдам бермоқда, лекин, майдаги балиқлар нобуд бўлиб, келажакдаги биологик ресурслар турғунлиги бузилиб, маҳсулот камайиб кетмоқда. Шу сабабли денгизларнинг балиқда бой жойлари йўқолиб бормоқда. Бунга сельд, мой ва, ҳатто-ки китлар кўп учрайдиган жойларни айтиш мумкин. Агар бундай ҳолат давом этадиган бўлса, инсоният табиатнинг текин иноми – денгиз ва океанлар маҳсулотидан ҳам маҳрум бўлиши муқаррардир.

Ички сув ҳавзалар, дарё ва кўллар, сув омборлари, балиқчилик ҳавзалари ҳам балиқ маҳсулотлари беради, лекин бу озуқа манбаси ҳамма жойда ҳам бир хил ва унча юқори эмас. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун ланшафтларни бузиши, экинзорларда кўплаб ўғитларни ишлатиш экосистемалар турғунлигини бузади. Ўрмонзорлар майдони қисқаради, табиий сувлар умумий оқими ўзгариб катта ҳудудларда сувдан фойдаланиш йўлдан чиқади, экинзорларни бегона ўтлар босади, тупроқ унумдорлиги пасаяди ва эрозияга учрайди, тупроқдан жуда катта техника кучи ёрдамилагина ҳосил олинади. Натижада кетган харажат олинган ҳосил қийматидан юқори бўлади. Ер юзидан фойдали биоген ва минерал моддалар ювилиб сув ҳавзаларига тушади. Масалан, Оврупа ерларидан ювилган гумус ва фосфор катта дарёларда Дон, Днепр, Волга фитоланктонини ҳаддан зиёд тез ва кўп ривожланишидан сув “гуллаб”, катта миқдордаги сув ўтлар массасини (бир м². кг) чириши натижасида сувнинг сифати бузилади, ичишга, айрим ҳолда хўжаликда фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолади.

Қишлоқ хўжалигига ҳосилни ошириш мақсадида кўлланилган 60 дан ортиқ кимёвий бирикмаларга экинзорларда учрайдиган кўп организмлар, шу жумладан, 400 дан ортиқ ҳашарот турлари чидамли бўлиб қолдилар. Энг кучли заҳарли моддалар ҳам уларга таъсир қилмай қўйган. Бунинг натижасида экинзорларда зараркунандалар борган сайин кўпайиб фойдали ўсимликлар ҳосилини камайишига сабаб бўлмоқда. Уларга қарши заҳарли моддаларни кўллаш экологик тенгликни бузади, тупроқ, сувни заҳарлайди, етиштирилган озуқа маҳсулотлари экологик тоза бўлмайди ва бу, ўз навбатида, инсон саломатлигини ёмонлашишига олиб келади. Турли касалликлар пайдо бўлиб, ўлим кўпаяди ва ҳ. к.

ХХ БОБ

ИНСОН ОРГАНИЗМИНИНГ ИҚЛИМГА МОСЛАШИШИ ВА ҲАРОРАТ ЭКОЛОГИЯСИ

Тирик организм яшайдиган ҳар бир мұхитни ўзига хос иқлим режаси ва уни экологик омиллари бор. Ер шарининг турли табиий зоналаридә ўзига хос иқлим шароити бўлиб, шу турли шароитларга инсон ва бошқа тирик жонзодлар мослашиб яшайдилар. Тирик организмларни, шу жумладан, инсонни ҳам мұхит омиллари таъсирини сезиш қобилиятыни мұхит аниқлади (Эргашев, 2003, 2005, 2006).

Мұхит ҳарорати. Иқлим ва об-ҳаво атамалари атмосфера ҳолати-ни аниқлади. Иқлим эса маълум табиий ҳудуд об-ҳавосини фасллар бўйича ўзгаришини билдиради; атмосфера ҳолати, об-ҳаво, иқлиминг маълум ҳудудда ва қандайдир вақт ичидә аниқлаш учун: ҳаво ҳарорати, намлик, шамолнинг тезлиги ва уни йўналиши булуларнинг бор-йўқлиги, қүёшли кунлар сони, иссиқлик келишининг умумий ҳолати, ёмғир, қор ҳолида тушадиган намликтинг миқдори, ҷанг ва бошқа омиллар керак, бўлади.

Инсон яшаётган иқлим бир неча иқлим элементларидан иборат, яъни: микроиқлим бу инсон устидаги кийими; мегаиқлим – бу тураржой, ишлаб чиқариш жойлари ва микроиқлим – бу табиий географик зоналар иқлими географик иқлим омиллари ичидә энг мұхими – бу инсон танаси усти ва атроф-мұхит ўртасидаги доимий иссиқликни алмашиниб туриши бўлиб, бу ҳолат ҳаво ҳарорати ва намлиги, шамол тезлиги ҳамда атроф-мұхитни ўргача ҳарорати орқали аниқланади.

Маълумки, иморат ичидә девор, иссиқ трубалар, печкалар инсон объекти томон иссиқлик ажратади. Очик мұхитда – қуёш, босим, тупроқ, дараҳтлар иссиқлик ажратади. Шу элементлардан ажрайдиган иссиқликнинг умумий миқдори аниқланади ва инсон танаси ҳам маълум миқдорда мұхитга ўзидан иссиқлик чиқаради ва қабул қилиб ҳам олади. Қабул қилиб олинган иссиқлик тананинг ички иссиқлигига қўшилади. Инсон танасида мускуллар ва бошқа физиологик функциялар фаолияти натижасида ҳароратни танага ўтиши ва ундан иссиқлик шаклида танадан чиқиши тенг бўлиб, тана ҳарорати доим $+36,2\text{--}37^{\circ}\text{C}$ бўлади.

Инсон организмини ҳароратга мослашиши уч хил бўлади, яъни:

1) Инсон танасини физиологик мослашиши, терморегуляция методологик ва циркулятор системалар функциялари билан боғланган бўлиб, шу функциялар инсонни турли шароитда яшашиб ишлаз имконини яратади. Бу мослашув инсонни энг ривожланган биологик тур эканлигини кўрсатади.

2) Махсус физиологик генотомик ва экологик мұхитга мосла-

шиш қобилияти уни авлоддан-авлодга ўтиб келадиган наслий генотипида жойлашган.

3) Инсонларни маданий, ижтимоий ва иқтисодий мослашишлиари – бу ўз ҳаётларини яшааш жойи, озуқ-овқат, кийим, иссиқлик, сув каби ҳаёттй зарур моддий бойликлар билан таъминлашлариридир.

Инсон организмими иқлимга самарали мослашиши – бу организмни комфорт ҳолатини таъминлаш, меҳнатни чарчамасдан бажариш, турил хил ишларни юқори даражада олиб бориш ва организмни нормал ўсишини таъминлашдан иборат.

Маълумки, коинотда ҳарорат жуда катта даражада ўзгариб тўради. Масалан, Антартиканинг музли чўлларида ҳарорат 88°C га пасайса, ер юзининг сувсиз чўлларида ёз фаслида соядга $+58^{\circ}\text{C}$ га кўтарилади. Марказий Европанинг ихотазор ўрмонларида ёзнинг иссиқ тунларида ҳарорат $+40^{\circ}\text{C}$ гача кўтарила, Ўрта Осиёда ёзги чиллада соядга ҳарорат $40-44^{\circ}\text{C}$ бўлса, очиқ жойларда $+50-54^{\circ}\text{C}$ га, Қизилкўм чўлларида ёз фаслида ҳарорат $60-65^{\circ}\text{C}$, кум юзасида $+70^{\circ}\text{C}$ га кўтарилади. Қиши фаслида ҳарорат $-20-30^{\circ}\text{C}$ га пасайди.

Сибир худудларида қиши фаслида ҳарорат $-38-55-60^{\circ}\text{C}$ га пасайиб кетади. Ўрта Осиёнинг иссиқ муҳити (июн-август ойлари) ва Сибирни оғир совуқ муҳити (ноябр-май) инсон организмига жуда кучли салбий таъсир қиласи, масалан, январнинг энг совуқ ($-38-50^{\circ}\text{C}$) кунлари ўртача йиллик ҳароратдан ($-16-30^{\circ}\text{C}$) пастлиги ёки Ўрта Осиёда ёзнинг иссиқ кунларида ҳароратни $40-45^{\circ}\text{C}$ га, тунда ҳам ҳарорат $28-30^{\circ}\text{C}$ бўлишига инсон организмими мослашиши ва ҳароратини катта амплутудада ўзгаришга (-20°C қишида ва $+44^{\circ}\text{C}$ ёзда) мослашиши ва ҳаёт фаолиятини давом эттириши инсон экологиясини чексиз қобилиятли эканлигидан далолат беради.

Ташқи муҳит ҳароратини ўзгаришидан тана ички ҳарорати унча кўп ўзгармайди. Тана ҳароратини кунлик ўзгариши $+1,7^{\circ}\text{C}$ га тенг. Бу ўзгариши максимал ҳолати кечаси, минимал ҳолати (эрталабки соат) бўлади.

Инсон табиатнинг қайси худудида бўлмасин, унинг тана ҳарорати бир хил бўлади. Муҳит ҳарорати айниқса тана устки ҳарорати организми ички доимий ҳароратини таъминлайди бу эса, ўз навбатида, гананинг нормал ҳаёт фаолиятини таъминлайди.

Муҳитни иссиқ шароитда ($+40-44^{\circ}\text{C}$) танани физиологик қизиб кетишидан организмдан иссиқлик ажralиши кўпаяди ва бу жараён қон айланishiни тезлашиши ва танадан тер чиқиши орқали бўлади. Тананинг тери ости қон томирлари кенгайиши ва қонни кўп келиши ва қисман юрак ҳажмини кенгайиши кузатилади. Танадан терни буғланиб чиқиши эса тери ости безларини сувни терига ҳайдаб бериши билан боғлиқ бўлиб, тананинг максимал сув йўқотиши соатига 1 литр, бу 600 ккал/ соат иссиқлик демакдир.

Организм тери ости безлари турил ирқ вакилларида бир хил. Ик-

кинчи томондан организмни физиологик көнг мослашиш қобиляти ва турли хил ишларни бажарганда ҳам тана ҳароратини бир хил бўлишини (шамол, курук, нам ҳаво) кийим киймаган одам мисолида билинади. Ҳаво ҳарорати 30-31 °C бўлганда одам танасида модда алмашиши тезлашади ва бу жараён тана ички ҳароратини тушиб кетишига сабаб бўлади. Совук иқлимда одам ўз тана ҳароратини доимий ушлаши учун етарли устки кийимлар кийиши керак. Тана соvuқдан қалтираганда икки-уч баробар иссиқлик ажратилади. Қалтираш тери ҳароратини пасайишидан келиб чиқади. Одамда совуққа мослашиш аста-секин ҳосил бўлади.

Маълумки инсониятнинг негроид – европоид, монголоид, австралиоид ирқ вакиллари турли табиий иқлим шароитларида яшайдилар. Улар ҳар хил иқлимга мослашган, физиологик акклиматизация қилишган. Масалан, негроид ирқий халқлар Африкада доимий ҳароратли ўрмонларда яшаса, Америка ҳиндулари турли табиий иқлимларда яшайдилар. Австралия ҳудудида яшайдиган айвавоера ва иль-пирра қабила халқлари қишида тунги ҳарорат -2-10 °C бўлса, кундуз қурук ҳаво ва ҳарорат +32+38 °C га бўлган иссиқ иқлим таъсирида ҳаёт кечирсалар, монголоид ирқига оид халқлар Марказий Осиё чўлдашт минтақаларида ҳароратни кун давомида кескин ўзгарадиган (кундуз +50-55 °C ёзда, қишида -30-40 °C) шароитда яшайдилар.

Инсонни тинчлик давридаги комфорт ҳарорат тахминан -25-25,5 °C, максимал оғир иш қилишда эса ўргача +32,2 °C инсон организми юқори ҳароратли (+44-45 °C) шароитга ҳам тез мослашади. Ҳароратнинг эффектив (+27 °C) ҳолати ишга салбий таъсир қилмайди. Ҳарорат 28-31 °C бўлганда иш натижаси паст бўлади, тунда уйқу бузилади.

Ҳарорат (+27 °C) юқори бўлганда инсон ўзини бўшашиб, кучсиз ҳолда сезади. Ер шари жуда иссиқ (ўргача ҳарорат +21-27 °C), иссиқ иқлим (+15,5-21 °C), мұтадил иқлим (+7-15,5 °C) совуқ иқлимига (-70 °Cдан паст) бўлинади. Ер юзида иссиқ ва совуқни йил давомида зоналар бўйича алмашиб туриши булатли, булатсиз кун, шамол, ёғин, курғоқчилик турли омилларга боғлиқ, яъни маълум ҳудудни қайси географик кенгликларда жойланishi, ер тузилиши уни дengиздан узоқлиги, баландлик каби омиллар иқлим хусусиятларини аниқлаб беради.

Бу омиллардан инсонларнинг тубандаги физиологик мослашилари келиб чиқади, яъни: 1) экваториал тропик зона – шамолсиз, юқори ҳарорат, намлик ва қўёш радиацияси интенсивлиги; 2) куйдириб юборадиган чўлдашт қўёши, иссиқ шамол, ҳаво ҳарорати тана-тери ҳароратидан юқори; 3) кучли совуқ шамолсиз ҳолатда совуқ кучаяди, намлиқда бу совуқ ёмон таъсир қиласи; 4) хаддан ортиқ совуқни қурук ҳавога кучли салбий таъсир қилиши. Шу катта-кичик иқлим шароитларига инсон организми мослашган у ривожланиди, кўпаяди, яшайди. Агар инсонда муҳитга мослашиш биоэколо-

гик адаптация мұхит таъсирига жавоб қилиш ва мослашиш реакциясы бұлмаганда одамзод табиатнинг турли географик зоналарига тарқала олмас эди.

Палеонтология фанининг маълумотларига кўра бошланғич плейстоцен даврида қадимий одамлар тропик минтақа ерларидан яшаган бўлиб, кейинчалик шу ҳудуддан шимол ва шарқ-фарб ерларига тарқалганлар. Бу ҳолат музиклар давридан олдин бўлиб, тўртламчи (бюри) музик бошланиши вақтларида инсонлар совуқ иқлимли ерларда музикларга яқин жойларда яшайдилар. Бу ерлар ўсимликларга бой, ўтхўр ҳайвонлар кўп, озуқа етарли бўлган. Инсонлар оловдан фойдаланишган, туаржойлар куришган. Ҳайвон суюкларидан игна-бигиз, уларнинг териларидан ўзларига кийим тикишган. Палеолит даври охирларида бирламчи, қадимий одамларнинг уй-жойлари ҳозирги бушименлар, эскимослар, ҳиндуларнинг ўтов уй-жойларига ўхаш бўлиб, бу ҳолат тош даврида жуда ривожланган. Қишиги қаттиқ совуқдан, ёзги жазира маисиқдан сақлайдиган қозоқ, қирғиз, монгол халқларининг ўтовлари шу қадимги халқлар ҳаёт тажрибаларидан сақланиб қолган ва шу халқлар табиий мұхит омиллари таъсирига мослашиб бош оёқ кийими, усти кийимлар кийишган. Туаржойлар қилиб ўзларини мұхитнинг иссиқ совуғидан сақлашган.

Мұхитни иссиқ-совуқ ҳолати ҳаво ҳарорати ва қўёш нурлари тушишининг йил давомидә ўзгариб туришига боғлиқ. Қуёшдан турли нурлар қаторида ультрабинафша нурлар ҳам ер юзасига етиб келган. Инсонлар ўтган геологик даврларда табиатни турли омиллари ва, шу жумладан, қуёшдан келаётган ультрабинафша нурларни маълум миқдорига ҳам мослашганлар. Уб нурларнинг 0,32 мм кам тўлқинлиги инсон терисини қорайтиради, куйдиради, куюқ ҳосил қиласи. Уб нурлари таъсири 0,28 мм бўлганда кузатилади. Уб нурларнинг дарожаси географик кенгликларга қараб ўзгариб туради. Ундан ташқари атмосферадаги өзин қатлами қуёшдан келаётган Уф нурларни ютиб, улар миқдорини камайтиради.

Маълумки Уб нурлар таъсирида инсон терисида – тери саратони касаллиги келиб чиқади. Тери саратони оқ танли инсонлар юзида (95%), қўл терисининг орқа томонида ва доимий очиқ жойда ишлайдиган одамларда кўп учрайди.

20.1. МУХИТНИНГ РАДИОАКТИВЛИГИ ВА УНИ ИНСОНГА ТАЪСИРИ

Табиий Уб нурларидан ташқари турли радиоактив нурланишлар бўлиб, улар табиий материаллари – ер бағридаги торий ва радиоактив изотоплар, тупроқ-сувдаги калий, ҳаводаги углерод, сув буғла-

ридаги водород оғир изотоплар ҳисобланади. Радиоактив моддалар инсон организмига нафас олиш ва ошқозон-ичак йўллари орқали ўтади. Айрим радиоактив моддалардан строний-90, цезий-137 кабилар инсон ичакларига шимилиб кетади. Радиоактив моддалар инсон организмидаги ҳар бир ҳужайра таркибидаги хромосомни ундан генларни ўзгаришига олиб келади. Улар аста-секин жинсий ҳужайраларда (1×10^5 дан 1×10^6 гача) тўпланади. Натижада кейинги туғиладиган авлодлар, айниқса, болаларда турли аномалиялар-нормал биологик ривожланишдан четга чиқиши кузатилади. Масалан, 1945 йили АҚШ ўз атом бомбаларини Япониянинг Хиросима, Нагосаки шаҳарларига ташлаганидан кейин ҳосил бўлган радиоактив фонд қолган инсонлардан туғилган ногирон болалар, сабиқ Иттифоқнинг Қозогистон (Семипалатинск ва Жезқозган) ерларида ўтказилган ер усти ва ер ости ядро бомба синовлари натижалари жуда ачинарлидир. Ҳаддан зиёд радиоактивлашган ерларда турли биологик аномалиялар: қорамол-кўйларда бир кўзли, бир шохли, саккиз оёқли, икки бошли кўй, ҳар бошда биттадан кўз ёки уч шохли буқа, уч қулоқли қуён, икки бошли илон, тошбақа, тўрт оёқли жўжа каби жонзодларнинг туғилиши, инсон фарзандларида бир қўли узун, бир оёғи калта, икки қўли йўқ ёки кичик, бўйи паст каби ҳолатлар кузатилган (Эргашев А, Эргашев Т. 2005, 2007). Бундай ҳолатлар АҚШни Невада, Хитойни Либнур ва Франция ядро синовлари ўтказилган ҳудуд аҳолиси ҳаётida ҳам кузатилган.

Энг фожиали ҳолат 1986 йили 26 апрелда содир бўлган Чернобил АЭС нинг ҳалокати вақтида радиация даражаси 200 м баландлик атрофида 1000 мр/соат бўлган. Бу ҳалокат натижасида 350 та қишлоқнинг 110000 аҳолиси жабр кўрди. 10000 ортиқ одам жуда юқори радиоактив доза олган ва кўпчилиги ўлган. Чернобил АЭС ҳалокати сабиқ Иттифоқга 485 млрд. доллар зиён келтиради. Бу Россияни 8 йиллик бюджети эди. Хитойни Шарқий Туркистон Лубнур кўллари атрофида ўтказган 40 дан ортиқ ядро синовлари натижасида 210-220000 одам ҳаётдан кўз юмган.

20.2. БОСИМ ВА КИСЛОРОДНИНГ РОЛИ

Демак, инсонлар турли табиий ва сунъий омиллар таъсирига мослашиб яшайдилар. Масалан, юқори тоғ Помир-Олой, Тяньшан, Химолой, Алп тоғларида яшайдиган инсонлар жуда оғир экологик шароитга, яъни паст босим, кислород ва ҳаво намлигининг камлиги, паст ҳарорат, кучли шамол ва Уб нурларнинг кўплиги каби оғир табиий омилларга тўғри келадилар. Баландликнинг ортиши билан ҳавода кислород миқдори пасайиб боради. Баландликни 3000, айниқса, 4000-4500 м баландликда кислороднинг етишмаслиги сабабли одам-

ни нафас олиши оғирлашади. Юқори Помир төгининг 4500 метрли ерларыда одамни югуриши у ёқда турсин, тез юриб ҳам бўлмайди. Таннинг очиқ жойи, бир-икки кун ичидаги юз териси кўйиб пўст ташлайди. Сув 78-80 °C да қайнайди, гўшт қанча қайнатилмасин пишмайди, картошка, гуруч эзилиб пишмайди. Инсон шу баландликда ўзини кучсиз сезади, аста-секин мұхитга мослашиб боради.

Юқори баландликда кислород етишмаслигини аноксия деб аталади. Инсонда аноксия ҳолати бош оғриғи, чарчаш, сезиш қобилиятини пасайиши, ўқчиш, кусиш ва бош айланиши, томир уришини гезлашиши каби ҳолатга олиб келади. Юқори баландлик мұхитига инсонни аста-секин мослашиши күзатилади. Масалан, Ўрта Осиё, Ҳинд-Хитой, Кавказ, Саён, Алп, Анд каби юқори тоғ ҳудудларида яшайдиган қирғиз, тоҷик, мӯғул, кашмир, неапол, тибет, перу халқлари 3500-4000-5500 метр баландлик иқдим шароитига мослашганлар. Уларда ва юқори тоғ шароитига мослашган ҳайвонлар (ламалар, виқунънлар, боливия ғозлари) қонларида эритроцитларнинг миқдори 30 фоизга ошиши билан инсонлар ва ҳайвонларни юқори тоғ шароитига мослашишлари тушунтирилади.



XXI БОБ

ИНСОН КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ЭКОЛОГИЯСИ

Инсонда содир бўладиган турли касалликларни экологик аспекти ва уларнинг келиб чиқиши сабабларини икки гуруҳга бўлиш мумкин, яъни: 1) касалликнинг келиб чиқиши организмнинг нормал ҳаёт фаолиятини бузилишидан бўлиб, бу жараёнга ташқи муҳит омиллари сабабдир. Масалан, турли географик зоналарда қатор касалликлар: кун уриши, тоб касали, бош айланиш, юрак-қон томирлари уришининг бузилиши, Уб нурларнинг таъсири ёки шаҳарларда атмосфера ҳавосини ифлосланиши, озуқа муҳитларини сифатсизлиги сабаб бўлиши мумкин.

2) муҳитнинг биотик компонентларида этиологик заарлар агентлар, патоген микроорганизмлар (вируслар, бактерия, замбуруғлар, содда ҳайвонлар) заҳарли ўсимликларнинг уруғпояси, ҳашаротлар ва инсонга хавфли ҳайвонлар (чаён, илон ва бошқа) сабаб бўлиши мумкин.

Ҳар икки ҳолатда ҳам инсонда касалликларни келиб чиқиши табиий муҳитнинг унинг элементларининг ва, айниқса, ўсимлик ҳайвон озуқа маҳсулотларининг ҳамда минерал тузларнинг роли катта, касалликларнинг келиб чиқишига ёмон шароит сабаб бўлса, кўп касалликлар организмни муҳитга уни айрим омиллари таъсирига мослашмаганидан келиб чиқади.

Касалликларнинг экологияси жуда кенг, мураккаб предмет бўлиб, бу муаммо инсон организмини муҳитга экологик адаптация қилиш принциплари, муҳит омилларини иқлим ва озуқа маҳсулотларини тўғридан-тўғри таъсир қилиши билан боғлиқ.

21.1. ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

Инсонларнинг табиатда яшашлари учун муҳитни барқарор ривожланиши, табиий элементлар таркиби ва миқдори бузилмаслиги шарт. Инсон муҳитининг географик фонини ҳосил қилувчи элементлари шамол, намлик, ёмғир, ҳаво ҳарорати каби омиллар турли юқумли касалликларни тарқалишига сабаб бўлади. Масалан, касаллик тарқатувчи канда, пашшага қуруқ муҳит керак, безгак касалини тарқатувчи пашшага ботқоқ, кўлмак сувлар, африка уйли касаллигини тарқатувчи цеце пашшаси ривожланишига қалин ўрмонзор керак.

Юқумли касалликларни тарқалиши иқлим шароити билан боғлиқ. Масалан, фрамбезия касаллиги тарқалган 80 фоиз ҳудудда ўрта йиллик изотермия 27°C га тенг. Йиллик намлик 125 см дан 173 см га етади. Лой инвазия чувалчанглари муҳит ҳарорати $25\text{-}30^{\circ}\text{C}$, йиллик намлик

150 см атрофида бўлганда кенг тарқалади. Инсонда учрайдиган турли зарарли, юқумли касалликлар маълум географик худудларнинг иқлими ва экологияси билан боғлиқлиги бор. Масалан, Африканинг Сомоли худудлари куруқ иқлими кўз юқумли касаллиги ҳамда тиф касалигини тарқатувчи каналарни кўпайишига имкон берса, куруқ ҳаво ва доимий кумли бўронлар тамоқ оғриғи ангинани келтириб чиқаради. Яна бир мисол, Арктиканинг совуқ иқлими бирор бир инфекция тарқатувчи ҳашаротларни тарқалишига имкон бермайди.

Турли юқумли касалликлар (ўлат, вабо, сил, ич терлама) тарқалишида турли йўл алоқаларнинг кенгайиши ва инсонни экологик популяциялари ўргасидаги боғланишлар сабаб бўлган.

Инсон бирор бир юқумли касалликка чалинганда уни танасида биологик реакция юзага келади. Инсон танаси шу касалликка нисбатан қаршилик кўрсатади. Танадаги генетик омиллар касалликни табиий қабул қиласликини таъминлайди ва фаол иммунитетлар ишлаб чиқаради. Иммунитетларни ишлаб чиқарилиши инсонга хос физиологик белгилардир.

Патоген микробни инсон организмига ўтиши билан унинг танаси маҳсус оқсил таначалар ишлаб чиқаради. Улар қонга ва қон орқали патоген микроорганизмига ўтиб, унинг тузилиши (кўпайиши)ни бузади. Оқсил таначалар антителалар организмни турли патогенларга қарши иммунитетини таъминлайди.

Инсон танасини турли касалликларга иссиқ-совуққа физиологик мослашиши ҳам биологик иммунитетни ҳосил бўлиши орқали юзага келади. Турли юқумли касалликларга қарши инсон организмиди моддалар бор ва улар маҳсус генлар орқали амалга оширилади.

Турли юқумли касалликларни (ўлат, сил, испанка, ботулизм, тиф, СПИД ва бош.) экологик жуда хавфли эканлиги ҳаммага маълум. 1978 йилдан бўён Ҳалқаро Соғлиқни сақлаш ташкилоти ва унга аъзо мамлакатлар дунё бўйича юқумли касалликларга қарши эмлаш ишларини бошлаган. Чунки ҳар йили дунё бўйича 380 млн. дан ортиқ одам турли касалликлардан азоб чекади ва ўлади. Ҳозирги кунда ҳам жаҳон бўйича миллиарддан ортиқ аҳоли турли юқумли касалликлардан азоб чекади. Юқумли касалликлардан энг оғири ўлат (қора ўлим) бўлиб, у XIV асрда Европада 20-30 млн. аҳоли ёстигини қуритган бўлса, XIII асрда Хитойни 123 млн. аҳолисидан 15 млн. киши ўлатдан ўлган. Шунингдек Европа, Шимолий Африка ва Осиёда яшайдиган аҳолининг ярмидан кўли шу касалликдан қирилган.

Яна ҳам хавфли юқумли касаллик чечак бўлиб, ундан 300 млн. дан 500 млн. гача одам азият чеккан. Бу касаллик устидан 1980 йили тўла назорат ўрнатилади. Сил касаллигидан 100-250 млн. одам ўлган. Ҳозир ҳам ҳар йили 2 млн. одам шу касалликдан нобуд бўлади. Малаярия – безгак касали 80-120 млн. одамни бошига етган. XX асрни би-

ринчи ярмида безгакдан ҳар йили 2 млн. одам нобуд бўлган. Испанка касалидан 20-30 млн., ич терламадан эса 20 млн. одам ўлган.


Хозирги кунда инсонлар ҳаётига катта хавф солаётган юқумли касаллик бу СПИД бўлиб, ундан 25 млн. дан ортиқ одам ўлган ва ҳар йили 3 млн. одам ҳаётдан кўз юмади (Эргашев Т., Эргашев А., 2007).

СПИД балоси 1984 йили аниқланди; ҳозирги кунда СПИД га чалингланлар сони дунё бўйича 42-44 млн., шулардан 2,5 млн. болалар. СПИДнинг эпицентри Африканинг Сахара худуди бўлиб, у ерда 25-26 млн. одам СПИД га чалинган. Жанубий Африка Республикасида бу касалга чалингланлар 4,7-5 млн. бўлиб ҳар ойда танасида СПИД вируси бор 5000 та бола туғилади, ҳомиладор аёлларнинг 25 фоизидан ортиги СПИД га чалинган.

СПИД вируси дунё бўйича жуда тез тарқалмоқда, масалан, ЮНЭЙКЕ маълумотига кўра, Ҳиндистонда 250 000 ўрга ёшдан ўтганлар СПИД вирусига чалинган ва шу вирус уларнинг ўлимига сабаб бўлади. Вьетнамда 100000 дан ортиқ, фақат 2005 йили Россияда 340000 СПИДли одам аниқланган. АҚШда 25-44 ёшли одамлар ўлимининг асосий сабабчиси СПИД вируси ҳисобланади.

БМТ ни маълумотларига кўра дунё бўйича ҳар куни 14000-16000 одам СПИД га чалинади. Ҳар дақиқада шу касалликдан 15-35 ёшли 5-6 нафар одам ўлади.

Табобат олимлари СПИДга қарши учта антиретровирус препарациини яратдилар. Улар инсон ҳаётини сақлаб қолишга қаратилган. Юқоридаги маълумотлар қуидаги китобимизда келтирилган. Т. Эргашев, А. Эргашев “Экологическая безопасность среда жизни человека” Т. 2007, 150 б. СПИД билан чалингланлар турли экологик мухитларда яшашиларига қарамасдан касаллик тарқалмоқда, одамларда вирус ривожланиб, улар иммунитетини ҳам йўқقا чиқармоқда. Кучли ривожланган табобат услублари ҳам СПИДни тўхтата олмадилар.



ХХII БОБ


ИНСОН ПОПУЛЯЦИЯСИННИГ ДЕМОГРАФИЯСИ

Қадимги геологик даврларда иқлим омилларининг оғирлиги озуканнинг етишмаслигига, катта йирткич ҳайвонларнинг хавфи турли хил касалликлар, эпидемиялар шу даврдаги инсонлар умрининг қисқаришига сабаб бўлган. Табиий турли экологик мұхитлар таъсирини шу жойда яшаган одамлар сезганлар. Бир маконда яшаган одамлар популяциясини қалинлиги мұхитниң қатор экологик омиллари таъсирига боғлиқ, яъни: 1) яшаш жойининг иқлими, тупроги, суви, рельефи; 2) шу ернинг ўсимлиқ, ҳайвонлар дунёсининг хилма-хиллиги ва бойлигига; 3) яшаш жойидаги табиий бойликлардан фойдаланиш маданияти даражасига боғлиқ бўлган.

Маълумотларга кўра шу вақтда неандерталлар музлик давридан кейинги мезолит даврида дунёга келган. Хомо Спиенс ҳам узоқроқ яшаган. Улар яшаган жойлар катта-кенг, инсонлар сони кам бўлиб, оғир экологик шароитда болалар ўлеми кўп содир бўлган.

Антропологик олимлар маълумотларига қаранды палеолит даврининг бошланишида, бундан 1 млн. йилларча олдин инсонлар фақат Африка ҳудудидагина яшаганлар, уларнинг умумий сони 125 минг атрофига бўлган. Мезолит даврида, тахминан бундан 300000 йиллар аввал инсонлар сони 1 млн. га етади. Улар Евроосиё ҳудудларида яшайди.

Палеолит даври охирида, бундан 25000 йилларча аввал неандерталлар ва кроманьонлар бир вақтда яшаганлар. Улар сони 3 млн. дан ортган (Клаузевиту, 1988).



23-расм.
Ер юзида аҳоли сонининг ўсиш диаграммаси (ЮНЕСКО, 1974).

Неолит даврида биринчи демографик ўсиш кузатилади, инсонлар ўтроқ яшашга ўрганади, уй-жой курадилар. Күлгө күплаб ҳайвонларни ўргатадилар, ўсимликларни маданийлаштирадилар, уларнинг ҳаёт шароитлари яхшиланади. Милоддан 300 йиллар аввал дунёдаги одамлар сони 5 млн. атрофида. Бизнинг санамиз бошлангунга қадар аҳоли сони 130-250 млн. га етади. Шундан 1850 йили 1 млрд. га етиши учун инсониятга 250 йил ривожланиш керак бўлган. Дунёда инсонлар сони 1930 йили 2 млрд., 1960 йили 3 млрд. 1986 йили 5 млрд., ҳозирги кунда 6,5 млрд. га етди.

Ҳозирги кунда жаҳонни ҳамма мамлакатларида аҳоли сони тўхтовсиз ўсиб бормоқда, бунга тиббий хизматнинг юқорилиги, озиқ-овқат, уй-жой таъминотини яхшилиги сабаб бўлмоқда. Тахминларга қаранганде ер юзида 2050 йили тахминан 11,7 млрд. аҳоли яшайди.

БМТ дастури ЮНЕСКО маълумотлари дунёда аҳоли сонини ўсиб боришига тўғри келади (23-расм).

Ер юзида аҳоли сони ўсиши билан уларнинг табиий муҳитга салбий таъсири, муҳитни ифлосланиши ортиб боради, табиий бойликлар кўплаб сарфланади, исроф бўлади, инсон саломатлигига турли хавфлар туғилади.

Кейинги вақтда турли диний ташкилотлардаги Худо вакиллари ни 2005 йилгача олиб борган ишлари бўйича дунёнинг 240 дан ортиқ мамлакатларида яшовчи аҳоли сони ҳисобга олинган. Шулардан бальзиларини келтириб ўтамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Дунё аҳоли сони бўйича 2007 йил ноябр ойи маълумоти

Мамлакатлар	Аҳоли сони	Мамлакатлар	Аҳоли сони
Австралия	20111297	Қозогистон	14860000
Австрия	8065166	Камбодже	13607069
Озарбайжон	8200000	Камерун	17000000
Албания	3135000	Канада	32115270
Ангола	13000000	Кения	32480000
Аргентина	36260130	Қирғизистон	5200000
Арманистон	3210000	Колумбия	46045109
Бангладеш	144319628	Корея Республикаси	48460590
Белоруссия	9970688	Куба	11217100
Бельгия	10445852	Латвия	2299000
Болгария	7928901	Литва	3506000
Бразилия	184184264	Ливан	3767218
Буюк Британия	58355789	Мадагаскар	17105000
Венгрия	10085000	Малазия	26127000
Венесуэла	25375281	Мексика	106451679
Гана	20892796	Мозанбик	19420036
Гватимала	12736752	Монголия	2791272

Германия	82500849	Майами	54300000
Греция	10539771	Неапол	27676547
Грузия	4560000	Нигерия	128771988
Исраил	10669900	Нидерландия	16316058
Хиндистон	1083093040	Янги Зеландия	4104351
Индонезия	219900000	Покистон	162419946
Испания	43975400	Перу	27947000
Италия	58462375	Польша	38175000
Россия	145200000	Португалия	10055952
Руанда	8162715	Судан	30765000
Руминия	21793556	Славакия	5386699
Салвадор	6874926	Тажикистан	65450000
Сенегал	11126832	Тайланд	65450000
Сербия, Черногория	8129395	Тайван	20562667
США	291737129	Танзания	37267550
Туркия	67803927	Таго	5126000
Уганда	26800000	Украина	47026773
Филиппин	85000000	Уругвай	3163700
Чехия Республикаси	10223713	Франция	60561200
Чили	16136137	Шри-Ланка	19300000
Швейцария	7415102	Швеция	9024186
Эквадор	13026890	Эстония	1366723
Эфиопия	70000000	ЖАР	44869397
Ямайка	2650900	Япония	126869397

Ахолиси 50 миллиондан ортган мамлакатлар

1. Хитой	1321847351	13. Вьетнам	85262356
2. Хиндистон	1169016000	14. Германия	82400996
3. АҚШ	303321825	15. Миср	78335036
4. Индонезия	231627000	16. Эфиопия	76511887
5. Бразилия	187521914	17. Туркия	71158646
6. Покистон	161598500	18. Конго	65751512
7. Бангладеш	158665000	19. Эрон	65397521
8. Нигерия	148093000	20. Тайланд	65068149
9. Россия	142499000	21. Франция	60876136
10. Япония	127718000	22. Британия	60776238
11. Мексика	105700891	23. Италия	58147733
12. Филиппин	88077287		

Юқорида келтирилган маълумотлар 2005 йилни ўз ичига олган ва улар “Сторожевая башня” (1феврал 2006) журналида (27-30-бетлар) чоп этилган. Ҳозирги кунда дунё бўйича 1 сонияда 3 нафар бола туғилади. Дунё ахолиси бир йилда 92-93 млн.га кўпайиб бормоқда.

Табиатда инсонларни экологик популяцияси миқдори доимий ўзгариб туриши мумкин. Уни асосий сабаби муҳит омилларини бор-йўқлиги, турли касалликлар, табиий оғатлар, муҳитга қарамасдан

Қадимий одамлар ўзларининг аждодлари сонини асраб қолишга ҳарарат қилганлар.

Инсонлар ўз популяциялари сонини сақлааб қолишида табиий салбий омиллардан (совуқ, сув босиш, шамолдан қайтиш) сақланғанлар.

Маълумотларга кўра милоднинг бошланишида ер юзида 230 млн. одам бўлса, минг йиллик охирига келиб 275 млн., 1800 йилда 1 млрд., 1900 йилда 1,6 млрд., 1930 йилда 3 млрд., 1993 йилда 5,5 млрд., 2003 йилда 6,3 млрд., 2006 йилда 6,5 млрд., 2007 йил охирларида планетада 6,7 млрд. аҳоли яшаган. 2050 йилда Ер сайдрасида аҳоли сони тахминан 9,2 млрд. га етади.

Қадимда аҳолиси 50 млн. дан зиёд мамлакатлар ўз популация аъзоларини сақлашда ов йўли билан озуқа топган бўлса, турли касалликларни енгишда ўт-ўсимликлар ёрдамида ёки ҳар хил жодугарликларни ҳам қўллаган бўлишлари мумкин.

Шундай қилиб қадимги инсонлар ва уларнинг кейинги аждодлари муҳитда популация сонини ўсиши билан, популация аъзолари ичида яшаш ва яшаб қолиш учун (жой, озуқа, сув, иссиқлик кийим) кураш кучаяди, аммо, яшаш жойи, муҳит ва озуқа манбалари етарли ҳудудларда инсон маданий ривожланиши секин кечган. Агар бир шундай популацияга бошқа популация ўзини маданияти билан келиб қўшилса ҳалқлар ўртасидаги ҳёт, маданий ривожланиши кескин ўзгаради, тезлашади. Улар ўртасида хўжаликнинг янги шакллари деҳқончилик, чорвачилик, қурилиш юзага келади.

Агар популация аъзолари жуда содда қуролли (тош, ёғоч) бўлса, улар табиий иқлим омилларини кескин ўзгариб туришларига қарши тура олмайдилар, озуқа топиш, иссиқ-совуқдан сақланиш анча оғир бўлади. Ундан ўз-ўзи билан ўралиб қолган, бошқа популациялар билан алоқаси йўқ популацияларда ўлим кўп, яъни 1000 нафар одамдан ўртача 100 нафаргача нобуд бўлиши мумкин.

Табиий бойликлардан унумли фойдаланиш, бир жойда ўтроқ яшаш аждодларни кўпайишига олиб келади, аёллар серфарзанд бўладилар. Бу жараёнда болаларнинг (она қорнида ёки кейин) ўлими кўпаяди.

Қадимги бошлангич жамоаларда табиий муҳит ёғингарчилик, курғоқчилик, дараҳтларда меваларни бўлиш-бўлмаслиги каби табиий ходисаларни инсонлар билмаган, озуқа етишмаган “очлик фаслларида популация сонини камайтиришга ҳаракат қилганлар”. Бу жараёнлар болаларни ўлдириш, ташлаб юбориш, эрга тегмаслик, эркак-аёлни қўшилмаслиги каби йўллар билан амалга оширилган. Бир жойдан иккинчи жойга сув, озуқа учун кўчганда, айниқса, австралиялик аборигенлар боласини ўлдирганлар ёки ёш болани ташлаб кетганлар.

Антрапологик ўлим тарихи бўйича ўлим инсонни ёш вақтида кўп бўлиб, популациянинг 10 фоиз атрофида инсонлар 40 ёшга етишган, аҳолининг 50 фоизи камдан-кам 25 ёшга етган. Маълумотларга

кұра топилған 40 дан ортиқ неандерталлардан фақат бир киши 50 ёшли бўлған. Юқори палеолит даврида Европа ва Осиёда топилған 76 нафар Хомо сапиенс одамларидан фақат 2 киши 50 ёшгача яшаган.

Европанинг Силезиз ҳудудларида топилған 94 та неолит даврига оид одам склетларидан фақат 4 нафари 50 ёшдан ошган. Шу даврга оид инсонлар ўт-илдиз, мева терувчилар, овчилар ва энг қадимий бободеҳқонлар бўлған. Дехқончиликга қадар ҳудудларда 57 фоиз ўлим 21 ёшгача, қадимий Греция ва Мисрда 22 ёшгача бўлса, антик даврда 20-30 ёш, XIII асрда яшаган инглизларда эса 35 ёш ўрта ёш ҳисобланган. Астроном Галилей ўзини ёзувларида Бреслов учун 1687 йилларда 33,5 ўрта ёш бўлған. Кейинчалик 200 йилдан кейин 1838-1854 йиллар учун ўртача 40,9 ёшга етган, табобат ва аҳоли гигиена аҳволини яхшиланиши натижасида 1900-1902 йиллари инсонларни ўрта ёши 49,2 га етса, АҚШ да 1945 йили ҳаётин ёш 65,8 га етади (Харрисон ва бошқ. 1968).

Инсонлар ҳаёт даражасини ўсиши, уларнинг моддий-маданий ҳолати, яшаш жойини яхшиланиши, сифатли озуқа маҳсулотларининг етарлилиги, ижтимоий-маърифий, маданий хордиқ чиқариш етарли, табобат хизмати каби юқори экологик индекслар инсонлар ҳаётини ўртача 76-77 ёшга етишига олиб келди.



ХХIII БОБ

ИНСОНЛАРНИНГ ИРҚИЙ БҮЛИНИШЛАРИ

Палеонтология фанининг далилларига кўра тахминан бундан 38-40000 йиллар аввал палеантроплардан ажраб чиққан *H. sapiens* ни ҳозирги одамларга ўхшашлиги бор. Лекин, ҳозирги замон кўринишидаги одамлар жуда қадимий, уларнинг иш қуролларини ёши 90, 100, ҳатто 130000 йилга тенг. Палеантроплар ва неантроплар бирга яшаган давр бундан 100 минг йил аввал бўлган.

Молекул генетика фанининг далилларига кўра ҳозирги одамлардаги митохондриал ДНК (МТ-ДНК) бундан 2000000 йил аввал Африкада яшаган аёлни митохондриясидан келиб чиққан. Бу митохондрия “Ева” номини олган. Бундан келиб чиқадики ҳозирги замон одамлари қачонлардир Африкани тарк этган инсонлардан келиб чиққан. Беринг кўрфази орқали Осиёдан Аляскага, Суэцк бўғози орқали Сицилия, Италия ва Европага қадимги одамлар тарқалган.

Инсон ривожланишининг ҳамма даврлари одамсизон маймунлардан тортиб, австралопитеклар, *H. habilis*, *H. trectus*, һеандерталларга крамононларнинг ҳаммаси Африка худудида юзага келган. Улардан баъзилари ўз худудларини тарк этиб Шарқ томонга қараб Тинч экеан қирғоқларигача бориб етадилар.

Шу ерда мулоҳаза пайдо бўлади, яъни милоддан аввал яшаган Одам Ото авлоди Нуҳ пайғамбарни Шарқ ва Фарб худудларига тарқалган Сом, Хом ва Ёфас авлодлари бўлса ажаб эмас. Чунки бу авлодлар 4000 йил ақл-идрокда ва маданиятли бўлмаган. Улар яланғоч, ярим яланғоч ҳолда яшаганлар. Уларнинг катта тишлари, суякларининг синиқлари Жануби-Шарқий Осиё худудларида топилган. Гигантопитеклар ва мегантроплар билан қандай боғлиқлиги борлиги маълум эмас. Уларнинг бўйлари 3 метрдан баланд бўлган.

1868 йил Франциянинг Крамонон горидан топилган қолдиқларга крамонон деб ном берилади. Болқон, Кавказ ва Европада ҳам ҳозирги одамлардан фарқ қиласидиган антропологик қолдиқлар топилали. Юқори палеонтологик даврларда яшаган неантроплар худди не-эндерталлар каби форларда яшаган. Улар яшашиб жойи учун дараҳт ёғочларидан фойдаланганлар, ҳатто Сибир худудларида яшаган одамлар тош плиталаридан уй-жойлар курганлар, деворларга турли ҳайвонларнинг расмларини чизганлар. Ит уйга ўргатилган.

Кроманонлар ва шу даврда яшаган бошқа одамларнинг юқори асаб системалари ҳозирги инсонлар асаб системасидан фарқ қиласидан. Шу даврда одам қиёфаси, унинг ички ва ташқи кўриниши механизmlари биологик жиҳатдан ривожланиб бўлган. Антропогенез омиллар одамни ривожланишига бошқа таъсир қилмайди.

Инсонни биологик ривожланиш эволюцияси тұхтайди. Инсон иккі күлли, тик юрадиган, иккі оёқли, аниқ сұзлаш, фикрлаш қобилиятiga эга бўлиб, ўз атрофини ўраб турган мұхитни сезади, билади ва унга мослашиб яшайди.


Қадимги инсонлар ўзи яшаб турған табиатдаги турли хавфли йиртқич ҳайвонлар, касалликлар, очлик, иссиқ ёки совуқ күнлар, ёғингарчилик, қурғоқчилик, жонзотлар териларидан устки кийим қилиш, тошдан олов чиқариш, сув тошқынлари, шамол, довул-қорлардан сақданиш учун горларга кириш, уйқудаги айиқларни ўлдириш, форцеворларига суратлар солиши каби жараёнларни босиб ўтган.

Шу жараёнларда инсонлар тұп-тұп, гурух-гурух бўлиб яшашган ва бу ҳолат жамоани, жамиятни шаклланишига олиб келади. Иккинчи томондан Нуҳ пайғамбарнинг ўғиллари Сом, Хом ва Ёғасдан ер юзининг турли ҳудудларига тарқалған одамзод авлодларидан турли ирқлар юзага келади.

Хар бир ирқнинг вакили: бўйи, оғирлигиги, юз кўрининиши, кўз ва сочларининг ранги каби белгилари билан бир-биридан фарқланадилар. Бу белгилар айрим-айрим одамларгагина хос бўлмай, балки бутун бир ҳудудда яшайдиган жамият аъзоларига хосдир.

Ҳозирги кунда 5 та ирқ вакиллари аниқланган. Улар: европеоидлар, монголоидлар, негронидлар, австралийцлар ва Шимолий Америка ҳиндулари (24-расм).

1. Европеоидлар –
тўғри ёки тўлқинсиз-
мон, кўп ҳолда очиқ
рангли сочлилар, со-
қол ва мўйловлари



24-расм.

Инсонларнинг асосий ирқлари: 1 рус; 2 монгол;
3 африкалик; 4 австралиялик; 5 Шимолий
Америка, Ҳиндосиё.

қалин, юзлари чүзинчөк, қирра бурунли, бурун унча кенг эмас. Бурун тешиклари, бир-бирига параллел жойлашган. Күзлар горизонтал ҳолда жойлашган, киприкли, юз сүякларининг пешона қисми текис, олдинга чиқмаган. Лаблар юмшоқ, қалин эмас. Ҳозирги кунда европеоидлар Ер юзида кенг тарқалган ирқ, лекин, улар аваламбор Европа ва Кичик Осиёда пайдо бўлганлар.

2. Монголоидлар – уларниң соchlари қаттиқ, тўғри ва қора. Терилари қора-сариқ, соқол ва мўйловлари сийрак, юзи кенг – ялпоқ, ёноқлари бўртиб туради, мушаклари чиқиб туради. Бурни кенг, лаблари ўртача қалин, кўзлари тор, устки киприкли қаттиқ тери паstки қобиқ устига чиқиб туради. Бу ирқ асосан Осиёда тарқалган (Мўғилистон, Хитой, Корея, Япония).

3. Негроидлар – бу халқ жингалак қора сочли, териси жуда қора, кўзлари чақчайган. Соқол ва мўйловлари сийрак ёки қалин. Кўзлари кенг очилган, кўзни устки қоплаш териси юпқа, юз ривожланган. Юз сүяклари, ундаги яноқ қисми бўртиб туради. Лаблари қалин, бўртиб туради. Ҳақиқий негроидлар Африкада яшайдилар. Уларга ўхшаган одамлар дунёning ҳамма худудларида учрайди.

4. Австралийдлар – Австралия ва унга яқин оролларда яшайдиган қора танли, соchlари, мўйлов соқоллари қора, жингалак, қалин. Улар тиш тузилишлари, қон таркиби, томир йўлларининг тузилиши бўйича австралийдлар монголоидларга яқин.

5. Америнклар – Шимолий Америка ҳиндулари қирра бурун, қалин қора сочли, қош, соқол-мўйловлари қора, кўзлари катта, лаблари юпқа. Уларниң терилари қорароқ-буғдой ранг, меҳнаткаш, ботир, отни яхши кўрадиган инсонлар. Маълумки Жанубий Европа худудларининг аҳолиси қорачадан келган. Ўрта бўйли одамлар; Европанинг шимолий худудларида баланд бўйли малла соч ва кўк кўз инсонлар яшайдилар. Ер юзида ҳар хил ва монголоидлар, ҳаттоки американклар қўшилиб яшайдилар.

Ташқи кўриниши бўйича ветънамликлар бурятлардан, хитойликлар, қирғиз-қозоқлардан ажralиб туради. Ҳаттоки негроидлар ҳам бир-бирларидан фарқланадилар.

Антропологик маълумотларга кўра инсонларни бир қанча ирқлари мавжуд лекин энг кенг тарқалган ирқ – бу европеоид – монголоид типига оид инсонлардир.

23.1. ИНСОНЛАР ИРҚИННИНГ КЕЛИБ ЧИҚҚАН ЖОЙЛАРИ

Палеонтология ва антропология фанлари маълумотларига кўра инсонларни келиб чиқишида учта асосий йўл – тармоқ бўлган, яъни; а) негроид типига оид бош сүякларни Африкада топилиши; б) монголо-

ид гурухга мансубини Осиёда ва в) европоидларнинг топилишидир.


Ҳамма инсон ирқларининг умумий аждоди тахминан бундан 90-92 минг йил аввал яшаган. Шу вақтда ривожланиш йўналиши иккига бўлинади: катта монголоид (америндлар билан) ва европоид-негроидлар (австралоидлар билан). Шулардан Австралия қитъасига австралийлар тахминан бундан 50000 йил аввал келганлар ва улар ўзларида ўтмиш аждодларининг умумий белгиларини сақлаб қолганлар.

Европоид ва негроидларни бўлиниши тахминан бундан 40000 йиллар аввал юзага келган. Шу даврда крамононлар бош сүякларида австралоидлар бош сүякларининг белгилари бўлган. Австралоидларни ўз материкларига тарқалиши жараёнида Жанубий Ҳиндистон, Шри-Ланка, Индонезия ва Ҳинд Океани бошқа оролларда ҳам ўз изларини қолдирадилар.

Монголоидларга оид ирқга мансуб инсонлар гурухини ташкил бўлиши узоқ давом этади. Монголоид қиёфасига эга бўлган овчилар Осиёдан Шимолий кейин Жанубий Америкага кириб борадилар. Шу даврда миграция йўналиши бўлган, улардан америндлар ирқи юзага келади. Миграция йўналишидан палеоиндейски, бу йўналиш 40-70000 йил давом этган, эскалецтская йўналиши тахминан 9-14000 йил давом этган ва бу йўналишдан эскимослар ва алецтлар пайдо бўлишган.


Ҳозирги кундаги энг оғир муаммо бу инсон ирқлар бир ерда (моноцентризм) ёки бир-бираига боғланмаган ҳолда (полицентризм) чиқиб келиши муаммосидир (25, 26-расмлар). Олимларнинг фикрича инсонни ҳар бир ирқ неандертал ёки архантроплардан бошланади. Айтишларига қарангда одамнинг ақли тури табиатни турли жойларида пайдо бўлган. Бу жараёнда ҳар хил маймун турлари аралашмаган.

Одамни табиатда ривожланиш эволюция жараёни бир неча марта қайтирилса ҳам бир натижага, яъни инсонни пайдо бўлишига олиб келган ва бу жараёнда европоид ва негроидлар ривожланишида қадимий белгиларни аста-секин йўқотганлар.



25-расм.

Инсон ирқларининг моногенетик келиб чиқиши схемаси.



26-расм.

Инсон ирқларининг полицентрик келибчиқиши схемаси.

Хозирги вақтда инсон ирқларини бир ерда пайдо бўлган деган фикр бор. Негроидлар ва австралийдларни битта умумий экваториал ирққа бирлаштирадилар.

Габиатнинг турли ҳудудларида ҳалқларни дунёвий фан ютуқлари асосида тарқалиши, ривожланиши ва кўпайиши натижасида кўп ирқларни юзага келиши асосида Нуҳ Ефрасийгамбарни Сом, Хом ва Ёфас ўғиллари ва уларнинг авлодларини кўпайиши, тарқалиш қонунлари ётади. Шу авлодларни тарқалиши ва инсон ирқини юзага келиши бир-бирини тақозо киласди. Инсон ирқларининг юзага келиши Одам Ото > Шис > Ануш > Кайон > Нуҳ > Сом > Хом > Ёфас авлодлари орқали давом этган.

Инсонлар ўзларини ўраб турган табиий мұхитга, унинг омилларига ва уларни таъсирига мослашиб яшашида ирқ ва ирқлилигини роли йўқ. Чунки бир ирқ ёки гурӯҳ одамлар нам, ёмғирли ҳудудда бошқа гурӯҳ жазирама, яна бири қумли, шамолли жойда, айримлари қорли совуқ ҳудудда яшашган. Уларнинг умумий қиёфаси, тана ҳарорати ($36,6 - 37^{\circ}\text{C}$), юрак уриши ўзгармаган.

Баъзи табиий ҳудудларда яшаётган инсонларда айрим морфологик ўзгаришлар кузатилиши мумкин. Масалан, монголоидларни қийиқ кўzlари чанг ва қумли-бўронли ҳудудларда яшашга мослашган. Бундай ҳолатни африкалик негроидларда бўлиши ва калаҳара қумликларида яшайдиган бўшмениларда учратиш мумкин.

Яна бир мисол: Америка тропик ҳудудида жойлашган Бразилия ва Боливияни сирпоно қабиласи одамларининг териси қора, сочлари тўлқинсимон, ҳаттоки жингалак ҳам, бурунлари кенг, лабларини қалинлиги бу инсонларни мұхитга мослашишига ёки мұхит омиллари таъсирида пайдо бўлган эмас, балки қачонлардир қадимги инсонлар-

ни тарқалиши жараёнида одамлар генида сақланиб қолган генетик белгилардир. Бунга яна бир мисол: Тожикистаннинг тоғли Бадахшон (Помир тоғлари) худудида яшайдиган одамларни кўпчилиги ўрта бўйли, қирра бурун, сарик-малла сочли, тиллари форс-тохик тилига ўхшайди, фарқланади. Бу одамларни малла сочлиги Помирнинг оғир муҳит омиллари таъсирида келиб чиқсан эмас, балки Искандар Зулкарнайдан қолган сарбозлар авлодларининг генлариидир.

23.2. ИНСОННИ ТУРЛИ ЭКОЛОГИК МУҲИТЛАРГА МОСЛАШИШИ

Инсон жуда катта морфологик ва физиологик ўзгарувчанлик белгиларига эга. Бу бир томондан инсонни биологик яшовчанлигидан бўлса, иккинчи томондан инсонни ер юзига тарқалишида табиий муҳитни экологик омиллари таъсиридан ҳосил бўлган. Тарқалиш жараёнини ҳаракатлантирувчи асосий куч – турли тарихий сабаблардан энг асосийси бу инсонни янги экологик муҳитга мослашишидан иборат бўлиб, бу ҳолатда инсон организмида функционал ва биологик структура ўзгаришлар содир бўлади.

Инсондаги турли ўзгаришлар ва муҳитга мослашиш қобилиятлари унинг популяциясини ер юзини турли ҳудудларига тарқалиши оқибатида келиб чиқсан. Инсон турини, унинг ирқий ва турли қабилалар ареалларининг ҳар хил географик яшаш муҳитлари адаптация қилиши турли имкониятлардан келиб чиқсан, бундай ҳолатлар инсон туридаги, қўшимча мосланишларидандири.

Инсон экологик популяциясидаги маълум ўзгарувчанлик табиий муҳит омиллари таъсирида юзага келади. Маълум муҳитдаги популяциясини морфологик хислатлари адаптив характерга эга бўлиб, муҳитнинг комплекс омиллари таъсирига биологик реакцияси бу муҳитдаги популяция аъзоларини баркамолицини таъминлайди.

Адаптация хиллари инсонларни ирқий ва этник келиб чиқишлирига алоқаси йўқ. Келиб чиқиши ҳар хил бўлган инсон гурухлари иқлим шароитида бир хил мосланиш реакциясига эга бўлади. Турли яшаш муҳитларида бир-бирига генетик жиҳатдан яқин гурухлар эса морфологик кўринишларида фарқланади. Бу ҳолат атроф-муҳитни экологик омиллари таъсирида юзага келади.

Инсонларни морфофункционал белгиларининг бир хиллиги бўйича инсонлар тарқалган ўхшаш ҳудудлари бор. Масалан, арктик обиригенларидаги комплекс адаптив белгилар гипоксин ва паст ҳароратга Арктика ва юқори тоғ шароитида мосланишлардан келиб чиқади. Яна бир мисол, Сибирни континентал ва Қоракумни чўл шароитида яшайдиган инсонлар скелетини минерализация даражаси пастлиги кузатилади.

Инсонни мұхитта экологик мосланиши иккى хил: умумий мосланыш ва маҳсус мосланиш. Умумий мосланишда мұхиттің нокулайлигига организмни күчли қаршилиги жараёнида қон қуюқлашады ва унда иммунитеттік ортади, танәни суяқ-мушак массаси ортади. Маҳсус мосланиш реакцияси ҳар хил бўлиб бунда иссиқликни танада кўтарилиши ва тана юзасидан нисбий парланиш кузатилади. Инсонни мұхитта мосланиши бу тирик организмни мұхит омилларининг турли таъсирларига биологик реакцияси жавобидир, организмни мұхитга жавоби, мосланиши инсонни ирқий ва этник келиб чиқишиларига боғлиқ эмас.

Тропик зонада яшайдиган инсонларни мосланиш белгилари Ҳиндистонни европеоидлар, австралийцлар, Африканинг ерли аҳолиси, шимолнинг самлари, ненилар, чукчалар, эскимосларда бир хил мосланиш реакциялари аниқланган.

Комплекс мормофункционал ва ирқий диагностик мълумотларга кўра Шарқий Европа, Европа қисми, денгиз ва ҳаттоқи, Байкал орти ҳудудларида яшовчи руслар гуруҳига оид аҳолисининг юз ва бош тузилишлари жуда бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлиб, улар Байкал атрофида яшайдиган монголоид бурятлардан юз-бош, бурун, кўз, лаб тузилишлари бўйича кескин фарқланадилар. Мормофункционал комплекс белгилар тана ўлчами, оқсиллар даражаси, қондаги липидлар ва газ айланиши бўйича руслар бир-биридан фарқланадилар. Аммо, ҳудудий фарқига қарамай айрим белгилар бўйича бурятларга яқин туради.


Инсонларнинг географик зоналарга адаптация қилиш хиллари уларнинг бутун ривожланиши тарихи жараёнида юзага келган. Одамларнинг экологик популяциялари ўзларининг мормофункционал хислатлари бўйича анча ривожланган. Бу ҳолат уларни ер юзи бўйича гарқалиши натижасида кўпайиб борган.

Инсон гурухлари ўртасидаги белгиларни, айниқса, морфологик ўзгаришлари табиий зоналар бўйича қузатилади. Масалан, тропик зонани нам иқлим ва ҳароратни доимийлиги инсонларни морфо-физиологик ҳар хиллиги организмни текис ривожланишини таъминлаган.

Инсонларни ер юзи бўйича тарқалиши ва янги ҳудудларни эгаллаши натижасида янги адаптив белгилар юзага келади. Яъни тана вазнини ошиши, танани қалинлашиши, танадаги метаболизмни кучайиши ва физиологик ўзгариши юзага келади. Бу ҳолатлар тропик зонадан бошқа чўл, дашт, мўътадил зоналарга хос бўлади. Масалан, чўл зонасида яшайдиган одамларда бир томондан тана оғирлигини камайиши кузатилса, иккинчи томондан ёғни тўпланиши ортиб боради. Ёғ қатламларининг ортишини Австралия чўларида яшайдиган аҳолида ҳам кузатиш мумкин ва бу жараён юқори ҳароратли мұхитда танадан намликтин кам парланишига мослашганлигидан келиб чиқади.

Организмни муҳитга фаол мослашиши бу турни муҳитни танлаш қобилиятидан келиб чиқади. Бунинг натижасида юқори тезликда ўсиш, ривожланиш ва қўпайиши танада модда алмашиши даражасини ортиши, ҳаётий қисмларини аниқ бўлишига олиб келади. Организмни муҳитга пассив мосланишида ривожланиш ва энергетик жаёнлар пасайган бўлади.

Маълумки организм адаптация хислатлари уни онтогенетик ривожланиш жараёнида яшаш муҳитининг экологик омилларини таъсири натижасида организмни ўсиш, ривожланиш ва маълум экологик – жойга мосланиш даражаси аниқланади.



XXIV БОБ

ИНСОНГА ТАЪСИР ҚИЛУВЧИ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАРИ

Инсон ва унинг жамияти турли табиий омиллар таъсирини сезиб яшайди. Табиий иқлим омиллари – бу ҳарорат, уни йил ва фасллар бўйича ўзгариши, унинг оз ва кўплиги, софлиги ва ифлослиги, турор, унинг ҳосилдорлиги, кун ва туннинг алмашиб туриши каби экологик омиллар инсон ҳаёти учун ҳар дақиқа – ҳар куни керак ва ҳаётий зарур даврий омиллардир.

Шу кунлик экологик омиллар қаторида табиатда нодаврий, вақти-вақти билан кузатиладиган катта табиий кучга эга бўладиган, борлиқни парчалаб, ясон қилиб юборадиган, табиий оғатлар ҳам инсоннинг кўз ўнгидаги содир бўлади. Бундай оғатларга дарёларнинг тошиши, денгиз-океанлар тўлқинларининг 20-30 метрга кўтарилишидан, атроф майдонларни сув босиши, қирғоқларни юваб кетиши ёки ҳар 10-11 йилда бир қайтариладиган кургоқчилик ва унинг натижасида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини пасайиб кетишидан, инсонлар озуқасини йўқча чиқиши ёки ер қимирлашлари натижасида минглаб қишлоқ-шаҳарларни ясон бўлиши, бир неча минглаб инсонларни нобуд бўлиши, инсонларни руҳий ҳолатини бузилиши, ёки вулқонларни 3000-4000 м баландликка кўтарилиши ва атроф-муҳитга тарқалиб ер юзини қора чанг билан қопланиши, қайноқ оловли лавасини оқиши тўғри келган борлиқни куйдириб кетиши, ёки минг-минг гектар ноёб ўрмонзорларни ёниб кетиши, дараҳтлар билан бир қаторда қанча-қанча тирик жонзодларни нобуд бўлиши табиатга етказилаётган экологик оғат ҳисобланади.

Денгиз-океанларда юзага келадиган тайфун, тўфон Тинч, Хинд, Атлантик океанларда содир бўлади. Тўфонлар тезлиги 240-250 км•(соатга этиб), тўғри келган борлиқни ясон қилиб, шаҳар-қишлоқларни, дараҳту машиналарни афдариб, учириб, ҳамма жойни сув босиб, кўплаб инсонларни нобуд қилиб кетади. Табиатда момакандироқ, яшин, шарсизмон яшин каби табиий кучлар ҳам борлиқни афдар-тўнтар қилиб, айrim жойларда ёнгин чиқариб, аҳоли хўжалигига катта зиён келтиради.

Юқорида келтирилган табиий экологик оғат омилларга қўшимча сифатида инсонларни асосий озуқа манбаи бўлмиш қишлоқ хўжалигига етказилаётган турли заарларни келтириб чиқарадиган: ҳар хил зааркунда ҳашаротлар, замбуруғ касаллиги, чигирткаларни босиши каби ҳолатлар ҳам инсонларни ўтган ва келажак ҳаётидаги сезиларли экологик омиллар ҳисобланади.

Инсонлар ҳолатига доимий таъсир қилиб турадиган иссиқ ва совуқ

иқдимнинг ҳам моҳияти каттадир. Яъни Ўзбекистон шароитида ёзги 40 кунлик чиллада ҳарорат Тошкент шароитида кундуз қўёшда 45-50°С га кўтарилиса, тунда 28-30°С дан пастга тушмайди. Қишиллада эса ҳарорат 18-20-25°С бўлиб, жуда совуқ, Нукус ва Урганч худудларида қишики ҳарорат 25-35°С га тушади. Сибирда эса қишики ҳарорат -50-60°С бўлиб, шу худудларда яшайдиган инсонларга салбий таъсир кўрсатади.

Юқорида қайд қилинган табиий омиллар қадимги инсонлар яшаган даврларда ҳам бўлган. Ибтидоий одамлар тошлар, дараҳтлар орасида, горларда яшаб, биринчи бора оловни ёндиришни чақмоқ ва момақалдироқдан ўрганганд бўлса, ажаб эмас. Инсонлар гурух-гуруҳ, қабила-қабила бўлиб яшаган даврларида ҳам табиий экологик омиллар – иссиқ-совуқ, шамол, қор-ёмғир, дарё тошқинлари улар ҳаётига таъсир қилиб турган. Инсонларни ақл-идроқи ривожланиб тош-суяқ қуролларидан қилич-найза, ўқотар қуроллар, кейинчалик бомба-ракеталарга, уларни ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари қурилди, уларнинг чиқиндилари эса инсонни яшаш мұхитини ифлослантириб, ҳаётни, тирикликини ривожланишини пасайтириб юборган ва юбормоқда.

Инсон биринчи олов ёққандан ҳозирги жараёнга ривожланиб келгунга қадар 2-3 млн. йил ўтди. Бундан 30-45000 йиллар аввал эса ҳозирги замон одамларининг ҳақиқий аждодлари *Homo sapiens* пайдо бўлган. Инсон қайси даврда яшамасин, уни ҳаёт фаолиятини таъминловчи: озуқа, нафас олиши учун ҳаво, танани физиологик жараёнлари учун сув, яшаш учун жой керак бўлган. Инсон ўзини ҳаёт жараённанда яшаб турган мұхитга ўз таъсирини ўтказиб келган. Мұхитта аста-секин писита, ёнғоқ пўчоқлари ташлашдан бошлаб, ўз атрофини ифлослантирган. Инсонларнинг катта-кичик қабилалари сўнгра уларнинг қишлоқ-шаҳарлари аҳолиси мұхитни етарли даражада ифлослантириб, мұхит экологик ҳолатини ёмонлаштиришни тезлаштирганлар.

24.1. ИНСОННИ ЯШАШ ЖОЙИННИГ ОМИЛЛАРИ

Инсонни яшаш жойи – бу физикавий, кимёвий, биологик ва ижтимоий омиллар йиғиндинисидан иборат бўлиб, шу экологик омиллар таъсирида инсон ўз ҳаёт-фаолиятини ўтайди, яшайди, ишлайди, ҳаракат қиласди. Инсонни яшаш жойи, иш хонаси ва уни ўраб турган мұхитдаги экологик омилларга қўйидагилар киради, яъни:

1. Микроиқлим, мұхитни турли даражада радиацион нурлар чиқарилиши, уни иссиқ-совуқлиги, УБН, акустик шовқин, вибрация, электромагнит нурланиш, сунъий ёруғликдан фойдаланиш.

2. Атмосфера ҳавосининг таркиби ундаги заарарли кимёвий моддаларнинг миқдори, иш жараённанда турли ускуналардан чиқадиган газ ва кимёвий моддалар, синтетик бирикмалар, бўёқлар.

3. Мұхит, иш жойи ва инсон танасидаги турли заарарлы патоген микроорганизмлар, уларни иш жойлари, усқуналар устида, ҳаво, сув ва озуқада, ҳаттоты, қофозли ва танга пуллар устида ҳам бўлиши.

4. Инсонларни ишлаш шароити, унинг ҳажми, шакли, ҳаво алмашиши, шовқини ва ҳаво намлигининг даражаси уларни ишловчилар ҳолатига таъсири, санитар-гигиеник шароит.

Кўрсатилган сунъий экологик омиллар ҳозирги замонда яшаётган ва иш фаолиятини олиб бораётган инсонларга таъсир қилувчи экологик омиллар сифатида қаралади. Шу экологик омилларни даражаси турли мұхитда (очиқ жой, қышлоқ, дала ёки шаҳар- завод) турли кенглиқда ўзгариб туради ва инсонга турлича таъсир қиласи.

24.2. ИНСОН ОРГАНИЗМИ УЧУН ЗАРУРИЙ БИОЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР

Кислород. Инсон организми нормал функцияси учун зарурий ва танада модда алмашиниб туриши, нафас олиши, танада газ алмашиниши учун қанча тоза ҳаво зарур. Ташқи нафас олишда O_2 ва CO_2 алмашинади. Ҳаво йўллари (бурун – томоқ – ўнгач – ўпка) орқали ҳаво қон томирларига тарқалади. Ҳар бир литр ютилган O_2 кислороддан тахминан 5 ккал ажралади.

Инсон бир кунда (тинчлик вақтида – 300 литр (15 ккал), иш фаолияти даврида 1000 л (5000 ккал) кислород сарф бўлади. Енгил иш жараёнинда 650 литр (3250 ккал) кислород сарфланади ёки 1 дақиқа 15-20 литр, нафас олиш учун дақиқасига 0,45 л кислород сарф бўлади. Инсон кислородсиз 3-4 дақиқа яшайди.

Сув. Сув организм учун ҳаётий омил, тананинг 70 фоизи сувдан иборат. Сувсиз инсон 4-5 кун, озуқасиз эса 50-60 кун яшайди. Танада 5 фоиз сув камайса инсонни боши айланади, 10 фоиз камайиши ўлимга олиб келади. Инсонни нормал фаолият олиб бориши учун бир кунда 2,5 л сув керак, шундан: 1,2 л – ичимлик суви, 1 л озуқасовқатлар орқали, 0,3 л – метаболитик сув, танада модда алмашинишидан ҳосил бўладиган сув.

Танадаги сув балансини бош мия бошқаради. Сувни танадан чиқиши ичак-ошқозон, буйраклар орқали юзага келади. Ортиқча сув сийдик сифатида (1,3 л/кун) чиқариб юборилади. Сийдик таркибида: мочевина, шавел кислота-тузлари, сийдик кислотаси, пигментлар бўлади. Танадаги сувнинг қолган қисми (600 мл/кун) терлаш жараёнинда чиқади. Инсоннинг тер суюқлигига тахминан 270 модда аниқланган. Шулардан: сув 98 %, хлор натрийси 0,8, мочевина 0,5, аммиак 0,01 % ва бош. Тана оғирлиги сув ҳисобига 20 %га камайиши ўлимга олиб келади.

Озуқ ва озук моддалар, маълумки инсон озуқасиз ҳаёт фаолия-

тини ўта олмайди. Инсон учун қувватли, сифатли озуқа керак. Озуқа маҳсулотларнинг таркибига оқсил, ёғ, углерод ва турли минерал моддалар киради.

Оқсиллар табиий 20 дан ортиқ аминокислоталар бирикмасидан иборат бўлиб улардан 8 таси алмаштириб бўлмайдиган триптофан, лейцин, изолейцин, валин, треоний, лизин, метионин, фениламин каби аминокислоталардан иборат. Инсон организмини шу аминокислоталарга кунлик талаби 31 г га тенг. Инсон тирик ҳужайрасидаги оқсиллар ҳужайра оғирлигини 10-20 % га тенг.

Ёғлар мураккаб бирикмалардан иборат бўлиб, улар энергия тўпловчи ҳисобланади. Ҳайвон ёғлари тўйинган стеарин, пальмитин, ёғ каби кислоталардан иборат. Ўсимлик ёғлари тўйинмаган олеин, линолев, линолен каби кислоталардан иборат бўлиб, улар танада ёғ ва энергия алмашинишида катта рол ўйнайди. 1 г ёғни парчаланишида 3.3 ккал иссиқлик ажралади.

Углеродлар – органик бирикмалар бўлиб, уни таркибига водород, углерод ва кислород кириб, ноорганик моддалардан (H_2O , CO_2) фотосинтез жараёнида ҳосил бўлади. Углеродлар қанд ва крахмалдан иборат бўлиб, қанд асосий озуқа бўлса, краҳмал-танада сув балансини нормаллаштиради ва ошқозон фаолиятини яхшилади. 1 г углеродни парчаланишидан 4,2 ккал иссиқлик ажрайди.

Минерал моддаларнинг инсон танаси учун асосийлари фосфор(1,6 г/кун), натрий (6г/кун), калий (3 г/кун) хлоридлар (6 г/кун) ва бошқа микроэлементлар (темир, кальций, хром ва бош.) улардан ташқари турли витаминлар гурухлари (A_1 , B_1 , B_2 B_6 , B_{15} , С, Рр). Улар танада ферментлар, гормонларни ҳосил бўлиши ва турли биокимёвий жараёнларни тезлашиши учун зарур. Танани витамин С га кунлик эҳтиёжи – 70 мг/кунга тенг.

24.3. ИНСОН ҲАЁТ ФАОЛИЯТИНИНГ ЧИҚИНДИЛАРИ

Инсон ҳаёт фаолиятида ўз танасидан турли хил чиқиндилар чиқаради. Уларга нафас чиқариш, сийдик, тер, ювиши суви, ичак газлари, туфик, соч-соқол, тирнок, терини тушиши ва тери ёғлари.

Инсон кундалик ҳаёт фаолиятида эса тубандаги қолдиқ-чиқиндиларни чиқаради, яъни: истеъмолга яроқсиз биомасса (картошка, сабзи, пиёз қолдиғи), озиқа қолдиғи, турли қофоз ўрамлари, салфетка, банка, қаттиқ қолдиқлар (сүяқ), фильтрлар, кийим-кечак, майший ва ишлаб чиқариш чиқиндилари. Юқоридагилар инсонни бутун ҳаёти давомида кузатилади.

Инсон физикавий ва биоэкологик ҳаёт фаолияти натижасида мұхитга турли хил ва кўп миқдорда чиқиндилар чиқаради ва улар инсон яшаб турган мұхитни ифлослайди. Ифлос чиқиндилар, ўз навба-

тида, инсонни экологик ҳолатига таъсир қилади, турли касаллик-марни көлтириб чиқаради (3-жадвал)..

3-жадвал

Физикавий ифлосланиш	Кимёвий	Биологик
Иссиклик Шовкин Электромагнит Ёргүллик, коронгиллик Радиоактивлик Шахталар Қурилиш Космик	Аэрозоллар Кимёвий моддалар Оғир металлар Пестициллар Гласмассалар СПАВ Кимёвий заводлар	Биоген моддалар Микроорганизмлар Чорвачилик Қишлоқ хұжалиги Үрмөнчилік Озуқа маҳсулотлари Сүв бойлеклари Түпрөк, үсімлик, хайвонлар

Инсон мұхитини ифлосланиши – бу мұхитда аввал бўлмаган турли физикавий, кимёвий, биологик агентларнинг ортиқча пайдо бўлган ва уларни мұхитдаги тирик жонзодларга, шу жумладан, инсоннинг биоэкологик ҳолатига салбий таъсир қилишидир. Мұхитда пайдо бўлган, ортиқча ифлословчи агентлар табиий мұхитни экологик баракарорлигини бузади. Фойдали жонзодлар ривожланиш жараёнлари пасайиб, зарарли мавжудотларни тез қўпайишига олиб келади.

24.4. ИНСОН МУХИТИНИ РАДИОАКТИВ ЧИҚИНДИЛАР БИЛАН ИФЛОСЛАНИШИННИГ ЭКОЛОГИК ОҚИБАТЛАРИ

Табиий мұхитни ифлосланишига асосан инсонни хұжалик фаолияти-антропоген омил сабабчи бўлади ва бу омил асосидаги ифлосланиш табиий ифлосланиш даражасини қўпайтиради. Табиий мұхитни ифлосланишининг энг хавфлиси – бу катакстрофик ифлосланиш бўлиб, ү ҳарбий саноат ва ҳарбий ҳаракатларда атом бомбаларини қўллаш натижасида келиб чиқади. Масалан, 1945 йили АҚШ томонидан Япониянинг Хиросима ва Нагасаки шаҳарларига атом бомбасини ташланиши ёки 1986 йилги Чернобил АЭС аварияси катакстрофик ифлосланишга мисол бўлади. Сабаби атом бомбаси қўлланышидан иккита катта шаҳар яксон бўлган. 100 минглаб кишилар ҳалок бўлган. Жуда катта ҳудуд радиоактив моддалар билан ифлосланган. Чернобил АЭС авариясида эса инсоният тарихидаги заминий экологик ҳалокат бўлиб, ундан атмосферага чиқсан радиоактив маҳсулотлар 77 кг га тенг бўлган. Хиросимага ташланган атом бомбасида ҳаммаси бўлиб 740 г радионуклидлар ҳавога чиқсан, Чернобилдан атмосферага чиқсан радиоактив модда 1000 баравар ортиқ бўлган. Шу радиоактив моддалар станциядан 300-400 км радиусида тарқалган. Радиоактив моддаларнинг 70 фоизи Белоруссия ҳудудига туш-

ган, радиоактив моддалар таркибига 30 дан ортиқ радионуклидлар кирган, уларни ярим парчаланиши 11 соатдан (криптон – 85) 24100 (плутоний-239) йилга тенг.

Радиоактивлик энг кучли ифлосланиш 30 км реактор атрофида бүлган, Чернобил АЭС авариясидан кейин Европанинг катта қисми, асосан Польша, Руминия, Финляндия, Швеция, Венгрия, Австрия, Туркия каби давлатлар худудлари радиоактив булутлар билан қопланған. Шу ердаги мұхитда радиоактив ифлосланиш кузатилған. 1986 йилнинг ўзіда радиоактив ёмғирлар Кавказ худудларига тушған.

Чернобил АЭС аварияси натижасыда унинг атрофидаги 144000 гектар қышлоқ хұжалик ерлари ва 492000 гектар үрмөнлар узоқ вақт хұжаликга яроқсиз бүлған. Бу авариянинг содир бүлганига 20 йилдан ошганига қарамасдан уни кучли салбий таъсири ҳамон сезилмоқда. Инсон саломатлиги учун энг хавфли радиоактив модда – бу йод – 131 бўлиб, у инсон қалқонсимон ҳалқум безларида тўпланади, радиоатив моддаларни тўпланиши 40 кл/ка дан ошганда бош оғриғи, оғизнинг қуриши, нимфо бўғинларнинг катталаниши, ўнгач ва қалқонсимон безлар саратони, анемия, юрак-қон томирлари, ўпка юкумли касалликларини кўпайиши, туғилишни камайиши кузатилади.



XXV БОБ

ИНСОН ЯШАШ МУҲИТИНИНГ ИФЛОСЛАНИШИ, УНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ

Инсон организми кўплаб табиий-физикавий оғирлик таъсириларини кўтаради, енгади, чидайди. Физикавий оғирлик ҳаддан ошиб кетганда инсон организми ҷарчаганини сезади, бутун тана унинг ақл-идроқи, мушаклар кучи ҷарчайди ва ортиқча ишлаш фойда бермайди. Шу жараёнда танада сув, озуқа ёки ҳавони етишмаслиги сезилади. Бу омиллар инсонни чидамлилик даражасини камайтиради. Муҳитни экологик ҳолати ўзгарса, организмга керакли омиллар вактида берилса инсон организми тез фурсатда ўзини нормал экологик ҳолатини тиклаб олади. Иш фаолияти яна яхшиланади.

Инсонни табиий экологик муҳити у ердаги ҳар қандай физикавий оғирлик инсонни эмоционал безовталашибиради, ўйлаб ишлашга, ўзи билан муҳит омиллари ўртасидаги муносабатларни аниқлашда ва уларга (шамол, ёғин, иссиқ-совуқ ҳарорат, ер силкиниши, сув босиши ва бошқ.) жавоб топади, чора-тадбирлар кўради. Инсон ўзини бутун ақл-заковатини ишга солиб, ёмон экологик ҳолатдан чиқишига ҳаракат қиласди.

Ҳозирги кунда турли саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалигини тез суръатлар билан тинимсиз ривожланиши инсонни яшаш муҳитини ҳамма жойда ва ҳар томонлама ифлосланишига олиб келди.

Муҳит компонентлари атмосфера, сув ва тупроқни ифлосланиши – бу инсон муҳитини – унинг ҳавоси, суви, озук етиширувчи тупроғини ифлосланиши ҳисобланди.

25.1. ИНСОН ЯШАШ МУҲИТИНИНГ ЭКОЛОГИЯСИ

Инсонни нормал ҳаёт фаолияти учун атмосфера ҳавосининг босими 760 мм сим. үс. ҳаво таркиби эса: азот 78%, кислород 21%, аргон 0, 93%, CO_2 0,3-0,5 гача бўлиши керак.

Инсонни нафас олиши учун ҳаводаги кислород миқдори 18 фойиздан кам бўлмаслиги керак. Агар ҳавода кислороднинг миқдори 40 фойизга етса муҳитда ёнғин бўлади. Муҳитда кислород етишмаслигини танасида гипоксия ҳолати (бош айланиш, ҳавони етишмаслиги, ҳолсизлик) кузатилиади. Инсон танаси ва уни тўқималарida кислородни минимал артериал босими: трахеяларда 150 мм симоб устуни, алвеолларда 105, қон томирларida 90, капилляр томирларда 20, ҳужайралараро суюқликларда эса 5 мм симоб устунида бўлиши керак. Шу кўрсаткичлар муҳитда ва танада камайса, кислород озлиги-етишмаслиги кузатилиади.

Атмосфера ҳавосини ифлосланиши табиий мұхитда экологик хав-ғизликтін көлтириб чиқаради. Ҳавони түрли зааралы моддалар билан ифлосланиши натижасыда инсонни нафас йүлләри заһмланади.

Атмосфера ҳавосини ифлословчи асосий манбалар – бу түрли саноат корхоналари, завод-фабрикалар, иссиқлик электрстанциялар, газ ва нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш, қурилиш, цемент гайёрлаш корхоналари, тепловоз ва автотранспорт бирлашмалари инсон мұхитини экологик ҳавфли ифлословчи манбалар ҳисобланади. Манбалардан ҳавога чиқарылған заһарлы ва зааралы газлар, майда заррачалар, тутун, ҳавфли кимёвий моддалар қаерда бўлишидан қатъи назар инсонни экологик ҳолатига салбий таъсир қилаади.

Ўзбекистон Республикасининг йирик шаҳарлари ва уларда жойлашган ҳаво-саноат корхоналари атмосфера ҳавосининг ифлословчи асосий манбалар ҳисобланади (Миллый маъруза..., 2006 йил).

4- жадәвап

Ўзбекистон Республикаси бўйича ифлослантирувчи моддалар миқдори (минг тонна, 1999-2004 йиллар)

Йиллар	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Стационар турғун майдонлар	776,9	755,5	711,8	729,4	672,6	646,5
Харакатланувчи манбалар	1520,0	1593,0	1583,5	1453,0	1348,6	1310,9
Жами	2296,9	2348,5	2250,3	2182,4	2021,1	1957,4

Мұхитни ифлословчи асосий компонентлардан олтингүргүт оксиди (41, 2%), углеводородлар (21,9%), қаттиқ моддалар (16,5%), азот оксидлари (9,1%) кабилар киради. Кейинги йилларда (2000-2004) ҳавода ифлословчи моддалар сақловчы ва инсонга салбий таъсир чегарасидаги концентрацияси 1 дан 3.3 гача шаҳарларга:

Чанг бўйича: Андижон, Бухоро, Когон, Кўқон, Навоий, Нукус, Олмалиқ.

Азот диоксиди: Фарғона, Навоий.

Аммиак: Андижон, Навоий, Фарғона, Чирчиқ.

Фенол: Ангрен, Фарғона.

Озон: Ангрен, Чирчиқ, Бекобод, Навоий, Нукус, Чирчиқ, Фарғона.

5-жадвал

Ўзбекистон Республикасида асосий тармоқларнинг ифлословчи моддаларни чиқариш миқдори (минг тонна)

Асосий тармоқлар	1999	2000	2001	2002	2003	2004
Энергетика	259,264	255,474	211,310	229,475	210,636	200,224
Нефт-газ саноати	259,027	241,253	247,842	222,371	192,972	186,884
Металлургия	118,224	123,585	120,997	119,842	121,556	130,463
Коммунал хўжалиги	31,843	27,025	32,871	59,571	50,186	43,456
Кимё саноати	18,947	20,013	18,000	16,723	17,565	18,555
Қурилиш саноати	32,966	27,569	27,520	22,382	19,579	20,460
Жами	776,952	755,519	711,841	729,477	671,577	646,520

Юқорида келтирилган жадвалда халқ хўжалигининг асосий тармоқлари томонидан инсон муҳитини ифлословчи моддаларнинг олти йиллик миқдори келтирилди. Улар 1999 йили 776,952 тоннадан 2004 йили 646,510 тоннага тушган. Муҳитни асосий ифлослантирувчи моддалар қаттиқ чанг заррачалари, олтингугурт оксиди республика бўйича 2004 йили 126,38 минг тонна, углерод оксиди эса 2964,0 минг тонна атмосфера ҳавосига чиқарилган.

Нефт-газ саноатининг тургун манбаларининг умумий ташламаларининг 82,2 фоиздан кўпроғи ва умумий ташламаларнинг 29 фоизи атмосферага чиқарилади. Металлургия саноатининг барча тургун манбалари чиқиндиларининг 15 фоизи атмосферага чиқарилади.

Оҳангарон, Навоий, Бекобод, Бухоро қурилиш ва цемент ишлаб чиқариш саноати – асосий чанг чиқарувчи манбалар бўлиб, уларни атмосфера ҳавосини чанг билан ифлослаш даражаси санитар-гигиеник меъёrlардан 2 баравар ортиқ. Кимё саноати Олмалиқ, Андайжон, Кўқон, Навоий, Фарғона, Чирчик, Самарқанд шаҳарларига жойлашган, улардан чиқадиган ифлословчи моддалар – аммиак, фторли водород, азот оксиди ва фенол. Уларни ифлословчи даражаси 2002-2004 йиллари нормадан 2-2,3 баробар ортиқ бўлган.

Республика бўйича 2004 йили кўчма манбаларни ифлослаш даражаси 67 фоизни ёки 1310,9 минг тонна модда атмосфера ҳавосига ташланган. Асосий ифлословчи манба – бу автотранспорт ҳисобланади. Баъзи маълумотларни келтириб ўтамиз. Масалан, 1987 йили Республика бўйича азот оксиди чиқиндиси 371,8 минг тоннани ташкил этса, 2004 йили 205 минг тоннага ёки 82,1 % га камайган.

Республика бўйича атмосфера ҳавоси сифатини яхшилаш, инсонларнинг яшаш муҳити тозалигини сақлаш борасида катта ишлар

амалга оширилмоқда (Миллий маъруза..., 2006).

Марказий Осиёда атмосфера ҳавоси ва шу ҳудудни ер-сув, ўсимлик, ҳайвонлар ва инсонларни заҳарлаган ва заҳарлаётган Тожикистон алюминий заводи 1975 йили ишга туширилган. Завод фаолиятидан Сариосиё, Узун, Денов туманларининг 570000 дан ортиқ аҳолиси жабр кўрмоқда. Заводни атмосферага заҳарли моддалар чиқарилишининг умумий миқдори 1988 йили 37,456000 тоннадан 2002 йили 21,613000 тоннага қамайтирилган. Шу жумладан, энг заҳарли фторли водород 1342, 6 тоннадан 692,6 тоннага қамайтирилган. Фторли бирикмалар тупроқ, сув ва ўсимликларни 100 км гача масофада заҳарлаган. Фторни таъсир ҳудуди оқ қўнғир тупроқда 360 мг/кг тўпланганлиги аниқланган. Фтор бирикмалари муҳит экологиясини ёмонлаштиради, озуқа занжири бўйича: завод – ҳаво – сув – тупроқ – ўсимлик – ҳайвон-инсон танасига келиб тўпланади. Экологик ҳолат фторли бирикмаларни инсон танасида тўпланиши натижасида турли сурункали касалликлар юқори нафас йўллари, бронхит, қон ва қон айланиш органлари, эндокрин тизими, ичак-ошқозон, жигар-буйрак, оёқ-қўл бўғинлари, асад тизими ишдан чиқади. Тишлар тўкилачи, оёқ суяклари эгилувчан бўлиб қолади.

Бундай ёмон экологик ҳолатлар хўжалик ҳайвонларида ҳам кузатилади. Яъни тишларни қорайиши, қимирлаши, тушиши, милкларни қонаши, бош суяқ анамалияси, бўғинларни заарланиши, дум, умуртқа суякларини юмшаб кетиши, ҳайвонлар ўз таналарини кўтара олмаслиги, флюороз ва остеодистрофия ҳолати аниқланган.

Мевали дарахтлардан: хурмо, ўрик, олма, анор, шафтоли, узум, тут; донли ўсимликлардан: буғдой, маккажўхори; сабзавотлардан: камрам, бодринг, томат, баклажон, булғор қалампири фтор чиқиндила-ри билан сурункали заҳарланган. Ўсимликлар баргларида хлороз, не-кроз касаллиги кузатилган. Барглар тез қуриб қолган, фойдали моддалар миқдори қамайган, ҳосилдорлик 3-4 баравардан ортиқ қамайган. Мева пуч, шарбатсиз бўлиб, фтор миқдори 61 мг/кг, узумда 21-37 мг/кг, ўрикда 122 мг/кг тўпланган. Меваларда фторид бирикмаларни мумкин бўлган миқдори 10 мг/кг бўлган ҳолда узум, шафтоли, анор, ёнғоқ баргларида 70-180 мг/кг гача тўпланган. Шу баргларни ҳайвонлар ейиши орқали уларга, улардан инсонларга озуқа йўли билан ўтиши, гўпланиши кузатилади ва юқорида айтиб ўтилган касалликларни келтириб чиқаради. Баргларни ёқишидан атмосфера ҳавосида углерод оксиди, азот ва олтингугурт оксидлари, қўроғшин, ванадий, кул зарралари фенол, чанг ҳамда тутун ҳосил бўлади.

Курилиш саноатидан эса – чанг, цемент, гипс, асбест, асфальт кабилар ҳаво орқали нафас йўллари ва ўпкани заарлантариади. Инсонни экологик муҳити бузилади, ифлосланади, натижада турли касалликлар келиб чиқади.

25.2. ИНСОННИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИГА СУВНИНГ ЗАРУРЛИГИ

Сув инсоннинг ҳаёт манбай. Сув ёрдамида инсон танасида бутун биологик жараёнлар бўлиб ўтади. Сув инсон саломатлигининг асоси-дир. Сувнинг асосий массаси (99,73%) H_2O^{16} молекуласидан иборат. Ифлос ва ифлосланган сув эса ўзининг сифати ва таркиби билан инсонни экологик ҳолати учун кони зарар ҳисобланади.

Ўзбекистонни асосий ер усти оқар ва истеъмол учун яроқли сув манбалари бу Амударё ва Сирдарё ҳисобланади. Уларнинг кўп йиллик умумий оқими $115,6 \text{ км}^3$ ни, яъни Амударё ҳавzasида $78,45 \text{ км}^3$, Сир-дарё ҳавzasида эса $37,14 \text{ км}^3$ сув ҳосил бўлади. Шу сувлар қишлоқ хўжа-лиги, коммунал талаблар ва турли саноат корхоналари учун сарфланади ва улардан турли даражада ифлосланган оқава сувлар ҳосил бўлади.

Мавжуд сувларни ифлосланиш индекси (СИИ) уч гуруҳга бўли-нади, яъни:

1-гуруҳ. Тоза сувлар, бу гуруҳга Чотқол, Угом, Оқтошсой, Қизил-ча, Тонхоз, Асу каби дарёларнинг суви киради.

2-гуруҳ. Чимгансой, Чирчиқ, Сурхон, Қашқа ва Сирдарёнинг бош-ланиш қисмларининг сувлари ўрта меъёр ифлосланган сувлар ҳисоб-ланади.

3-гуруҳ. Ифлосланган сувларга Чирчиқ, Сир, Қашқа дарёлари-нинг ўрта ва этак қисмлари киради.

Амударё сувининг кимёвий таркиби, Туркманистон ва Ўзбекис-тон ҳудудларини қишлоқ хўжалик оқава сувларини ташланишидан дарё сувининг ифлосланиши шаклланади. Амударё суви Термиз шаҳ-ри атрофида СИИ бўйича 2-даражада, бошқа пастки оқимлари эса 3- ўрта меъёр ифлосланган сувларга киради.

Сирдарёни ҳосил қилувчи Қорадарё суви СИИ бўйича 3-ўрта ифлос сувларга киради. Сирдарёнинг сув сифати СИИ бўйича ўрта оқимӣ меъёри ифлос. Дарёнинг этак қисмининг суви ифлос сувларга киради. Шундай ифлосланган сувдан Қозогистоннинг Қизилурда вилояти аҳолиси, айниқса, Қазали ҳудудидаги аҳоли фойдаланади. Аҳоли ўртасида турли сурункали касалликлар: камқонлик, гепатит, ошқозон-ичак, буйрак касалликлари кенг тарқалган.

Сирдарёнинг қўйи қисмида сув асосан шу дарё суви бўлиб, ундан вилоятнинг 286000 гектар ери сугорилади. Сугорилган ерларда кўплаб кимёвий моддалар ишлатиш ва зовур-коллектор сувларини тушиши натижасида Сирдарё суви Чордара сув омбори атрофида сувнинг ми-нерализацияси $1.5-2-2,2 \text{ г/l}$ га тенг бўлса, Қазали ҳудудида $2,5-4 \text{ г/l}$ га етади ва аҳоли ифлос ва шўрланган сувни истеъмол қиласди. Тоза ичимлик суви етишмайди. Қишлоқ жойларда жон бошига 10-15 л, район марказларида 17-25 л сув тўғри келади.

Сирдарё сувининг минерализацияси 1956-2000 йиллар давомида 500 мг/л дан аста-секин 1,5-2-,2,5-4 г/л гача кўпайган. Сувдаги хлоридларнинг миқдори 40 мг/л дан 225 мг/л га, сульфат 141 дан 740 мг/л га, нитрит 10 дан 20 мг/л га, нитратлар 2.3 дан 20 мг/л га, мис 10 баробар, темир 2-3 баробар ошган. Сувни истеъмол қилувчи Қизилўда аҳолиси ўртасида сил, хавфли ўсма касалликлари, ошқозоничак юқумли касалликлари, вирусли гепатит, юқори нафас йўллари касалликлари кўпайган.

С. У. Нуғисаевнинг (2002) маълумотига кўра, Қизилўда ҳудуди аҳолиси 1991 йили 1000 кишидан 436,8 нафари касалланган бўлса, 2000 йили касаллар сони 640,1 га етган. Аҳоли ўртасида юқорида қайд қилинган касалликлардан ташқари сийдик йўллари саратони шунингдек, болалар ва оналар ўлими кўпайган.

Бу ҳолатларни ҳаммаси Сирдарёнинг этак қисмida экологик ҳолатни жуда оғир эканлигини, аҳолини сақлаш ва уларнинг саломатлигини тиклаш чора-тадбирларини кўриш ўта зарур муаммо эканлигини кўрсатади (Эргашев Т, Эргашев А, 2006).

25.3. ЕР-ТУПРОҚНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИ

2001-2004 йиллар давомида республикада сугориладиган ерлар майдони 1,7 минг (0,04%) гектарга кўпайган. Сугориладиган ерлардан 1900 минг гектари пахта, фалла ва озуқа-ем экинлари майдони ноқурай тупроқ-иқлим шароитида жойлашган (Миллий маъруза., 2006).

Республика қишлоқ хўжалигида кимёвий моддалардан фойдаланиш кейинги 10-12 йил ичida З баробарга камайган бўлса ҳам илгарилари ишлатилган заҳарли кимёвий моддаларнинг тупроқни заҳарлаш-ифлослаш даражаси ҳамон сақланиб қолган.

Шундай ифлословчи моддаларга – хлорорганик пестицидлар (ДДТ), уларнинг метаболитлари (ДДЗ), изомерлар (ГХИГ), фосфорганик пестицидлар (фозалан фосфомид тиодан), гербицидлар (Трефлон, далалон) ва дефалиантлар (магний хлорити) кабиларнинг қолдиқлари ҳамон экин майдонларини заҳарлаб экологик ноқулайлик туғдирмоқда.

Республика ҳудудида 13 та кимёвий заҳарли моддалар қабристони мавжуд. Уларда 9 000 тонна атрофида ўта заҳарли моддалар – ДДТ, ГХИГ, бутифос, хлорофос, магний хлорат, проминат натрий, гербицидлар каби моддалар ва уларнинг идишлари кўмилган, аммо барча жойларда ҳам шу заҳарли моддаларни сақлаш чора-тадбирлари талабга жавоб бермайди. Қабристонларга яқин ерларда аҳоли томонидан уй ҳайвонларини боқиши, заҳарли моддаларни қазиб олиш, молларга сепиш ҳоллари учрайди. Бундай ҳолатлар жуда катта экологик хавф туғдирали. Аҳоли билар-бilmасдан ўз чорва молларини, улар-

нинг маҳсулоти – сути, гӯшти орқали ўзларини ҳам заҳарлаётганлигини билишлари керак.

2002-2003 йилларда олиб борилган назоратлар бўйича Хоразм вилояти Янгиариқ туманида заҳарли моддалар кўмилган ерлардан 500 метрдан 17 баробар ДДТ ва уни метаболитлари 30 баробар, коллектор сувида 7 баробар, Тупроққалъя тупроқларида ДДТ 35 баробар ортиқ бўлган (Миллий маъруза.., 2006, 76-бет).

Андижон вилояти Боғишамол масивида кўмилган жойларда ГХИГ нормадан 17 баробар, ДДТ 6 баробар, Сирдарё вилояти Мехнатобод тумани бўйича ГХИГ 14 баробар, ДДТ 30 баробар, Навоий вилояти Қизилтепа туманида ГХИГ 16 баробар, ДДТ 26 баробар, Самарқанднинг Нуробод туманидаги Сазган заҳарли моддалар кўмилган ерларда ДДТ 16,2 баробар, Сурхондарё вилояти Термиз тумани Наврўз заҳарли моддалар кўмилган жойда ГХЦТ ва ДДТларнинг миқдори нормадан 100 баробар ортиқ бўлган. Бундай салбий ҳолатлар Жиззах, Бухоро вилоятлари ерларида ҳам мавжуд.

Табиий муҳитни заҳарли кимёвий моддалар билан ифлослантирувчи потенциал манбалар: бу 467 та собиқ қишлоқ хўжалик аэродромлари: Андижон, Қашқадарё, Навоий, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ҳудудларида ва Қорақалпоғистон Республикаси ерларида жойлашган бўлиб, шу аэродромлардан қолган заҳарли кимёвий моддалар – хлорограник пестицидларни тупроқни заҳарлашибифлослаш даражаси нормадан 5 баробар ортиқдир (Миллий маъруза... 2006).

Ҳозирги кунда республика бўйича 15000 тоннадан ортиқ фойдаланилмаган, тўпланиб қолган заҳарли моддалар инсон муҳитини озука занжири бўйлаб ифлослаб: заҳарли моддалар-тупроқ-сув-ўсимлик-ҳайвон-инсон танасида тўпланиб уни экологик ҳолатини ёмонлашишига, турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

25.4. ЙИРИК САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ЧИҚИНДИЛАРИНИНГ ИНСОН ЭКОЛОГИК МУҲИТИНИ ИФЛОСЛАШИ

Ўзбекистон Республикаси жуда катта минерал хомашё захираларига эга. Ҳозирда 94 та минерал хомашёлар бўйича 850 дан ортиқ конлар очилган. Ер ости захиралари асосида 370 дан ортиқ нефт-газ корхоналари ва 300 га яқин ер ости ичимлик сув олиш қурилмалари ишламоқда.

Миллий маърузадаги (2006, 78-84-бетлар) маълумотлар бўйича Навоий вилояти республикада энг кўп кон қазиб олувчи бўлиб, бу ҳудудда 20 дан ортиқ конлар аниқланган. Шулардан 37 таси қимматбаҳо металл конлари, 16 та уран ва 12 та даволаш ер ости сув конла-

ри Самарқанд вилоятида 81 та кон бўлиб, шулардан 5 таси ноёб мегаллар, 28 таси умумий хомашёлардир.

Республика ҳудудида 30 дан ортиқ тошкўмир конлари бор. Улардан йириклари Ангрен, Шаргун ва Бойсун конлари фақат Ангрен тошкўмир захираси 1885 млн. тоннани ташкил этади. Республика эҳтиёжи 2-2,5 млн. тонна.

Ўзбекистонда ва унга чегарадош жойларда радиоактив уран рудасини қазиб олиш натижасида 150 га яқин радиоактив зарарланиш ҳудудлари аниқланган; радиоактив уран рудаси турли фойдали қазилмалар таркибида борлиги аниқланган. Масалан, Ангрен қўнғир кўмири конида 13 фоизга яқин табиий уран ва унинг маҳсулотлари кўмири ёқилганда радионуклидлар концентрацияси ортиб боради. Фосфоритлар қазиб олишда ҳам кам бўлса-да уран, торий, радий каби табиий радионуклидларни борлиги аниқланган.

Фосфоритларни мунтазам равишда қишлоқ хўжалиги экин майдонларида ишлатиш натижасида тупроқни, атроф-муҳитни радиоактив ифлосланишига: тупроқ-ўсимлик-унинг маҳсулоти-чорва моллари-инсон танасига ўтиб тўпланиши экологик озуқа ҳалқасининг қонунидир. Бу қонун асосида инсон муҳитини экологик бузилиши, ифлосланиши ўз йўлида, турли касалликларни келтириб чиқаради.

Маълумки, республикада энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё саноати ҳамда қурилиш объектлари ҳосил қиласиган чиқиндилар инсон экологик муҳитини ифлословчи асосий манбалардир. Ишлаб чиқариш ва истеъмолдан чиқсан чиқиндиларнинг йиллик ҳажми 100 млн. т дан кўп. Улардан 14 фоиз чиқинди заҳарли ҳисобланади.

Республикада Тошкент шаҳри йирик саноат маркази бўлиб, Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизини етиширади. Бу ерда авиаоззлик, фармацевтика, озиқ-овқат, электротехника, қурилиш каби саноат корхоналари мавжуд.

Тошкент шаҳрида йилига 700000 тоннага яқин майший ва 20 минг тонна атрофида саноат чиқиндилари тўпланади. Шу чиқиндилар юқ машиналари ёрдамида учта маконга – Оҳангарон, Зангиота ва Ҳасанбой полигонларига етказилади.

25.5. ЧИҚИНДИЛАРНИ ҲОСИЛ БҮЛИШИ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

Республика бўйича саноат чиқиндилари 1998 йили 13,5% бўлса, 2002 йили 38,8% га етган (Миллий маъруза, 2006, 6-жадвал).

б-жадвал

Ўзбекистон бўйича заҳарли чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, ишлатилиши ва аниқланиши, 2004 й.т ҳисобида

Вилоятлар	Ҳосил бўлган чиқиндилар	Қайта ишлаш	Чиқинди тўпланадиган жойга юбориш
ҚҚ Республикаси	8,483	0,600	7,700
Андижон	431,003		435,480
Бухоро	1772,073	455,953	120,255
Жиззах	636270,601	23,699	636501,814
Қашқадарё	1249,912	2,115	1519,434
Навоий	33629785,674	787370,028	32842307,959
Наманган	237,483	135,269	98,694
Самарқанд	839,774	12,350	151,977
Сурхондарё	8321,659	7104,077	199,264
Сирдарё	1650,899	2,753	102,378
Тошкент	1411668,332	8490,375	1467989,289
Фарғона	14602,122	434,872	9630,824
Хоразм	4,030		244,700
Тошкент шаҳри	20032,851	924,049	10757,527
Жами республика бўйича	35727474,902	204956,142	34970067,275

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, республика бўйича 2004 йили 3572747,902 тонна чиқинди тўпланган. Вилоятлар ичida энг кўп чиқинди (33629785,674 т) саноат корхоналарини энг кўп жойлашган Навоий вилоятида тўпланган.

Радиоактив чиқиндилар. Уранни қазиш ва ажратиб олишда уран ва унинг парчаланиш маҳсулотларида юқори даражада радиоактив қолдиқлар тўпланади. Шу чиқиндилар тўпланган жойлар табиий муҳитга ва шу атрофда яшайдиган аҳолига катта салбий таъсир кўрсатади. Масалан, Навоий шаҳри яқинидаги жойлашган Гидрометаллургия заводи (ГИЗ-1) чиқиндилар сақлаш омборининг майдони 630 гектарни ташкил этади. Дамба баландлиги 15 м, омбордан 1964 йилдан бўён фойдаланилади. У ерда 59,7-60000 т чиқинди мавжуд. Чиқиндиларни радиоактивлиги 90 кбк/кг, тўпланган дамбалардаги гамма-майдони 300-500 мкр/соатни ташкил этади. Қолдиқлар ерга сингиб, ер ости сувларига тушиши натижасида 1,5 км кенгликла сувни минерализацияси 2-3 баробар ошган. Сувда сульфат (SO_4^{2-}) ионлари,

хлор, темир, селен, марганец миқдори орган.

Навоий шаҳри атрофида ер усти муҳити ва ер ости сувларида экологик ҳолат жуда ҳам оғир. Шундай оғир экологик ҳолат Учқудуқ шаҳри атрофида 1961 йилдан бўён омборларда тўпланиб келаётган 3 млн. тоннадан ортиқ радиоактив уран рудалари чиқиндилигининг доза қуввати 10-400 мкб/соатга тент.

Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳудудидаги Янгиобод радиоактив руда майдони 50 км² га етади. У ерда тўплланган ифлос чиқиндилар ҳажми 500 минг м³ ни, гамма нурланиш эса 60-200 мкр/соатдан 1500 мкр/соатга етади.

Намангандар туманининг Чоркесар-1, Чоркесар-2 уран конлари радиоактив чиқиндилари гамма майдонининг кучи 300-40 мкр/соат; ёпилган шахталардан оқиб чиқадиган сувда заҳарли элементлар – бериллий, марганец, темир, алюмий мавжуд. Сувлар радионуклидлар: уран миқдори 23,4 бк/л, радон 1433 бк/л, радий 15,9 Бк/л бўилиб, нормадан 2-3 баробар ортиқ. Сув остидаги чўқмада умумий алфа 35-82 минг Бк/кг га етади.

Собиқ Иттилоғ даврида тоғ жинсларига ишлов берилишидан тўплланган турли заҳарли, радиоактив чиқиндилар омборлари Қирғизистоннинг Мойлисув, Қандалшай, Сумсар, Шакоптар, Дегмай ва ТожикистоннингFaфуров номли қишлоқлари ҳудудларида жойлашган. Шу обьектлар инсон муҳитини экологик ифлослаб, бутун тириклика хавф туғдирмоқда. Масалан, Андижон вилоятидан 30 км узоқликда жойлашган Қирғизистоннинг Мойлисув дарёси қирғоқлари бўйлаб жойлашган ҳажми 2,5 млн.м³ радиоактив чиқиндилар 23 та омбор ва 13 та балансланган рудалар тўпламида жойлашган. Улар минтақавий экологик фалокатни юзага келтириши мумкин. Яъни сел келиши, ер кўчиши натижасида радиоактив модда дарё ва Сирдарё сувларига тушиши мумкин ва 300 км² майдонда яшайдиган 1,5 млн. дан ортиқ аҳоли майдонни ифлослади. Экологик муҳитни санитар-гигиеник ҳолати бузилади (Мил. маъруза..., 2006, 80-84-бетлар)

25.6. ИНСОННИНГ ЯШАШ МУҲИТИ ОМИЛЛАРИНИ АҲОЛИ СОҒЛИГИГА ТАЪСИРИ

Юқоридаги бўлимларда атмосфера ҳавоси, сув ва тупроқнинг ифлосланиши, турли заҳарли кимёвий моддалар, радиоактив қолдиқлар билан инсон муҳитини заарланганлиги туфайли аҳоли соғлигини сақлаш муаммомларига алоҳида эътибор бериш зарур бўйлаб қолди. Сабаби кейинги ўн йилликда атроф-муҳит ҳолати ва аҳоли соғлигини ифода этувчи кўрсаткичлар яхши эмаслиги аниқланди.

Миллий маъруза (2006, 98-101 бетлар) маълумотига кўра 2004 йил давомида умумий касалланиш таркиби бўйича республиканинг

кўпчилик худудларида қон ва қон айланиш аъзоларини касаллиги биринчи ўринда. Шу жумладан, республика бўйича 23,07%, Қорақалпоғистонда 48,6, Тошкент шаҳрида 20%, Тошкент вилоятида 22,1 % ни ташкил этган. Хоразм вилоятида ошқозон-ичак касалликлари 2004 йили 18,54 %га етган.

Қон ва қон айланиш, нафас олиш органлари, ошқозон-ичак, эндокрин тизимлари, иштаҳа ва модда алмашувининг бузилиши, таносил касалликлари, жароҳатлар, заҳарланиш каби муаммолар жуда муҳим тиббиёт ва экологик масалалар ҳисобланади. Улардан ташқари турли саратон касалликлари ва айниқса, ҳозирги замон вабоси – СПИД ва ёшлар ўртасида кенг тарқалган наркомания жуда ҳавфли-тир (Т. Эргашев, А. Эргашев, 2007).

Онкологик касалликлардан – ошқозон, сут безлари, қизилўнгач, ўпка, тери саратонлари учрайди. Техноген омиллар таъсири натижасида турли микроэлементларни, шу жумладан, Йодни етишмаслигидан эндемик буқоқ касаллиги келиб чиқади. Эндемик буқоқ касаллигининг 2004 йилда энг кўп тарқалгани жойи – бу Самарқанд вилояти 13,3%, Сурхондарёда эса 11,2%ни ташкил этган; болалар ичida нафас олиш органларини касалланиши бўйича Андижон вилоятида 23,4%, Тошкент вилоятида 30,3% ни ташкил этса, аллергик полипоз касаллиги Навоий вилоятида 2,6%, Сурхондарёда 2,5, Сирдарёда 1,6, Фарғонада 1,5, Хоразм вилоятида эса 3,5%га етади. 2004 йилда астма ва астмага ўхшаҳ ҳолат 7,6 %ни ташкил этган. Касалликлар орасида қон ва қон ишлаб чиқариш органларининг касалликлари Қорақалпоғистонда 59%ни, эндемик буқоқ эса Сурхондарёда 98,1 %ни ташкил этади.

Аҳоли орасида энг кўп тарқалган тўртга касаллик даражаси кейинги йиллarda ўзгармай келмоқда. Шундай касалликларга: ошқозон-ичак, нафас олиш органлари, эндокрин тизими, иштаҳа ва модда алмашинувини бузилиши, қон ва қон ишлаб чиқариш органлари касалликларининг миқдор даражаси ўзгармай келмоқда. Бунинг асосий 'сабаби инсоннинг экологик яшаш мұхитининг , 'унинг компонентлари атмосфера ҳавоси, сув, тупроқнинг ифлослик даражасини юқорилигидаридар.

Шу омиллар сабабли Тошкент шаҳрида касалликлар ичida тери ва тери ости ҳужайралари касалликлари учинчи ўринда (10,9%), асаб тизимлари (7,6 %) касаллиги тўртинчи ўринда туради. 2004 йилда тери ва тери ости ҳужайралари касаллигининг ўсиш суръати 39,2% га етган.

Физик, кимёвий ва кўп сонли экологик мұхитни ифлословчи омиллар инсон соғлиги учун ҳавфли ҳисобланади. Шу сабабли йирик саноат марказлари худудларида заарларни моддаларни ҳавода, сувда ва тупроқ таркибидаги даражасини доимий назорат қилиш талаб этилади. Сабаби 1 ва 2 тоифали тоза ичимлик сувли сув ҳавзасини сифати йил


сайин кескин ўзгармоқда. Микробиологик кўрсаткичлар бўйича гигиеник нормаларга жавоб бермайдиган сувлар 2004 йилда 18,1%ни ташкил этган. Кимёвий кўрсаткичлари бўйича ичишга мос келмайдиган сувлар Бухоро вилоятида 46,7 % ни, Хоразмда 24,8 %, Қорақалпоғистонда 26,2 % ни ташкил этади. Бу ҳолатлар сув сифатини доимий назорат қилишини талаб этади, ҳозирги кунда атмосфера ҳавосини ифлосланишини 60 фоизи автотранспорт ҳиссасига тушади. Автотранспорт ҳисобига атмосферани ер юза қатлами заҳарли моддалар билан ифлосланади. Бундай ҳолат шаҳарларда 17-18,3 % ни, қишлоқ жойларда эса 8-9 % ни ташкил этади (Миллий маъруза, 2006, 100-бет).

Инсон экологик ҳолатини яхши бўлишида озиқ-овқат хавфсизлиги, унинг сифати ҳам катта аҳамиятга эга. Озиқ-овқат маҳсулотлари уларни сифати эколого-микробиологик талабларга жавоб бериши керак. Озиқ-овқат маҳсулотларининг гигиеник меъёрларга жавоб бериши 2004 йилда 5,2%, санитар-кимёвий кўрсаткичлар эса 5,9-6%дан ортиқ эмас.

Турли иш жойларида физик, кимёвий ва бошқа омиллар сабабли ишчи-хизматчиларда касбий касалликларни энг кўп тарқалиши авиация саноатида 1000 ишчидан 2003 йили 15 ишчи, 2004 йили эса 7,2 ишчи касалланган. Ҳаво ишлари бирлашмасида 24,6 ишчи, сурункали касбий касалликларни энг кўп тарқалиши “Давгеологикум”да 2004 йили – 4,6 ишчи касалланган.

Сурункали касалликларга бронхит, заҳарли моддалар билан заҳарланиш, заҳарли гепатитли силикоз, чангли бронхит, кохисаритлар каби касалликлар бўлиб, улар инсон экологик мұхитини ёмонлашишидан, турли заҳарли моддалар билан мұхитни, унинг ҳавоси, сув ва тупроқни ҳаддан зиёд ифлосланишидан пайдо бўлади.

Республиканинг турли ҳудудларида табиий воқеиликлар – ер кўчиши, сел келиши, сув тошқинлари бўлиб туради. Бундай ҳолатлар тоғ-тоғолди, адир минтақаларида кўп кузатилади. Қорларни тез эриши, узоқ ёмғир ёғиши натижасида сел келиши, дарёларда сув тошқинлари юзага келади. Бундай ҳолатлар аҳоли тураржойлари ва уларнинг мол-мулки учун жуда хавфли саналади.



XXVI БОБ

ТЕХНОГЕН ОМИЛЛАРНИНГ ИНСОН ЭКОЛОГИК ХОЛАТИГА ТАЪСИРИ

Габиатда яшаётган инсонларни ҳаёт фаолиятлари – ўзлари яшаб турган муҳитга тўғридан-тўғри таъсир қилишидир. Бу таъсир қилиш 4 хил бўлади: 1) билиб туриб, тўғридан-тўғри; 2) билмасдан таъсир қилиш; 3) тўғри 4) бивосита, четдан таъсир қилиш.

Билиб туриб муҳитга таъсир қилиш – бу жамият талабларини қондириш учун фойдали табиий хомашёларни қазиб олиш, уларни қайта ишлаш, сув иншоотларини куриш, ўрмонларни кесиш, янги ерларни ўзлаштириш ва бошқ.

Билмасдан тўсатдан муҳитга таъсир қилиш – бу фойдали бойликлар очиқ йўл билан қазиб олиш натижасида муҳит ҳавосини ифлосланиши, экин майдонларида завурларни ўт босишидан, ер ости сувлари сатҳини кўтарилиши, сув омборларини қурилиши билан атроф-муҳитни салқинлашиши.

Гўғридан-тўғри муҳитга таъсир қилиш – бу инсонни иш фаолиятидан келиб чиқади. Масалан, экин майдонларини ўзлаштириш ва сугориш билан тупроқни тузилишини ўзгариши.

Четдан, бевосита муҳитга таъсир қилиш – бу чанг-тўзонларни, турли аэрозолларни атмосферага чиқаришдан қўёш радиацияси микдорига таъсири. Масалан, ер ости, тоф, шахта ва конлардан ҳар йили ўртacha 200 минг т. чанг чиқади, кўмир конларидан йилига 2 млрд. т, дунёни 4000 дан ортиқ шахтасидан атмосферага 27 млрд. м³ метан ва 17 млрд. м³ ис гази чиқарилади. Ҳар йили кўмир шахталаридан ер юзасига 2,5 млрд.м³ ифлос сувлар тортиб чиқарилади.

Инсонни экологик муҳитини физикавий, кимёвий ва биологик ифлосланишлари ҳам инсонни ҳаёт фаолияти билан боғлиқ. Агар табиий воқеликлар вулканларни отилиши, ўрмон ёнғинлари, кучли тинимсиз шамоллар сабаб бўлса, антропоген-ифлосланиш инсонни иш фаолияти билан боғлиқ ва айрим ҳолларда табиийдан кучли ва катта бўлади.

Инсон экологик муҳитини физикавий ифлосланиши – бу муҳитни физик, температура-энергия тўлқинлар ва радиация кўрсаткичларини ўзгаришидан иборат, яъни турли физикавий омиллар ёмонлашишидан инсонларни яшаш муҳити ҳам пасаяди.

Муҳитни иссиқликдан ифлосланиши саноат корхоналарининг ускуналарини исиши (140-160°C), иссиқлик трассалари (50-150°C), турли коммуникация тармоқлари (35-45 °C), юқори вольтли электр линиялар, электростанциялар, радио-телестанциялар, электромагнит нурланишлар киради.

Инсон экологик мұхитини кимёвий ифлосланиши – бу маылум майдонда кимёвий компонентларнан ортиб кетишидір, экологик мұхит хавфлилиги бу түрли токсикантлар – аэрозоллар, кимёвий моддалар, оғир металлар, пестициидлар, пластмасалар, дегтергентлар инсон учун хавфлидір.

Хозирги кунда табиий мұхит 7-8,6 млн. кимёвий бирикмалар билан түйинган. Яна ҳар ийли шу күрсаткыч 250000 янги бирикмалар билан тұлади. ЮНЕСКО эксперлардың маылумотига күра жуда хавфли 200 дан ортиқ номни келтирадилар. Уларға: бензол, асбест, бензапирен, пестициидлар (ДДТ, элдрин, линдан), оғир металлар (симоб, күрғошин, кадмий), түрли бүёқлар. ВОЗ маылумотларынан күра, дүнеда 610 млн. ортиқ одам улар таъсирига, 1 млрд. ортиқ одам еса ҳаводагы түрли заррачалар миқдорининг ортиши билан заарланған.

Экологик мұхитни биологик ифлосланиши – бу тасодиған бұлади, ёки инсон фаолиятида ишлатылаётган технологик жараёнлардан чиққан чиқындиларның үсімлік, ҳайвон ва инсонга, ҳаттоқи, микроорганизмлар ривожига ҳам салбый таъсир қылади. Биологик ифлосланишда антибиотик, фермент вакциналар, зардоб, озуқа оқсилі биоконцентратлар ишлаб чиқарадынан корхоналар асосий рол үйнайды. Улардан ташқары түрли чиқындилар, ахлатлар тұпланадын жойлар заарлы ҳашарапттарнан, майда ҳайвонларнан, каптар, чумчұқ, қарға, зөлгарнан тұпланадын жойи бўлиб, улар орқали ҳар хил касаллуклар тарқалади.

Юқорида келтирілген түрли омиллар билан табиий мұхитни ифлосланишидан энг аввало атмосфера ҳавоси заарланади. Бунга табиий-вулқонларни отилиши, ўрмонлар ёнгини, чанг-тұзонли бүрөнлар, шамоллар сабаб бўлса, иккінчи томондан антропоген экологик омиллар сабаб бўлади.

Атмосферани кучли ифлосланишида вулқон отилиши катта рол үйнайды. Масалан, 1883 йили отилган Кракатау вулқони 18 км³ майда заррачали кукунни атмосферага чиқарған бўлса, 1912 йили Аляска Катмай номли 'вулқони 20 км³ ер-төг маҳсулотларини атмосферага чиқарған. Улар ер юзасининг анча жойига тарқалиб, қуёш нурини 10-20 % камайишига ва шимолий ярим шарларда йиллик ўрта ҳароратни 0,5°C пасайишига олиб келган.

1991 йили Филиппинде отилган Пинатубо вулқони 20 млн. т олтингугурт диоксидини атмосферага чиқарған бўлса, 1915 йили Фарбий Сибирдаги ўрмон ёнгини 1,5 млн. км² майдонни эгалайди ва унинг тутуни 6 млн. км² жойига тарқалиб, ер юзига тушаётган қуёш нурни миқдорини анча камайиши натижасида бошоқли үсімликлар 10-15 кун кеч пишган.

Кейинги 50-60 йиллар ичидә антропоген омиллар таъсирида – урушлар, саноатни тез ривожланиши, автотранспортни миллионлаб күпайиши натижасида атмосфера ҳавосини ифлосланиши глобал ха-

рактерга эга бўлди. Ҳавони турли кимёвий бирикмалар билан ифлосланиши натижасида унинг таркиби, ҳарорати, намлик даражаси ўзгарди. Асосий ифлословчи манбалар саноат корхоналари, транспорт, иссиқлик энергетикаси, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар. Кўпчилик ривожланган мамлакатларда атмосфера ифлосланишининг 87 % ни олtingугурт гази, 80,5 % чанг ва 40 % ни азот оксиди ташкил қиласди.

Катта саноат шаҳарлар асосий ифлословчи марказлар ҳисобланади. Масалан, Москва шаҳридан ҳар йили 1500 минг тонна ифлословчи моддалар атмосферага чиқарилади. Шундан 70 % ни автотранспорт ҳосил қиласди. Шаҳарнинг ҳар бир аҳолисига ўртача 150 кг ифлословчи модда тўғри келади.

Россия бўйича атмосферани олtingугурт диоксиди билан ифлосланиши 12%, АҚШда 21%, азот диоксиди бўйича Россияда 6%, АҚШда 20%ни ташкил этади. Россиянинг Норильск шаҳридаги саноат корхоналари атмосферага ҳар йили 2,5 млн. т заҳарли моддаларни чиқаради. АҚШ ни умумий чиқиндилари 130 млн. т дан ортиқ.

Инсон экологик мұхитини ифлосланишида радиоактив моддаларни салбий роли каттадир. Бу жараёнда уран конлари, уларни қайта ишлаш корхоналари, атом бомбаларни портлаши, АЭС ҳалокати натижасида табиий мұхит – стронций-90, цезий-137, церин-146, йод-131, рутений-106 каби радионуклидлар билан ифлосланади. Ҳозирги кунда дунё бўйича 430 га яқин АЭСлари бор. Улар дунё бўйича ишлаб чиқариладиган электрэнергияни тахминан 20% ни ҳосил қиласди. Энг кўп АЭС АҚШда 110 та, Японияда 40 та, Францияда 55, Россияда 45 та, Англияда 39 та ва ҳ.к.

АЭСлар фаолиятида кўплаб радиоактив чиқиндилар ҳосил бўлади. Улар турли йўллар билан биосферада тарқалиб, унда яшайдиган тирик организмлар ҳужайраларида турли генетик ўзгаришларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Радиоактив чиқиндилар суюқ ва қаттиқ ҳолда бўлади. Масалан, бир йилда 1 ғр электр энергия ишлаб чиқаридиган АЭС реакторида 400-500 м³ қаттиқ чиқиндилар ҳосил бўлади. Улар турли даражада радиоактивликка эга. Англия атом саноати ҳам йилига 585000 м³ радиоактив чиқиндилар чиқаради. Россияда радиоактив чиқиндиларни кўмадиган 15 та полигон бор.

Инсон экологик мұхитини хавфли ифлосланишида радионуклидлар қаторида оғир металлар ҳам жуда кучли салбий роль ўйнайди. Катта атомга эга металлардан қўроғшин, цинк, симоб, мис, никел, темир, ванадий, кадмий кабилар турли йўллар билан мұхитда тарқалиб, унда учрайдиган тирик жонзодларга ва умуман, табиий экологик бирликлар таркибига ўтиб, уларда ривожланаётган ўсимлик, ҳайвонлар сони ва сифатига салбий таъсир қиласди.

Оғир металлар асосан металлургия корхоналарида, кўмирни

ёкишда ва бошқа ишлаб чиқариш жараёнларда ҳосил бўлади. Муҳитни оғир металлар билан ифлосланишини 94-97 фоизи антропоген кўрошинга тўгри келади. Турли ҳудудлар ифлосланиши 84-89 % кадмий, 56-87% мис, 66-75% никел, 58 % симоб ҳисобига бўлади.

Атмосферага чиқариладиган антропоген оғир металл йилига: 332 минг тонна кўрошин, 132000 т цинк, 56000 т никел, 6000 т кадмий, 3,6000 т симоб бўлиб, шуларни 26-44 % Европа ҳудудига тўгри келади. Атмосферага чиқадиган 86 фоиз кўрошинни автотранспорт ҳосил қиласди. Ундан ташқари қишлоқ хўжалигига ишлатиладиган минерал ўғитлардан суперфосфатда анча миқдорда хром, кадмий, цинк каби металлар бўлади. Улар шамол ёрдамида тупроқ заррачалири билан атмосферага кўтарилади ва ҳавони ифлословчи моддалар қаторига киради ва атмосфера намлиги (қор, ёмғир, дўл) билан ер юзига тушади. Тупроқ таркибида оғир металлар миқдорини ортишига (7-жадвал) сабаб бўлади (Ю.А.Израэль, 1984).

7-жадвал

Дунёни турли ҳудудининг ер юзига атмосферадан тушадиган оғир металлар (минг т/ йилига)

Регионлар	Кўрошин	Кадмий	Симоб
Европа	47	1,59	14
ЕТС	28	1,79	10,6
Осиё	52	2,58	41
Марказий Осиё	21,4	0,88	20,9
Шимолий Америка	13,1	7,36	17,8
Марказий ва Жанубий Америка	58	1,6	24,9
Африка	49	1,2	28,9
Австралия	12	0,22	6,8
Арктика	2,2	0,27	19,4
Антарктида	0,38	0,016	0,8

Оғир металлар атмосфера ёғинлари билан ерга тушганда кислотали ёмғир ҳосил бўлади. Бунда pH=4-4,5-5 атрофида бўлади. Оғир металлар билан бир қаторда олтингугурт диоксиди ва азот оксидлари қатнашади. Ҳар йили дунё бўйича уларни атмосферага чиқиш миқдори 2550260 млн. тоннага тенг. Кислотали ёмғирлар таъсиридан дунёning турли ҳудудларида 31-32 млн. га ўрмонзорлар йўқолмоқда.

Кислотали ёмғирлар таъсирида Швециянинг 15 000 кўли зарарланган. Шулардан 1800 кўлда тириклик мутлақ йўқолган. Канадада 14000 кўл зарарланган. Норвегиянинг 5000 кўлидан 1750 тасида балиқ йўқолган.

Афғонистонда 20 йилдан ортиқ вақт давомида олиб борилган урушда 18-20000 дан ортиқ турли оғирликдаги (300 кг дан 10,5 т)

бомбалар портлатилган. Улардан ва бошқа қуроллардан ҳосил бўлган чанг-тузонлар, заҳарли моддалар, Ўзбекистон саноат корхоналаридан атмосферага чиқарилган турли заҳарли, майда заррачали чиқиндилар, чанг-тўзонлар Осиё осмонида “сариқ туман”ни ҳосил бўлишига олиб келди. Шу сариқ туман 2001 йили май ойида ва 2005 йили 4-10 июнь ойида кислотали сарғиш рангли ёмғир бўлиб Тошкент ва бошқа жойларга ҳам ёғди. pH=4,5-5ни кўрсатди. Мевали дараҳтларни (ўрик, олма, ёнғоқ, олча) барглари қорайиб кетди. Уларнинг мевалини заҳм еб тўкилиб кетди. Полиз экинлари – бодринг, помидор қуриб қолди. Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосили 50-60 фоиз камайиб кетди (А. Эргашев, Т. Эргашев, 2007, 96 б.).

Кислотали ёмғирлар ҳаттоқи металли конструкцияли иморатларни, ҳашаматли архитектор қурилишларни ҳам коррозияга учратиб, қадимий иншоотларга ҳам катта зиён етказмоқда. Шу сабабли АҚШ, Канада, Япония ва бошқа мамлакатлар атмосферага чиқарилаётган олтингугуртни 30-35 фоиз камайтириш орқали кислотали ёмғирга қарши курашиш бўйича битим тузишган.

26.1. ИНСОННИИ ЭКОЛОГИК МУҲИТИГА ТАШЛАНАДИГАН ЧИҚИНДИЛАР

Турли чиқиндиларни ҳосил бўлиши, уларни ҳар хиллиги инсон фаолиятининг ривожланишига боғлиқ, инсонни майший ҳаёти, уни саноатдаги фаолияти натижасида турли чиқиндилар, муҳитни ифлосланиши юзага келади. Майший чиқинди бу аҳоли яшайдиган жойларда ҳосил бўлса, коммунал хўжалик чиқиндилари – қаттиқ майший саноат чиқиндилари бўлади.

Қаттиқ майший-саноат чиқиндиларининг морфологик таркиби куйидагидан иборат:

Қоғоз 10025 %, ёғоч – 2-6%, озуқа қолдиқлари-35-45 %, металл-1-3 %, текстил – 2-5%, тери, резина – 1-2%, шиша -2,4%, пластмасса – 1-4 %, турли инерт чиқиндилар – 10-18%. Бу чиқиндилар кўча юзида, аҳоли яшаш жойларида тўпланиб қолса, муҳитни бузади. Санитар ҳолат ёмонлашади, турли касалликлар келиб чиқади, маҳаллани, шаҳарни эстетик кўриниши ўзгаради, бузилади.

Ўзбекистонда ҳар йили 30 млн. м³ майший чиқиндилар ҳосил бўлади. Улар шаҳар ва қишлоқ четларидаги чиқинди тўпланадиган жойларга ташланади. Ҳар бир миллион ҚМСЧдига 360000 т озуқа қолдиги, 160000 қоғоз-картон, 55000 т текстил, 45000 тоннагача плас-

тмасса ва бошқа материаллар бўлади. Чиқиндилар тўпланадиган жойлар жуда ёмон ҳолатда. Шулардан 14-15 фоиз чиқинди қайта ишланади (Маматкулов, 2006).

Чиқиндилар турли мамлакатларда турлича тўпланади. Масалан, Украина тўпланган чиқиндилар ёқилади, газ ва заҳарли кул қолдиқлари ер тагига шимилиб ер ости сувларини заҳарлайди. Франция, Италия, Англияда чиқиндиларга маҳсус услуг билан ишлов берилади, қолдиқлар зарарсизлантирилиб компост олинади. Лекин компостда оғир металлар борлиги учун уни ишлатиб бўлмайди.

Қирғизистондаги энг катта шаҳарлар Бишкек, Чўлпон-ота, Ўш ва Токмакдир. Бишкекда 1,2 млн.дан ортиқ аҳоли яшайди, ҳар йили 1,4 млн. м³ чиқинди ҳосил бўлади. Ҳар бир шаҳар аҳолисига 1,2-2,0 м² йилига чиқинди тўғри келади.

Қозоғистоннинг Павлодар вилоятида ҚМСЧ лар маҳсус полигонларда тўпланади. Шу обласатда тўпланган ҚСЧлар ҳажми 2790,8 т бўлиб, 334 гектар майдонни эгаллаган. Шу тўпланган чиқиндиларни 32718 т си қофоз, картон 26512 т озуқа қолдиқлари, 14330 т шиша, 27715 пластмасса, 6265 т металл, 7301 т текстил тўпланган қолдиқлар муҳитни ифлослайди, кушлар, ҳайвон ва ҳашаротлар тўпланадиган, касал тарқаладиган жойга айланади.

АҚШда тўпланадиган чиқиндиларнинг 17 (25) фоизи қайта ишланади, 55 млн. аҳолили Францияда 70 000 одам иккиламчи хомашёни қайта ишлаш билан банд. Москва шаҳрида йилига фақат алюминий банкадан 200 т чиқинди тўпланади. Англияда ҳосил бўладиган умумий майший чиқиндининг 212 фоизини алюминий чиқиндилари ташкил этади (Зайнутдинова, 2006).

Навоий шаҳрида жойлашган катта корхоналар ердан қазиб олинган хомашёларнинг қолдиқлари билан ишлаб чиқаришдан чиқсан чиқиндилар миқдори 80 минг тоннани ташкил этиб, шу чиқиндилар 830 гектар майдонни эгаллаган. Ундан ташқари ишлаб чиқаришда ишлатилган ишқорлар, кислоталар, оқава сув чиқинди сифатида ер устига ташланади. Улар ерга сингиб, ер ости сувлари таркибини, айниқса сувнинг ўйрлигини ортишига олиб келади.

ХХ аср 70-90-йилларида пестициларнинг сони 100 хилдан ортиб кетган. АҚШ да 1 гектар ерга 1,6 кг ёки одам бошига 1,5 кг пестицид ишлатилган бўлса, собиқ Иттилоқда 1 гектар қишлоқ хўжалик майдон ерларига 2-3 кг ёки одам бошига 1,4 кг дан пестицид ишлатилган. Ўрга Осиё, Молдавия, Арманистоннинг ҳар бир гектар экин майдонига 54,5 кг гача, Озарбайжонда 180 кг энг кучли, заҳарли пестицид

гербицидлар ишлатилган, натижада қанча-қанча одамлар заҳарланыб ўлдилар, болалар, аёллар ногирон бўлдилар, ҳаво, сув ва туроқ заҳарланди. Ҳозирги кунда ҳам Ўзбекистоннинг кўпчилик худудлари тупроқларининг заҳарланиш даражалари ИДК бўйича 50, 70, 80 ҳаттоқи 372 ИДК ни кўрсатади (Мил. Маърузалар. 2002, 2005). Тупроқдаги заҳар ювилиб сувга тушади, ўсимликга ўтиб ундан уй ҳайвонлари орқали инсон танасига ўтади ва тўпланади. Натижада тўпланган заҳар одамда ошқозон-ичак, жигар, ўт, буйрак системаси ва юрак-қон, асад касалликларини келтириб чиқаради. Озуқа-сув орқали танага ўтган ва тўпланган заҳарли кимёвий моддалар сабабли инсон танасида биологик иммунитет чидамлик даражасини пасайишидан ёш-қари одамларда тез-тез шамоллаш, сариқ ва тери касалликлари кўпайган. Буларнинг асосий сабаби инсоннинг экологик муҳитини бузилиши, ифлосланишидир.

Маълумотларга кўра ҳар йили дунё бўйича 400000 дан 2 млн. ҳолатда пестицидлардан заҳарланиш кузатилади. Улар асосан қишлоқ жойларда, дала ишлари билан шуғулланадиган одамлар ичida юзага келади. Ҳиндистонда ҳар йили 20-40000 аҳоли заҳарланишдан ўлади. АҚШ, Франция, Германия каби давлатларнинг кўпчилик фермерлари пестицидлар ва ҳаттоқи, минерал ўғитларни қўллашни ҳам тўхтатгандар.

26.2. ИНСОН МУҲИТИДАГИ КИМЁВИЙ МОДДАЛАРНИНГ ЧЕГАРАЛАНГАН КОНЦЕНТРАЦИЯСИ

Инсон яшаётган экологик муҳит турли кимёвий қаттиқ, суюқ, газсимон моддалар билан ифлосланган бўлиши мумкин. Агар муҳитдаги кимёвий моддалар жуда оз миқдорда бўлса, ўнда тирик жонзодларга, шу жумладан, одамга ҳам зарар келтирмайди. Мабодо инсон муҳитида кимёвий моддалар кўп, юқори даражада бўлса, унда уларни тирик жонзодларга ва инсонга таъсири кўп бўлади. Шунинг учун инсонга зарур бўлган экологик муҳитнинг асосий компонентлари ҳаво ва сувнинг таркиби ҳамда сифатини назорат килиш учун зарарли моддаларни муҳитдаги миқдорини нормалаш учун ПДК ни максимал ПДК ни ва кунлик ўртacha ПДК қабул қилинган. Улар муҳитни экологик ҳолатини ҳавода қандай моддалар борлиги ва уларнинг миқдорини кўрсатади.

**Аҳоли яшаш жойларидаги ҳаводаги ифлословчи
моддаларнинг нормал концентрацияси**

Ифлословчи моддалар	ПДК	ПДК м.р.
Қаттиқ чанглар	0,15	0,5
Олтингүарт диоксиди	0,05	0,5
Азот диоксиди	0,04	0,85
Азот оксиди	0,06	0,4
Углерод оксиди	3,0	5,0
Аммияк	0,04	0,2
Водород хлорид	0,2	0,2
Сероуглерод	0,005	0,03
Бензапирин	0,00001	0,03
Фенол	0,003	0,01
Формалдагид	0,003	
Кадмий оксиди	0,001	
Симоб	0,0003	
Құргошин	0,0003	
Ванадий оксиди	0,002	
Марганец оксиди	0,001	
Мис	0,002	
Никел	0,001	
Маргумуш	0,003	0,003
Цинк	0,05	
Хром оксиди	0,0015	0,0015

Жадвалда күрсатилган инсон яшайдиган мұхитни ифлословчи ки-
мёвий моддалар турли жойларда турлича. Масалан, саноат корхона-
лари күп жойлашған Навоий, Олмалиқ, Оҳангарон, Чирчик шаҳар-
ларида ҳавонинг ПДК даражаси Фазалкент, Косонсой, Қамаши ҳудуд-
лари ҳавоси ПДК даражасидан юқоридир.

Зарарлы кимёвий моддаларнинг меъёrlаш инсон мұхитидаги сув
ҳавзаларининг сув сифати ва таркибини аниқлашда ПДК, экологик
стандартлар құлланылади ва сувдан фойдаланиш жараённан турли
талаблар инобатта олинади. Масалан, сувни органолептик таркиби-
ни аниқлашда сувни ҳиди, таъми, ранги, тиниқлиги каби белгилари
инобатта олинса, нефть маҳсулотлари билан ифлосланған сувлар-
нинг таркиби, ҳиди, тиниқлиги мутлақ бошқача бўлади (9-жадвал).

9-жадвал

Сув ҳавзаларида учрайдиган заарли моддаларнинг концентрацияси

Ингредентлар	ПДК	Заарлилик чегара кўрсаткичи
Анисол	0,05	Санитар токсикологик
Аммияк	0,05	Токсикологик
Ацетон	0,05	Умумий санитар
Бензол	0,5	Токсикологик
Нефт маҳсулот	0,05	Балиқ хўжалиги
Феноллар	0,01	Балиқ хўжалиги
СПАВ	0,1	Токсикологик
ДДТ	0,1	Токсикологик
Темир	0,5	Оргонолитик
Мис	0,001	Токсикологик
Цинк	0,01	Токсикологик
Хром	0,5	Оргонолитик
Никел	0,01	Токсикологик
Каболт	0,01	Токсикологик
Қўроғошин	0,03	Санитар токсикологик
Маргумуш	0,05	Токсикологик
Симоб	0,03	Санитар токсикологик
Кадмий	0,005	Токсикологик
Марганец	0,01	Токсикологик
Фтор	1,5	Санитар токсикологик
Фармадагид	0,05	Умумий санитар
Метанол	0,1	Санитар токсикологик
Стирол	0,1	Оргонолитик
Цианиллар	0,05	Токсикологик

Юқоридаги жадвалда сувда учрайдиган заарли моддаларнинг меъёри кўрсатилди. Тириклик учун заар сувда ҳаттоқи балиқ ҳам ўстириб бўлмайди.

26.3. ШОВҚИН ВА ВИБРАЦИЯНИ ИНСОН ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИГА ТАЪСИРИ

Вибрация ва шовқин инсон муҳитининг физикавий ифлосланиши бўлиб, инсон иш фаолиятидаги ҳамма ишлаб чиқариш корхоналарининг ускуналари томонидан иш жараёнида юзага келади. Вибрация инсонга унинг сезги органлари орқали ўтади.

Вибрация герц частоталари ва амплитуда орқали аниқланади, яъни: $G=N^2 A^2 \cdot A.e.d.g$

Бу ерда “A” геометрик кўрсаткич. Вибрация инсон териси орқали қабул қилинади. Инсон танасини турли ташқи частоталарни қабул қилиш

қобилияти 4-80 Гц диапозони оралығыда бўлиб, паст частотали вибрациялар узоқ вақт инсонга таъсир қилиб турса, уни тестибуляр аппарат функциясини бузади, одам танасидаги аъзолар ва тўқималарнинг ҳам физиологик фаолияти бузилади. Масалан, космик кемада учайдиган астронавтларга вибрация 40-50 Гц да таъсир қиласа, уларнинг кўз косаси ўзгаришидан асбоб кўрсаткичларини аниқдай олмайдилар.

Одам учун рухсат этиладиган вибрация оғирлиги:

Гц частотаси:	вибрацияни ортиқлиги ед.д:
125	1,07
250	2,13
500	4,25
100	8,5

Вибрациядан қутулишнинг бирдан-бир йўли – бу технологик жарёйларда вибрация чиқарувчи манбаларни йўқ қилишдан иборатдир. Масалан, вертолётда вибрация чиқарувчи уч паллали винт ҳисобланади. Уни йўқотиш мумкин эмас, фақат қулоқни беркитиш лозим бўлса, гегирмон, тахта, темир, тош кесиши, пол тахталарини силлиқлаш турли вибрациялар ҳосил бўлади. Турли корхоналарда турлича вибрациялар ҳосил бўлади. Пастки диапозондаги вибрациялар инсон саломатлиги учун физиологик ижобий таъсир ҳам қилиши мумкин.

Ҳаётимизда биз ҳар куни акустик таъсирларга, шовқинга учраймиз. Инсон акустик таъсир эшитиш органи орқали инфратив 16 Гц дан ултъратовуш 16000 Гц гача қабул қиласи.

Шовқин ҳаво ҳаракатининг сиқилишидан юзага келади, босим ортади. Натижада инсонга таъсир қилган шовқин оқибатида унинг қон босими ортади, нафас олиш, юрак уриши ўзгаради, безовталаниш, сезиш қобилиятини пасайиши, ошқозон-ичак оғриғи пайдо бўлиши мумкин. Инсонда ташқи муҳит таъсирларини сезиш қобилияти пасаяди.



10-жадвал

Турли манбаларда бұладиган шовқиннинг диапозони

Манбалар	Шовқиннинг даражаси
Саноат шовқинлари	
Энергетик газтрубиналар	100 110
Компрессор станциялари	200
Қурилиш корхоналари	90 95
Металлургия заводлари	90 100
Машинасозлик заводлари	80
Типография,тикиш фабрикалари	72 76
Транспорт шовқинлари	
Автотранспорт 7,5 м	77 83
Еңгил автомобиль	77
Автобус,огир юк машиналари	78 83
Темир йүл транспорти	90 101
Хаво транспорти	98 105
Маишій шовқинлар	
Одам юрагини үрүши	10
Япроқарнинг шитирлаши	30
Сүзлашувдаги товуш	60
Телефондаги күчміл сүз	75
Кириш эшпік товуші	78
Бола йиғисі	80
Күча шовқини	80

Танага оғриқ берувчи шовқин 125-135 д.б дан ортиб кетса акустик жароҳатлар келиб чиқиши мумкин, яғни қулоқни әшитиш пардалари заарланади.

Учучылар учун рухсат этилган шовқин 4 соат давомида 88 д.б бўлиши керак. Инсон организмига зарар қўлмайдиган товуш 35 д.б, иш жойидаги яхши ҳолатда товуш кучи 30 д.б дан 102-45 д ғача бўлиши керак.

Фарбий Европа ахолиси шовқин даражаси 55-65 д.б мухитда яшайди. Масалан, Францияда 57, Нидерландияда 54, Грецияда 50, Швецияда 37, Дания ва Германияда 30, Москвада 60 д.б бу ҳолат нормадан бир оз юқоридир. Кўп қаватли уйлар ёнидаги йўлларда шовқин 50, тунда 40 д.б атрофида. Яшаш жойларидаги шовқин кундузи 40 д.б тунда 30 д.б ошмаслиги керак.

Кучли шовқин, айниқса, болаларни, кексаларни асаб, юрак-қон томир системасига кучли таъсир қиласи ва уларда кассб касаллиги уйқусизлик, доимий чарчашиб сезиш каби ҳолатлар келиб чиқади.

Шундай қилиб шовқин ҳам, экологик омиллардан бири бўлиб, у хавфли, инсон организмига тўғридан-тўғри таъсир қилиб, қобилиягини пасайтиради. Аслабланиш, чарчашиб, кўриш қобилиягини пасайтиши, юрак-қон томирларини нормал ишлашини бузади

Қалин дараҳт, бутазорлар катта ва кучли шовқин кучини қайтаради, камайтиради. Мухитни ифлосланишдан сақлайтиди ва инсон руҳиятини кўтаратади.

26.4. ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ЭКОЛОГИК ИФЛОС МУҲИТИННИГ САЛБИЙ ТАЪСИРИ.

Ҳаётий тажрибалардан маълумки йиллар ўтиши билан одамнинг ёши улғайиб боради. Инсон ўз ҳаётида яхши-ёмонни, ҳаёт учун фойдали ёки зарарли нарсаларни, яъни тоза ҳаволи жойни, тоза сувни зарарли ифлосидан фарқлади. Тоза жойда яшайди, тоза тиник, ширин сувни истеъмол қиласди. Бундай фарқлаш қобилияти билан инсон узоқ йиллар яшади, меҳнат қилди, ишлаб чиқаришлар, экинзор-боғлар бунёд этди. Инсон жамиятида тинимсиз ривожланиш натижасида ҳаётда зарур маҳсулотлар билан бир қаторда ҳаётга кераксиз зарарли, заҳарли чиқиндилар ҳам ҳосил бўлди. Улар кун сайин, йил сайин кўпайиб, инсонни экологик муҳитига ҳавф туғдира бошлади. Сабаби зарарли, заҳарли моддалар ҳаво, сув ва озуқа маҳсулотлари орқали инсон организмига ўтиб, энг аввало, уни танасидаги соғлом ҳужайралар иш фаолиятини бузади. Ҳамма ҳужайраларда ўсиш, ривожланиш ва моддалар алмашувини таъминловчи катализатор ферментларни зарарлайди. Ферментлар фаоллигини пасайиши натижасида ва заҳарли моддаларни ҳаво, сув ва озуқа орқали қонга ўтиши оқибатида турли касалликлар пайдо бўлади.

Инсон учун зарарли омиллардан бири бу тамаки чекиш бўлиб, кўринишда уни тутуни зарарсиздек туюлса ҳам, тутундаги никотин моддаси инсон ўпкасига, ундан қонга, қондаги генларгача етиб боради ва у генларда тўпланади ва аста-секин ўпкада саратон касаллигини келтириб чиқаради.

Кимёвий саноатда ишлаб чиқариладиган турли заҳарли моддалар, пестицидлар, фталевой кислота тузлари, оғир металлар, айниқса транспорт ёқилғисига қўшиб ишлатиладиган кетраэтил қўрошини (C_2H_5) Рв кабилар экологик муҳитни кучли ифлослайдилар ва инсонни заҳарланишига сабаб бўлади. Қўрошин ҳаво орқали инсон танасига ўтиб, унда қон айланиши жараёнини бузади, жигар ва буйракда касалликлар келтириб чиқаради. Муҳитда қўрошиннинг ортиши инсон учун жуда ҳавфли “ситурнизм” касаллигини келтириб чиқарган.

Турли чиқиндиларда учрайдиган оғир металлардан яна бири маргумуш сув, ҳаво орқали танага ўтиб саратон, тери касалликларини келтириб чиқаради ва қон таркибини бузади. Кадмий нафас йўллари ва буйракда, хром эса ўпка ва ошқозон-ичакда саратон касаллигини, никел, ванадий нафас йўллари, астма ва асад касалликларини келтириб чиқаради.

Турли корхоналар, транспортдан ҳосил бўладиган тутунда олтингугурт диоксиди нафас йўллари орқали ўпкага ўтиб, унинг тўқималарида тўпланади. Қон томирларини ишдан чиқаради. Нефт маҳсулотларини ёниши ёки биологик қолдиқларни (барг, шох) ёнишидан

ҳосил бўлган тутун бронхиал астма касаллигини юзага келтиради. Инсондаги жуда кўп касалликлар ифлос сувларни истеъмол қилиш оқибатида юзага келади. Ҳар хил юкумли касалликлар вабо, терлама, ичбуруғ, бруцелез, вирусли гипатитни келиб чиқиши сабаби ифлос сувни хўжаликда ишлатиш оқибатидандир. Айрим металлар қалий, натрий сувда азот кислотасини, яъни селитрани ҳосил қиласидар, нитратлар инсон танасида азот кислотасини ҳосил қиласидар. Улар иссиқхоналарда етишириладиган полиз ва мева маҳсулотларида нормадан ортиқча бўлса ҳавфли заҳарланишларга сабаб бўлади.

Сув билан бир қаторда тупроқ ҳам кўп касалликларни келиб чиқишига сабаб бўлади. Чунки кўп йиллар давомида унга ташланган минерал ўғитлар, заҳарли кимёвий моддалар тўпланиб қолган, масалан собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистон пахта далаларининг ҳар гектар ерига 11 г ўрнига 54,5 кг дан пестицидларни ҳар йили шу миқдорда қайта ишлашидан тупроқ заҳарли моддаларга тўйинади. Шундан далаларда етиширилган ҳосил маҳсулоти ҳам (пахта ёғи, кунжара) заҳарли бўлган. Етиширилган қишлоқ хўжалик ўсимликлар маҳсулоти (сабзавот, картошка, сабзи, ҳаттоки мевалар ҳам) етарли даражада заҳарли кимёвий моддаларга тўйинган бўлган. Ҳозирга қадар Республика экин майдонлари тупроқларида заҳарли моддалар миқдори ПДК бўйича нормадан 50, 80, 100 ҳаттоки, 373 баробар ортиқ (Миллий маъруза... 2002, 2005).

Инсон муҳитида учрайдиган оғир суюқ металл симоб бўлиб, каустик сода, қофоз ва электротехника саноатида ишлатилади. Ўз вақтида Японияда симоб билан заҳарланган балиқларни истеъмол қилган одамлар асаб, буйрак касалликларига учраб, ўзини-ўзи бошқара олмай қолганлар. Бу касалликни “Минемата” касаллиги деб аташган. Муҳитда симоб жуда заҳарли симоб органик бирикмалари (фунгицидлар), симоб хлоридлари (каломед, сулема) металл билан биринчишидан эса амалгамалар ҳосил қиласиди. Сув муҳитига тушган симоб сув микроорганизмлари ва ўсимликлар томонидан шимиби олинади ва озуқа ҳалқаси: сув ўсимлиги-балиқ-одамга ўтади ва унинг танасида тўпланиб турли касалликларни келтириб чиқаради. Тупроққа тушган симоб, ундаги гумус таркибини бузади, экин маҳсулотлари орқали ҳайвонга, ундан инсонга ўтади.

Юқорида қайд қилинган инсон муҳитидаги зарарли экологик омиллар натижасида қон системасига оид касаллик, заҳарланиш, турли ўсимталарни ҳосил бўлиши, нафас йўллари ошқозон-ичак, жигар, ўт йўли, буйрак ва юкумли касалликлар юзага келади.

Кейинги вақтларда инсонни экологик муҳитини ҳар тарафлама “комплекс” аппаратлар, асбоблар ёрдамида ҳаво таркибидаги CO_1 , CO_2 , H_2S , CEN_2O_2 лар миқдори аниқланаб, уларнинг даражаси муҳитда ортиқча бўлса, уларни камайтириш бўйича тиббиёт-экологик

экспресс чора-тадбирлар кўрилмоқда ва энг аввало:

Турли, корхоналарда заҳарли кимёвий моддаларни муҳитга чиқаришни чеклаш йўли билан инсон экологик муҳити ҳолатини яхшилашни, хизматчиларни соғломлаштириш тадбирларини кўриш, корхоналарни чиқинди чиқариши устидан доимий мониторинг ўрнатиш лозим.

26.5. ЎТМИШДА ИНСОН ҲАЁТИНИНГ АЧИНАРЛИ ҲОЛАТИ

Ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб Ўрга Осиё Республикалари қишлоқ хўжалигига экинлар орасида пахта яккахокимлиги устун бўлиб, бошқа экинларни экишни мутлақ чегаралаб қўйди. Масалан, 1970-1985 йилларда Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон ерларининг 50-63 фоизига пахта экилган бўлса, буғдой учун 1,1-3,6 фоиз, картошка, мева ва сабзавотлар учун 5-8,1 % ер ажратилган. Ўрга Осиёда ернинг ҳар қаричи тиллога teng бўлиб, қўй-эчкilar бокиши йўқолиш даражасига етди. 1980 йилларда собиқ Иттифоқда аҳолининг ҳаёт индекс даражаси СССР бўйича ўртача 100 бўлса, Ўзбекистонда 34, Қирғизистонда 45, Туркманистонда 50, Тожикистонда 32 га teng бўлган. Агар Иттифоқда 1980 йили одам бошига бир кун учун 3215 калория тўғри келса, Ўрга Осиё Республикалари аҳолиси учун 2615, 2760 калория атрофида бўлган бўлса, ғалла ва картошка бўйича 56-61 фоизни ташкил қилган.

Озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун 1980 йилларда собиқ Иттифоқ ишчиси Америка ишчисига қарагандан гўшт сотиб олиш учун 10-12 баробар, парранда учун 12-20, сут учун 3, сариёф учун 7, тухум учун 10-15, нон учун 2-6, ароқ учун 18 баробар ортиқ ишланиши керак бўлган.

1980 йиллари Иттифоқ бўйича озиқ-овқатни етишмаслиги сабабли қишлоқларда “тинч” очарчилик бошланди. Қишлоқ дўконларида 10 йиллар давомида гўшт, сариёф, тухум, товуқ гўши, умуман, сотилмади. Бунинг натижасида кўплаб оиласалар, уларнинг болалари оч қолди. Ҳатто оналар қорнидаги болаларда ҳам очлик ҳолати кузатилди. Оналар тўйиб овқатланиши ўёқда турсин кечса, бугун нима, қандай овқатланганлигини эслай олмайди (Народное хозяйства СССР за 70 лет. М., 1987, 226 228 б; Сельское хозяйства СССР, стат сборник. М., 1988. 510 б; Комсомольская правда, 1989, 16 май).

Пахтакорларнинг экологик оғир оқибатлари бу – Сирдарё ва Аму-дарё сувларини пахтазорларга ишлатиш, пахтазорларга энг зарарли гербицидлар, дефолянтлар (Америка армияси Вьетнамда паразитларга қарши қўллаган “сариқ арант” кабиларни) самолётлардан се-

пиш сабабли ахоли ўртасида касаллукларнинг 10-30 баробар ортиб кетишига олиб келди. Оналар сутида «дустни»нинг миқдори юқори эканлиги аниқланди. Ўрта Осиё худуди гепатит ва онкологик касаллукларни энг кенг тарқалган жойи бўлиб қолди. Ундан ташқари 1980 йили Иттифоқ бўйича туғилган ҳар 1000 боладан 37,7 таси ўлган. (Абдусеидова ва бош., 2003, 572-591 б.).

Юқорида келтирилган салбий ҳолатларга Орол денгизининг экологик фожияси оғир оқибатларини эслаб ўтсак. Орол бўйида яшовчи ахоли ўртасида терлама касаллиги 30 баробар, вирусли гепатит 7-марта, онкологик касаллуклар 15 баробар органи маълум. Энг муҳими ўтган асрнинг 50-йилларида майдони 6717 km^2 дан ортиқ жуда катта Бойқонур комплексини қурилиши бошлаб юборилди. Унинг майдони ҳозирги Москва каби 12 та катта шаҳар майдонига тенг. Бундан ташқари ишлатилиб бўлинган ракеталарни ташлаш учун Қозоғистондан 1,2 млн.га, Россиядан 5,3 млн.га ер ажратилган.

Ракеталардан ажратилган гептила ер ости сувларига, ўт-Уланларни зарарлаши натижасида фақат Қозоғистон ҳудудидан 180 минг га ер хўяжаликка мутлақ яроқсиз бўлиб қолган. Космодром ҳар йили 160000 м³ сув ишлатади (Зеленый мир, 1993, №28).

Қозоғистон учун Семипалатинск атом полигони жуда оғир экологик ҳудуд ҳисобланади. У ерда Дегеним тогида тоғ ишлаб чиқариш комплекси яратилган. Шу тоғда 200 га яқин штоленлар кавланган. 1949-1989 йилларда 40 йил муддатда Семипалатинск полигонида 470 та (26 та ер усти, 87 та ҳавода ва 354 та ер ости) ядро портлатишлари ўtkазилган.

Каспий дengизи атрофидаги тош-тузли текисликда жойлашган Азгир полигонида 1966-1979 йилларда 17 та ер ости синовлари ўтказилган. Қозоғистонни бошқа ҳудудларида яна 28 та ядро синови ва 4 га ядро зарядли ракеталар учирилган.

Қозоғистон учун энг хавфли нарса бу ядро чиқиндилари бўлиб, улар республиканинг 100 та жойида тўпландган. Ядро чиқиндилари нинг умумий оғирлиги тахминан 419 млн.т га тенг. Улардан 8 млн т чиқиндиларнинг фаоллиги 233000 дан юқори. Радиоактив ифлосланиш майдони 35 км² дан ортиқ (Зеленый мир, 1993, №28).

Катта ҳудудларнинг радиоактив чиқиндилар билан ифлосланиш ўилига атом проектларида қатнашган “целинний”, Каспий бўйи тоғ-металургия комбинати, Навоий ГИ, фирма, изотоп ва бошқалар қатнашган.

Ядрога оид инфраструктура биосферани жуда катта ҳудудларга ундаги ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвон ва инсонни заҳарлади, заҳарламокда ва заҳарлайди, тури касаллукларни келтириб чиқаради.

26.6. ИНСОНЛАРДА ТУРЛИ КАСАЛЛИКЛАР КЕЛИБ ЧИҚИШИННИГ ЭКОЛОГИК САБАЛЛАРИ

Табиий иқлимининг экологик омилларининг ҳукмдорлиги барча кучлардан юқори ва кучлидир. Одам танаси табиатини ташқи мұхитининг экологик омиллари белгилайди. Шундай омилларга ҳаво ҳаракати, нағыл атмосфера тарқыбы, босими, об-ҳавонинг доимий ҳолати, қүёш нурлари, УБН, шамоллар киради. Иқлимининг экологик омилларини гез-тез ўзгариб туриши инсон танасида маълум физиологик ўзгаришларга олиб келади. Масалан: юқори намли ерларда яшайдиган инсонларда юрак, қон томир ва нафас олиш аъзоларига оид касалликлар учраса, доимий шамол ва қаттиқ совуқ ўлкаларida қон босимининг пастлиги, нафас олишнинг қий инлашиши кузатилса, доимий шамолли жойларда масалан, Англия, Нюфавлеңдда яшовчи инсонларда қон босимининг пастлиги нафас олишни қийинлаشتади.

Иқлимининг экологик ҳолати ва об-ҳавони ўзгариши натижасида шамоллаш, бод, астма, сариқ ва қон босими касалликлари, ҳаттоқи күричак, холистацид ва турли юкумли касалликлар ҳам күпаяди.

Юқори тоғ ва тоғ олди минтақаларida “тоғ касаллиги” юрак уришини ўзгариши, нафас сиқиши, ҳавони етишмаслиги, бош айланиши, кулоқ шанғиллаши, юз-құл терисининг күйиши каби ҳолатлар Гян-шан, Помир, Олой тоғ минтақаларининг 4000 – 5000 м юқорида яққол кузатилади. Лекин, юқори тоғ ва тоғли жойларда яшовчи инсонлар юрагининг ўнг қоринчаларини қалинлиги (гипертрофия) сабабли улар тоғли жойда яшашга яхши мослашганлар.

Денгиз ва океанларда кемаларда сузувлilar ичиде “денгиз касаллиги”, бундай ҳолат самолётда учишда, поезд, автобусларнинг тез юришида ҳам кузатилади.

Үрмонли ҳудудларда эса “ўрмон касаллиги”, руҳий ҳолатни ўзгариши, караҳтлик, тинимсиз уйқу каби касалликлар учрайди.

Чүл-дашт ҳудудларida эса, “чүл касаллиги” асаб, дармонсизлик, оғир ташналик каби касалликларга юқори ҳарорат, паст даражадаги намлик, доимий шамол каби экологик омиллар сабаб бўлади.

Турли юкумли касалликларнинг ўчоги ифлосланган тупроқ ва сув манбалари бўлиб, улар орқали вабо, ичтерлама, ичбуруғ, безгак, буруцеллоз, сил, сариқ касаллиги каби қатор юкумли касалликлар тарқалади.

Биз тубанда Н. Комилова ва А. Солиевларни «Тиббиёт географияси» китобидан фойдаланиб айрим жадваллардаги маълумотларни көлтирамиз.

Аҳоли ўлимига сабаб бўлувчи касалликлар гуруҳига қон айланиш тизими касалликлари, хавфли ўсма касалликлар ва нафас олиш аъзолари касалликлари киради (11-13-жадвал).

11-жадвал

Турли мамлакатлар аҳолиси ўлимига сабаб бўлувчи касаллик гуруҳлари

Мамлакатлар номи	Йиллар	Ҳар 100 минг аҳолига нисбатан ўлганлар сони		
		Қон айланиш тизими касалликлари	Хавфли ўсма касалликлари	Нафас олиш аъзолари касалликлари
Россия	2002	834,9	188,6	66,7
Озарбайжон	2002	626,5	115,2	59,7
Қирғизистон	2002	716,3	114,3	147,8
Қозоғистон	2002	822,9	183,0	94,1
Тоҷикистон	2002	589,4	70,6	111,3
Украина	2002	798,7	167,0	56,7
Болгария	2002	724,0	154,8	34,6
Венгрия	2002	503,9	262,3	36,0
Буюк Британия	2000	258,0	193,2	104,6
Латвия	2002	598,3	193,4	30,4
Литва	2002	528,7	196,0	39,5
Молдавия	2002	815,6	149,2	79,8

Аҳолининг касалланиши турли мамлакатларда турлича бўлиб хавфли ўсма касалликлари, руҳий бузилиш ва сил касалликларининг салбий оқибатлари натижасида ҳалок бўлганлар сони тўғрисидаги маълумотлар 12-жадвалда берилган.

12-жадвал

Аҳолининг касалланиши

(ҳар 1000 аҳоли сонига нисбатан)

Мамлакатлар номи	Йиллар	Хавфли ўсма касалликлар	Руҳий бузилиш	Сил
Озарбайжон	2002	64,9	72,5	62,9
Арманистон	2002	178,6	43,9	44,6
Белоруссия	2002	352,4	127,7	51,8
Грузия	2002	116,3	126,5	97,9
Қирғизистон	2002	87,0	142,2	123,1
Қозоғистон	2002	197,3	181,0	160,4
Латвия	2002	383,8	234,8	77,1
Литва	2002	417,9	270,0	69,6
Молдова	2002	339,9	361,6	84,8
Россия	2002	317,2	392,8	90,2
Тоҷикистон	2002	35,2	20,8	66,5
Украина	2002	323,7	617,8	74,7
Эстония	2002	434,6	1856,5	45,6

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг қон айланиши аъзолари касалликлари билан боғлиқ ўлим кўрсаткичлари (ҳар 100000 аҳолига нисбатан) 1991 йилда 259,3, 1995 йилда 297,3, 2002 йилда 296,2 га камайган.

Маълумотлар бўйича Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Буҳоро вилоятларида хавфли ўсма касаллиги сабабли ўлим 1985 йили ҳар 100 минг одамга 80,5 ни ташкил қиласа, 2004 йили 67,7 тага тушган, яъни ўлим 20 йил ичидаги 13,2 одамга камайган.

Россияда 1992 йилда ҳар 100000 аҳолига 42,3 нафар одам сил касалига чалинган бўлса, 2004 йилда уларнинг сони 90,2 га ортган. Бу касаллик энг кўп учрайдиган жой Ёқутистон ҳисобланади.

Маълумотларга қараганда, 1980, 1986 йилларга қараганда 2002, 2004 йилларда Республика аҳолиси орасида ҳар 100000 аҳолига нисбатан умумий ўлим 15,8 ва болалар ўлеми 22,8 дан 16,7 га камайган. Бундай натижаларга ижтимоий-иктисодий ривожланиш, соғлиқни сақлаш тизимидағи ислоҳотлар ва аҳолини ҳар томонлама муҳофаза қилиш омили сабабли эришилган.

13-жадвал

Айрим мамлакатларда туғилиш, ўлим ва болалар ўлеми кўрсаткичлари

Мамлакатлар номи	Йиллар	Tуғилганлар сони	Ўлганлар сони	Йиллар	Болалар ўлеми 1000 нафар туғилган болага нисбатан 1 ёшгача бўлган болалар сони
		Ҳар 1000 аҳоли сонига нисбатан			
Россия	2003	10,0	17,0	2003	13,0
Озарбайжон	2003	14,0	6,0	2003	13,0
Киргизистон	2003	21,0	8,0	2003	42,0
Қозогистон	2003	17,0	11,0	2003	52,0
Тоҷикистон	2003	25,0	6,0	2003	50,0
Украина	2003	9,0	16,0	2003	10,0
Белоруссия	2003	9,0	15,0	2003	8,0
Болгария	2003	9,0	14,0	2003	12,3
Венгрия	2003	9,0	13,0	2003	7,3
Буюк Британия	2003	12,0	10,0	2003	5,3
Германия	2003	9,0	10,0	2003	4,1
Туркия	2003	21,0	7,0	2003	39,0
Дания	2003	9,0	11,0	2003	4,4
Латвия	2003	12,0	14,0	2003	9,0
Эстония	2003	10,0	13,0	2003	6,0
MOP*	2003	26,0	8,0	2003	69,0

Республиканинг турли вилоятлари каби Бухоро вилоятида ҳам саноатнинг ривожланиши у ерда аҳоли сонини кўпайишига олиб келди. Вилоятда 1 км² га 34 киши тўғри келса, республикада бу кўрсаткич 56,3 кишига тенг. Вилоятда туғилиш ҳар 1000 кишига 23,0 бола, ўлим эса 4,9, табиий кўпайиш 19,1 кишига тўғри келади (Комилова, Солиев, 2005).

14-жадвалда давлатлар орасида қандли диабет ва заҳм касаллигининг тарқалиши тўғрисидаги маълумотлар берилган. Мавжуд маълумотларга асосан заҳм касаллиги Россия (144,1), Молдовия (86,5), Белоруссия (80,5) давлатларида кенг тарқалган.

14-жадвал

**Ахолининг касалланиши
(ҳар 100000 аҳоли сонига нисбатан)**

Мамлакатдар номи	Йиллар	Қандли диабет	Мамлакатлар номи	Йиллар	Заҳм
Арманистон	2002	93,6	Арманистон	2001	5,8
Озарбайжон	2002	75,5	Австрия	2001	4,0
Белоруссия	2002	151,4	Белоруссия	2001	80,5
Франция	2002	239,7	Болгария	2001	18,4
Чехия	2002	506,3	Хорватия	2001	0,4
Малта	2002	156,6	Дания	2001	0,9
Эстония	2002	395,5	Эстония	2001	29,9
Финляндия	2002	251,8	Грузия	2001	25,2
Грузия	2002	128,4	Венгрия	2001	4,2
Словакия	2002	421,7	Испория	2001	5,8
Қозогистон	2002	107,5	Польша	2001	2,7
Қирғизистон	2002	49,5	Қирғизистон	2001	60,6
Латвия	2002	200,7	Латвия	2001	25,2
Литва	2002	261,3	Литва	2001	25,3
Руминия	2002	244,9	Молдова	2001	86,5
Россия	2002	146,2	Руминия	2001	55,9
Тоҷикистон	2002	54,2	Россия	2001	144,1
Украина	2002	157,9	Тоҷикистон	2003	12,2

Юқорида келтирилган маълумотлар таҳлилини кўрсатишича, аҳоли ўртасида кўп учрайдиган юрак ва қон айланиш, нафас олиш, овқат ҳазм қилиш аъзолари, асад ва руҳий касалликлар ҳамда юқумли касалликларни кўпайиши экологик ҳолатнинг оғирлиги, атмосфера ҳавосининг йирик саноат шаҳарларида (Тошкент, Чирчиқ, Олмалиқ, Бухора ва Самарқандда) ўта ифлосланиши сабаб бўлмоқди.

Республикадаги оқар сувлар ҳисобланган Чирчиқ, Ангрен, Сирдарё, Амударё сувларининг ичишга яроқсизлиги, инфекцияни (III ва IV синф) кўплиги сабаб бўлмоқда. Айниқса, ер ости сув бойликла-

рини ҳам ифлосланиб бораётганлиги табиий экологик ҳолатнинг ба-рқарорлигини бузилишига ва, ўз навбатида, инсон саломатлигини ёмонлашишига салбий таъсир қилиши аниқ.

Юқоридаги салбий экологик омиллар қаторига собиқ Иттилоқ вақтида дәхқончиликда ерга ишлатилган турли заҳарли пестицидлар, гербицидлар, дефолянтларни режасиз фойдаланишинг салбий оқибатлари ҳисобланади. Уларни тупроқдаги ПДК миқдори меъридан 80100, 100200, ҳатто айрим туманларда 372 ПДК дан юқори бўлиши уларнинг заҳарли моддалар манбаига айлантирган (Нац. док, 2002, 2004, 2008). Бундай тупроқларда етиштирилган қишлоқ хўжалик экинлари таркибидаги заҳарли моддалар экологик нуқтаи назардан инсон саломатлиги учун заҳарли ҳисобланади.

Атмосфера ҳавосининг, сув ва тупроқнинг экологик жиҳатдан зарарлилиги ўз навбатида, аҳолини санитария-гигиена ва ижтимоий таъминотининг йилдан-йилга оғирлашиб бориши, аҳоли ўртасида турли касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Турли касалликларнинг тарқалишига қарамасдан аҳолининг ўртача ёши 62 дан 72 га етган. Ўзбекистонда ўртача ёш 70 бўлса, аёллар ўртача 73, эркаклар 68 ёш умр кўради (15-жадвал).

15-жадвал

Аҳолининг ўртача умр кўриши

(2003 йил туғилганларга нисбатан, ёш йил)

Мамлакатлар номи	Ўртача умр кўриш	Шу жумладан	
		Эркаклар	Аёллар
Ўзбекистон	70	68	73
Россия	65	58	72
Озарбайжон	72	69	75
Қирғизистон	68	65	72
Қозогистон	64	58	70
Тоҷикистон	68	66	71
Украина	68	62	74
Латвия	72	65	77
Болгария	72	69	75
Венгрия	73	68	77
Буюк Британия	78	76	80
МОР	62	61	63

Юқоридаги турли касалликларга оид маълумотлар асосида тиббий-экологик атлас тузилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

26.7. ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ МУАММОСИНинг ЯКУНИ

Кейинги йилларда илм ва техникани тез суръатлар билан ривожланишида инсонни моддий ва маданий талаблари борасида камчиликлар сезилиб қолди. Натижада инсонни техноген омиллари табиий муҳитга, унинг компонентлари ва бойликларига ҳаддан зиёд тажовузкорлик қила бошлади. Тинимсиз ривожланиш оқибатида инсон билан унинг муҳит ўртасидаги икки томонлама муносабатлари бузила бошланди. Табиат билан инсон ўртасидаги муносабатларни ўрганиш жараённига антропо-экология ёки инсон экологияси фани юзага келади. Бу фан 1920 йиллардан ўрганила бошланган бўлса ҳам ўтган асрнинг 70-йилларидан тез суръатлар билан ривожланди.

Инсон экологияси табиат билан ижтимоий-биологик компонентлар ўртасидаги кўп қиррали муносабатларни ўрганиш билан бир қаторда динамик ривожланадиган кўп хил муҳит омилларини кўпайиши ва ривожланиши доимий ўзгариб турадиган инсон обьектига таъсири ўрганади. Бу фаннинг асосий вазифаси бу ишлаб чиқариш ва ижтимоий иқтисодий ривожланиш мақсадларида инсонни турли табиий ландшафтлар, катта-кичик экосистемаларга қиласидан таъсири, улардан олинадиган хомашё бойликларни ўзлаштириш натижасида муҳит табиий ҳолатини инсон саломатлиги учун бузмаслик, хилма-хиллигини табиат қонуни асосида сақлаб қолишдан иборат.

Инсонни табиатга, уни бойликларига нисбатан тажовузкорлик билан қилган тинимсиз ва ҳар томонлама ҳаракатлари натижасида ер юзини ифлосланмаган ҳудуди, суви, ҳавоси қолмади. Турли газ-симон, қаттиқ, суюқ токсиконлар билан биосфера ифлосланди. Бу ҳолат Ер шаридаги бор тирик жонзодларни ўсиш, кўпайиш ва ривожланишига хавф солади. Чунки турли заҳарли озуқа ҳалқаси бўйича ҳаво, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвон, инсонга ўтади. Унинг танасида тўғланади ва турли касалликлар келтириб чиқаради.

Атмосфера ҳавосини ифлосланишидан катта саноат шаҳарларининг аҳолиси азият чекади. Айниқса ҳавода канцероген полицециклик углеводородлардан бенз (а) пирен, флоторан, трен кабилар саратон ўсимгаларини ва асаб касалликларни келиб чиқишини тезлаштиради.

Дунёning экологик хавфли минтақалари собиқ Иттилоқнинг 10 фоиз ерларида аҳолини умри 10-15 ёшга камайган. Орол бўйи аҳолиси ичига терлама билан касалланиш 29 баробарга, сариқ касаллиги эса 7 баробарга ортган. Ҳар йили 15 фоизга яқин генетик мажруҳ болалар туғилган (Якоблев, 1990).

Турли хил касалликларни келиб чиқишига инсонни яшаш муҳитида кўплаб концероген антропоген ифлослантурувчиларнинг борлиги сабабдир. Масалан, муҳитдаги бензо инсон қонида саратон касаллигини, кадмий ҳалқум безлари саратони, маргумуш тери ва жигар

саратонини келтириб чиқарса, цинк, құрғошин қон босимини ошишига сабаб бўлади.

Собиқ Иттифоқ кўп шаҳарларининг экологик мұхитининг ифлосланишидан турли қасалликлар сони (саратон, гипертония, юрак ишемияси, ошқозон-ичак, тери, ўпка, жигар) кўпайган. Сабаби кўп шаҳарлarda турли саноат корхоналари (нефт-кимё, металлургия, ядро қолдиклари каби) кўп бўлиб, улар атмосферага заҳарли чиққиндилар (углеводородлар, бенз(а) пирен феноллар, оғир металллар, радионуклиидлар) чиқарган. Масалан, Иркутск шаҳридаги алюмин заводининг ҳавога чиққиши натижасида 10 ёшли болаларнинг 100 фоизида ҳаракат-таянч органларида қасаллик топилган. Россиянинг 50 дан ортиқ жуда хавфли ифлосланган шаҳарларида 700000 бола яшайди. Черновец шаҳрида яшовчи болалар ўртасида “сариқ болалар” пайдо бўлди. “Кимёвий” қасаллик алопеция (соҳ тўқилиши) аниқланган.

Олтой ўлкасида туғилган 28 фоиз болаларда сариқ қасалининг оғир шакли, 72 фоиз болада марказий асаб системасини бузилганини кузатилган (Ревич, 1993). Бу ўлка болалари ўртасида “сариқ болалар” қасаллиги ядроли ракеталарни полигонда йўқотилгандан ва полеметалл шахталардаги ёнгиндан кейин пайдо бўлган.

Россиянинг Черкасск, Донецк, Могилев, Санкт-Петербург, Архангельск каби шаҳарларида қасаллик даражаси бошқа шаҳарларга қаранганд 3-4 баробар юқори. Уларда асосан нафас олиш органлари бўйича қасаллик жуда юқори масалан, Архангельск шаҳрида 1000 боладан 949 нафари, Магнитагорск шаҳрида яшовчи 1000 боладан 942 нафарида нафас йўлларида қасаллик аниқланган. Қасалликларнинг 80 фоизга яқини мұхитни ҳаддан зиёд ифлосланиши билан боғлиқ. Масалан, Нижний Тагел шаҳрида 1988 йиллари болалар ўлимни икки баробар ортган. Тюмен обlastida нефт-газ саноатидан чиқарилган заҳарли чиққиндилар таъсирида аҳоли ўртасида зарарли үсимта қасаллиги 48 фоизга, ошқозон саратони 24 фоиз ошган. Кейинги ўн йилликда Россия аҳолиси ўртасидаги ўлим 25 фоизга ошган. Яъни қон айламиш системасини бузилганини сабаби 1000 одамдан 552 нафари ўлган, саратон қасаллигидан 183 нафар одам ўлган (Вронский, 1996).

Юқорида қайд қилинган маълумотларнинг ҳаммаси инсоннин яшаши мұхитини, инсон фаолияти туфайли юзага келганлигини кўрсатади.

Инсон мұхитидаги асосий экологик токсикантлар – ис гази, ўглекислий газ, углерод оксиди, олтингурут гази, азот оксиди, фосфатлар, симоб, құрғошин, нефт маҳсулотлари, ДДТ ва бошқа пестицидлар, радиоактив чиққиндилар. Уларни чиқарадиган асосий манбалар кимё, металлургия, нефт-газ саноатлари, иссиқлик ва ёғни ишлаш корхоналари, турли рудалар, уран қазиб оладиган корхоналар, қишлоқ хўжалиги, АЭС ларидир.

Экологик токсикантлар шамол, ҳаво тўлқинлари ёрдамида оқар сувлар орқали биосферанинг бир ҳудудидан иккинчи жойига тез тарқала-

ди. Улар тирик жонзодларга, озуқа ҳалқаси орқали инсон танасига ўтади.

Хозирги кунда дунё бўйича 15 фоиздан ортиқ пестицидлар турлари рўйхатга олинган. Улар ичида энг хавфиллари хлорорганик бирикмалар ДДТ, унинг метаболитлари, метафос, грефлар ҳамда фосфорорганик пестицидлар жуда заҳарли ҳисобланади. Уларни қишлоқ хўжалик далаларида қўллаш оқибатида тупроқ таркиби ўзгаради. Ўндаги тирик жонзодлар, курт-кумурсқалар, фойдали чувалчанглар қирилиб кетади. Тупроқ жонсиз массага айланаб қолади.

Ҳар йили дунё бўйича атмосферага 8000 т. кадмий чиқарилади. Ҳавода кадмийни борлиги юқори тоғ-қор музликларигача бориб етган. Агар 1900 йилларда Тяншан қор-музликларида 0,05 мг/кг кадмий бўлган бўлса, кейинги йилларда унинг миқдори 5 мг/кг га кўпайган. Симоб билан ялпи заҳарланиш 1971-1972 йиллари Ироқда кузатилган. Ироқ ҳалқига тарқатилган дон маҳсулотлари симобли фунгицидлар билан ишлов берилган. Шундай донни истеъмол қилган аҳолининг 6530 нафари касалга чалинган ва 459 киши ҳаётдан кўз юмган.

Дунё бўйича ҳар йили 10000 т симоб ишлаб чиқарилади. Уни электроника, электр батареяларида кимё саноатида стоматология йўналишларида ишлатилади. Дунё бўйича табиатга 40-50000 т. симоб ташланса, улардан 4000 т. эса денгизларга ташланган. Сувда симоб бактериялар ёрдамида жуда ҳам хавфли металл симобга айланади.

Халқаро “Инсон ва биосфера” МАБ дастурида ҳам муҳитни ифлосланишида экологик токсикантларни муҳитга тушишига ва кўпайишига йўл қўймаслик қайд қилинган. Сайёрани глобал ифлосланишида экологик урушлар ва экоцидинг ҳам роли каттадир.

Дунё аҳолиси тарихида 20000 дан ортиқ қирғинлар бўлиб ўтган. Улардаги Фораон давридаги, Ганибал-Рим, Рим-Корфаген, А. Македонскийнинг Осиёга юриши, Атилла (Одил ботирни) Европага юриши, Араблар юриши, Чингизхон ва унинг ўғилларини дунёни эгаллашга қаратилган қонли юришлари. Амир Темурни мўғулларга қарши озодлик юришлари, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари табиатга мисли кўрилмаган зиён келтирди.

АҚШни 1961-1975 йилларда Ҳинд-Хитой ярим оролида жойлашган Вьетнам, Лаос, Кампучида олиб борган уруши табиатни, уни шу ҳудудларидаги биоэкологик бирликларни парчалаб юборади. Айниқса бомбалардаги напалма ва турли заҳарли моддаларни қўллаш билан “куйдирилган ер” тактикаси асосида ва яна кўп миқдордаги портловчи моддалар билан тўйинган бомба ва ракеталарнинг умумий миқдори Японияни Хиросимо ва Нагасакига ташланган атом бомбаларининг 450 тасига эквивалент бўлган. Америкаликларни бомба ва ракеталаридан Ҳинд-Хитой ярим ороли ерларида 6-9 м чуқурликдаги 30 млн. воронка чуқурлик қолган.

Вьетнам, Лаос ва Кампучи ерларида 400000 бомба, 2 млн. снарядлар сақланиб қолган.

Вьетнамда Америка ҳарбийлари тирикликни заҳарлайди. “Эйд-

жейт оранж” суюқ модда 22 млн. литр ҳажмдаги ўрмонзорлар устидан сепилган. Шу заҳарли дефолиант таъсирида жуда катта ўрмонзор ва қишлоқ хұжалик әкінлари нобуд бўлган.

Ҳинди-Хитойда америкаликлар кўллаган кимёвий қуролдан 2 млн. дан ортиқ одам азият чеккан.

Америкаликлар Вьетнамда турли ҳарбий қуроллардан ташқари кучли бульдозерлар ёрдамида ҳар куни 40 гектар ердаги ўрмон дараҳтарини илдизи билан кўпорган.

Ҳинди-Хитойда америкаликлар олиб борган уруш натижасида жуда катта майдондаги ўрмон тирик жонзодлари билан нобуд бўлган.

Жануби-Шарқий Осиёда америкаликлар табиий муҳитга бошқачароқ йўл билан таъсир қилдилар. Улар йод, кумуш, қўроғошин ва бошқа компонентларни майда зарраларидан ҳосил бўлган бирикмаларни самолёт ёрдамида ҳавога сепиб, осмонда булат ва кучли ёмғир ёндиришган. Америкаликлар бу операцияни “Голубой Нил” номи билан юритган. Тинимсиз, кучли ёмғирлар сув тошқинлари, ахоли тураржойларини сув босиши, ер, қор кўчишлари, денгиз тўлқинларини келтириб чиқарган.

XX асрнинг 60-80 йилларида собиқ Иттилоғни ва ундан кейин АҚШни Афғонистонда олдинма-кейин 20 йилдан ортиқ олиб борган уруши давомида шу мамлакат ерларига 300 кг дан 10,5 т. ҳажмдаги 20000 дан ортиқ “бомбалар ташланган, ракеталар, ёндиручи ракеталар портлаган. Афғонистон тоғлари портлатилди, ўрмон-адирлари куйдирилди. Ҳосилдор ерлари илма-тешик бўлди. Ҳавоси, суви заҳарланди, ўз ерларидан ҳосил ололмаган дехқонлар кўкнори экиб кун кўришга ўтдилар.

Бомба, ракеталарни 20 йил давомида портлашидан ҳосил бўлган чанг-тўзон ҳавога қўтарилиб, Осиё атмосферасида “сариқ туман” қатламини ҳосил бўлишига олиб келган. Шу “сариқ туман” ўз навбатида кислотали ёмғир ёилишига олиб келди. 2001, 2005 йиллари май-июн ойларида Ўзбекистонда кислотали ёмғир ёғди. (А.Эргашев, Т.Эргашев, 2005, 2007).

Урушни сув муҳитига етказган заарига Форс кўрфази мисолида энг катта экологик ҳалокатни мисол қилиш мумкин. Бу ҳалокат Ироқ армиясини 1991 йили Кувайтга бостириб киришидан бошланган. Уруш натижасида кўрфаз сувига 1,7 млн. т нефть маҳсулотлари тушади. Ироқликлар Кувайт худудидаги 550 та нефть кудукларни ёқиб юборадилар. Улар бир неча ой давомида ёниб ҳар куни 125000 т. ёнгин маҳсулотларини атмосферага чиқаради. Ёнгиндан ҳосил бўлган коннероген моддалар минглаб километрларга тарқалади (Оксенгендер, 1992), ёнгин ва жуда катта майдонга (2500 km^2) тўкилган нефть шу худудга мисли кўрилмаган талофат келтирди. Яъни катта худудда ҳосил бўлган тутун ёмғирлар орқали ерга кўп миқдорда токсик моддалар олиб тушади. Тупроқ заҳарланади, сувда нефт пардалари борлиги туфайли балиқ овлаш камаяди, ахолини ичимлик сув таъминоти бузилади.

Форс күрфазидаги экологик ҳалокат шу ҳудудни жуда тез кимёвий ифлосланишга олиб келади. Бу жойда қышлайдиган қушларни яшащ жойи вайрон этилди, қушлар касал бўлди, ўлди, натижада шу ҳудудда экологик тенглик, барқарорлик бузилди. Трофик ҳалқа ва тирик организмлар ўртасида экологик алоқа узилади. Шуларни инобатта олиб 1974 йили БМТ томонидан қабул қилинган ҳалқаро конвенцияда ҳарбий мақсадларни табиий мұхитда фойдаланмаслик қайд қилинган.

26.8. ИНСОН МҰХИТИНИНГ ИФЛОСЛАНИШИННИ ИҚТІСОДИЙ ЗАРАРЛАРИ


Инсон ўзи яшаб турған мұхитни ифлослаётганида у ҳеч қачон зарап күришини эмас балки, фақат қўлидаги ёки машина ёки конгейнердаги чиқинидан қутулишни ўйлади.

Санаот корхоналарида тўплланган чанг, тутун ва бошқа заарали моддаларни тўплаш, қайта ишлаш, иккимачи маҳсулот олиш ўрнига чиқинидиларни атмосферага, сувга ёки тупроқ бетига ташлайдилар ва шу билан тўплланган заарали чиқинидилардан қутулдик деб ўйладилар. Табиатга ташланган озми-кўпми чиқинди инсон яшайдиган мұхитини ифлослайди, тирик жонзодларга, микроорганизмларга, тупроқдаги курт-кумурсқалар, ўсимлик, ҳайвонлар ва инсонни ўзига тўғридан тўғри таъсири қилади. Табиатдаги ўсиш, кўпайиш, ривожланиш жараёни бузилади. Трофик озуқа ҳалқалари узилади. Тупроқ заҳарлар таъсиридан ўлик танага айланади. Тупроқдаги куртлар, тупроқни қайта ишловчи чувалчанглар қирилиб кетади. Тупроқда биологик тикланиш жараёнлари тўхтайди, ҳосилдорлик камаяди, олинган ҳосил заҳарли кимёвий моддаларга тўйингани сабабли инсонда турли касалликларни келтириб чиқаради. Бундай тупроқлар ҳозир ҳам Ўзбекистонни айрим ҳудудларида бўлиб тупроқдаги заҳарли моддалар миқдори ПДК бўйича 373 гача боради.

Атмосферага чиқарилган заарали чиқинидилар охир-оқибат кислотали ёмғир сифатида ер бетига, сув юзасига тушиб, сабзавотларни, мевали дарахтлар, нина баргли дарахтларни қуриши, қишлоқ хўжалиги, умуман, хўжаликка катта зиён келтиради. Сабзавот ва меваларни бозорда нархи 1,5-2 баробарга ортиб кетди. Сабаби хўжаликлар ҳосили 30 фоизгача пасайди.

Атмосферадан ёйилган кислотали ёмғирлар туфайли Канада, Норвегия, Швеция, Финландия, АҚШ каби мамлакатлар ҳудудларида жойлашган кўлларнинг кўпчилигига тириклик мутлақ йўқолган, кўл суви шўртак (кислий), pH=3-4 бўлиб қолган. Балиқлар мутлақ йўқолган. Ундан ташқари шу ҳудудларда яшайдиган аҳоли ичидаги турли касалликлар келиб чиқсан.

Атмосферага ташланган заарали кимёвий моддалар турли металл конструкцияларни, қадимий ёдгорликларни, турли жиҳозларни коррозияга учратиб, уларни емирилишига сабаб бўлади (27-расм).



27-расм. Атмосферани ифлословчи манбалар.

Табиий мұхиттегі антропоген заарлар омылларни ҳаддан ортиқ түпнаныш ҳавони, сувни, тупроқни заһарлайды. Фойдалы үсимлик вә ҳайвонларға заар келтиради. Инсонни экологик яшаш мұхитини ифлословчи асосий манбалар:

1) Ер бағридан түрли тоғ жинсларини қазиб олувиши корхоналар, улар қолдирған тош, күм ва бөшқа қолдиклар.

2) Хомашёни қайта ишлаш жараёнида чиққан чанг-түзөн, ке-раксиз чиқиндилар, ҳар бир тонна хомашёдан (тоғ, ер ости жинсларини 97-98 %) чиқынди.


3) Хомашёни қайта ишлашда күлланиладиган түрли кимёвий реактивларни очиқ мұхиттегі айланиши.

4) Республиканы асосий хұжалик тармоғи бүлмиш қишлоқ хұжалигыда ғұзапоя, сомон, шох, барғларни ёқилишидан ҳосил бүлдидиган тутунни ҳавони ифлослаши.

5) Үрмөн хұжалигыда дарахттарни ёниши, ҳозирға кунда мингминглаб гектар ерларда (АҚШ, Калифорния, Европа, Мексика, Сингапур) үрмөнларни ёниши табиий мұхиттегінә эмас, балки шу үрмөнлар ёнған мамлакатлар хұжаликларига ҳам кatta иктисидий заар келтиради.

Юқорида келтирілген манбалардан маълумки ифлословчи моддалар ичиде құрғошин 63%, олтингугұрт диоксиdi 85%, углерод диоксиdi 75, метан 85, азот 40 фоизни ташкил қылади. Улардан ташқары атмосферага 70 % ҳажмда қадмий ва 77 %га яқын симоб чиқарилади (28-расм).

Ер юзи табиатидаги ҳаво, сув, тупроқни ифлосланыш даражасини вә ифлословчи етказған заарни пул билан ҳисоблаб бүлмайди. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида атмосферага чиқаётган олтингугұрт оксидининг бағоси 85-200 рубл, 1 т заһарсиз чанги-



28-расм.

Атмосфераны түрли токсиканттар билан ифлосланыш даражасы. Ифлослантыруочи манбалар: 1-саноат, 2-энергетика, 3-қишлоқ хұжалиги, 4-саноат ишлаб чиқарышы.

нинг баҳоси 90-180 рубл, бир гектар ўрмонга ҳаво ифлосланишидан етган зарар 20-65 рубл ҳисобида бўлган. Лекин қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш даврида (айниқса, 1970-1990 йиллар ичida) Ўзбекистонни пахта далаларида энг қимматли заҳарли кимёвий хлорорганик ва фосфорорганик пестицид ва гербицидлар миллион тонналаб олинган. Айрим жуда кучли пестицидларни 1 тоннаси 3 млн. рубл туриб, ундан ҳар йили 80000 т ишлатилган. Бир йилга (80000×3 млн=240 млрд. рубл) кетган Республикага йиллик (1,7 млрд. рубл) ажратилган маблағдан 10-15 баробар ортиқ бўлиб қолган. Шу заҳарли моддалар пахта далаларни ҳар бир гектарига 11 гр дан ишлатилиш ўрнига 54,5 кг дан ишлатилган. Пахта далалари 15-25 см қалинликда заҳарли пестицидларга тўйинган. Шу заҳарли қимматбаҳо гербицидлар ҳозиргача 9000 т миқдори Ўзбекистон далаларида ётипти. Уларни йўқотиш бобо дехқонлар кўлидан келмайди. Бунинг учун ҳарбийларнинг кимёвий моддалар билан ишлайдиган маҳсус қисмларининг жалб қилиш керак. Агар 9000 т 83 млн. рубл қилиб ҳисобланса 27 млр. рубл сарф қилинган. Шу пуллар совурилиб кетди. Аммо улар ишлатилган ҳудудлар тупроғида заҳар моддалар миқдори ПДК бўйича 50, 80, 100, 200 ва 373 га teng ҳолда сақланиб қолган. Минглаб гектар ердаги тупроқни заҳарли қатламини кўчириб олиб бўлмайди. Нима қилинади? Бир қанча йиллар давомида тупроқда сақланиб туради. Далаларни ювилиши, зарарли моддаларни ўсимликларга ўтиши, шамол билан униши орқалигина заҳарлик даражаси ҳар йили камайиб боради. Бошқа йўли йўқ.

Г. И. Галазий (1988) маълумоти бўйича, 1965 йилларда Байкал кўли тупроғига қурилган цељлюзоза-қофоз комбинати 20-22 йил давомида 1,5 млрд. m^3 саноат чиқиндисини ва 15000 дм³ ифлос сувларни кўлга ташлаган. Натижада Байкални гидроэко системасига жуда катта зиён етган. Кўлдаги биоценозларнинг таркиби, миқдори, массаси ўзгарган. Қофоз комбинатининг бир йиллик ишлаб чиқарган маҳсулоти 112 млн. рубл бўлса, Байкал кўлига ҳар куни етказилаётган зарар 50 млн. ёнлга тенг. Бу дегани қофоз комбинати олган фойдадан кўлга етказилган зиён 200 баробар ортиқдир.

Табиий муҳитга етказилаётган зарарни камайтириш мақсадида кўп мамлакатларда экологик экспертиза йўлга қўйилган. Яъни ҳар қандай қурилиш проекти экологик экспертизадан ўтади. Агар келажакда қуриладиган канал, йўл, уй, комбинат, завод табиий муҳитга зарар келтирадиган, муҳитни ифлослайдиган бўлса, проект қайтарилади, қурилиш тўхтатилади.

Ўз вақтида қурилган Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ шаҳарларидағи катта корхоналар ҳеч қандай экологик экспертизасиз қурилган. Натижада Чирчиқ шаҳридаги кимёкомбинат, УЗКТЖ заводларининг оқава чиқиндилари Чирчиқ дарёсини мутлақ ифлослади, дарё суви хўжалик учун зарарли бўлиб қолди.

Ёки Бекобод шаҳрида жойлашган турли саноат корхоналари оқава сувларини Сирдарёга ташланиши натижасида дарё суви ўз таркиби-ни, сифатини йўқотди. Сирдарё ўз оқимини бошланишидан то Бекобод шаҳрининг корхоналари оқава сувларини дарёга ташлангунга қадар масофада сув тоза, истеъмолга яроқли бўлса, Бекободдан бошлиб сувни кимёвий таркиби, кимёвий-биэкологик сифати ўзгариб, ифлосланиб Чиноз, Чордара атрофида сувни ифлосланиш даражаси 2-3 класс бўлса, дарёнинг қуий қисми – Казали шаҳри яқинида бир литр сувнинг тузлиги 2,5-3-4-г га тенг. Сувни ифлосланиш даражаси 4 класга тенг. Сув мутлақ истеъмолга ярамайди (А. Эргашев, Т. Эргашев, 2006).

Сирдарёning ўрта ва қуий қисми Ўзбекистон ва Қозогистон аҳолисини сув билан таъминлади. Сирдарёда ҳар йили $37,1 \text{ km}^3$ сув ҳосил бўлади. Бу оз сув эмас, уни тозалик ва истеъмолга яроқли сифатини иқтисодий томондан ҳисоблаш қийин. Сувни ифлосланишидан юзага келган ва инсонларда турли касалликлар, атмосфера ҳавоси, тупроқ ва уларни оқибатларидан жамиятга етказилган зарар иқтисодий, руҳий, тиббий-экологик зарар жуда катта ва тенгсизdir. Бу ерда биз муҳитни ифлосланишдан инсонлар ва жамиятда юзага келган турли зарарларни инобатга олдик, холос.

Табиатни, унинг асосий компонентлари – атмосфера ҳавоси, тупроқ ва сув ҳавзаларини ифлосланишидан келадиган иқтисодий зарарни ҳеч ким ҳисоблаб чиқмаган. Сабаби бу мураккаб муаммодир. Мисол учун Чирчиқ кимёсаноат комбинати бир кунда атмосферага чиқарган азотли ифлосланган 1 m^3 газли чиқиндиси қанча туради, у қанча m^3 тоза ҳавони ифлослайди. 1 m^3 тоза ҳавонинг баҳоси қанча? комбинат бир кунда, бир ойда ва бир йилда қанча газли чиқиндини атмосферага чиқаради. Буни умумий ҳажми аниқ, лекин газ чиқиндининг умумий баҳоси йўқ. Шу билан бирга ҳавога чиқарилган газсимон чиқиндилар қанча тоза ҳавони (баҳс, ҳажми йўқ) ифлосланишидан тоза ҳавога етган зарарни аниқлашнинг имкони йўқ, бу иқтисодчиларнинг иши.

Яна бир мисол, ўз даврида пестицид, гербицидлар билан заҳарланган минглаб гектар ерларни 20-25 см қалинликдаги қатламини тозалаб бўлармикан? Йўқ, тозалаб бўлмайди, ҳаттоқи заҳарланган эрни бир гектарини ҳам тозалаб бўлмайди.

Ифлосланган, заҳарланган муҳитни фақат табиатни ўзи аста-секин, кунлар, ойлар ва йиллар ўтиши билан тозалайди, табиат ўзи-ўзига табиб, фақат биз табиатга ортиқча ифлос, заҳарли юқ ташла-маслигимиз, табиатни, уни бутун борлигини асраримиз, муҳофаза қилишимиз, келажак авлодларга тоза, гўзал табиатни қолдиришимиз шарт.

XXVII БОБ

ИНСОННИ ТАБИАТНИНГ ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИГА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Инсон ўз фаолияти билан атроф-муҳит ҳолатига қадимдан таъсир қилиб келган. У овчилик қилиб табиатдаги жонзодларни ўлдириб, қанча-қанча турларни йўқолиб кетишига сабаб бўлди, ўт кўйди, ўрмонларни куйдирди, дехқончилик учун ўрмонларни кесиб, ўтлоқзорларни бузиб ер очди. Ерларни текислади, қишлоқ ва шаҳарлар, йўллар ва каналлар қурди. Табиат буларни ҳаммасини кўтариб келди. Лекин XX асрнинг 60-70 йилларидан бошлаб табиатни тезлик билан бузилиши, заҳарланишини, табиий бойликларни ҳаддан зиёд истроф бўлиши табиий муҳит, унинг ичидаги биологик алоқаларни саклаш борасида жамоатчилик томонидан олимлар, мутахассислар, жамоат ташкилотлари ҳаракат бошладилар. Масалан, 1971 йил табиий муҳитни саклаш кейинчалик тупроқ, сув, атмосфера, сув: тупроқни ифлосланиши, ўсимлик ва ҳайвонларни йўқолиб кетиш сабаблари кўрсатиб берилди. Улар табиатни ташкил қилувчи ва бир-биридан ажralmas компонентлар, инсон ҳаётининг асоси эканлиги ҳақида газета, рўзномалар, радио ва телевидениеларда кўплаб ахборотлар берилади.

Агар қадим замонларда ердан юқори ҳосил олиш учун инсонлар тез-тез экин майдонларини ўзгартириб туриш билан табиий муҳитга таъсир қилган бўлса, техника асири кириб келиши сабабли табиий экосистемаларга қишлоқ ҳўжалиги ва саноатни таъсири кучаяди, габиат инъомларини эксплуатация қилиш кенг кўлам ёяди. Ҳозир жаҳон бўйича ҳар куни табиий муҳитдан 110-130 гектар ер тортиб олиниб, у ерларга йўллар, саноат объектлари, қишлоқ ва шаҳарлар курилмоқда. Саноат объектларини ишлаши учун табиий хомашёлар, сув, ҳаво керак. Уларнинг чиқиндилари атмосферага чиқарилиб, сув ва тупроқни ифлосламоқда. Муҳитнинг ифлосланишидан ўсимлик-ҳайвонлар йўқолмоқда. Шундай қилиб, биологик системалар инсоннинг ҳўжалик фаолияти учун қурбон бўлмоқда. Саноат ривожланган жойларда жуда оз миқдордаги ўсимлик, бута, дарахт ва ҳайвонларгина мослашганлар, холос.

Юқорида қайд қилинганидек, инсонларни ер ва унинг бойликлар билан алоқаси минг-минг йиллар олдин бошланган. Бу муносабатнинг илк қадамларида инсон катта ландшафтлар – экосистемаларга таъсири чегарадан чиқмаган, сезиларли бўлмаган, қўл куроллари билан овчилик қилган, уруғ, мева териб кун кўрган. Инсон дехқончиликка ўтиши билан у ўзини озуқа маҳсулотларини бойитган. Аҳоли сонини ортиб бориши туфайли катта экин ерлари қишлоқ

ва шаҳарлар учун керак бўлган. XVI асрда дарахтлар кўйдирилиб, кўмир олинган, кўмир энергияси ёрдамида темир эритилган, шиша идишлар ясаш бошланган. Тоғ қазилмалари ишга тушади.

Бу жараёнлар талабини қондиришга жуда катта майдонлардаги ясанъ, вязъ, пина, граб, клеп, қарағай ўрмонлари йўқолиб кетади. Қалин ўрмонлар даштга айланади, у ерларни бегона ўтлар босади.

Бундан тахминан 150 йиллар аввал ривожланган мамлакатлар саноатида ва қишлоқ хўжалигида турли машиналарни қўлланилиши инсон хўжалигини тубдан ўзгартириб юборади. Қишлоқ хўжалигида монокультура ҳукмрон бўлади. Экинзорлар чегараланади, ўрмон, ҳайдалган ер, ўтлоқзорларга ажратилади. Ерга минерал ўғитлар, кимёвий заҳарли моддаларни қўллаш услублари үшлаб чиқилади, ҳаддан зиёд кучли техника ишлатилади. Натижада тупроқни физикавий ва биологик хусусиятлари бузилиди, атрофдаги табиий экосистемалар ҳам ишдан чиқади, уларнинг экологик ҳолатлари, турғунлигига путур етади.

Инсон ўз фаолияти давомида ўсимлик ва ҳайвонлар оламига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир қилиб келган, уларни яшащ жойлари бузилиб, ўzlари эса нобуд қилинган, бунинг натижасида фойдалари турлари камайиб, зараркунандалар, паразитлар ёки йиртқич турлар кўпайган. Кўпчилик ҳолларда ўсимликлари бузилган жойлар кўп вақтлар ташлаб қўйилганлиги сабабли, ундан майдонлар аста-секин ўзини табиий экологик ҳолатини тиклаб табиий экосистемалар майдонини ортишига олиб келган, табиий фондни орттирган, экологик тикланиш шу жойларни бузилмаган системаларга яқинлаشتирган.

Табиий ер фонди инсонлар томонидан асосан қишлоқ ва ўрмон хўжалигига ҳамда саноат ишлаб чиқарилиши, қурилишларда фойдаланилади. Айниқса, турли корхоналарни қалин жойланиши сабабли ўсимликлар қоплами бузилади, ер усти сув оқимини фойдасиз оқиши ортади, тупроқда намлиқ тўпланмайдиган бўлади. Бунинг натижасида сув режими, ер ости сизот сувларининг сатҳи, парланиш жараёнлари, маҳаллий жойни иқлими катта майдонларда ўзгарди.

Саноат, коммунал-хўжалик ва қишлоқ хўжалигидан чиқсан кимёвий оқава сувлар очик сув ҳавзаларига (дарё, кўл, сув омборларига) тушиб, тоза ичимлик сувларини ифлослади, таркибини бузди, яъни сувда кислород миқдори камаяди, минерал ва органик моддалар миқдори ортди.

Зарарли организмлар камаяди, сунъий биологик тозаланиш қобилияти йўқолади. Фойдали ўсимликлар ва ҳайвонлар турлари йўқолади ва ҳ.к. айниқса, кейинги вақтларда саноат чиқиндилари (радиоактив, кимёвий заҳарли, қазилма хомашёлар қолдиқлари, шлак, темир-терсак, шиша ва б.) ер юзини қоплаб бормоқда. Улар атроф-муҳитни (атмосфера, тупроқ ва ер усти, ер ости сувларини) ифлосламоқдалар. Масалан, собиқ Иттифоқ даврида радиоактив моддалар

Оқ дengизга, Новая земля, Сибирь, Ўрта Осиё ерларига ташланган, кўмилган. Бу эса хеч кимга сир эмас, Оқ дengизда радиоактивликдан заҳарланиб, миллион-миллион дengиз юлдузлари ўлмоқда. Қозогистоннинг 2 млн. гектар ўтлоқзори ядро қуроллари синовидан кейин радиоактив чанглар билан ифлосланиб, кераксиз ҳолда ётмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳондаги турли корхоналардан 300 хилдан ортиқ газсимон ва қаттиқ заррачалар атмосферага чиқарилиб, ҳавони ифлосламоқда, унинг таркиби ва хусусиятларини ўзгаририб юборди, атмосферадаги ифлос зарарли газ ва қаттиқ заррачалар ёғин билан ерга тушиб, ўсимлик, ҳайвон ва инсонга катта зарар етказмоқда. Ёмғир ва туман ёрдамида атмосферадаги заҳарли моддалар тупроққа ўтиб, сув ба моддалар айланишида қатнашади.

Корхоналардан чиқарилган заҳарли моддалар озуқа занжирини боши ўсимликларга, уларни устичча аппаратлари орқали ҳужайра ва тўқималарга ўтиб, модда алмашуви жараёнини бузади, ўсимлик заҳарланади. Унинг массаси билан озиқланган ўтхўр ҳайвон ҳам заҳарланади. Ундан ташқари, кўпчилик ҳайвонлар умрида ўтлоқзор кўрмай доим технологик мухит таъсирида яшайди. Бунга ҳаттоқи шаҳар, қишлоқлардан узоқ кетмайдиган қарға-қузғун қушларни ҳам киритса бўлади.

Маълумки, табиий экосистемаларда ўсимликлар озуқа турларни бойлиги ва хилма-хиллиги ер усти муҳитидаги ҳайвонлар популяциясини қалинлигини аниқлайди. Ўсимликлар билан ҳайвонлар ўтасидаги тенгликни келтириб чиқаради. Лекин ҳайвонлар яшаш жойини бузилиши бу тенгликни инкор этиб, турларни йўқолишига олиб келмоқда. Агар ўтган асрда ҳар йили табиатдан биттадан тур йўқолган бўлса, кейинги 50-60 йил ичida 76 дан ортиқ турлар йўқолиб кетган, 600 га яқин турлар эса йўқолиш арафасидадир. Бунга асосий сабаб, турлар яшаш жойини бузилиши, қисқариши, овлаш, тутиш, шовқин, заҳарланиш ва ҳ.к.

Кўпчилик жойларда ўсимликлар қопламини сийраклашиб бориши экологик зарурий хусусияти турлар ҳар хиллигини қисқаришига сабаб бўлмоқда. Уларнинг ўрнига заарали турлар кўпайиб улар экологик тенгликни сақлаб қола олмайдилар.

Чўл, дашит зоналар экосистемалари ҳам инсон фаолиятидан четда қолгани йўқ. Масалан, Қизилкўмда олиб борилган қидирив ишлари, унинг бағрини илма-тешик қилиб юборди, ер бети эса турли машиналар изидан қовун пўстлоги каби тўрлаб кетди. Ўт-ўсимликлар пай-хон қилиниб, унинг устига Оролни қуриган қисмидан кўтарилаётган тузли кумлар атроф-муҳитни 1,5 млн. гектардан ортиқ ўтлоқзорларни шўрланишига олиб келди. Натижада бутун тирик турларнинг гаркиби, миқдори, маҳсулдорлиги ўзгарди.

Тоғ, тоғ ёнбағирларида ўрмон дарахтларини аёвсиз кесилиши, шундай жойларда иқлимни ўзгариши (сувни оқиб кетиши, намликни кам

түпланиши, ўсимликлар қопламини сийракланиши, уларга мослашган ҳайвонлар ва қушларни бу ерлардан кетиб қолишига) сабаб бўлмоқда. Тоғ ёнбағирларидаги буталар ва дараҳтларни йўқолишига турли сайдёхлар, вақтингча дам олувчи сайдёхлар, чанғи учувчилар, соғломлаштириш лагерлари ҳам катта зарар етказмоқда. Улар буга-дараҳтларни кесиб, синдириб, ноёб ўсимликларни юлиб, табиатни пайхон қилмоқдалар.

Эволюцион ривожланишда ҳайвон ва ўсимликлар бирга яшашга мослашганлар. Экологик шароит қулай бўлган жойда ўзлари насл қолдирадилар ва шунинг натижасида табиий экосистемалар сақлашиб қолади. Яшаш жойининг бузилиши, тирик системани бузилишига, уни ўсимлик ва ҳайвонлар таркибини ўзгаришга олиб келади. Ҳаёт муҳитларини ҳар хиллиги ва қулайлиги турлар сонини ортишига, маҳсулдорликни ўсишига асосий омил бўлади.

Инсонларнинг асосий вазифалари – бу ўз ҳаётини, келажак авлодини сақлаб қолиш учун табиий системаларни бузмаслиги, ифлосламаслиги, заҳарламаслиги, табиат билан иттифоқда, унинг қонунларини инобатга олган ҳолда яшashi керак.

Органик дунё бир неча эволюцион ривожланиш даврларини ўтган, яъни: 1) биологик моддалар айланиши ва биосферани юзага келиши; 2) кўп ҳужайрали организмларни пайдо бўлиши ва ҳаётни циклик тузилишини мураккаблашиши. Бу икки ҳолат биогенез деб ҳам айтилади; 3) эволюцион ривожланишнинг учинчи этапи – бу инсон ва уни жамиятининг юзага келиши ва уларнинг таъсирида биосфера эволюциясини давом этиши ва ақлий сфера – ноосферага айланиши.

Биосфера ривожланиб ноосферага ўтади – фан ривожи ва ижтимоий тизим асосида юзага келади. Инсон тирик организм, тирик модда ва у биосферани маълум функциясини бажаради, биосфера тузилишида қатнашади.

Биосферани онг сфераси – ноосферага айланишини тубандагича изоҳлаш мумкин, яъни: 1) Инсон ривожланишнинг бошланиш даврида у яшаш учун биосферадан керакли ҳаётий маҳсулотлар олди, қолдиқларини биосферага қайтарди, ундан эса бошқа организмлар фойдаланди. Инсонни бу фаолияти уни бошқа организмлардан ажратиб турди. 2) Инсон жамият турғунлигини бузишга киришди. 3) Ҳозирги кунда инсон атроф-муҳитга салбий таъсир қилганини тушуниб етди ва табиат қонуни билан ҳисоблашишга ҳамда унинг имкониятларидан тўғри фойдаланишга киришди. 4) Биосферадан ноосферага ўтища инсон жамият билан табиат ўртасидаги муносабатларни ақл-идрок билан йўналтирган инсон фаолиятигина табиат билан жамиятни жуда узоқ вақт гармонал ривожланишига олиб келади.

Ҳар қандай тирик организм, шу жумладан, инсон ҳам биосферанинг биологик элементи, табиатни муҳофазаси – инсонни, уни цивилизацияси, тарихи ва маданиятини муҳофаза қилиш демакдир.

Жаҳон бўйича инсонларни ўсиш тезлиги юқори, агар инсонлар сонини икки баробар кўпайишига (1800-1900 йиллар) 100 йил керак бўлса, ҳозирги вақтда планетада ҳар 12-15 йилда инсонлар сони 1 млрд. одамга кўпаймоқда.

Турли табиий оғатлар, очарчилик инсонлар сонини камайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, 1985 йилги Мехикодаги ер қимирлаш 20 минг, Колумбиядаги вулқон 26000, Арманистондаги ер қимирлаш 25000, Тожикистондаги эса 1000 дан ортиқ одамларни ўлимига сабаб бўлди. 1990-1993 йилги Самолидаги очарчилик туфайли 1000000 дан ортиқ аҳоли ўлган ва ҳ.к. сўзсиз бундай ҳолатлар табиий сабабларга кўра юзага келган ва келмоқда.

Аммо инсонни табиатга кўрсатган салбий таъсири хилма-хилдир. Масалан, 2007-2008 йиллар Калифорния, Греция, Италия, Туркия ўрмонларидағи ёнғин сабабли минг-минглаб гектар ерда дараҳтлар, уларнинг органик моддаси ёниб кетди, денгизларни ифлослаш ва ваҳшиёна балиқ тутиш, тупроқ эрозияси сабабли миллион гектар фойдали ерларни ишдан чиқиши, ер усти ва ер ости сувларини ифлосланиши, завод, фабрикалар ва бошқа техноген омиллар туфайли атмосфера таркибининг бузилиши (масалан, Атлантик океан устидан учиб ўтган реактив самолёт 35 т кислородни ютади, атмосферага ўндан ортиқ заҳарли газлар чиқаради), ерга ҳаддан зиёд кўп заҳарли моддаларни ишлатилиши биосфера тургунлигини бузилишига сабаб бўлмоқда, унинг натижасида инсон ҳам етарли даражада ўзининг салбий фаолияти таъсирини сезмоқда. Масалан, ўз вақтида Англияда 3 млн. гектар ерга ДДТ билан ишлов берилган. Канадада ДДТ таъсирида 800 минг лосос ва форел балиқлари ўлган. Натижада инсонни озуқа маҳсулоти камайган, уя қўядиган қушлар сони 72% дан 29%гача камайган. Ўлган қушлар танасида ДДТ, пестицидлар миқдори муҳитга нисбатан 100000 баробар ортиқ бўлган, озуқали мидия ва устрицаларда эса ДДТ нинг миқдори сувдаги концентрациядан 70000 марта юқори бўлган. Ҳаттоқи айрим кимёвий препаратлар (гептагхлор) бир ҳужайрали сувўтлар кўпайишини 95 % га камайтирган: АҚШ аҳолиси бир киши танасида ўртача 925 мг, Франция аҳолисида 370 мг хлор органик моддалар тўплангандай. Шимолий районларда радиоактив моддалар лишайникларга – буғуларга – одамга ўтиб, унинг танасида 1,5 мкюри атрофида тўпланса, шу ердаги ўрдакларда муҳитга нисбатан 200000 марта кўп бўлган.

Маълумки, дунё бўйича 100 млрд. т хомашё қазиб олинади, шундан 2 млрд. т турли маҳсулотлар олиниб, қолгани чиқинди сифатида биосферага ташланади. Ҳар бир тонна ишлаб чиқарилган маҳсулотга 20-50 т чиқинди тўғри келади, ҳаттоқи 20-22 г олтин олиш учун 1 т рудага ишлов бериш керак.

Гурли мамлакатлар томонидан дунё океанига йилига 6-7 млрд. т қаттиқ чиқиндишлар ташланади, гидросфера 90-100 млн. т нефть, нефть маҳсулотлари, шундан 19-20 млн. т ер усти экосистемасига 60-70 млн. т атмосферага тушади. Шундан техноген сабабларга кўра кейинги 130-140 йил ичидаги атмосферада CO_2 ни миқдори 0,3 %дан 0,5 га кўпайди.

Бундан 150-170 йиллар аввал Оврупа ерларига атмосферадан ёғин билан кадмий элементи тушган эмас, лекин кейинги вақтда гектарига 5,4-5,5 г кадмий тушмоқда. Унинг одамни айрим безларидаги миқдори 1900 йилга қарагандаги 75-80 баробар ортган. Йиртқич қушларда эса 29 мг/г ёки 132 баробар кўпайган. Ҳаттоқи кейинги 100 йил ичидаги Помир-Олой музликларида кадмий миқдори 5-6 марта ошган.

Биосферага 4,5 млн. т га яқин ДДТ заҳарли моддаси ишлатилган. У ўртача ерадиги ҳар бир одамга 1 кг дан бўлса, уни қишлоқ хўжалигига кўплаб ишлатган регионларда одам бошига 5-6 кг дан тўғри келади. АҚШда энг катта кимёвий завод Лос-Анжелос атрофида жойлашган бўлиб, у ҳар куни 150-250 кг ДДТ га ўхшаш кимёвий бирикмани Санга-Моника бўғозига ташлаб турган, бунинг натижасида шу бўғозда учрайдиган балиқлар тўқималарида 57 мг/кг, жигарларида эса 1026 мг/кг ДДТ тўпланган, озуқа занжирларининг охирги ҳалқасида ДДТ жуда кўп тўпланган. Пеликанлар танасида 2600 мг/кг га етган. Турли ҳайвонлар танасида бу моддани миқдори турлича бўлган. Масалан, чайкаларда 805 мг/кг, гарбий поганкиларда 192-292, денгиз калифорния шаридаги 911, уни мия тўқималарида эса 12 мг/кг ДДТ бўлган.

Кимёвий заҳарли чиқиндишлар саноат соҳалари орқалигина эмас, балки қишлоқ хўжалиги орқали ва бошқа йўлларда кўйларни дильдирин заҳарли модда билан чўмилтириш, жун, гилам кабиларни ювиш, уларга ишлов беришда ҳам турли заҳарли кимёвий моддалар ишлатилади. Улар ювилиб кўл, дарё ва денгизларга тушади, сувдан фитозоопланктон, улардан эса катта-кичик балиқларга, улардан инсонлар танасида катта концентрацияда тўпланади.

Денгизларда сузувчи, нефть ташувчи кемалар турли фалокатларга учрайдилар, улардан минглаб тонна нефт денгизга тўкилади, сув юзасини қоплади, сувда кислород алмашиниш бузилади, балиқлар улади. Биргина Британия ороллари атрофида нефтга қорилиб йилига 50-250 минг күшлар нобуд бўлади.

Агар Аристотель даврида инсониятга ҳаммаси бўлиб 5 та элемент¹ аниқ бўлган бўлса, ҳозирги кунда одамзод 70 минг дан ортиқ кимёвий бирикмалар яратди, у ҳар йили 1000 дан ортиқ янгисини ихтиро этади. Шулардан 7000 таси концерогенлик хислатига эга. Маълум кимёвий бирикмалардан фақат 1500 тасигина ҳайвонларда синааб кўрилган, холос. Саломатлик даражаси пасайди, улар ичидаги турли касалликлар тарқалди, айниқса, болалар ўлими кўпаймоқда. Ундан

гашқары озуқа, сув ва ҳаво орқали инсон танасига ўтган моддалар уни генетик фондини бузиб, ундан турли аномалияга учраган мажрух болалар туғилмоқда. Инсон кашф қилган моддаларни тириклик генетик системасига салбий таъсири жуда каттадир.

Ҳозирги кунда дунё бўйича кўп миқдорда турли кимёвий моддалар тўпланган бўлиб, уларнинг айримлари ДДТ, гербицидлар, пестицидлар, ҳужайра моддаларига ўтиб, салбий мутагенлик таъсир кўрсатдилар, улар тирик организм танасида оксидланиш, тикланиш, парчаланиш ва қўшилиш жараёнларида ҳужайрани органик моддаларини ифлослайдилар, организмни генетик белгиси ўзгаради, яъни болалар мажрух, қўл-оёқлари узун-калта ёки йўқ, аёллар ҳомиладорлигини бузилиши, болалар ўлимини ортиши, юрак-қон томирлар, ошқозон, жигар, буйрак, саратон касаллуклари, уйқусизлик каби ҳолатлар кўпаяди. Ривожланаётган мамлакатларда пестицидларни қўллаш натижасида ҳар йили 375 минг одам заҳарланади, улардан 10 мингдан ортиги ўлади. Заҳарли гербицид ва пестицидлар қушлар ва сув ҳайвонларига салбий таъсир қиласиди. Масалан АҚШнинг сув ҳавзаларида учрайдиган бичок балифининг 80 фоизини тери ва жигар саратони билан зарарланган. Канада судан балиги жигаридаги шиш бўлган. 5% ли хом нефтдан сувўтлар, умуртқасизлар, балиқлар, тюлень ва китсимонлар ўладилар. Сувда айрим оғир мегалларнинг жуда оз миқдори ҳам тирик организмга зиён келтиради, яъни улардаги симоб 0,05 мг/л, мис 0,05, кадмий 0,2, фенол 0,5, аммоний 1 мг/л., цианид 0, 0,5 мг/л. кабилар организмлар ҳаракатини бузади ва кўп балиқлар ўлади.

Юқорида инсон яратган турли зарарли моддаларни тирик организмларга, шу жумладан инсонни ўзига салбий таъсирини кўриб чиқдик.

27.1. ИНСОН ТАБИАТДА ТИРИКЛИКНИ ЙЎҚОТУВЧИ ВА ТИКЛОВЧИ КУЧДИР

Инсон ўз ҳаёт фаолиятида тинимсиз табиатга ва уни элементларига таъсир қилиб келмоқда. Унинг салбий ҳаракати натижасида ер юзидан кўплаб флора ва фауна вакиллари йўқолиб кетди, жумладан, 160-йилдан шу кунларгача дунё бўйича қушларнинг 162 тури ва тур вакиллари, яна 381 тур эса йўқолиб кетиши хавфида, сутэмизувчиларнинг 255 тури, Австралия халтали ҳайвонларнинг 42 % йўқолиш хавфи остида қолган. Бу ҳолатга айрим мисоллар келтириб ўтамиз, яъни 1827 йили Польшада ҳозирги мугузли ҳайвонлар аждоди охирги тур ўлади. 1681 йили Маврикий оролида Дронт йўқолади. Бу ерга 17 асрда колонизаторлар келиши билан оролдаги қушларнинг 28 туридан 24 таси йўқолган. 1765 йили Узоқ Шарқни Камандор оролларидан охирги дengиз сигири йўқолади. 1870-1980 йиллар Жанубий

Африканинг икки зебра тури – бурчелла ва квачча зебралари ер юзидан йўқолади. Тасодифан Ҳиндистонда бизон ва зурлар оз миқдорда сақланиб қолади.

Ҳар хил маълумотларга кўра ҳозирги Ер юзида 2-3 млн. организмлар турлари бўлиб, улардан 1,5 млн. ҳайвон ва 350 (500) 000 ўсимликлар турлари мавжуд. Баъзи маълумотларга кўра факат ҳашаротлар сони 8-12 млн. турни ташкил қилас экан. Уларнинг кўплари фанга кирган эмас.

Ҳозирги вақтда ўсимликлар оламини 25-30 минг гули ўсимликлар турлари (ёки дунёда маълум турларнинг 8-10 %) йўқолиб кетиш хавфи бордир. Собиқ Иттифоқнинг “Қизил китоб”га (1984 йил) 603 та гули ўсимлик, моҳлар (90 тур) лишайниклар (70 тур), замбуруғлар (50 тур) киритилган. Англия қирғоқларида учрайдиган денгиз сув ўтларининг уч қисми, Францияда учрайдиган замбуруғларни 42 % и йўқолиш арафасида туради.

Ҳайвон турлари ҳам катта хавф остиладир. Жумладан, Гавай оролларида учрайдиган 1061 энемик моллюскаларнинг 600 тури йўқолди, 400 хили эса хавф осида. Шимолий Америкада учрайдиган мингдан ортиқ моллюскалар турларини 40-50% та ўлиб кетган ёки йўқолиб кетган. Германия ҳудудида кейинги 50 йил ичida кундузги капалакларни 27% и ўлиб кетган. Туркистоннинг тогли райони Гарбий Тяньшанда учрайдиган 150 кундузги капалаклар туридан 12 таси (8%) йўқолган, 18% жуда ноёб бўлиб қолган. Жаҳон “Қизил китоб”ига балиқларнинг 168 тур ва 26 кичик тур вакиллари киритилиб, улар йўқолиб кетиш хавфда бўлса, Оврупа чучук сувларида учрайдиган балиқ турларини 52,3% ҳам йўқолиш арафасида қолган. Тоҷикистон ҳудудида аниқланган балиқларни 10,5 %, Россиянинг айrim ҳудудларидаги балиқларни 36,8 %, 60 % думли ва 13 тур думсиз амфибијалар ҳам ноёблиги туфайли «Қизил китоб»га киритилган. Оврупада учрайдиган 408 қушлар турининг 294 таси ноёб бўлиб қолган. Кейинги 15-20 йил ичida собиқ Иттифоқда монах тюлени, Осиё гепарди, турон арслони, жайрон, қизил бўри ва ўнга яқин балиқлар йўқолиб кетди.

Тирик турларни йўқолишининг асоси: овчилик (отиш, тутиш) организмлар яшаш жойини бузилиши (ёнгин, ўрмонларни кесилиши, ерларнинг ўзлаштирилиши), бошқа жойлардан келтирилган турларни таъсири, тўғридан-тўғри турни ўлдириш, ерларни сув босиши (сув омборлари), кўл, ботқоқ ва дарё этакларини қуриб қолиши, тасодифан ўлиш, касаллик, табиий оғатлар ва антрофоген омиллар (гербицитлар, пестицидлар, заарланиш, чиқиндилар билан муҳитни ифлосланиши) таъсири каби сабаблардир.

Бу сабаблар инсонни салбий фаолиятидир. Масалан, 1975-1980 йилларда Россияни Оврупа қисмида ҳар йили 2,4 млн. туёқли ҳайвонлар отилган, Австралияда 1960-1980 йиллар ичida 25 млн. кенгуру отил-

ган. Бундан 10 йил аввал йилига камида 100000 минг фил отилиб, ундан 10000 т суюк олинган. 1982 йили АҚШ дан 778 минг кушлар очиқ импорт қилинган. Улардан 46 минги йўлда ўлса, 147,3 минги карантин даврида ўлган, 1978-1981 йиллар Бангладеш Оврупа давлатлари ва Америкага 30 млн., Ҳиндистон эса йилига 100 млн. баҳа сотган. Филиппин йилига аквариумга мўлжалланган тропик балиқлардан 2-3,5 млн. сотса, Сингапурдан юз млн.шундай балиқлар Америкага олиб кетилади. Тайвандан йилига 500 млн. капалаклар олиб кетилади.

Собиқ Иттифоқ ҳудудида 42% ноёб ва йўқолиб кетаётган декоратив доривор ўсимликлар йўқ қилинган. Ўзбекистоннинг ўзида лазор, ширач, ўлмас ўт, шафрин, кийик ўт кабилар буталар, дарахтлар борган сайин инсонларни салбий таъсири натижасида табиатдан йўқолиб бормоқда.

Табиатдаги кушлар, судралиб юрувчи, сут эмизувчи турли ҳайвонларни, самолётларга, машиналарга урилиб, отилиб, тутилиб ногуд бўлиши натижасида атроф-муҳитда тирик организмларнинг сони борган сайин камайиб, табиат гўзаллиги бузилиб, уни бойликлари камайиб бормоқда.

Юқорида келтирилган маълумотлар ўсимлик ва ҳайвонлар сонини камайиши, атроф-муҳитнинг ифлосланиши, заҳарланиши.— жами инсонларнинг эртанги кунни кўра олмасдан қилган салбий ҳаракатларининг натижасидир.

Хозирги кунда ҳам инсон фаолияти туфайли биосферани турли қисмларини бузилиши давом этмоқда. Шунга қарамасдан биосфера ва уни асосий элементлари бўлмиш сув, ҳаво, тупрок, ўсимлик ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш энг катта муаммо сифатида кун тартибига қўйилди. Бунинг учун инсонни ижобий фаолиятларининг натижалари актив амалга оширилиши керак. Кўпчилик ҳоллarda инсон биосферани бузилганлиги, ифлосланганлиги белгиларини кўрмоқда, сезмоқда, бекор кесилган ўрмонлар, ташландиқ ерлар, куриган дарёлар, кўллар, ифлосланган денгизлар, балиқсиз қолган сув ҳавзлари инсонни эртанги кунни ўйлашга, бузилган табиатни тиклашга мажбур қилмоқда.

Табиатни, унинг бойликларини муҳофаза қилиш қадимдан маълум, тарихий қўлёзмалар тошдаги битиклар ва энг муҳим кўрсатма ва қоидалар мусулмонларни Куръони карим китобида ва бошқа диний китобларда (Инжил, Таврот) ҳам қайд қилинган.

Дунёнинг ҳамма давлатларини табиатни, унинг суви, тупроғи, ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонини муҳофаза қилиш бўйича қонун ва қоидалари бор. Ёш Ўзбекистон Республикаси (1992 йили) “Табиатни муҳофаза қилиш” Қонунини қабул қилди. Бу мукаммал замонавий ва энг зарур ҳужжат ватанимиз табиатини сақлашда, уни бойитишида катта роль ўйнайди.

Биосферадаги тирик организмлар вакилларини сақлаш, уларни келажак авлодларга қолдиришни асосий йўллари: турларни тутиш, отишни тўхтатиш, улар яшайдиган жойларни бузмаслик ва муҳофаза қилиш, қўриқхоналар, буортмалар, миллий боғлар ташкил қилиш ва ноёб турларни қўпайтириш, бошқа табиий майдонларга тарқатиш каби ишларни амалга оширишдан иборат.

Ҳозирги вақтда ёввойи ҳайвонларни ов қилиш, ноёб ўсимликларни юлиш қонун бўйича тақиқланган. Уларга Даشت-Жум, Аму-дарё, Бадхиз, Копотдоў, Чотқол, Нурова, Аксу-Жабакли, Сари-Челак каби қўриқхоналар киради. Бундай қўриқхоналар дунёни ҳамма давлатларида бор. Фақат собиқ Иттифоқ ҳудудида 170 дан ортиқ қўриқхона бўлган. Масалан, Ҳиндистонда олдинги Казиранг қўриқхонаси асосида миллий боғ ташкил қилиниб, унинг ҳудудида 45 мингдан ортиқ ўсимлик турлари ва кўплаб турли ҳайвонлар муҳофаза қилинади.

Ҳозирги вақтда жаҳонни турли мамлакатларида ботаника боғларида ўсимликлар оламининг анча вакиллари ўсади. Масалан, Жанубий Африканинг Претория ботаника боғида ерли флоранинг 25 % ўсади. Калифорния Ранчо Санто-Ана ботаника боғида 1500 ўсимлик турлари, Тошкентнинг ЎзРФА қошибидаги Ботаника боғида эса 2000 дан ортиқ дунё флораси вакиллари (йт ўсимликлар, буталар, дараҳтлар) ривожланади. Жаҳон ботаника боғларида 40 мингга яқин ўсимлик турлари (ёки дунё флорасининг 15-16 %и) ўстирилади, сақланади.

Ҳозирги кунда дунёни бир қанча мамлакатларида ўсимликлар фондини асраш бўйича миллий сақлаш жойлари ташкил қилинган. Бундай жойлар Швецария, АҚШ, Россия ва бошқа давлатларда бордир. Россиянинг Краснодар ўлкасида Н. И. Вавилов номидаги миллий сақлаш банки ер тагига жойлашган, уни доимий ҳароратли (24°C) хонасида 400000 дан ортиқ ўсимликлар намуналари (уруглари ва б.) сақланади. Бундай уруф банклари дунё бўйича 40 дан ортиқ бўлиб, улар ўсимликларни генетик фондини сақлайдилар. Стокгольм шаҳрида жойлашган ўсимликлар генефон банкида қишлоқ хўжалик ўсимликларини 1 млн. дан ортиқ турли йиллари сақланади. Ўсимликлар уругини сақлаш банклари жаҳондаги ўсимликлар олами вакилларини сақлаб қолишнинг бир йўлидир.

Ҳозирги кунда организмларни ҳужайра ва тўқималарини жуда паст ҳароратда узоқ сақлаш методлари ишлаб чиқилган, бу йўл ҳам ўсимликлар генофондини сақлаш чегарасини кенгайтиради.

ХХ асрдаги бир неча ўн ўсимликлар турлари маданийлаштирилган эди. Ҳозирги кунда уларнинг сони 500 дан ортиб кетди. Улардан турли дорилар олиш учун 50 дан ортиқ тур маҳсус хўжаликларда ўстирилади. 160 дан ортиқ турлар эса Ўзбекистон, Болгария, Россия каби мамла-

катларда тиббиёт мақсадлари учун күпайтирилади. Ўсимликлар парфюмерия, озиқ-овқат ва техника йўналишларида кенг фойдаланилади.

Ҳозирги вақтда ноёб ҳайвонлар турларини сақлаб қолиш учун, уларни күпайтирадиган махсус марказлар, питомниклар ташкил қилинган. Масалан, Бухоро жайрон питомниги, Ока турна питомниги кабилар. Уларда күпайтирилган жайрон ва турналар балоғатга етгандан кейин табиатга қўйиб юборилади. Кўплаб сунъий балиқ питомникларида етиширилган майда балиқлар (масалан, Ўзбекистоннинг Оққўрғон балиқчилик питомниги) табиий сув ҳавзаларига қўйиб юборилади. Каспий воҳасида жойлашган сунъий балиқчилик питомниги ҳар йили 100 млн. осетра балиқлари малькиларини денигизга ташлаб, балиқ фондини бошқариб турадилар.

Оврупа давлатларида реабилитация “марказлари” ташкил қилиниб, уларда жароҳатланган ҳайвонлар даволаниб табиат қўйнига қўйиб юборилади, бундай марказлар Франция, Германия, Швеция каби давлатларда бўлиб, уларда ҳар йили минглаб қушлар, ҳайвонлар даволанади.

Ҳозирги кунда экологик инженерия методи кенг қўлланилиб, шу билан реакклиматизация ва акклиматизация йўлини амалга ошириб, антропоген таъсирига учраган ноёб ҳайвонлар турларини, жумладан, гепард, мадагаскар лемур ай-ай, аравия орикси, оддий силовсин, оқдайлак, кичик казарок, Жанубий Африка кондораси кабиларни сақлаш, бир жойдан иккинчи хавфсизроқ жойга кўчириш йўллари билан уларни муҳофаза қилиш режалаштирилган.

Ҳайвонларни генетик фондларини ташкил қилиш анча мураккабдир. Ундан ташқари уларни сақлашни универсал методлари ҳали ишлаб чиқилган эмас. Шунга қарамасдан айрим усууллар маълум. Ҳайвонларни наслий суюқлиги (спермасини) музлатиш йўли билан сақлаш йўли бор. Масалан, буқа спермаси музлатилса, ўн йиллар сақлансанса, от ва қўй спермаси бир неча соат сақланади, холос. Лекин ҳайвонларни жинсий ва соматик ҳужайралари, зигота, гонад, эмбрионларидан, уларни тикланиш принципиал схемалари ишлаб чиқилган.

Юқорида келтириб ўтилган йўллар билан ўсимлик ва ҳайвонлар фондини сақлаш, күпайтириш орқали табиатни, уни хилма-хил бойликларини муҳофаза қилиш маълум мақсадларга мўлжалланган.

Инсонни табиатга бўлган муносабати борган сайин ижобий томонга ўзгармоқда. Шу сабабли дунёни деярли ҳамма мамлакатларида жамият ташкилотлари, экологик ассоциациялар, экологик фондлар, ўюшмалар, “яшиллар” ҳаракатлари табиатни муҳофаза қилиш бўйича кенг кўламда иш олиб бормоқдалар. Масалан, Россияда 45 млн. яқин аҳоли табиат муҳофазасига фаол қатнашган. Оврупа мамлакатларини 80 % га яқин аҳолиси бу ишда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бундай ишлар Ўзбекистон Республикаси “Табиатни муҳофаза қилиш қўмиғаси” каби ташкилотлар томонидан олиб борилмоқда. Турли тарғибот

йүллари билан кенг ақолини экологик маълумотини ошириш йўли билан табиатни муҳофаза қилишга эришиш асосий мақсадимиздир.

27.2. БИОСФЕРА ТУРГУНЛИГИНИ САҚЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Планетада инсонни роли катта. Ер юзида у қадам қўймаган ва ўз изини қолдирмаган жой кам қолди. Масалан, Арктиканинг собиқ Иттифоққа қарашли қисмida 2 млн. дан ортиқ темир бочкалар қолган. Химолай тогидаги қояларда алъинистлар қолдирган консерва банкалари ва бошқа чиқиндилар 15 т дан ортган.

Хозирги кунда инсон йилига ер бағридан 2 млрд. т кўмири, 1 млрд. т нефт қазиб олади. Ҳар йили атмосферага 8-9 млр. т CO₂ чиқаради. 100 йил ичида атмосферага 400 млрд. т CO₂ кўшилган. Шу сабабли бу газни атмосферадаги миқдори 0,3 % дан ортганлиги туфайли планетанинг айrim жойларида ҳарорат + 1,5-2° C (4) кўтарилиган. Бу муҳитда катта салбий ўзгаришларларга олиб келиши мумкин. Яъни Арктика, Антарктика ва юқори тоғ музылкларини эриши тезлашиб, Дунё океанини сатҳи кўтарилади, қанча-қанча ерлар, экинзорлар, қишлоқ ва шаҳарларни сув босади.

Инсонни фан-техника ютуқлари натижасида электр энергия, поездлар, машиналар, самолёт, ракета ва сунъий йўлдошлар яратилди, буларни ҳаммаси ер бағридан тортиб олинган табиий бойликлар ҳисобига бўлди. Лекин ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган миллиардлаб чиқиндилар: 1) фойдали ерлар майдонини камайтиromoқда; 2) тупроқ ва ўсимлик қоплами, улар билан ҳайвонлар нобуд қилинмоқда; 3) чиқиндилар даражаси ва таркиби бузилмоқда; 5) эрозия жараёни кучайди; 6) фойдали ўсимликлар ўрнини бегона, фойдасиз ўтлар босиб кетмоқда; 7) табиий бойликлар камайиб, унинг гўзаллиги, эстетик кўриниши пасаймоқда; 8) инсонлар ўртасида турли-туман касалликлар генетик чекланиш ишлаб чиқариш даражаси пасайиб бормоқда (Эргашев, 2003).

Инсонни табиатта нисбатан турли салбий фаолиятларига қарамасдан охирги натижа – турли экосистемаларда экологик ва биологик турғунлик ривожланади. Бу ривожланиш инсон заковати, унинг ижобий фаолияти маҳсулоти сифатида юзага келади, яъни: 1) кесилган дараҳтлар, бузилган ерларда ўтлоқзорлар ташкил этилади; 2) йўқолиш хавфид бўлган ўсимлик ва ҳайвон турлари муҳофаза остига олинади, кўпайтирилади; 3) кўп қисқарган экосистемалар, ландшафтлар майдонлари тикланди, кенгайди; 4) табиий маҳсулдорлик ортади, тупроқни эрозиядан сақлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқиласди ва амалга оширилади; 5) биологик услублар қўллаш йўли билан тупроқни физикавий-кимё-


вий таркиби, биологик хусусиятлари яхшиланади; 6) табиатга саноатни кучли таъсири тўхтатилади; 7) ўсимлик ва ҳайвонларни кўпайиши ва тарқалиши учун табиий муҳит тикланади, яхшиланади ва шу йўл билан ўлик табиат ва тирик биологик системалар ўргасидаги муносабатлар ҳамда турғунлик юзага келади; 8) ўсимлик ва ҳайвонларни яшаш жойи муҳитига боғлиқ эканлигини инобатта олган ҳолда, улар популяцияларининг таркиби, миқдори, тузилиши, ўзгариб туриши сабабларини ўрганиб, уларни яхши ривожланиш чора-тадбирлари яратилади. Ёруғлик, ҳарорат, сув баланси, биоген элементлари оптимал миқдори аниқланиб, организмни максимал ривожланишига шароит яратилади; 9) табиий экосистемаларда тирик организмларни ўз-ўзини бошқариб туриши, уларнинг сони, қалинлиги, турларнинг хилма-хиллик дараҷалари ва маҳсулдорлиги доим назорат остида бўлади; 10) турли табиий оғатлар туфайли бузилган, ўзгарган системаларни (ёнғин, ер силжиш, сув босиш, ер қимирилаш) тиклаш чора-тадбирлари кўрилиб, экосистемаларнинг табиий ҳолати элементлари сақланади, тикланади; 11) табиий системалар ичida ва организмлар ўргасидаги турли биотик муносабатлар, уларни бир-бирига боғлиқлиги, турғунлиги ва ўзгариб туриши сабаблари ўрганиб борилади. Экосистемалар ичida биотик муносабатлар ҳар хил ва мураккаб бўлганлиги туфайли шу муносабатларга таъсир қиласиган омиллар, биологик тузилишлар таҳлил қилинади. 12) инсонни табиатга таъсир қилишини бошланиши билан аста-секин яшаш муҳити камайиб борди, ҳаттоқи шимолий кутблар, тундра, дунё океани ўргасидаги ороллар, тропик зона чангальзорлари ҳам инсон таъсирига учради, ўзгарди. Инсон қадами етмаган жойларга техника, самолётлар шовқини, ядро, синовларининг тўлқинлари етиб борди. Кўтчилик табиий экосистемалар маданий, сунъий экосистемалар билан алмашди, инсон эҳтиёжини қондиришга ўтди.

Инсон табиатга неолит давридан шу вақтгача таъсир қилиб келмоқда. Натижада табиатни айрим жойларида чукур ўзгаришлар ва гўла бузилишлар юзага келди. Лекин, инсонни ҳаётий эҳтиёжларини ҳам чегараси бўлиши, ўзи қилган хатоликларни тушуниши, бузган табиий жойларни тиклаши ва шу жойлarda экологик қонунларни қайта бузмасдан осойишта, тўқ, тинч яшashi лозим. 13) инсон томонидан юқори ҳосил олиш мақсадида яратилган сунъий экосистемалар, уларда озуқа маҳсулоти берадиган навларни ўстирилиши, уларга мослашган зуаркунандалар ҳашаротларни кўпайиши, кўп жойларда ҳосилни пасайиб кетишига сабаб бўлди.

Маданий экинзорлар майдонини кенгайиши билан, зааркунанда ҳашаротларни ҳам майдони кенгайди, бир минтақадан иккинчи минтақага, бир қитъадан иккинчи қитъага тарқалади. Масалан, колорада қўнғизи Ўзбекистон ерларига ҳам етиб келди. Ҳашаротларга қарши турли кимёвий заҳарли моддалар қўлланилди. Бу йўл бир томондан

тупроқни, сувни, ҳавони, етиштирилаётган маҳсулотни заҳарланиши билан, иккинчи томондан қўлланилган моддаларга кўпчилик ҳашароглар мослашиб, яна қўп ва тез ривожланадиган бўлдилар. Зааркунанда ҳашарогларга қарши курашнинг энг самарали усули бу биологик услуг бўлиб, заарли ҳашаротга “ўзлаштирувчи-озуқа” ёки “паразит-хўжайн” системасида олиб борилган кураш, экинзорларда пахта, мевазорлар, сабзавот-полизларда яхши натижа бериб, етиштирилган ҳосил сақлаб қолинди.

Экосистемаларда биологик турғунликни сақлаб қолиш асосида экологик қонунларни, яъни организмларни ривожланиши абиотик омиллар таъсирида ва биотик муносабатлар ҳамжиҳатлигига ҳамда уларга боғлиқ ҳолда боришини билиш, популяциялар, биоценозлар ва экосистемалар аъзоларининг сони, миқдор таркиби ва қалинлиги, тузилишини бузмаслик, бузилган табиий жойларни тиклаш, табиат қонунларига амал қилган ҳолда яшаш инсоннинг асосий вазифасидир. Шу йўл билан инсон ўзи яшаб турган муҳитни муҳофаза қиласи, ўз саломатлиги учун ўзига экологик тоза озуқа маҳсулотлар етиштиради ва энг муҳими келажак авлодига тоза, гўзал, ранг-баранг бой табиат қолдиради.



XXVIII БОБ

ИНСОН ЯШАШ МУҲИТИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган кундан бошлаб табиатни муҳофаза қилиш муаммоларига катта эътибор бериб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва “Табиатни муҳофаза қилиш” ҳақидаги қонун ва бошқа қонун-қоидаларда табиий ресурслар, табиатни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг экологик ҳуқуқий асослари баён қилинган.

Табиат билан инсон, жамият ўртасидаги муносабатлар, уларни ривожланиши давлатнинг ҳуқуқий қоидаларида қайд қилинган. Давлатнинг экологик дастури, уни ҳаракат қилиш функциялари, инсон билан табиатнинг катта-кичик элементлари, бирликлари ўртасидаги муносабатлар, экологик нормалар, инсонни сувга, ҳавога, ўсимлик, ҳайвонлар вакилларига бўлган ҳуқуқлари, вазифалари экологик ҳуқуқ ва қонунларда ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасида “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” қонун, “Сув ва сувдан фойдаланиш ҳақида” қонун, “Ер тўғрисида” қонун, “Атмосфера ҳавоси тўғрисида” қонунлар қабул қилинган.

Маълумки, бутун табиий обьектлар – ер, ер ости, ер усти бойликлар, сув, ўрмон, атмосфера ҳавоси, ўсимлик ва ҳайвонлар оламининг вакиллари давлат мулки ҳисобланади. Шу бойликлардан фойдаланишнинг қонун-қоидалари бўлиб, давлатнинг маҳсус рухсати ва қайси бир вилоят ёки ташкилот билан давлат ўртасидаги шартнома асосида табиий бойликлардан фойдаланилади.

Давлатни ҳуқуқий қоидаларига биноан мамлакатнинг ҳар бир фуқароси тоза, соғлом ва гўзал табиатдан, табиат элементлари ер, сув, ўрмон, ўсимлик қоплами ва ҳайвонлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Табиатни ривожланиши, табиий ресурслари ҳаво, сув, ер бойликлари ва бошқалар давлат ва унинг ҳуқуқий ташкилотлари томонидан назорат қилинади. Ҳар бир табиий ресурслардан фойдаланиш экологик ва иқтисодий томондан режалаштирилган дастур асосида олиб борилади ва назорат қилинади. Ҳуқуқий ва ташкилий давлат назорати: табиатни ҳолати, уни бошқариш экологик назорат формаси: давлат ва турли ташкилотлар ҳамда корхоналараро экологик назорат, санитар-экологик назорат ва жамоатчилик (маҳалла тозалиги, сув тозалиги) назорати ўрнатилади.

Табиатдан ва табиий бойликлардан фойдаланиш жараёнида йўллар, корхоналар, турли гидротармоқлар қурилишида ҳар бир обьект, уни проектининг аҳамияти, табиатта келтирадиган фойда ва зиёни ҳар томонлама ўрганилади ва экологик экспертизадан ўткази-

лади. Объектнинг экологик экспертизасини билимдон, табиатни экологик қонунларини яхши биладиган мутахассислар томонидан экспертиза қилинади, баҳоланади. Объектнинг экспертизасини кенг жамоатчилик ҳам кўриб чиқиб, унинг яроқли ёки яроқсиз эканлигини аниқлайдилар.

Табиатда содир бўладиган турли табиий оғатлар-ер силкиниши, ер силжиши, сув босиши, қор кўчиши, тинимсиз шамол, сел келиши каби экологик оғатларни олдини олиш, келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, тасодифан юзага келган табиий ҳолатлар чегараларини кенгайишини тўхтатиш каби экологик ҳукуқий чора-тадбирлар кўрилади ва шу йўл билан табиатни турли қисмларидан юзага келган ёмон ҳолатларга барҳам бериш йўли билан (сув босишда, тўғонлар қуриш, келаётган селни тўхтатиш, чегирткани кўпайишини кимёвий йўл билан йўқ қилиш ва х. к.) табиатни бир кичик қисмида, уни муҳофазаси амалга оширилади.

Табиат элементлари бўлмиш сув, ҳаво, ер, ўсимлик ва ҳайвонлар вакиллари ҳамда ер усти – ер ости ресурсларининг тузилишини, таркибини, бузган, сонини камайтирган, табиий ҳолат, уни кўринишига, гўзалигига, сувнинг тозалигига, уни кўп исроф бўлишига олиб келган ёки фойдалари пайхон қилган, дараҳтларни кесган, ўт қўйган, ҳайвонларни рухсатсиз отган, ўлдирган, ер усти ресурсларини ўғирлаган ташкилотлар, корхоналар, уларнинг вакиллари давлат олдида жавобгар бўлиб, табиатни экологик ҳолатини бузган ташкилот ёки шахс сифатида давлат қонун-қоидалари бўйича жавобгарликга тортилади ёки табиатга, давлатга етказган зарари учун жарима тўлайдилар. Жумладан, атроф-муҳит атмосфера ҳавосини тутун, ифлос, заҳар, газ билан ифлослаган, таркибини бузган ёки радиактив чиқиндилар ташлаб муҳитда радиоактивлик даражасини ошишига сабабчи бўлган ташкилот ёки шахс экологик ҳукуқ-қоидаларига асосан турли жавобгарликларга тортилади ёки табиатни экологик ҳолатини бузилганлигини тузатиш учун кеталиган харажатларни қопладиган жарима тўлайдилар.

Бундай экологик ҳукуқ-қоидаларини бузилишларини хўжалик раҳбарлари ёки жинойи ҳукуқ ташкилотлари кузатиши, бажариши ва амалга оширишлари керак. Чунки табиатни табиий ҳолатини бузилиши ҳавони, сувни ифлосланиши, тупроқни заҳарланиши, ўсимлик, ҳайвонлар сонини камайиши натижасида табиатни бойликларидан фойдаланишнинг ҳажми сифати камаяди, охир-оқибат инсонлар ҳётига ҳавф туғилади, уларни саломатлик даражалари пасаяди. Турли касалликлар пайдо бўлади, ўлим кўпаяди.

Шунинг учун, экологик ҳукуқий жавобгарликни кучайтиришда ҳукуқни ҳимоя қилувчи суд ташкилотлари – хўжалик судлари, прокуратура, ички ишлар ходимларининг роли каттадир. Улар, табиат-

ни, уни бойликларини муҳофаза қилишда, ташкилий ҳамда ҳуқуқий гомондан, аҳолини экологик таълим ва тарбиялаш соҳасида ҳам катта иш олиб борадилар.

Табиатни Ер ва ер фондидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ер реформасини асосий йўналишлари, мақсадлари ва ер фондини давлат томонидан ҳуқуқий асосларда муҳофаза қилиниши қайд қилинган. Қонунлар бўйича ерни шахсий мулк муаммоси ёки ердан умрбод фойдаланиш шартнома асосида, арендага олиш бораларида хўжаликларни ёки айrim шахсларнинг ҳуқуқлари ўз аксини топган. Қонунда давлат хўжаликлар ва айrim шахслар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида амалга оширилиши ёки шартномани чўзиши ёки тўхтатиш каби ҳолатлар давлат назорати остида бўлиши очиқ кўрсатилган.

Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишини ҳуқуқий асослари: ерни муҳофазасини: ер ҳуқуқлари, хўжалик ҳуқуқлари, фуқаролик ва жинойи жавобгарлик қонун-қоидалари асосида амалга оширилади.

Ер бойликлари ва тупроқни муҳофаза қилиш ҳуқуқий қонун-қоидаларга асосланган. Маълумки, планетанинг тоза қатлами тупроқ бўлиб, уни экологик ва иқтисодий функцияси, аҳамияти жуда юқоридир.

Ер бойликлари ва тупроқни муҳофаза қилиш давлатларнинг қонун-қоидалари асосида олиб борилади. Ерни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий чора-тадбирлари, ундан фойдаланишини ҳисоби, чоралари ва айниқса қишлоқ хўжалик ерлари сифатини, унумдорлигини сақлаш, бузилган ерларни биоэкологик хусусиятларини тиклаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, сугориш ва мелиорация ишларини яхшилаш, гупроқни тури заҳарли моддалар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш ва бу соҳада тури чора-тадбирларни ишлаб чиқиш керак. Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш давлатнинг маҳсус ташкилотлари назоратида бўлади. Ерга оид қонун-қоидаларни бузган шахслар, ташкилотлар ва хўжаликлар маҳсус ҳуқуқий қонунлар асосида жазоландилар.

Сув бойликларидан фойдаланиш ҳам у ёки бу давлатнинг қонун-қоидалари асосида олиб борилади, яъни: сув ҳавзалари ва улардаги сувларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш, сувнинг биоэкологик ва иқтисодий функцияси ҳамда аҳамиятини билиш, сувни ифлословчи манбаларни аниқлаш ва ифлосланишга, сув захираларини камайишига йўл қўймаслик керак, ундан ташқари, сув ҳавзалари ва улардаги сувларни муҳофаза қилувчи қонун-қоидаларни билиш ва улар асосида иш олиб бориш керак.

Давлат ташкилотлари сув захираларини ҳисоб-китоб қилиб режалар асосида ундан фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқадилар. Маълум давлатларда сувдан фойдаланиш учун ҳақ тўланади.

Саноатдан, қишлоқ хұжалигидан чиққан оқава сувлар маълум рухсатлар асосида күрсатылған жойларга ташланиши ва тоза табиий сувларни ифлосла масликлари керак. Планетадаги айрим сув түпланувчи воҳалар, катта дарёлар, кўллар доим давлат назорати остида бўлса, айримлари (Байкал, Иссиқ кўл) ЮНЕСКО назоратида ҳамдир.

Сувни муҳофаза қилиш қонун-қоидаларини бузган кишилар, ташкилотлар қонун олдида жазоланадилар.

Атмосфера ҳавоси қонунлар асосида муҳофаза қилинади. Марказий Осиё республикаларида атмосфера ифлосланишига барҳам бериш ва ҳаво ифлосланишининг олдини олишга қаратылған қатор умумдавлат чора-тадбирларни белгилаб берувчи кўплаб қарорлар эълон қилинган.

Меҳнаткашларнинг яшаш шароитини яхшилаш, тураржойларнинг санитария ҳолатини муҳофаза қилиш мақсадида маҳсус санитария инспекцияси ишлайди ва унинг аниқ вазифалари белгилаб берилган. Марказий Осиё республикалари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича 1991-1993 йиллар ичida “Табиатни муҳофаза қилиш ҳақида” қарорларида ўз аксини топган.

Давлатлар чиқарган қонун-қоидаларда атмосфера ҳавосини ҳукуқий муҳофаза қилиш ва уни ўлчами, давлат томонидан атмосфера тозалигини назорат қилиш ва бу соҳада қоидани бузганларни жавобгарликка тортиш кўзда тутилган, яъни: атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланишининг ҳукуқий қоидаларини чора-тадбирлари асосида атмосферанинг тозалиги муҳофаза қилинади. Ундан ташқари атмосфера тоза ҳавосидан фойдаланиш, уни зарарли чиқинди ва моддалар таъсиридан сақлаш маҳсус ташкилотлар назорати остида бўлади. Атмосфера ҳавосидан фойдаланиш қонунларини бузган шахслар, ташкилотлар, хўжаликлар “Табиатни муҳофаза қилиш” қонунлари асосида жазоланадилар.

Габиий ер усти ва ер ости бойликларини муҳофаза қилишда унинг ҳукуқий асослари тушунчаси, габиий бойликлар давлат бойлиги, улардан фойдаланиш фақат давлат ташкилотларининг рухсати асосида гина амалга оширилади.

Давлат тасарруфида бўлган габиий бойликларни ҳукуқий муҳофаза қилишда доимий муҳофаза, назорат, эслатиш ва тиклаш каби чора-тадбирлар қўлланилади.

Габиий бойликлардан фойдаланишда экологик қонун-қоидани бузган шахслар, ташкилотлар ва хўжаликлар давлатнинг юридик қонунлари асосида жавобгардир. Бундай ҳолда хўжалик-фуқаролик ҳукуқлари ва жиноий қонунлар қўлланилади.

Хар бир давлатнинг “Табиатни муҳофаза қилиш ва унинг габиий бойликларидан фойдаланиш”га оид қонуни бўлиб, шу қонун асосида ер усти ва ер ости бойликларидан хўжаликни турли соҳаларида фойдаланилади ва муҳофаза қилиш чора-тадбирлари кўрилади.

Турли давлатларда атом энергиясидан хўжалик жараёнларида фойдаланишда атроф-муҳитни ҳуқуқий муҳофаза қилишнинг умумий қоидалари: Радиациядан сақланиш системаси билан таъминлаш, ядро энергиясидан фойдаланиш ва уни ҳаф-хатарсиз қилишда ҳалқаро қонунларга ва дастурлар асосида иш олиб бориш керак. Ундан ташқари ҳар бир давлатни ўзининг миллий ҳуқуқлари асосида атом энергиясини ривожлантириш ва ундан фойдаланиш йўллари бўлиб, улар атом энергиясидан фойдаланиш ҳалқаро дастурига тўғри келади.

Маълум вақт ичидаги биологик ресурсларнинг сони, тарқалган майдонлари табиий сабабларга кўра ёки инсонлар таъсири остида камайиши, ўсимлик ва ҳайвонлар турларини ҳар томонлама назорат қилиб туришни экологик ҳуқуқ асосида олиб борилади. Ўзбекистонда кам учрайдиган ўсимлик турларига анзур пиёзи, лолалар ва бошқалар, ҳайвонларга – йўлбарс, силовсин, айрим күшлар ва балиқлар киради.

Қатор сабабларга кўра муҳит у ёки бу томонга ўзгариб туриши мумкин, яъни вақтлар ўтиши билан ўсимлик, ҳайвон турлари бутунлай йўқолиб кетиши ёки аксинча, кўпайиб, муҳофаза қилиш даражасидан чиқиб кетиши мумкин. Шу туфайли ўз-ўзидан “Қизил китоб” ни қайта нашр қилиш зарурияти туғилди.

Ўсимлик ва ҳайвонлар турларини муҳофаза қилишда кенг омма иштирок этгандагина ижобий натижалар беради. Шундагина биз келгуси авлодлар учун ўсимлик, ҳайвонлар оламининг бебаҳо бойлигини сақлаб қолган бўламиз. Мутьлумки, ҳар бир ўсимлик-ҳайвон тури муайян табиий комплексда мавжуд бўлади, яъни улар бошқа ландшафтларнинг ҳамма компонентлари билан узвий боғланганлиги сабабли ноёб ва йўқолиб бораётган турлар, улар ўсадиган, яшайдиган бутун табиий муҳит билан бирга муҳофаза қилинади.

Ўсимлик ва ҳайвонлар олами вакилларини муҳофаза қилиш Марказий Осиё республикаларининг “Табиатни муҳофаза қилиш” қонунлари асосида амалга оширилади. Шундай қонунларда планетадаги ўсимлик қопламлари, ҳайвонларнинг ноёб ва йўқолиб кетаётган турлари ҳар томонлама муҳофаза қилинади. Давлат тасарруфидаги ўрмон фондини ҳуқуқий муҳофаза қилишда, фойдали ўсимлик-ҳайвонлар турлари тарқалган ҳудудлар, уларнинг маҳсулдорлиги, фойдаланиш йўллари, аҳамияти, экологик, маданий-эстетик ва иқтисодий томонлари инобатга олинади.

Юқорида қайд қилганимиздек, табиатни муҳофаза қилишнинг асосий элементларининг бири – бу қўриқхона ва буюртмалар бўлиб, улар ўз навбатида биосфера генофонди ўсимлик, ҳайвонларни ва шу жумладан, турли табиий ресурсларни, ҳаво, сув, тупроқ ва табиий ёдгорликларни, қоялар, шаршаралар, сойлар, турли кўринишдаги тошлар, масалан, Омон-Кўтон ҳудудидаги ҳар хил тошлар ҳам муҳофаза қилинади. Чунки улар қўриқхоналарнинг фонди ҳисобланади.

Қўриқхоналарнинг фонди давлат томонидан ва унинг маҳсус ташкилотлари томонидан бошқарилади ва маҳсус худудлар сифатида муҳофаза этилади. Қўриқхоналар, буюртмалар қаторига миллий табиий боғлар, парклар ҳам ҳуқуқий асосда муҳофаза қилиниб, уларнинг ҳолатини, тозалигини, таркибини бузган, маҳсус жойлардаги дараҳтларни кесган, ўт қўйган, фойдали ўсимлик, ҳайвонларга зарар етказган шахслар ёки ташкилотлар табиий қўриқхоналар, буюртмалар фондини бузганлиги учун қонун-қоидалар бўйича жавобгарликка тортиладилар ёки етказган зарарни қоплашга мажбур этиладилар.

Табият ва унинг ресурсларидан фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш борасида саноат, транспорт ва ҳалқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларининг ҳуқуқий тартиб ва қоидалар асосида иш олиб боришилари катта аҳамиятга этадир. Бу соҳада давлат томонидан табиятни ва унинг бойликларидан фойдаланишини бошқариш, муҳофаза қилиш йўлларини қонун-қоидалар асосида амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Давлат бошқаруви асосида ҳаво, ер, сув, фойдали қазилмалар, ўрмон, ўсимлик ва ҳайвон ресурслари ҳўжаликларнинг турли тармоқларида фойдаланади. Табиий ресурслардан фойдаланишда, йўл, корхоналар, қишлоқ ва шаҳарлар қурилиши ва лойиҳалашда экологик хавфсизлик, экологик экспертиза ва прогноз каби хизмат ташкилотларининг билимдон мутахассислар (геологлар, гидролог, биолог, географ, иқтисодчи ва бошқалар) томонидан берилган тавсиялар асосида бойликлар режаларга мувофиқ ишлатилади. Бундай ишлар ҳар бир ташкилотларнинг экологик хизмати томонидан қонун асосида назорат қилинади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан ҳуқуқий режим асосида фойдаланишда қишлоқ ҳўжалигининг ҳам роли жуда каттадир. Чунки, қишлоқ ҳўжалигига қарашли турли катта-кичик корхоналар, ҳўжаликлар, ташкилотлар табиятнинг ер фонди ва сув бойликларидан тўғридан-тўғри фойдаланадилар ва аҳоли учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини етишитираладилар.

Аммо, қишлоқ ҳўжалиги ўз иш фаолиятида – сувдан, ердан, ўрмон ва бошқа ердан фойдаланиш жараёнида бойликлардан ўғит сифатида ёки ўсимликлар зааркунандаларига қарши курашиб мақсадида кўплаб турли кимёвий моддалар ишлатадилар. Заарли химикатларни кўп миқдорда очиқ жойларда сақлайдилар. Шу кимёвий моддалар экин майдонларидан ювилиб, оқар сув сифатида дарёларга (Қашқадарёга, Сурхон ва Сирдарёга), кўлларга (Арнасой, Сариқамиш) тушиб, шу ердаги сувларни, сув жонзодларини (балиқларни) заҳарлайдилар.

Шунинг учун қишлоқ ҳўжалигига турли кимёвий ўғитлардан фойдаланишни режалаштириш, уларни сақлаш ва ишлатиш йўлларини доимо давлат экологик ҳуқуқий қонун-қоидалари асосида назорат қилиш йўли билан ерни, сувни, ҳавони, ўсимлик, ҳайвонлар-

ни ва энг асосийси экологик тоза қишлоқ хўжалик маҳсулоти олиши ни йўлга қўйиш куннинг асосий вазифасидир.

Габиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда шаҳар-қишлоқларнинг ҳам аҳамияти каттадир. Чунки, ҳар бир шаҳар, қишлоқ аҳолиси учун сув, ҳаво, ер, ёқилғи (кўмир, нефт маҳсулотлари), қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва бошқа ҳаётий нарсалар зарурдир. Аҳолини уй-жой қурилишида, ер, томорқани сугориш, ичиш учун сув керак. Аҳолини хўжалик ишларини юритиши учун эса транспорт (машина, трактор ва х. к) зарур. Одамларни тоза ҳаводан нафас олиши учун маданий боғлар – парклар, гулзорларни бўлиши шарт. Шаҳар-қишлоқларнинг ери, суви, ҳавосини тоза бўлиши учун кам шовқин ва инсон учун зарарли кимёвий-биологик бирикмаларни, моддаларни ишлатмаслик йўли билан шаҳар-қишлоқ тозалигини, ободончилигини ва гўзалигини сақлаб, соғлом авлодга экологик ҳавфсиз муҳит яратиш мумкин.

Маълумки, ҳар бир инсон табиатдан ва унинг табиий ресурслари бўлмиш: ҳаво, сув, ер, ўсимлик, ҳайвон ва бошқа табиий ҳомашёлардан фойдаланиш ҳукуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси ердан, сувдан фойдаланиши, уларни маълум муддатгаarendага олиб ишлатиши мумкин. Шу йўл билан ўрмон бойликларидан ёки ер ости ресурсларини (туз, сода, фосфор) ҳам арендага олиб ишлатишлари ёки деҳқонларни ердан оиласвий фойдаланишлар қонуни Республика Конституцияси ва бошқа қонунларида ўз аксини топган. Ҳар бир шахсни табиат ва табиий ресурслардан фойдаланишлари ва атроф-муҳитга унинг бойликларига зарар етказмасликлари, шахсларнинг бу соҳадаги жавобгарлик даражалари экологик-ҳукуқий қонунларда кўрсатиб ўтилган.

Табиий ресурслардан ер, ер ости ва ер усти бойликлар маълум жойда жойлашганлиги сабабли, улар бир давлат қонун-қоидалари асосида муҳофаза қилинади. Аммо, атмосфера ҳавосини чегараси йўқлиги сабабли уни тозалиги халқаро ҳамжиҳатлик кучлари томонидан муҳофаза қилинади. Маълумки, баъзи дарёлар бир нечта давлатларнинг ҳудудларидан оқиб ўтади. Масалан, Амударё – Тожикистон, Ўзбекистон, Туркманистон ерларидан ўтса, Сирдарё – Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозогистон ҳудудларидан оқиб ўтадилар. Шу дарёларнинг сув захираси, фойдаланиш ва дарёлар сувининг тозалигини муҳофаза қилиш кўрсатилган мустақил давлатларнинг қонун-қоидалари асосида олиб борилади.

Атроф-муҳитни халқаро муҳофаза қилиш давлатлар, ташкилотлар ўртасида тузилған шартномалар, келишувлар, конвенциялар асосида олиб борилади ва катта муаммоларни, яъни космик фазони, атмосферани, дунё океанини, буюк дарёларни, чексиз ўрмонларни, ноёб ўсимлик ва ҳайвонлар турларини муҳофазаси билан шуғулла-

ниб, табиатни экологик турғунлигини сақлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади. Бу борада БМТ қошидаги ЮНЕСКО, ЮНЕПО каби халқаро ташкилотлар, улар томондан түзилганды “Инсон ва биосфера” дастантурлари мақтоворға сазовор бўлиб, биосферани тури ҳудудларида табиат турғунлигини бузилишига қарши катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, Африканинг Амазонка воҳасидаги ўрмонларни кесилиши, Арктика ва айниқса, Антарктика устида озон тешигини ҳосил бўлиши, Оврупа ўрмонларига кислотали ёмғирларни ёғиши, дунё океанинни нефт маҳсулотлари, радиоактив чиқиндилар билан ифлосланиши. Шу ердаги биологик ресурсларнинг нобуд бўлиши натижасида ноёб турларни йўқолиши ва биосфера генофондининг камайиши каби глобал экологик муаммоларни ҳал қилишда халқаро ҳамкорлик катта натижалар бермоқда.

Маълумки, Ўрга Осиё ҳудудида энг глобал муаммо бу Орол денгизининг фожиали экологик ҳолати бўлиб, бу соҳада ҳам халқаро ҳамкорлик ўз ёрдам қўлини чўзди. Халқаро “Оролни сақлаб қолиш” фонди тузилди. Фондни ёрдами билан Оролбўйи атрофига ўт-бугаллар экиш, аҳолини чучук сув билан таъминлаш, дори-дармонлар, озиқ-овқат етказиб бериш каби муаммолар ечилмоқда.



XXIX БОБ

ЭКОЛОГ МУТАХАССИС ҚАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Халқаро ҳамжиҳатлик туфайли Тожикистоннинг Турсунзода шаҳрида жойлашган алюминий заводининг заҳарли тутун, чанг-тӯзонини камайтириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўллари, Қозоғистоннинг Жезқозғон, Семипалатинск ҳудудларидаги радиоактивликдан аҳолини муҳофаза қилиш чора-тадбирлари ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Маълумки, дунёдаги ҳамма давлатларнинг табиатни, унинг ресурсларини муҳофаза қиласиган қонун-қоидалари бор. Шу қонун-қоидалар асосида ҳар бир давлат ўз ҳудуди табиатини, унинг бойликларини муҳофаза қиласи ва бу борада бошқа давлатлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб борадилар.

Юқоридаги қонун-қоидаларни амалга оширишда қўйидаги кадрлар тайёрлашга оид кечиктириб бўлмайдиган замонавий муммони тезликда ечиш керак, яъни: Инсонни соғлиқ-саломатлиги учун энг муҳим омил – инсонни яшаш муҳитини соғлиги, тозалиги ва табиат компонентларини барқарор ривожланишини таъминлай олишда хизмат қиласиган билимдон, фидойи мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти ташкил этилиши керак.

Ўқув юргида табиий-гуманитар фанларни ўқитилиши асосида кенг билимдон, табиат ва уни бойликларини қонун-қоидалар асосида муҳофаза қиласиган, табиатни барқарор ривожланишини таъминлайдиган, турли вазифаларни бажара оладиган мутахассисларни тайёрлаш вақти келди.

Тирик табиатни худди жамиятни ҳимоя қиласиган, табиатни экологик қонунларини чукур биладиган, табиат компонентлари – атмосфера ҳавоси, сув, тупроқ, ўсимлик, ҳайвонлар ва шулар қаторида табиий муҳитда яшовчи инсонни муҳофаза қиласиган – полицайлар, прокурор, судьялар тайёрлаш керак.

1. Табиат ва уни бутун борлигини муҳофаза қиласиган эколог – қонуншуносларни мавқеи жамиятдаги хўжалик прокурор-судьялар мавқеидан паст бўлмаслиги керак.

2. Тайёрланган эколог-қонуншунослар тубандаги йўналишларда иш олиб боришлари керак.

А) Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш бўйича – атмосфера ҳимоячилари.

Б) Турли сув ҳавзаларини муҳофаза қилувчи – гидроэколог қонунчилар.

В) Тупроқни муҳофаза қилувчи – эдафик қонунчилар.

Г) Ўсимлик-ҳайвонларни, ўрмонларни муҳофаза қилишда тирик табиатни муҳофаза қиласидаган эколог қонуншуносларни тайёрлаш керак.

Д) Ер қаъридан қазиб олинадиган хомашёли худудларни ҳаддан зиёд чиқиндилар билан ифлосланышидан муҳофаза қиласидаган ҳуқуқшуносларни тайёрлаш керак.

Юқоридаги фикрларни амалга оширишни бошланиши мактаб-лицей-коллажларда “Экология ва табиатни муҳофаза қилиш” курсатарини ўкув режасига киритиш керак.

Иккинчи томондан мактаблардан бошлаб, “Табиатни муҳофаза қилиш” жамиятлари тузиб, уларга ўқувчиларни жалб қилиб, уларга значок-жетон белгиси ва гувоҳнома берилишини бошлаб, бу ишни Олий ва ўрта маҳсус ўкув юртлари талабалари ўртасида ҳам кенг тарғибот қилиш орқали табиатни муҳофаза қилиш борасидаги “Табиатшунослар армияси”ни тузиш мумкин.

Бу иш янгилик эмас, ахир бундан 20 йиллар аввал “Пионерлар, комсомоллар” ялпи табиатшунос бўлиб, уларнинг ҳар бирида кўкрак нишони ва республика “Табиатни муҳофаза қилиш” жамияти берган гувоҳнома бўлган. Нима учун бу хосиятли ҳаракат тўхтаб қолди. Табиатни муҳофаза қилиш борасида, экологик – талабаларни шу ишга жалб қилиш пайти эмасми?

29.1. ИНСОННИ ЯШАШ МУҲИТИНИ ТУРЛИ – ҚАТТИҚ, СУЮҚ ВА ГАЗСИМОН ЧИҚИНДИЛАРДАН САҚЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

1. Ўзбекистон ҳудудида ўтган асрнинг 40-йилларидан бошлаб рудалар қазиб олиш кенг йўлга кўйилади ва ерни чўккан қатламларида чўкиндилар ҳосил бўлган 150 га яқин радиоактив ифлослаш майдонлари мавжуд. Уранни қазиб олишдаги чиқиндиларни 300 дан ортиқ тўплаш жойлари бўлиб, уларни кўпчилиги назоратсиз ва экологик талабларга жавоб бермайди (Мил. маъруза, 2006, 84-бет).

2. Ўз вақтида (1985-1990 йиллар) Республика қишлоқ хўжалигида ҳаддан зиёд кимёлаштириш учун Йилига 1,4 млн. тонна минерал ўғитлар ва 80-85000 тонна турли пестицидлар сугориладиган майдонлarda ишлатилган, ҳар бир гектар ерга 400-450 кг минерал ўғитлар ва 54 кг гача пестицидлар ишлатилган. Бунинг натижасида Андижон, Сурхондарё, Самарқанд, Хоразм далалари тупроғида ДДТ, ГХЦТ қолдиқлари нормадан юз маротаба ортиб кетган.

1991 йил Олий Мажлис Кенгаши “Экология ва табиий ресурслардан фойдаланиш” қўмитаси маълумотига кўра Республикада 993 та заҳарли кимёвий моддалар сақланадиган омборлардан атиги 336 таси (40%) типовой бўлган. Пестицидларни сақлашга мўлжалланган 512 та омбор тозалик ва табиатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермаган. Омборлар қаровсиз, қоровулсиз бўлганлиги учун за-

ҳарли моддалар ўғирланган. Шу сабабли аҳоли ўргасида кучли заҳарланиш ва сурункали касалликлар кузатилган.

Шу қайд қилинган радиоактив чиқиндилар тўпланган жойлар, заҳарли пестицидларнинг қолдиги сақланадиган омборлар ҳозир ҳам мавжуд. Улар инсонни яаш мұхитини ва шу мұхитда учрайдиган гирик жонзодларни заҳарлаб келмоқда.

Бундай ҳолатдан қутулишнинг чора-тадбирлари: ҳар бир радиоактив ёки заҳарли пестицид омбори атрофини ўраш, уларни ҳавога, сувга, тупроққа тарқалмаслик чорасини зудлик билан кўриш керак. Улардан сақланиш – инсон саломатлиги, уни ва тирик жонзодлар генофондини сақлаш демакдир.

Манбаларда чиқиндилар миқдорини камайтириш, бунинг учун айланма қайта ишлаш системани кўллаш КМСЧларни саралаш ва алоҳида тўплаш, уларни утилизация қилиш йўлларини ишлаб чиқиши. КМС – қаттиқ майший-саноат чиқиндилари.

- КМСЧ ни ҳосил қиласидиган корхона, ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш.

- КМСЧ ҳосил бўлиши устидан қаттиқ назорат ва мониторинг системасини ўрнатиш.

- Тўпланган КМСЧ ларнинг ҳолати, уларни қайта ишлаш борасида йиллик ҳисоботларни кузатиб бориш.

- Давлат, бетараф бошқармалар тузиш, КМСЧ ларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш, инсон мұхитини ифлосланмаслиги учун қонун бўйича бошқарувни йўлга кўйиш.

- КМСЧ ларни тўплаш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича етук кадрлар тайёрлаш.

- Чиқиндиларни қайта ишлашни ривожлантирадиган аппаратлар. Минизаводлар курадиган тадбиркорларни ҳар томонлама рафбатлантириш.

- Район ва қишлоқ жойларда ҳам чиқиндиларни тўплаш ва сақлашни, ишлатишни йўлга кўйиш орқали ерли сув ҳавзалари ва тупроқни, ҳавони ифлосланишдан сақлаш.

- КМСЧ ларни тўплаш жараённида инсон мұхитини экологик ва санитария ҳолатини, ер усти, ер ости сувлари ва тупроқни заарланмаслигини чора-тадбирларини олдиндан инобатга олиш.

- КМСЧ лар ташланадиган жой фойдаланадиган ерлар ҳисобга кирмаслиги, ҳар томонлама эколого-санитар талабларга жавоб берishi керак.

- Кенг омма ўргасида, айниқса, маҳаллаларда КМСЧ лар, уларни ҳар хил тўплаш, сувга, тўғри келган жойга чиқинди, ахлат ташламаслик, мұхитни озода тутиш бўйича тез-тез тушунтириш ишлари олиб бориш.

Юқорида келтирилган чора-тадбирлар МСЧ ларини ҳосил бўлиши, уларни ҳисобга олиш, ўз вақтида тўпланган жойдан маҳсус машиналар ёрдамида олиб кетиш, тўплаш ва қайта ишлаш жойларига етказиш инсонни экологик мұхитини ҳар томонлама тоза, ҳавони мусаффо бўлишига олиб келади. Иккинчи томондан турли юқумли касалликларнинг тарқалишининг олди олинади, Одам Ото авлодлари ҳазрати инсонни соғлом бўлишига асос бўлади.

Муаллифлар ҳақида маълумотлар

Аҳматқул Эргашевич Эргашев 1932 йил 20 сентябрда Чимкент вилояти, Сайрам туманининг Қорамур қишлоғида дәхқон оиласида туғилган. У йирик биолог-ботаник, флорист, систематик, гидроэколог, эколог олим, биология фанлари доктори, профессор. ЎзР Табиий фанлар академиясининг мухбир аъзоси этиб сайланган.

А.Э.Эргашев 1951 йили Қорамурт қишлоғидаги ўрта мактабни битирган. У 1943-1948 йилларда 10-11 ёшида колхоз пахта далаларида меҳнат қилди. 1942-1950 йилларда бригадада хисобчи бўлиб ишлади. 1951 йили мактабни тамомлаб, Ўрта Осиё Давлат университетининг Биология-тупроқшунослик факультетига ўқишига кириб, уни 1936 йили имтиёзли битирган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника институтига йўлланма билан келиб, шу институтнинг спорали ўсимликлар лабораториясида катта лаборант, 1957-1958 йилларда кичик илмий ходим ва 1959-1961 йилларда аспирантурада ўқиди.

А.Э.Эргашев илмий ишларини якунлаб, 1962 йили «Флора водорослей коллекторно-дренажной сети Голодной степи» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

1962 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника институтида, кейинчалик Микробиология институтидаги катта илмий ходим, 1963-1984 йилларда Альгология лабораториясида мудирлик қилади. 1983 йили «Особенности и значение флоры водорослей искусственных водоемов Средней Азии» мавзусида докторлик диссертациясини Молдавия Фанлар академияси Ботаника боғи қошидаги илмий кенгашда ҳимоя қилиб, 1989 йили профессор унвонини олган.

А.Э.Эргашев 1984-1995 йилларда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг «Ботаника», кейин «Экология ва табиатни муҳофаза қилиш» кафедраларига мудирлик қилади ва 1995 йилнинг охирида нафақага чиқади.

1991-1993 йилларда Ўзбекистон Республикаси Табиий фанлар академиясини ташкил этишда фаол қатнашиб, Экология ва табиий ресурслардан фойдаланиш бўлимига раҳбарлик қилади. 1992 йили шу академияга мухбир аъзо этиб сайланади. 1992-1999 йиллари Халқаро экологогуманитар ўқув академиясининг ташкил этилишида фаол қатнашиб, унинг илмий ишларига раҳбарлик қилади.

Аҳматқул Эргашев томонидан 1957-2006 йиллар давомида Қозоғистон, Қирғизистон, Тоҷикистон, Ўзбекистон худудларидаги табиий ва сунъий сув ҳавзалари, Помир-Олой-Тяньшань юқори тоғ кўлларининг гидрологияси, гидрокимёси ва гидробиологияси ҳар томонлама ўрганилган ҳамда 3000 дан ортиқ ўсимликларнинг тар-

киби, тарқалиши, экологияси ва аҳамияти аниқланган. Олиб борган илмий ишлари ва педагогик фаолияти давомида 350 дан ортиқ илмий асарлар яратган. Жумладан, 16 та илмий монография, 5 та экологияга оид дарслер ва 7 та ўқув қўлланмаси, 7 та муаллифлик гувоҳномаси, 310 дан ортиқ илмий мақолалар, уларнинг бир қанчаси рус, инглиз тилларида Алмати, Москва, Киев, АҚШ, Польша, Мексика, Германияда чоп этилган.

А.Э.Эргашевнинг раҳбарлиги остида 10 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ҳимоя қилинган.

А.Э.Эргашев 1970-1989 йиллари халқаро альгологлар жамиятининг аъзоси ва «Альгология» журналининг таҳририят аъзоси ҳам бўлган. У киши Англия, Франция, Япония, Хиндистон, АҚШ, Германия, Венгрия, Болгария каби мамлакатларнинг альголог-гидроэколог олимлари билан доимий илмий алоқада бўлган ва катта илмий китоблар кутубхонасини тўплаган.

Олим ўзининг илмий-педагогик фаолияти давомида қўйидаги етук илмий асар, дарслер ва ўқув қўлланмаларини яратган.

1. Флора водорослей коллекторно-дренажной сети Голодной степи. Т., 1968. 22п.л.
2. Флора водорослей водоемов Узбекистана. Т., 1969. 10 п.л.
3. Споровые растения Средней Азии. Т., 1970. 9 п.л.
4. Альгофлора искусственных водоемов Средней Азии. Т., 1974. 16 п.л.
5. Закономерности развития и распределения водорослей в искусственных водоемах Средней Азии. Т., 1976. 20 п.л.
6. Протоковые водоросли Средней Азии. Т., 1977. 22 п.л.
7. Определитель протоковых водорослей Средней Азии. Т., 1979. 43 п.л.
8. Определитель синезеленых водорослей Средней Азии. Т., 1987, кн. 1, 26 п.л.
9. Определитель синезеленых водорослей Средней Азии. Т., 1988, кн. 2, 3, объем 51 п.л.
10. Ўзбекистон табиатидаги биологик ноёб ёдгорликлар. Т., 1994. 10 б.т.
11. Концепция непрерывного экологического образования и воспитания в условиях устойчивого развития. Сарнагаш. 1998. 10 п.л.
- Кейинги йилларда олим ўзининг шогирди Темур Эргашев билан ҳамкорликда экологияга оид қўйидаги дарслер ва ўқув қўлланмаларни яратганлар.
12. Гидроэкология. Т., 2002. дарслер 20 б.т.
13. Умумий экология. Т., 2003. дарслер 30 б.т.
14. Экология. Ўқув қўлланма. Т., 2003. 15 б.т.
15. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Т., 2004. 12 б.т.
16. Основы экологии. Т., 2004. 16 п.л, учебное пособие.

17. Экология, биосфера ва табиатни муҳофаза қилиш. Т., 2005. 28 б.т.
 18. Агроэкология. Т., 2006. 35 б.т., дарслик.
 19. Экология реки Сырдарьи и её санитарное состояние. Т., 2006. 19 п.л.
 20. Экологическая безопасность-среда жизни человека. Учебное пособие Т., 2007. 10 п.л.,.
 21. Дунёни ва унда ҳаёттинг пайдо бўлишининг экологик асослари. Т., 2008. 10 б.т., ўкув қўлланма.
 22. Основы экологии. Т., 2008. 23 п.л.
 23. Экология ва табиатни муҳофаза қилиш. Т., 2009. 17 б.т (ҳаммуаллифликда).
 24. Сувнинг инсон ҳаётидаги экологик моҳияти. Т., 2009. 18 б.т (ҳаммуаллифликда).
 25. Инсон экологияси. Т., 2009. 12 б.т.
- А.Э.Эргашев сабиқ давлатнинг бир неча мукофотлари билан тақдирланган. Кенг билимдон олим сифатида Аҳматқул Эргашев «Атроф-муҳит муҳофазасининг барқарор ривожланиши» концепцияси ни 1990,1991,1993 ва 1998 йиллари тузиб, Ўзбекистонда экологик таълим ва тарбияни боғча-мактабдан бошлаб узлуксиз олиб боришга асос солди.
- Професор А.Э.Эргашев «Альгология», «Гидроэкология», «Экология» ва «Табиатни муҳофаза қилиш» фанларининг ривожига катта ҳисса кўшган олимдир.
- Олимнинг шогирди Темур Эргашев 1966 йилда Тошкентда туғилган. Олий маълумотли, биоэколор, табиатни муҳофаза қилиш жонкуяри. Темур Эргашев кўп йиллардан бўён Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида бўлим бошлиғи лавозимида ишлаш билан бир қаторда республикамиз ёшларни экологик таълим ва тарбиясини ошириш ва ёшларни келажакда экологик билимдон бўлишиларини ният қилиб, экология ва табиатни муҳофаза қилишга оид олий ўкув юртлари талабалари учун ўкув дарсликлари, ўкув қўлланмалари ва илмий монографияларни нашрга тайёрлашда ва нашрдан чиқаришда жонбозлик кўрсатмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

- Абусеитова М.Х.и др. История Казахстана и Центральной Азии. Алма-Ата. 2001. С.612.
- Абдураҳмонов А. Саодатга элтувчи билим. Тошкент, 2004. 700 бет.
- Абдулла Аъзам. Фан ва дин: одамзоднинг пайдо бўлиши// Тафаккур. 2005. 20-39-бетлар.
- Адабишев И. И. Трагедия или гармония. М.,1973.
- Августа И., Турлан З. По путям развития жизни. Прага, 1959.
- Азизиддин Нафасий. Манбаъ ул-маориф. Тошкент: Камалак, 1995.
- Азизиддин Нафасий. Зубдат ул-хақойиқ. Тошкент: Камалак, 1995.
- Аликсеев В.И.Экология человека. М.,1975.
- Аминов Б., Расулов Т. Аждодларимиз нидоси. Тошкент: Адолат, 1993.
- Афанасьев Б.А., Фомин С. А. Мониторинг, методы контроля окружающей среды. М., 1998.
- Баландин Р. К., Бондарев Л. Г. Природа и цивилизация. М., 1988.
- Баттан Л. Дж. Загрязненное небо. М.,1967.
- Бибиков С.Н. Некоторые аспекты палеоэкономического моделирования палеолита//С.А. 1969. № 4.
- Будыко М. И. Климат и жизнь. Л., 1971.
- Будыко М.И. Изменения климата. Л., 1974.
- Будыко М.И. О термической зональности Земли// Метеорология и гидрология. 1961. № 11.
- Будыко М. И. О причинах вымирания некоторых животных в концептостоцене. // Изв. АН СССР. Сер геогр 1967, № 2.
- Бочкарев Г. В. “Экологический джин” урбанизации. М., 1988.
- Вендт Х. Человек-охотник и собиратель// Экологические очерки о природе и человеке. М.,1988. С. 426-439.
- Вронский В. А. Прикладная экология. Ростов-на-Дону, 1996. С. 510.
- Воронцов Н.Н., Сухоруева Л. Эволюция органического мира. М., 1991. С.220.
- Галазий Г. И. Байкал в вопросах и ответах. М.,1988.-285 с.
- Герасимов И. П. Природа и развитие первобытного общества. //Изв. АН СССР. Сер. геогр. 1970. № 1,
- Гиренок Ф. И. Экология, цивилизация, ноосфера.М., 1987.
- Дедю И. И. Экологический энциклопедический словарь. Кишинев, 1989.-410 с.
- Диоген Лаэртский. О жизни, учениях и изречениях знаменитых философов. М., 1979.
- Елинек Ян. Большой иллюстрированный атлас первобытного человека. Прага, 1985.-555.
- Фофуров А. Т. Эволюцион фояларнинг пайдо бўлиши. Умумий био-

логия. Тошкент, 1995. 204-208-бетлар.

Зайнутдинова Д. О системе управления ТБО и возможных путях ее совершенствования//Экол. безопасность и гражданская инициатива. 2006. N 8. С. 4-9.

Израэль Ю. А. Экология и контроль состояния природной среды. М., 1984-560 с.

Изменчивость климата Средней Азии. Тошкент, 1995.

Ильязов М. Пути оптимизации управления муниципальными отходами в Казахстане// Экол. безопасность и гражданская инициатива. 2006. № 8. 33-36 С.

Катасанов В. Великая держава или экологическая колония. М., 1991.

Комилова И.К.,Солиев А.Табият географияси,Тошкент, 2005.160 бет.

Клаузевиту В. Человек – во главе мира// Экологические очерки о человеке и природе. М., 1988. С.440-447.

Ларичев В. Поиски предков Адама. М., 1978.

Маматкулов Р. Как грамотно управлять отходами// Экол. безопасность и гражданская инициатива. 2006. № 8. С.18-23.

Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи. Тошкент, 1994.

Миланкович М. Математическая климатология и астрономическая теория колебания климата. М., 1939.

Нургисаев С. У. Социально-экономическая ситуация и водохозяйственная обстановка в низовьях Сырдарьи// Водные ресурсы Центральной Азии. Алматы, 2002. С. 69-72.

Ньюмен Арнельд. Легкие нашей планеты. М., 1989.

Оксенгендлер Г. И. Химические аварии и природа. 1992. N.2. С. 31-40.

Опарин А. И. Возникновение жизни на Земле. М., 1957–458 с.

Оценка воздействия промышленности на наземную растительность. Тошкент, 1994.

Оценка загрязнения природной среды Среднеазиатского региона. Тошкент, 1995.

Ревич Б. А. Здоровье городских жителей// Природа. 1993. N. 2. С. 24-29.

Рувинский А. О. Общая биология. М., 1993–544 с.

Пидопличко И. Г. Природная обстановка и фауна прошлого. Вып. 1. Киев, 1963.

Фоули Р.Еще один неповторимый вид. Экологические аспекты эволюции человека. М., 1990.

Харрисон Дж. Уайнер Дж. и др.Биология человека. М., 1968–440 с.

Хефлинг Г. Тревога в 2000 году. М., 1990.

Холдрен Дж.Энергетика на переходном этапе//В мир науки. 1990. № 11. С. 113-121.

Хорват Л. Кислотный дождь. М., 1990.

Яковлев А. В. Ядовитая природа. М., 1990.

Яковleva Н., Избакиев A. Разработка программы управления ТБО

- в Павлодарской обл. Респ. Казахстан// Экол. безопасность и гражданская инициатива. 2006. № 8. С. 24-30.
- Эргашев А. Умумий экология. Тошкент, 2003. 464-бет.
- Эргашев А. Э., Эргашев Т.А. Гидроэкология Учебник. Ташкент, Изд. Национального ун-та Узбекистана Ташкент, 2002. 311 с.
- Эргашев А. Э., Эргашев Т.А. Экология, биосфера ва табиатни муҳофаза қилиш. Ташкент, 2005. 533 бет.
- Эргашев А. Э., Эргашев Т.А. Агроэкология. Ташкент, 2006. 553 бет.
- Эргашев А. Э., Эргашев Т.А. Экология реки Сырдарья и ее санитарное состояние. Ташкент, 2006. 300 с.
- Эргашев А. Э., Эргашев Т.А. Экологическая безопасность среда жизни человека. Ташкент: Чинор, 2007. 160 с.
- Эргашев А. Э., Эргашев Т.А. Дунёни ва унда ҳаётни пайдо булиши. Тошкент: Чинор, 2008.
- Эргашев А. Э., Эргашев Т.А. Основы экологии, Ташкент: Чинор, 410 с.
- Эффель Жан. Роман о Адама и Евы. Братислава, 1962.
- Adler D. D. Keri. Is man a Subtle Accidenta. Newsweek, 3.XI, 1980, p. 95.
- Axelrox D. U. Quaternary extinstions of large mammals. — Univ. Of California. — Pub. Geole. Sci. Vol. 74. 1967.
- Axelod D. Y. Pail K. R. Cretaseons dinosaur extinstonion. Эволитон vol. 22, № 3, 1968.
- Butzer K. W. Environment and archeologu. Metnu. London, 1964.
- Butzer K. W. Archaeologu as Human Эkolgu. Casmridge. Iniversitu Press, 1982.
- Burdepki F. Phenomena after wolcanik eruptions. Weater. vol. 19, № 4, 1964.
- Kolbert E. N. Vwolution of the Wertebrates. John Willey and Sons. N. U. L. 1958.
- Kolli Sukkerman. Muths and Methods in anatomy. Journal of th Kolleje of surgeons Edinburgh, 1966, p. 90.
- Ensyklopedia Britanika, 1976, Macropedia, vol. 12. p 998.
- Dokins R. The Seifinsh Gene. 1976. pp. 4-215.
- Dokins R. The Neslessness of Darwinism, New Scientist, 15, w. 1982, p 130.
- Donald Sh. Ed. al. Lusy: The Bedinuings of Humankind, 1981, pp. 27-31-286.
- Dyer A. Y., Nickcs B.B. Stratospherik Transport of Volkaniк dust inferred from solar radiation measuremennts. "Nature", vol. 202, № 5000, 1965.
- Gennon R. How old is it? Popular sciense, 1979, p 81.
- Imbrie J. Imbrie K. R. Ise Ages: Solving the Mystery, London, Masmillan, 1979.

- Hant Morton. The Universe Within, 1982, p 44.
- Harris M. W. K. Arshacological evidense bearing on an understanding of asaptive Oehakiors of Late Pliocene hominids Berkele, Kalifornia, 1986.
- Hewman Arnold. The Trcpical Rain forestr: Earths First Endangered Habitat, London. 1987, pp. 300.
- Hill A. R. Early hominid from Baringo Venya, Nature, 315, 1985, 222-224.
- Hojl P., Sh. Binremasinhe. Evolution from Spase, 1981, pp. 111.
- Hoyell F. S. The homiriade. Evolution of Afrikan Mammals Cambridge Mass: Harvard Universitu Press. 1978, pp. 154-248.
- Hubel D. H. The Brain. Sctantifik Amerikan, 1979, p. 52.
- Human Evolusion; Smooth,or Gumpy?Saince, 81, 1981, p. 7.
- Gohanson D. C., White T. D. A systimatic accessment of early Afrikan hominids Sciense, 203, 1979, 321-330.
- The Last Two Milion Years The Readers Digest Association. 1974, p. 9-29.
- Finsher D. The Brain. Mystery of Matter and Mind, 1981, p. 37.
- Flowers E. S. Wiebrok H. J. Solar radiation – an anomalons decredse of direct Solar radiation, - Sciense, vol. 148, № 3669, 1965.
- Foley Robert. Another unique Species.Patterns in human evolutionary ekologu. N. G. London, 1987.
- Kavanagihn M. A Comolete guid to Mokeys, aper and other Primates. London: Jonatnan Care. 1984.
- King D. Ch. The biologu of Rase. 1971,p.135-151.
- Kurten B. Time and hominid brain size. Commentationes biological. № 36, Helsinki, 1971.
- Kurten B. Evolution in geologicaltime. In: "Ideals in modren biology", N. U. Natural Historu Press, 1965.
- Levin R. The read of Life: the Smithsonian Looks at Evolution Smithsonian Books, 1982.
- Le Gros Clark W. E. History of the Primates, London: Britis Myseim, 1949.
- Liki R.Skull 1470, National Geographic, VI, 1973, p. 819.
- Liki R., Levin R. Origins, 1977, p. 52-85.
- Lissner I.Man, God and Magik. 1961,p. 304.
- Passingham R. The Human Primate, San Fransisko, 1982.
- Pestak R. M. The Brain. The Last Frontier, 1979, p. 162.
- Rejholt R. Bone Traces Man Basc 5 million years. The New York Tims, 19 fevral, 1971, p. 1-10.
- Rider D. Missing Links. 1981, p. 209, 81, 226.
- Rightmire G. P. Homo sapiens in subsahardn Afrika. The Origins of Modern Humans, N. Y. Alan Liss, 1984, pp. 295-326.
- Roche H. Primiers outils tailles d Afrique, Sokiete d Ethnographie, Franse, 1980.

- Maggerig M. The ascent of Man, Esquire, 1974, p. 53.
- Manabe S., Wetherald R. T. Thermalequilibrium of the atmosphe with a given distribution of relative humidity – Lour. Atmosph. Soi. vol. 24. № 3, 1967.
- Martin P. S. Prehistoric overkile. Preistcene extinstion. Pros. III kongress int. Assos. Qudrt. Res. Yale Univ. Press. N. U. L. 1967.
- Martin P. S. The diskoveru of Amerika. "Sciense", vol. 179, 1973.
- Mitshell Y. M. Recent secular changes of global temperature Anv. N. Y. Akad. Sci, vol. 95 (1), 1961.
- Mur Rut. Man, time and Fossile, 1961, pp. 5-6, 316.
- Tompson I. R. Predislovie k The origin of species. 1956, p. VIII, XII.
- Tould S. D. The Mismedsure of Man. 1981, p. 324.
- Trinkaus E. Neanderthal postcrania and the Shift to modern Humans. International Series, № 164, Oxford: B. A. R. 1983, pp. 165-200.
- Sherbug Loshbern. Fithy Years of Sindies on Human Evolution. The Bulletin of the Atomik Scientist, 1962, pp. 37-46.
- Skiense News Letter. "list 2000 Language", 3. 1X. 1955, p. 148.
- Eralau F. S. Delson E. Evolutionaru Historu of the Primates. London: Akademik Press, 1979.
- Stringes S. Human evolution and biologikal adaptation in the pleistocene. London, akademik Press, 1984, pp. 55-84.
- Sukkerman S. Beyond the ivory Tower, 1970, p. 90.
- Uajt R. D. Thoughts of a Brain Surgeon. Readeris Digest, 1X. 1978, p. 99-100.
- Uebster B. Fosstrlis Bolster. A theoru op Mans Earlist Ankestor. The New York Times, 1, 1984. 1.p. 16.
- Xant'M. The Uniwerse Within, 1982, p. 45.
- Wallake A. R. Origin of human rakes and the antiquiti of man dedeced from natural selection. Anthrop. Rew. 2,1864.
- Wallace A. R. Gelogical climates and origin of species Quart. Pew, 1869.
- Wetherald R. T. Manabe S. The effect changing the solar constant op the climate of ageneral circilcation model. "Jour, Atm. Sci", vol. 32, № 11, 1975.
- Wolpoff M. N. Evolution in Homo erestus, the question of stasis, Paleobiologu, 10, 1984, 389-406.

МУНДАРИЖА

I Боб. Инсон тирикликтинг гултохи	4
II Боб. Мураккаб муаммони бошланишига кириш	11
III Боб. Инсон руҳий дунёсининг диний тафсилотлари	17
IV Боб. Тириклик ва инсонни пайдо бўлишига оид бошлангич фоялар	20
V БОБ. Инсоннинг пайдо бўлишига оид илмий фояларни ривожланиши	27
VI Боб. Гоминидларнинг келиб чиқиши	33
VII Боб. Одам қолдиқларини излаш тарихи	36
VIII Боб. Инсоннинг эволюциядаги ўрни, уни келиб чиқишидаги катта жарлик	41
IX Боб. Эволюция таълимотига ишониш сабаблари	49
X Боб. Инсон – табиатнинг ноёб жонзоди	52
XI Боб. Одамнинг яратилишида диний ва дунёвий фикрлар	64
XII Боб. Одамнинг пайдо бўлишини ҳақиқатга яқинлиги	69
XIII Боб. Қадимги овчи, терувчи, деҳқон-чорвадор инсонлар	80
XIV Боб. Инсон пайдо бўлиш давридаги иқлимининг палеоэкологияси	89
XV Боб. Одамзоднинг ерда пайдо бўлишидаги экологик мухитнинг ҳолати	97
XVI Боб. Инсон экологияси	100
XVII Боб. Инсонлар ҳаёт фаолиятидаги хўжалик шакллари	107
XVIII Боб. Инсонларнинг экологик озуқаси	112
XIX БОБ. Инсонларни ҳозирги озуқа моддалари	116
XX Боб. Инсон организмининг иқлимга мослашиши ва ҳарорат экологияси	119
XXI Боб. Инсон касалликларининг экологияси	125
XXII Боб. Инсон популяциясининг демографияси	128
XXIII Боб. Инсонларнинг ирқий бўлинишлари	133
XXIV Боб. Инсонга таъсир қилувчи ҳозирги замон экологик омиллари	141
XXV Боб. Инсон яаш мухитининг ифлосланиши, унинг экологик ҳолатига таъсири	147
XXVI Боб. Техноген омилларнинг инсон экологик ҳолатига таъсири	159
XXVII Боб. Инсонни табиатнинг экологик ҳолатига салбий таъсири	188
XXVIII Боб. Инсон яаш мухитини муҳофаза қилишнинг экологик ҳукуқий асослари	202
XXIX Боб. Эколог мутахассис кадрлар тайёрлашнинг чора-тадбирлари	210
Муаллифлар ҳақида маълумотлар	213
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	216

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

Аҳматқул ЭРГАШЕВ, Темур ЭРГАШЕВ

ИНСОН ЭКОЛОГИЯСИ

Муҳаррир: Ю.Парниева

Техник муҳаррир: Ф.Умурзоқов

Мусаҳҳих: М.Сайдова

Нашриёт рақами: з-134

Босишига 2009 йил 30 октябрда рухсат этилди.
Бичими: 60x84 1/₁₆. «Vitec Times Uz» гарнитурасида

оффсет босма усулида босилди.

14 шарт. б.т. 12,0 ҳисоб нашр. таб.

Адади 500 нусхада 95-сонли буюртма.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти:
100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-йй.

«Муҳаррир нашриёти» матбаа бўлимида чоп этилди.
Тошкент ш., Элбек кўчаси, 8-йй.